

**СОЙИМ ИСХОҚ**

**ҚАБРДАН  
ЧИҚҚАН ҚУЛ**

Тарихий-саргузашт роман

Биринчи китоб



«Зиё» нашриёти  
Гулистон — 2007

10 32915  
2

«Сиртдан тинч дарё», «Юлдуз кўкда сўнади», «Осмон устуни» каби ҳикоя ва қиссаларни ўз ичига олган китоблар муаллифи Сойим Исҳоқ (Сойим Иссоқов)нинг ушбу романида XIX асрда, Бухородаги мангитлар сулоласи вакили Насрulloхон замонида юз берган воқеалар ўз аксини топган ва икки оила муносабатлари орқали асар тояси очиб берилган ҳамда севги-муҳаббат, одамийлик, садоқат каби инсоний туйғулар улуғланиб. риёкорлик, мансабпастлик, ҳасад сингари иллатлар қораланган.

Романинг «Қабрдан чиқсан қул» деб номланган ушбу биринчи китоби Сиз азиз ўкувчиларда илиқ таассурот уйғотади, деган умиддамиз.

© Сойим Исҳоқ,  
«Зиё» нашриёти,  
2007 й.



## БИРИНЧИ БОБ

Милодий 184... Йилнинг кеч кузи.

Бухорода ҳали изғирин совуқлар бошланмаган эсада, қишинафаси сезилиб қолган. Дараҳтларнинг қизарган, сарғайған япроқлари салгина елда тупроқ йўлларга, ариқ ёқалари ва ҳовлиларга дув-дув тўкилади. Ёз қушлари кўчиб, ўрнини қарға-зоғлар эгаллаганига анча бўлди. Осмонга бот-бот қорамтирилар булатлар чиқиб, нимадир ёғадигандай бўлди, лекин ёғмайди. Гўё куз қишига ўрнини бергиси келмай, у билан жон талашаётганга ўхшарди.

Алҳол қиши енгди. Бир куни бомдодга яқин бўралаб қор ёғиб, ҳаммаёқни кўрпадай ўраб олди. Оппоқ момиқ қор дараҳтларнинг бутоқларига елимдай ёпишиб, шоҳларини ергача эгиб қўйди. Шўрлик чумчукларга қийин бўлди: дон қидириб, уйларнинг бўғотларида, ҳовлиларнинг қори куралган жойларида тинимсиз чирқиллашади, молхона эшикларининг тирқишиларидан, орқа деворлардаги бекитилмай қолган тешиклардан ўзларини ичкарига уради. Мушукнинг чангалига тушмаса, ичкаридан бирор егулик топишар.

Қор ёққани ҳамда одина куни бўлганидан бирор ҳунар ёки савдо-сотиқ билан шуғулланувчилардан бошқа ҳамма ишни тўхтатган. Лабиҳовуз масжидида ўқилган жума намозидан кейин зарур иши борлар турли томонларга тарқалиб кетишди. Масжид яқинидаги бозор тимлари фақат намоз пайтидагина бўшайди: муаззиннинг азони эшитилгач, сотувчи ва харидорлар молларини жой-жойида қолдириб, устига наматми, бўйрами тортадилар-у, шоша-пиша таҳоратини қилиб, масжидга шошиладилар. Намоздан сўнг, тимларнинг йўлакларида яна одам гавжумлашди.

Аср намози пайтида ҳам шу ҳол тақрорланади. Намозхонлар издиҳомида арқдан келган атёнларни одатдагидек миршаблар кўриқлаб кетишиди. Олдиндаги гўлабир, шопмўйлов ясовул ҳар замонда пишиқ хом чармдан эшилган узун қамчисини ҳавода шақиллатиб, бор овозда “пў-ўш-шт!” деб кўяди. Орта икки миршаб амалдорларнинг йўлини муҳофаза қилишади. Аслида, бундай даҳмазанинг кераги йўқ эди. Бу намозга амир, қушбеги ва девонбегилар келишмаган. Масжидда одам жума намозидагичалик кўп ҳам эмас. Шунга қарамай амалдорлик сарвати, ҳукуматдорлик қоидалари бузилмасин дейишган шекилли, муҳофизлар ўз юмушларини одатдагидек бадастир, кам-кўстсиз бажармоқда эдилар.

Амалдорлардан орқароқда башанг кийинган икки йигит келмоқда. Бири буғдойранг, калта кузалган мўйлови ўзига ярашган, истараси иссиққина, шериги бадқовоқроқ, чўзинчоқроқ юzlари оқ-сариққа мойил, мўйлови сарғиш. Ўзларини тутиши ва қимматбаҳо кийимларига қараб аслзодаларданлигини билса бўлади. Ёшлари нари борса йигирма иккилардадир.

Бозор тимларидан ўтганларида кўчани тўлдириб келаётган намозхонлар турли томонларга тарқалиб кетишиди. Йўл четидаги лойга қоришган қорни фичирлатиб босиб келаётган йигитларнинг ўзларигина қолишиди.

— Бугунча мутолаани бас қилиб қайтсоқми,—деди бадқовоқ йигит шеригини тўхтатиб. — Не дерсиз, ё аркка борамизми, Шунқорбек?

Шунқорбек бир зум ўйланди. Афтидан, мутолаани давом эттириш нияти бор. Аммо арк кутубхоначиси Алибек хаттот шомгача ўтирамикан? Баъзи мансабдорлар каби масъул лавозимда эмас у. Бугун кутубхонага келмаса ҳам бўларди. Атайлаб улар учун келган. Зарур ўй юмушлари бордир. Қайтиб боришса, дилига малоллик келтиришар.

Шунқорбек ноилож шеригининг фикрига қўшилди:

— Арк кутубхонасидан мудом фойдаланавериш насиб бўлурмикан, Абдубори, — деди афсус оҳангиди. — Румий ҳазратларининг рисолаларини зуд тугатмоқ

ниятинда эрдим. На илож, буни янағи жумаға қолдирмасақ бўлмайди чоғи.

— Валиаҳд ҳазратлариға айтиб, ўшал китобларни уйингизга олсанғиз бўлмасми? — сўради Абдубори Шунқорбекнинг чақнаб турган кўзларига тикилиб.— Музаффар ҳазратлари илтимосинғизни илтифотсиз қолдирмаслар. Бир оғиз шипшишсалар, Алибек хаттот истаган китобингизни муҳайё қилур.

— Алибек хаттотдин уйға китоб сўрамоқ жонини сўрамоқдай гап. Касб тақозосидурки, ушмундоқ қаттиғ турурлар. Валиаҳд ҳазратлариға йўқ деёлмасалар-да, кўнгиллари озор топур.

— Сиз ўқиётқон китобларни доруламорада биронни кўлға олмоқиға ишонмасмен. Оларни эъзозлаб ўқий-дурғон киши топилғонидин ул Хожай кутубхона қувонмоги лозим эмасми?

Бу гап Шунқорбекка ёқмади. Ўзи-ку, айрим тарих китобларини нари-бери титкилаб, уйқусираб ўтиргани бўлмаса, тайинли бир иш қилмайди. Қозизода Румийдай алломаи замоннинг рисолаларини менсимай тилга олиши ортиқча. Шунга қарамай ўзини босиб, ётиғи билан гапириди:

— Ундоқ деманг, Абдубори, бу китобларни қадрловчилар, элчилик, албатта топилур. Бироқ, алар биз киролған кутубхонаға киролмаслар. Биз, назаримда, динда кўп чуқурлашиб кетғонмиз. Аси саодатда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам барча илмларни ўрганишға даъват этган эрканлар. Биз-да диний илмлар қатори дунёвий илмларни ўргансак, асло ютқазмас эрдик.

— Маъзур тутиңг, — Абдубори ўнгайсизланиб ён берди. — Кўпдин ҳисоб ва ҳандаса ўрганмоқقا жаҳд қилғонингизни билурмен. Бул илмларга ақлим етмағонидан патос<sup>1</sup> сўзлабмен. Дилем тарих ўрганмоқقا мойилдур. Эҳтимол, шул сабабдин сизни ранжитқондурмен.

<sup>1</sup> Патос — ноўрин, аҳмоқона.

- Тарих ўрганмак-да кўп савоблик юмуштудур. Қанийди, ростни ўтириклардин<sup>1</sup> тозалаб, бир тарих китобат қилсанғиз.
- Бунға қиблагоҳим изн бермаслар. Мени давлат ишлариға қатуштуриб, даражама-даражада ўсмоқимни кўриш орзусидалар.
- Бунға-да ўқув, билим лозим бўлур.
- Доғи мустаҳкам таянч бўлса.
- Сизда таянч бор — қиблагоҳингиз Иноқ ҳазратла-рининг доруссалтанадаги мавқеидин бехабармусиз? Яна Раҳмонберди Ниёз жаноблари борлар.
- Олар бирикиб-да Валиаҳд жаноби олий босғон тошни босолмаслар.

Шунқорбек Абдуборига ҳайратланиб қаради. Болаликдан бирга ўсганликдан феълида озроқ ичиқоралик борлигини билади. Лекин бунчаликка борар деб сира ўйламовди. Нима демоқчи? Валиаҳд сенга илтифот қиласди, менга бефарқ демоқчими? Музаффар тахт вориси бўлгани билан тахтга ўтирганича йўқ. Ҳали-бери ўтиrolмаса ҳам керак. Амир Насрулло тахтни бўшатгунига қадар нима гапу нима сўз — буни худо билади. Шундай экан, амирзоданинг илтифотига элбурутдан кўз тикмоқ чикора...

Бир ҳисобда Абдуборининг ўксинишидаги жон бордек: у ўз келажагига анчайин ишончсизлик билан қараётгандир. Амир Насрулло шафқат нималигини билмайди. Тахтга ўтирган пайтларидағи ваҳшийликларини эши-тишган, кейингиларини ўzlари билишади.

У хитой-қипчоқлар ва чериклари ёрдамида икки акаси — Мирхусайн ҳамда Умархонларнинг ўликларини босиб ўтиб, Бухоро тахтини эгаллади. Каттасини заҳарлашди, кейингисини тахтдан мосуво қилиб, мамлакатдан қувлашди. Кейинчалик яширин қотил ёрдамида Қўқонда ўлдириб юборишди. Бир ишқал чиқариб юрмасин, деган ҳадикда қолган учта вояга етмаган укасини қопга солиб, Амударёга чўқтирирди. Ўзи

---

<sup>1</sup> Ўтирик — ёлғон.

қолиб, кичик акаси Умарни таҳтга чиқарғанلىклари учун Бухоро зодагонлари ва найман аслзодаларидан шафқатсиз ўч олди: деярли ҳаммасини ҳибсга олдириб, бир ой давомида кунига эллик-юзтасини жаллод қўлига топшириб турди, миноралардан иргиттирди, отларга судратиб ўлдиртирди. Мол-давлати ва ерларини мусодара қилиб, уй-жойлари ва оиласини черикларига талатди. Бу бедодликлардан камдан-кам одамларгина Шаҳрисабз беклигига қочиб кутулди. Китоб ва Шаҳрисабз, Кенагас беклари Мангитларнинг ўзаро қирғини ҳамда Бухородаги бошбошдоқликлардан фойдаланиб, ўша даврдаёқ амирга бўйсунмай қўйишганди. Орадан неча йиллар ўтди, амир Шаҳрисабз устига неча бор қўшин тортиб борди, аммо ҳануз уларни бўйсундиролмади.

Бу қирғинларда раис Раҳмонберди Ниёз, Ҳаким Күшбеги, Аёзбий Исматуллабек каби амалдорлар фаол қатнашиб, Насруллога катта хизматлар қилди. Раҳмонберди Ниёз амирнинг эътиборини қозонганидан фойдаланиб, айрим яқинларини йирик мансабларга жойлаштиrolди. Абдуборининг отаси Изиддин иноқ шулардан бири. Мазкур воқеалар аллақачон ўтмишга айланган. Ҳалқ орасида “қассоб” лақабини олган Насрулло кимнингдир ёрдамини хотирасида узоқ сақладиганлар сирасидан эмас. У ўн етти-ўн саккиз йил илгаригидек шубҳа-гумон ва қисман иккиланишлар орасида баъзан довдираб қоладиган тажрибаси камроқ амирзода эмас. Энди чекланмаган ҳокимиятни сиқимиға олган ва ўзига тўла ишонган мустабид. Истаган пайтида истаган одамини ғазабига олиб қолади. Ҳаким Күшбеги ва Аёзбий Исматуллабекни арзимаган баҳона билан жаллод қўлига топшириб юборди. Абдубори, эҳтимол, шундан чў chir. Ўзича отаси ва раис Раҳмонбердининг ҳомийлигидан кўра Музаффарнинг ҳомийлигини маъқул кўтарар. Ҳар ҳолда у амирзода, отаси бир гапига қулоқ солмаса, иккинчисини эшитади деган думбул фикрдадир...

Шунқорбек бирор мансаб эгаллашни ҳеч ўйламабди. Отаси Абдуқаюм тўқсоба ҳам уни лавозим эгаси бўлишга

ундамаган. Эҳтимол, ёлғиз фарзандининг амалдор бўлиб доимий хавфда яшашини истамас. Бирор мадрасада мударрислик қилиб тинчгина яшашини маъқул кўрар. Ўзининг ҳам орзуси шу. Музafferнинг эътиборини тортишга сира уринмади. Ўтган йили уйларида уюштирилган бир базмга у отаси билан бирга келиб, Шунқорбек билан танишиб қолди. Шу-шу тез-тез йўқлашадиган бўлди. Учрашганларида ўзини тенг тутиб, ҳолаҳвон, ўқишларининг боришини суриширади. Тарихий воқеалар, айниқса, Амир Темур жангномаларига қизиқади. Саволларига билганича, лекин лоф аралаштирмай, айрим жангларнинг ўзига хос томонларини алоҳида ажратиб жавоб беради. Музafferга шу одати ёққандир. Амир дарборида тарихий воқеаларни лоф аралаштирмай ҳикоя қилоладиган бирор қиссанавоннинг ўзи йўқ. Баъзилари лоф-қоф, муболагани шунчалик қалаштиришади, ҳатто тарихнавис ёки қиссанависнинг ўзидан ҳам ўтказиб юборишади. Буни амир ҳам, бошқалар ҳам табиий ҳол деб билишади, кулоқлари шунга ўрганган.

Шунқорбек яна бир нарсани пайқади: валиаҳд қачон бўлмасин, отасининг таҳтини эгаллашдан умидвор. Аммо буни бирор сезолмайдиган даражада дилининг туб-тубига “кўмиб” юборган. Отаси билан муносабатда эҳтиёткорликни бир лаҳза ҳам унутмайди: аркдами, бошқа жойдами учрашиб қолишса, эл қатори етти букилиб таъзимда туради, бошқалар қатори кўнглини овлашга, дилидагини айтмасидан топишга интилади. Ҳар қандай масалада, ҳатто энг қабиҳ жиноятни амалга оширмоқчи бўлса ҳам уни қўллаб-қувватлайди. Буни Шунқорбек кўп кўрди. Валиаҳднинг жангномаларга қизиқиши шу умидворлик натижаси бўлса керак деб ўйлайди. Туркистон тарихи – айниқса, кейинги тўрт юз-беш юз Йиллик тарихи – ўзаро қирғинлар тарихи ҳамдир. Музaffer отасининг таҳтини эгалласа, шубҳасиз шу йўлдан кетади...

Абдуборининг гапи зерини кундошидан қизғанаётган аёлнинг гапидек илмоқли туюлган эса-да, Шунқорбек

мийигида кулиб кўйди. “Нимани кунлайди<sup>1</sup> у, — ўйлади кўнглида. — Амирзода йўқлатадурки, борурмен. Бормасликқа илож йўқ. Лекин бирор нарса тамаида бўлмағаймен. Ўзимча они сўроқлаб-да бормасмен”. Шунда хаёлига бир фикр келиб шеригига қаради: айтсами, айтмаса. Айтса валиаҳд олдиде эътибор қозонишга ва шу йўл билан ўзидан олдинга ўтишга интилади. Интилса — садқаи сар, алҳол айтди:

— Абдубори, сиз сониян “тарихни хушлайдурмен” дедингиз. Валиаҳд ҳазратлари-да тарихқа қизикурлар. Айниқса, жангномаларни бисёр ҳавасда тинглайдурлар. Зора шул йўл била зоти олийни дилиға йўл тополсанғиз.

— Мени ким ул зоти олийға дучор қилур?

— Мен.

Абдуборининг бирдан юzlари ёриши.

— Лафзингиз чиндакиму?

— Не наф топқайменки, сизға ўтирик сўзлағаймен. Тадорик кўринг, валиаҳд ҳазратлари тағин йўқлатсалар бирикиб борумиз.

— Бале! Сизға жўра тутуниб хато қилмогонмен...

Улар амир ҳазинасига тегишли арк кутубхонасига қайта боришдан воз кечиб, карvonсарой сайисхонасида қолдирилган отлари томон кетишиди.

Одина кунлари мадрасаларда ҳам сабоқлар тўхтатилиди. Жума намоздан бошқа пайтларда талабалар ўзиши билан машғул бўлади. Шунқорбек бу кундан имкон қадар унумли фойдаланишга интилади. Фақат шу кунигина аниқ фанлар билан жиддий шуғулланади. Бошқа пайтларда мадраса сабоқларидан бўшамайди.

Китобшурулардан топилиши мумкин бўлган китобларни Шаҳобиддин Каттақўрғоний ёрдамида мактабдалигидаёқ ўзлаштириб олган. Бу домла шогирдларига ўқиш, ёзиш ва диний таълимдан дастлабки билимларни беришдан ташқари. ҳисоб, ҳандаса, тарих, жуғрофиядан ҳам дастлабки билимларни ўргатишга ҳаракат қиласарди. Шу сабабли деҳинавлик бойлар ва

<sup>1</sup> Кунламоқ — кўролмаслик, ҳасад.

амалдорлар фарзандларини шу домланинг қўлига топширадилар. Абдуқаюм тўқсобабининг илтимосига кўра, Шаҳобиддин домла ҳар жумада бомдоддан кейин уйларига келиб, Шунқорбекка пешингача қўшимча сабоқ бериб кетарди. Шу туфайли жумада аниқ фанлар билан шуғулланиш унга одат бўлиб қолганди. Мадрасада таҳсил ола бошласа ҳам бу одатини тарк этмади. Ёзда отаси амир ҳузурига арз билан кириб, арк кутубхонасидан фойдаланиш имкониятини олиб берди. Ундаги қизиқиш, иқтидор Алибек хаттотта ҳам ёқиб қолди: сўраган (ҳатто сўрамаган) китобларини ужумадан-бу жумагача топиб, бир четга тахлаб қўярди.

Шунқорбекнинг ўқишдаги ютуқлари Изиддин иноқнинг қулоғига етиб, ўз ўғлига нисбатан газабини қўзитарди – ундан “ошиб” тушишни Абдуборидан талаб қиласарди. Тубда бўлмаса туртган билан ақл кўпайиб қолармиди – у барибир Шунқорбекка етолмади. Бу ўқишдан ҳафсаласини тобора совугди. Ўқимаслигининг яна иложи йўқ – отасидан қўрқади. Ноиложликдан Шунқорбекнинг шатагига айланганини ўзи пайқамади. Унинг Абдуборига беминнат ёрдам бергиси келади, аммо фойдаси бўлмасди. Кутубхонада эснаб, мудраб ўтирганини кўриб ғаши келади. Шундай кезларда койиб ташлашга чоғланади-ю, ўзини тияди. Дилинги оғритиб қўяманми, деб ўйлади...

Йўлга тушганларида қуёш гарб уфқига яқинлашиб қолганди. Шомгача уйларига етиш учун отларини илдамлатишарди. Учинчи кўча муюлишида Абдубори Шунқорбекнинг сал наридаги Сирожиддин парвоначининг данғиллама ҳовлисига хаёлчан тикилаётганини пайқади. Уни синамоқ ниятида сўради:

– Уйланмоқни нечук пайсалға солурсиз, Шунқорбек, навжувонлиқнфиз ўтиб бородур? Эртароқ уйлансанғиз бўлмасми?

Савол валинеъматлари талабига ҳамоҳанг бўлганиданми, Шунқорбек кулимсиради, лекин ҳамсухбатига кескинроқ савол билан жавоб беришдан ўзини тиёлмади:

— Эрта уйланиб сиз не наф топдунғизки, каминани шунға ундарсиз?

— Эрта уйланиб дунёning ўзим билиб-билмағон фароғатларидин тотиндим, эки жүжүққа ота бўлдим. Ана — мен топғон наф.

— Жүжүқларға ота бўлмоқ хайрлик, масъулиятлик ишдур. Эрта уйланмоқ ила фароғат топдим демоқ унчалик тўғри бўлмас. Фароғат — мақсадға эришмоқ била ҳосил бўлмасми? Эзгуликни кечи бўлмас, бирорлар мақсуди ҳосил бўлғоч, ўттуз-қирққа кириб ҳам уйланурлар.

— Ўттуз-қирқда уйланур каслар жулдур либосларидин ўзга нимарсаси йўқ кимсалардур. Эзгулик эртароқ бўлғони беҳроқ эрмасми?

— Ҳар яхшида бир ёмон бўлур.

— Яъни?

— Яъни, сиз уйланғоч, сабоқларда бисёр оқсадин-ғиз, хаёлинғиз ҳар томонға чочулди... Ана, сиз топқон фароғатни товони. Тағин ҳам Иноқ ҳазратлари рўзғор ташвишларин гардонингизға юкламағонлар. Шундоқ эрса, ҳолингиз бундин-да забунлашур эрди. Тўғри гапни тўқмоғи бўлур, мендин ранжиманг.

Абдубори уйланиб қолди. Одатда айёrona боқувчи кўзларида қандайдир маҳзунлик аломати кўринди. Нафси замрини айтганда, у Шаҳобиддин домланинг мактабида ёмон ўқимовди. Шунқорбекка етолмасди-ю, лекин жуда орқада ҳам қолиб кетмасди. Дастребки тўрт-беш йилда мадрасада ҳам дуруст ўқиди. Кейин айниди. Нима бўлувди ўзи: Шунқорбекка етолмаслигини англағач, ўқишдан ҳафсаласи совидими ё уйланиб, бола-чақага ўралашиб қолгани сабаб бўлдими? Шунқорбек тўғри айтади — у фароғат деб уйлаган нарса шунчаки ҳиссий ва ҳирсий жунбушдан бошқа нарса эмас. Аслида у фароғат нималигини билмас экан!

Вақт ўтгани сари феълу аъмолида қандайдир ўзгаришлар юз берайтганини ўзи сезади. Бироқ қандай

Ўзгариш – буни аниқ билмасди. Билтани шуки, йил сайин дилида Шунқорбекка нисбатан ҳасад кучайиб борди. Қанчалик синчковлик құлмасин, унда ўзига нисбатан ғараз ёки ёмон ният борлигини аниклоулмади. Аксинча құлидан келган құмагини аямайды. Бу ҳам негадир ғашига тегади: барча күргуликлариға гүё Шунқорбек айбдордай.

Абдубори у бирор қызни ёқтирадими-йўқми – шуни аниқламоқчи эди. Отасининг фикрича, Абдуқаюм түқсона уларни ёқтиrmайды. Бунга сабаб қилиб қизига оғиз солмаётганини күрсатади. Абдубори эса Шунқорбекнинг мадрасаны тутатмай уйланмаслигини билади.

Кутилмаганды суҳбат мавзуи ўзгарди. Энди уни қайтадан ўзи истаган ўзанга туширмоқчи бўлди:

– Бирор танлағонингиз бордур, ахир. Ким эркан ул, билсак бўлурми?

– Ҳозиринча бир нарса деб бўлмас, подадан олдин чанг чиқармоқ нечун?

– Ҳар нечук...

– Мен ҳануз бирор ожизаға назар солғон эрмасмен. Бунғо вақтим-да, имконим-да бўлмағон. Умид улдурки, ҳар нечук, битиги кўшулғон бириси бордур.

Шунқорбекнинг муомаласи қанчалик самимий бўлмасин, уйланиш масаласида ўзи кутган жавобни ололмаганидан Абдубори озроқ хафа бўлди. “Олар бизни назарға илмаслар”, дерди отаси. У ҳақмикан?..

Бу фикрини шу ҳолида қолдириб, Шунқорбекдан келгуси режаларини сўради:

– Таҳсилингиз поёниға етди чоги?

– Яна бир неча ойдин сўғун поёниға етур. Ҳарқалай оз қолди.

– Сўғун не юмуш била машғул бўлурсиз, ё амиралмўминин хизматига ўтурмисиз?

– Мадрасалардин бириға ўтуб, толибларға сабоқ берсам дермен. Ниятим – шул.

– Ниятлари муборак бўлғай! Хўп савоблик юмушға бел боғласбиз. Толибларға ўзунғиздағи дунёвий билимларни-да ўқутсанғиз нур устиға нур бўлғай. Аксар

мударрисларимизда бул соҳада билим йўқ. Мактабдор домламиш Шаҳобиддин ҳазрат Бухорода якторурлар.

Абдубори бу гапларни чин дилдан айтди. Шунқорбекнинг оддий мударрисликни танлагани уни қувонтирди. Истаса, бир шаҳар ё туманга қози, раис ёки муфти бўлиши мумкин. Мадраса маъмурияти унга шундай тавсияномани иркилмай беради. Унда Абдуборининг бошига “қора кун”лар туғарди – отаси кўзини очирмай қўярди. Мударрислик паст ишлардан эмас-у, катта бойлик ва мартаба ҳам бермайди кишига.

Шунқорбек унинг юзига қарамади. Овозидаги ўзгаришларга ҳам эътибор бермай ўз ташвишларини сўзлай бошлади:

– Дунёвий илмлар Шаҳобиддин домламиш мактабда ўргатғонларидин ҳамин қалар кенг ва теранроқдур. Мен мутолаа қылғон айрим рисолаларни домламиш ўқумоғондурлар ҳам. Мадрасада олардин том сабоқ бермоқ имкони бўлмас. Билиб қолсалар, аввало Раҳмонберди Ниёз жаноблари favғо кўтарурлар. Муфтийлар муртадға чиқариб, устимдин фатво битурлар ва муҳри баҳайбатлари била далиллаб, қозикалонға оширурлар. Қолғони ўзингизға аён...

Масаланинг бундай чатоқликлари борлигини Абдубори умуман ўйламаган эди. Мир Арабда ўн йилдан ортиқ таҳсил кўриб, бирор соат на ҳисоб, на ҳандаса ва на бошқа илмлардан сабоқ олишди. Хайриятки, озроқ тарих ўқитишиди. У ҳам асосан дин билан боғлиқ тарих. Шунинг учун ҳам Шунқорбекнинг фикрига қўшилган ҳолда унга тасалли бермоқчи бўлди:

– Ҳаққи рост сўзладингиз. Бироқ, раис жанобларидин хавфсирамасанғиз-да бўлур. Ул жонибдин келадурғон хавфни бартараф этмак имкони бор. Билурсиз, ул зот бизға хеш бўлур.

– Хавф раис жанобларини ўзларидингина бўлса кошкийди. Мени ҳимоятлариға олсалар, ул зотнинг ўзларига-да чопқун ясамоқча тайёр ғаддорлар топилур.

Бундай асосли фикрга қарши Абдубори бирор гап айттолмади.

## ИККИНЧИ БОБ

Кечки тамаддидан кейин Улуғойим бир янгиликни айтиб қолди:

— Эшитғондурсиз, бегим, Парвоначи бўлангизни қизига усама-дусама<sup>1</sup> совчилар келур эрмиш.

Абдуқаюм тўқсобанинг буғдой ранг, чўзиқроқ юзларида бирор ўзгариш рўй бермаса-да, тиниқ, кўй кўзларида қизиқсиниш аломати сезилди.

— Хўш?—сўради у.

— Қайси манглайи ярқирағонға насиб қилур эркан ул хурлиқо?

Улуғойимнинг оқиши, тиниқ юзлари ва қора кўзларида аксланган армон ва қизғаниш ифодасини кўриб, Абдуқаюм тўқсоба ҳайратланди, аммо зинҳор сездирмади.

— Сенга нима, — деди оқ оралай бошлаган соқолини бармоқлари билан лоқайд тароқлаб. — Бунинг тагивишин Парвоначи ҳазратлари била Гулойим тортурлар.

— Менға ботқони шулким... Гарчанд ҳазилдур, Парвоначи ҳазратлари ўғлунғизға ваъда қилиб эрдиларки...

Улуғойим ногоҳ Шунқорбекка ўтирилди. Отасининг хузурида бу гапнинг давомини эшитишдан тортиниб, у секингина ўрнидан турди ва ўз хонасига чиқиб кетди. Бундай “қалтис” масалаларни онаси билан тортинмай гаплашади, аммо отасининг олдида уялади. Буни Улуғойим билади. Шу сабабдан ўғлининг ортидан маъюс кулимсираб қараб қолди, ўтири демади.

Абдуқаюм тўқсобанинг оиласи Бухородаги ихчам оиласалардан. Тўнғич болалари — икки ўғил, бир қиз пешаналарига сиғмади: олди беш-олтига тўлганида бирин-кетин қизамиқдан вафот этишди. Эндинга “бозор”га айланиб келаётган уйлари хувиллаб қолди. Болаларининг куюги Улуғойимни ҳам “етаклаб” кетаёзди. Унга эрмак бўлар, деган умидда Абдуқаюм тўқсоба Бухоронинг қул бозоридан етти ёшлардаги Бахшулла исмли бир болани сотиб олиб, қулликдан озод қилди.

<sup>1</sup> У с а м а - д у с а м а — тез-тез, уст-устига.

Ювинтириб-кiiйинтиргач, у күркамгина, қулагиғина дастёрға айланди. Тездаёқ Улуғойимнинг меҳрини қозонгач, яхши ниятлар билан фарзандликка олишди. Ҳеч бўлмаса хат-саводини чиқарсин, деган мақсадда мактабга бериб ўқитиши. Орадан бир ярим йилча ўтга, Шунқорбек туғилди-ю, эр-хотиннинг Бахшуллата ихлоси яна ҳам ошиб кетди. У ҳам тўқсобани ота, Улуғойимни эна деб ўси, Шунқорбекнинг чинакам жонкуяри бўлди.

Бахшулла вояга етгач, Норой исмли бир етим қизни олиб бериб, ён қўшни қилиб қўйиши. Истаса, Абдуқаом тўқсона Бухородаги ҳар қандай манаман деган бой ёки амалдорнинг қизига уйлантириши мумкин эди. Охирини ўйлади – бундай хонадондан чиқсан қиз қачондир қул бўлганлигини юзига солиб, уни ўкситиши мумкин. Эрининг бу фикрини Улуғойим қувватлади. Ким бўлишидан қатъи назар, тутинган ўғилларини қул деб камситишларига на тўқсона тоқат қиласди ва на Улуғойим. Улар Бахшуллани ҳеч қачон Шунқорбекдан кам кўришмаганди.

Бахшулланинг биринчи боласи туғилгач, тўқсона ҳовлисининг бир четидан томорқа ажратиб, данғиллама уй қуриб берди. Керакли кўр-қут билан қозон-товоғини ажратиб қўйди. Биринчи куни овқат маҳали тоқат қилолмай, Шунқорбек уларникига борди. Анчагача гурунг қилиб, биргалиқда овқатланиши. Мустақил яшашга тезроқ қўйнисин дебми, иккинчи куни тўқсона ўелини мажбуrlаб уйида олиб қолди. Бир маҳал пишган овқатини қозони билан кўтариб олдинда Бахшулла, боласини опичлаб ортидан Норой етиб келишиди.

– Бул не қилғонингиз, ота, – деди Бахшулла ўпкалаб. – Ҳеч бўлмаса Шунқоржон бормаса томоғимиздан таом ўтарми?!

Тўқсона кулиб қўяқолди. Улуғойим неварасини бағрига олгач, Норой қайтадан дастурхон ёзди. Афтидан, бу уйдагиларнинг ҳам еган-ичганлари татимаган, одатдагидай гурунг, чақ-чақ билан, “пешаналари терлаб” овқатланиши. Шу-шу, қозон-товоқлари қайтадан бирикиб кетди.

Хатми кутубнинг тугашига яқинлашгани сари Шунқорбекнинг бош қашишга ҳам вақти кам қолаётганини сезган Абдуқаюм тўқсоба бир куни Бахшуллани четга тортиб насиҳат қилди:

— Энди укагинанға ўров бўлма, болам, они вақти тиғизлашғонин пайқамасмусен. Кўнглинға оғир олмағил, у била қанчалиқ оз сўзлашсанг, инингға шунчалик кўмак бўлур — сабоқдин чалғимас. Сен рўзғор таъминоти била даромаду буромадлар ҳисобин кўлунға ол. Бугундин бошлаб рўзғорбоши ўзунг бўл. Ҳеч бўлмаса бир маҳал — кечки таомни уйларингда қилинглар. Бора-бора бунга кўнишиб-да қолурсизлар...

Одатда Шунқорбек уйида ҳам бекор ўтирасди: ётар пайтигача китоб ўқир, айрим жойларини кўчириб ёзарди. Ўша куни Куръони Карим тафсирига оид китобни кўлига олди. Эҳтимол умрида биринчи мартадир, уни ўқигиси келмай, кафтини шундоққина китоб устига кўйиб, хаёлга толди...

Сирожиддин парвоначининг оиласи билан бордикелдилари аввалдан яхши: онаси уларнига борадиган бўлса, кўпинча Шунқорбекни ўзи билан олиб кетарди. Улугойим билан Гулойимнинг гурунглари баъзан шундай чўзилар, шундай қизирдики, бешикдаги Ҳулкар уйғониб, йиглай бошласа ҳам гапларини бўлиб, унга қарай дейишмасди. Шундай пайтларда уни Шунқорбек тебратиб ўтиради. Ечиб олишса, канизакларга ҳам бермай ўзи кўтариб овутарди. Кейинчалик етаклаб юрадиган бўлди. Кўпинча сарҳовуздаги чорпояда ўйнатиб ўтиради.

Сирожиддин парвоначининг уйи олдида икки танобдан мўлроқ ери бор: ярмидан озроғи равзамонанд мевазор боғ, этак томондан кўпроғи бедазор. Боғнинг уйга яқинроқ жойидаги чорси ҳовузни сарҳовуз дейишади. Ўртасига ўн-ўн икки одам бемалол ўтиrsa бўладиган чорпоя ўрнатилган. Чорпоянинг усти шийпонга ўхшатиб, тахта билан бекитилган. Офтоб тушадиган томонларига чиройли гулдор пардалар тутилган. Нокерак пайтларда икки

томонга суреб ёки олиб кўйилса ҳам бўлади. Сувдаги поялар чиримаслиги учун ёғ шимдирилиб мумланган. Бошқа ёғочларига ҳам маҳсус ишлов берилганидан офтобда ялтираб туради. Чорпояга икки одам бемалол юриб ўтса бўладиган панжара тўсиқли йўлак-кўприк курилган. Тўрт бурчига мажнунтол, сал нарироғига бир қулочдан мўлроқ кенгликда айлантириб турли-туман гуллар экилган.

Бедазордан этакроқда яна бир ҳовуз бўлиб, уни кичкина ҳовуз дейишарди. Эсида, бир куни Ҳулкарни этаклаб шу ҳовуз бўйига борди. Унга капалак тутиб бермоқчи бўлиб, узоқлаброқ кетибди. Бир маҳал қизалоқнинг бўғилиб чинқирганини эшилди. Жон ҳалпида ортига югурди. Қизнинг гоҳ юзага чиқиб-гоҳ ботиб типирчилаеттанини кўргач, ўйлаб ўтирумай ўзини сувга ташлади. Хайриятки, ҳовуз унчалик чукур эмас экан – суви томоғидан келди. Ҳулкарни авайлаб кўтариб, қирғоқча кўйди-да, ўзи ҳам сувдан чиқди. Жиққа хўл ҳолида қизни кўтариб, уйларига олиб келди.

Оналари қўрқиб кетишиди. Шошганидан Ҳулкарни силкилаб Гулойим, Шунқорбекни Улуғойим устмавуст саволга тутишар, улар тайинли жавоб айтишолмасди. Қиз ҳиқиллар, ўхчир, Шунқорбек эса қўрқувдан дирдир титрарди. Кийимларини алмаштириб, сал ўзларига келтириб олганларида қаёқдандир Парвоначининг ўзи келиб қолди. Ҳар иккисини синчиклаб назардан ўтказгач, ваҳимали ҳеч нарса йўқлигига амин бўлди.

– Фалокат-да, – деди хотиржам товушда ва Шунқорбекдан сўради: – Қайси ҳовузга шумғидиларинг?

- Этакдағиға.
- Молтишни билурмисен?
- Йўқ.
- Унда чукур ҳовузга қандоқ шумғидунг?
- Билмасмен. Ҳулкар ботиб кетмаса деб қўрқдим.
- Бале, ажойиб ўғулсен! Молтишни билмасанг-да чукур сувдин қўрқмай шумғибсен ва қизимни жонини асрабсен, – деди у ва ҳазил оҳангига қўшиб кўйди. – Насиб этса, шул қизимни сенға берурмен. Олурмисен?

Шунқорбек уялганидан қизариб-бўзарib, ерга қараб тураверди. Оналари кулишди. “Нима деркин?” деб қизиқдими, Парвоначи қизидан сўради:

— Сен-чи, эна қизим, оғайніға тегурмисен?

Ҳулкар ҳали бундай сўзларнинг маъносига тушунолмасди. Эрнинг нималигини биладиган ёшга етмаганди. Шунинг учун дангалига:

— Тегурмен! — деди.

Бу гап атрофдагиларни баттар кулдириди. Улуғойим кулгидан ўзини зўрға тийиб:

— Айтқонингни фаришталар овминиға олғон бўлсин, Ҳулкар бону!— деди.

Шу воқеадан кейин бу хонадондагилар Шунқорбекка ҳазиллашиб “домод” дейдиган бўлишди. Борган кезларида Ҳулкарнинг катта акаси рўпара келиб қолса, бошқаларга хабар бериш учун баланд овозда “домод омад!” дерди ҳам тожикчалаб, ҳам қофиялаштириб...

Улуғойим кўп йиллар илгари бўлиб ўтган шу “ваъда”ни эслаган эди. Бу воқеа Шунқорбекнинг ҳам ёдида. Бу ҳодисани Парвоначи ҳам, бошқалар ҳам, ҳатто Ҳулкар бонунинг ўзи ҳам унтиб юборишгандир. Кейинчалик ҳам уларникига борса ё улар келишса, Ҳулкарни етаклаб ҳовлида, боғларда ўйнатиб юрди. Баъзи-баъзида унга беихтиёр тикилиб қоларди. Қизалоқнинг кенггина манглайи, оралари салгина очиқ қора қошлари, айрича чақнаб турадиган йирик-йирик қора кўzlари, тугмачадек нозик бурни ва ғунчадек нафис лаблари, оқмагиз кулча юзларида ўзгача бир гўзаллик барқ уриб турардики, бу Шунқорбекни ҳайратга солиб, тобора меҳрини тортарди. Аммо бу ҳайрат, бу меҳр аканинг сингилга бўлган туйғуларидан бошқа нарса эмас эди.

Етаклашиб, ўйнаб юришлар Ҳулкар тўққиз ёшга киргунича давом этди. Кейин ўйинлар тугади, бир йил-ярим йил, қулай келса, сарҳовуздаги чорпоядами, уйларидами озроқ сухбатлашиб туришди. Йиллар ўтгани сари қизнинг бўйи чўзилиб, Шунқорбекдан ўзини тортиб қолди: ҳаё, ибо туйғулари истакларни жиловлай бошлади. Энди рўпара келишса, ҳар иккаласи қизариб,

бир-бирларига сенгил таъзим қилишар, қисқа ҳол-ақвол сүрашар, шу билан иккаласи икки томонга ажраб кетишарди. Секин-секин “домод” деб ҳазиллашишлар ҳам унугилди...

Хулкарға совчилар ёғилаётганини эшитиб, Шунқорбек нимасинидир йўқотгандай бўлиб қолди. Юраги увишиб, дунёга сифмай қолаётгандай сезди ўзини. Кузнинг совуқ шамоллари япроқларини дув-дув тўкиб, сўппайтириб қўйган дараҳтга ўхшарди гўё. Шундагина Хулкарни севишини ҳис қилди. Ёнидан ўтаётуб, Сирожиддин парвоначининг ҳовлисига жавдираб тикилиши сабабларини англади. Бу аканинг сингилга бўлган соғинчининг ифодаси эмас экан. Бу туйғу ошиқнинг маъшуқа васлига доимий талпиниши экан.

Кўпдан у Хулкарни соғиниб, бир кўришга муштоқ бўлиб юрди. Аммо мадрасадаги оғир сабоқлар, Алибек хаттот кутубхонасида босим ўтириб ишлашлар кўнглидаги истакни босиб, уни чалғитиб қўярди. Бу туйғу асосан уйлари ёнидан ўтаётганидагина уйғониб, уни жунбушга келтиради. Йўлидан бурилиб, илгаригидай ҳовлиларига кириб боргиси келади. Лекин бунга асосли сабаб керак. Қани ўша сабаб? Энди ўн йил илгаригидай бола эмаски, онасига эргашиб келиб-кетаверса. Уйларига улар борган пайтларда Шунқорбек ё мадрасада бўлади, ё Алибек хаттотнинг кутубхонасида. Хуллас, Хулкарни кўрмай қўйганига яқин уч йиллар бўлдиёв.

Валинеъматлари уйлантириш пайига тушганларида Шунқорбек ўн олтига тўлган ўсмир эди. Лекин у унамади: “Мадраса таҳсилин тутатмай уйланмасмен”, – деб туриб олди.

– Бирорлар мадрасада ўттиз йиллаб таҳсил олурмишлар, – хафа бўлди Улуғойим. – Нима, сен элликка кириб уйланурмисен??

– Мен бу қадарли чўзмасмен, насиб қилса яна беш, нари борса олти йилда сабоқни поёнига еткурғаймен.

– Эҳ-хе-е... Унғоча ким бору ким йўқ.

Аввалига ойимини қувватлаб турган Абдуқаюм тўқсоба бирданига Шунқорбек тарафга ўтиб олди:

— Мундоқ камтилов бўлмагил, ойим, олти йил не деғон мұхлат. Шунчалиқ тез ўтурки, кўз очиб-юмғунча бўлмагай. Оллодин улунгға тансиҳатлиқ тила, умр тила!

Шу билан масала ҳал бўлгандек эди: онаси уч йилдан мўлроққа чидади. Ёши ўтаверса, ўғлига қиз тегмай қўйишидан чўчиганми, кейин яна бошлади. Бу гал уни отаси ҳам кувватлади. Барибир, Шунқорбек таслим бўлмади. Таҳсил тугашига бир неча ой қолганида бу янгилик. Нима қилишини билмай боши қотмоқда эди.

Ҳулкарни севиб қолганини пайқади-ю, бироқ бунга ота-оналари, қолаверса, қизнинг ўзи қандай қарашини билмасди. Казо-казоларнинг совчиларини қайтариб юбораётган Сирожиддин парвоначи уни Шунқорбекдай бир муллаваччага муносиб кўрармикан? Кейинги йилларда ўзини ундан олиб қочаётган Ҳулкар нима деяркин? Қачонлардир бу оиласдагилар Шунқорбекни аллада азиз, тўрвада майиз қилишарди. Ҳалиям ўша меҳр-муҳаббатлари сақланиб қолганмикан?! Ҳулкар уни кўрганида қизғалдоқдай қизариб кетарди. Нега? Ё ўзидан қарийб етти ёш катта одамга рўпара келганида, ёшлари орасидаги тафовут уни чўчитадими?

Саволлар кўп эди, саволларнинг бош-кети йўқ. Шунқорбек эса бир тўхтамга келиши керак. Ниҳоят бир қарорга келди ҳам: турли ўй-хаёллар оғушида калаванинг учини тополмай юрганидан кўра хат ёзив, очиғини сўраб қўя қолмоқчи бўлди. Таваккал — ё остидан, ё устидан. Кафтлари тагидаги китобни аста бир четга сурисиб, ўрнига тоза қофоз қўйди. Ёзмоқчи бўлиб кўлига қалам олди-ю, қандай бошлишни билмай туриб қолди. Умрида бирорга мактуб битмаган. Отасига келадиган хатларга кўзи тушган. Улар иш юзасидан битилган расмий номалар бўларди. Қизга ўша тил, услугуб ва оҳангда мактуб юбориш ўзига кулгили туюлди. Лекин... Лекин қандай ёсса экан?

Анча ўйланиб ўтирди. Бир маҳал Навоийнинг айни пайтдаги кечинмаларига мос тушадиган икки байт ғазали ёдига тушди. Шошилмай, чиройли қилиб шуни ёзди. Кейин иши юришиб, айтмоқчи бўлаётган гаплари

хаёлига ўз-ўзидан куйилиб келаверди. Фикрини содда, лўнда-лўнда ифодалаб ёза бошлади.

“Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдум сенга,  
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум сенга.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум сенга.

Ҳулкар бону, Сизни эсласам сабий болалиғимиз ёдимга тушадур. Гарчи ўтмишдур, ўшал кунларға доғи қайтқим келадур. Ичикиб соғинадурмен. Бул Сизни-да соғинчинғиздурким, бот-бот кўргим келғонлиғидин шул аҳволотқа тушадурмен. Кўрушмоқни доғи иложи йўқдур, энди Сиз совчилар ёғилиб турғон бўй қизсиз. Мен-да мурти сабза боғлагон навжувонмен. Кўнгулда Сиз жонибқа совчи юборурни мен-да хаёл қилурмен, бироқ Парвоначи ҳазратларининг покиза диллариға озор еткуриб, Сизни-да ранжитур андишасидин андишадамен. Сиздин кўнгул узмоқ тамуғ<sup>1</sup> азобидин азоблироқдур менға.

Ҳулкар бону, мактуб битиб дилинғизни ранжитғон эрсам, маъзур тутқайсиз. Лекин мен киби йўлидин адошқонға бир роҳи ростни<sup>2</sup> кўрсатуринғиздин умидвормен. Умидим абас<sup>3</sup> эрса, ўзунғизни бул мактубни олмағонға санарсиз. Холосай калом: ҳукминғизға мунтазирмен.

*Жавобинғиз интизори Шунқорбекдурмен.  
Вассалом”.*

Мактубни тугатгач, туморча шаклида кичкина қилиб тахлади-да, сиртидан алоҳида қоз билан ўради ва очилиб кетмаслиги учун ўрама қофознинг учини сирачлади. Эрталаб қизариб-қимтиниб онасининг қўлига тутди:

— Муни Ҳулкар бонуға берғайсиз, жавобини-да сўранг! — деди.

<sup>1</sup> Тамуғ — дўзах.

<sup>2</sup> Роҳи рост — тўғри йўл.

<sup>3</sup> Абас — нотўғри.

Улуғойим ўғлига бир зум ағрайиб қараб қолди. Гап нимадалигини англагач, буюк бир қувончдан аъзойи бадани титраб кетди. Астагина:

— Аллоҳим ниятингни қабул, муродингни ҳосил қиссин, — деди кўзлари қувончдан чараклаб ва фотиҳага кўл очди. — Тангрим ўзи қўллағай, овмин!

У хизматкорларидан бирини чақириб, аравани йўлга ҳозирлашни буюрди-да, йўл тайёргарлигини кўра бошлади.

## УЧИНЧИ БОБ

Насруллогача ўтган манғит ҳукмдорлари орасида, гарчи у ҳам одам ўлдириш ва қирғин урушлардан ўзини тиёлмаган эса-да, биттагина нисбатан инсофли, диёнатли амир ҳукм сурди. Бу — собиқ Самарқанд ҳокими, манғит ҳукмдорлари сулоласининг учинчи бўғини — амир Шоҳмурод эди. У ўн беш йил ҳукмдорлик қилди-ю, кўпгина яхши ишлари билан мамлакат аҳолисининг ёдига сақланиб қолди. Зоҳидона ҳаёт кечирди: бирорнинг ҳақини зулм билан тортиб олиб емади, совфа-салом, пора деган нарсалардан узоқ турди, шарир ишларга<sup>1</sup> мутлақо кўл урмади. Ўз эҳтиёжига бир кеча-кундузда атиги бир танга<sup>2</sup> сарфлади, уринганроқ кийимда юриб, эски чодирда тунади. Шариат аҳкомларига зид иш тутган, аҳолига ноўрин зулм қилган мансабдорларни, айблари тасдиқланса, аёвсиз жазолади: ўлдиртириди, қувғин қилди, мансабидан четлатди. Шу сифатларига кўрами “бегуноҳ амир” (“амири масъум”) деган лақаб ортириди. Унинг даврида оддий фуқаро сал бўлса-да, енгил нафас олиб қолди ва шу сабабдан унинг сиёсатини қутидан қўллаб-қувватловчилар кўпайиб борди.

Сирожиддин парвоначининг отаси шу даврларда беклиқ мартабасига эришди. У ҳам валинеъмати амир

<sup>1</sup> Шарир ишлар — шаробхўрлик, зинкорлик кабилар.

<sup>2</sup> Бир танга — йигирма тийинга тенг қийматли пул бирлиги.

Шоҳмуроднинг тутумини қаттиқ ушлади: нафсини қўйиб юбормади – тархон ёрлиғи билан берилган ерларнинг даромади ва хизмат вазифасидан тегадиган моянага қаноат қилиб яшади. Порага учмади. Бу феълини амир Ҳайдар даврида ҳам ўзгартирмади. Отасининг феълини Сирожиддин парвоначи тўлалигича ўзлашиб олди. У ҳам қувфинга учраган найман бекларидан амир Насрулло тортиб олиб берган ва отасидан қолган ерларнинг даромадига қаноат қилди. Яна мансабига мояна олиб турди. Шу сабабларга кўра амир дарборида ҳам, аҳоли орасида ҳам обрўйи баланд эди. Шундай одам билан яқинлашиш истагидаги казо-казолар Бухорода кўп эди. Унга яқинлашишнинг мақбул йўли – куда-андачилик алоқасидир...

Қизининг бўйи етиб қолганини Сирожиддин парвоначи биларди. Уч ўғиддан кейинги ёлғиз қиз бўлгани учун дастлабки совчилар келгунига қадар уни қачондир узатиб юбориши муқаррарлигини сира ўйламабди. Ўн олтига тўлаётганига қарамай, негадир кўзига ёшдек кўринарди. Одамзодники шу экан-да: бир куни бешикда “инга”лаб ётади, бир куни эмаклайди, бир куни чопқиллаб йўлга тушади, бир куни қарабсизки...

Биринчи совчининг келган жойи Парвоначининг дидига ўтирамади. Уларни илиқ гаплар билан хаспўшлаб, жўнатиб юборди. Гулойим билан маслаҳатлашиб ҳам ўтирамади. Аммо кейин келаётганларга ҳам рад жавобини беравериш қийин кечмоқда эди. Энди хотинининг фикрини эшитмаса бўлмай қолди – кечқурун алоҳида хонага чақириб маслаҳатлашди:

- Аzonда келғонларни кимлиғин билдингми, ойим?
- Айтмасанғиз қайдин билурмен?
- Қизингға оғиз солиб келишди.
- Қандоқ жавоб айтдинғиз?!

Гулойимнинг қора қошлари йиғилиб, чарос кўзлари ва оқ-сариқقا мойил юзларида бетоқатлик аломатлари зоҳир бўлди. Буни овозидаги кескинликдан, совчиларнинг қаердан ва кимданлигидан кўра, эри берган жавобни билишга шошилганидан ҳам пайқаса бўларди.

Рад жавоби берилғанлигини эшитиб, күнгли сал жойига тушди. Унинг нимадан хавотирга тушгани Парвоначини қизиқтириб қўйди. Лекин босик, осоиишта овозда сўради:

— Недин инжидинг, ойим? — деди кулимсираб. — Сенингда бир мўлжалинг бор-ов.

— Бул мўлжал аслида ўзингизни эди, бегим, унутқон чигарсиз?

— Не деб суреб кетмоқдасен?

— Ёдинғиздин кўтарилибдур, қизингизни ҳовуздин чигорғонда Шунқорбекка не деб ваъда қилиб эдинғиз? Они Улугойим-да эшиғон эди.

— Ул болаларға болаларча ҳазил эди.

— Ҳазилму-чин — айтқонсиз.

Сирожиддин парвоначининг буғдой ранг, гўштдор юзлари, қўй кўзларида белгисиз бир хаёлчанлик акс этди. Фўлабир танасини оғир қўзғаб, Гулойимга муроса оҳангидга гап қотди:

— Хўп, ойим, сенингча бўлсун. Бироқ қизингни обориб берурмусенки, ўзларидин ҳаракат бўлмаса. Файри дигар,<sup>1</sup> оларни бошқа бир мўлжаллари бордир.

— Шунқорбек мадраса сабоқлари итмолиға<sup>2</sup> етсун, дермиш. Оларни ҳаракатдин тўхтатғон сабаб — шул.

— Эҳ-ҳе-е, унғача неча бор қовун пишур. Унғача совчилар эшикнинг турумин<sup>3</sup> бузуб кетурлар. Болиг<sup>4</sup> қизни уйда тутуб турмоқни ўзи бўлурми!

— Атиги ярим йил қолғон эмиш.

— Бул-да кўп.

Гулойим фарангти рўмолининг учини тишлаб қолди. Эри ҳақ, балофат ёшидаги қизни уйда сақлаш қийин. Келаётган совчиларнинг тўрт-бештасини қайтарарсан. Сўнг баланд-паст гаплар ўрмалаб қолади. Ҳаммасидан ёмони шу.

Қиз болани палахмоннинг тоши дейдилар: Яхши жойига тушса яшнаб, гулдай кўкаради, ёмон жойига тушса —

<sup>1</sup> Файри дигар — балки, эҳтимол, кутилғанига зид.

<sup>2</sup> Итмоли — охири, якуни.

<sup>3</sup> Турум — эшикнинг ошиқ-мошиғи.

<sup>4</sup> Болиг — балофатга етган, балофат ёшидаги.

палак отолмай хазон бўлади. Сирожиддин парвоначи қизини Шунқорбекдан аямасди. Уни болалигидан билади – ҳар тарафлама кўнглидагидай йигит. Гулойимнинг учироқларидан сездики, қизи ҳам унга мойил. Шунинг учун яна бир оз сабр қилиб турмоқни кўнглига тугди. Битиклари қўшилган бўлса, иш улар кутган тарзда кўчар, бўлмаса худо пошто.

Аркда Парвоначининг шошилинч ҳал қилиниши лозим бўлган ишлари бор эди. Оила муаммоларига чалғиб, уйида озроқ ушланиб қолди. Шу сабабли амир боргоҳига шошилиброқ йўл олди. Гўё унинг чиқиб кетишини кутиб тургандай, шу пайтда ҳовлига Улуғойим кириб келди. Гулойим уни одатдагидек иззатхурмат билан кутиб олиб, бир муддат ундан-бундан гурунглашган бўлди. Қандайдир иш билан ташқарига чиққанида, хонага чойнак кўтариб Ҳулкар кирди.

Уйидалигида хатни топшириш жўн ишдай туюлганди. Шундай фурсат келганида Улуғойим ўнғайсизланиб қолди. Кап-кatta хотин икки ёшнинг орасида хат ташиб юриши ножойиз кўринди. Одатда бундай “хизмат”ларни янгалар бажаришади. Боласи шўрликда устакорроқ янга ҳам йўқ-ки, бу юмушни ишониб топширса. Норой хонадон хизматларига жонини тикса-да, устомонлик билан гапни чийлашни билмайди. У “тўқ этар” гапни айтиб тураверади...

Улуғойим нима бўлса ҳам шу қулай фурсатни ғанимат билди: қиз билан илиққина кўришиб-сўрашгач, ёнига ўтқизди.

– Кулоқ сол, болам, сенға деғон икки оғиз гапим бор, – нима гапи бор экан дегандай, Ҳулкар унга ажабсиниб қаради ва қимтиниб кўзларини ерга олди. Улуғойим хижолат бўлаётган эса-да, зими масидаги вазифани бажаришга аҳд қилди. – Бир нимарса усунсан мендин ранжимагил, қизим, доги айбситмагил!

У адрес мурсагининг ички чўнтагидан Шунқорбекнинг мактубини олди ва юзига қаролмай қизнинг қўлига ушлатди. Ҳулкар туморча шаклида буқланиб, сирачланган қоғозга меровсиб тикилди ва дафъатан нималигига ақли

етиб, юзларига қон тепди. Лоладай қизариб ўрнидан чаққон турди-ю, зўрга:

— Мени маъзур тутқайсиз! — деди ним таъзим билан ва тезлаб бошқа хонага чиқиб кетди.

Турли хаёллар гирдобида юраги пўкиллаб ўтирган меҳмони ёнига Гулойим кирди. Ёлғиз ўтирганини кўриб ҳайрон бўлди.

— Ҳулкар сизни ёлғизлатиб кетдиму? — сўради хижолат бўлиб. — Во ақли ноқис<sup>1</sup> қизгина!

У қизини чақирмоқчи ё койиб келмоқчи бўлдими, ортига ўгирилаётганида Гулойим тўхтатди:

— Хомсиқманғиз,<sup>2</sup> — деди кулиб. — Бир юмуши бор чоғи, узр сўраб ҳозиргина чиғиб кетди.

Уларнинг суҳбати анчагача чўзилди: кўнгилларида бир фикр айланиб турганидан ихтиёрийми ё беихтиёрми, болалари ҳақида ҳам пардалаброқ суриштиришиди:

— Қизингизга оғиз солғувчилар кўлпайғон деб эшилдук, бирор ип тақиб<sup>3</sup> кетмадиму? — сўради Улуғойим.

— Ҳозиринча йўқ, бироқ барчаға рад жавоби бермоқда қийин экан, — деди Гулойим оғир сўлиш олиб.

— Биз-да кўпдин шундоқ ният била юрумиз. Бунга Парвоначи ҳазратлари не деркинлар, билмасмусиз?

— Бул янглиг кори ҳайрлар бекларимизга ҳаволадур. Тўқсона ҳазратлари ўзлари била сўзлашғонлари дурустлур.

Улуғойим ҳамсуҳбатининг афт-ангоридаги ифодалар ва гапларидан англадики, уларда ҳам ўзлариникидек ният бор. “Совчиларни қайтараётгани, балки, шундан-дир”, ўйлади у. Кўнгли озроқ хотиржам тортиб, индал-лосига кўчди:

— Орирост! Сўзлашурлар, албатта сўзлашурлар! Бир андишамиз... боламиз озроққина муҳлат тилайдур — сабоғим итмомига етсун, дейдур.

— Шуни-да муаммо дермусиз, эгачи, — кулимсиради Гулойим. — Қизимиз эшиқдин чиғиб кетадурғони йўқ.

<sup>1</sup> Ноқис — кам, оз.

<sup>2</sup> Хомсиқмоқ — сиқилмоқ, хафа бўлмоқ.

<sup>3</sup> Ип тақмоқ — белгиламоқ, келишмоқ.

Тақдирлари туташғон бұлса фотиҳа ясаб белги қилиб қўйилур, бас. Сизлар-да хотиржам юрурсиз, биз-да нокерак ташвишлардин фориғ бўлурмиз.

Масаланинг шундай осон ечими борлигига ақли етмагани ўзига нашъя қилиб, Улуғойим кулиб юборди. Үнга Гулойим қўшилди. Гурунгнинг бу томони чақ-чаққа айланиб кетди...

Бу пайтда Ҳулкар мактубни бир неча бор ўқиган, ҳаяжон ва қувончи кўксига сифмай номадаги айрим сатрларни кўзларига суртиб-суртиб олганди. Энди жавоб ёзиш масаласида ўйланиб ўтиради: ёзай деса ҳаё йўл бермас, ёзмаса Шунқорбекнинг менга кўнгилсиз экан деб ўйлашидан чўчирди. Алҳол дилидаги истак ва кўркув ҳаёни енгди, не бўлса бўлар деган хаёлда икки варақ қоғоз олди. Бирини ёнига қўйиб, хонтахтага мук тушганича иккинчисига ёзишга тутинди. Шунқорбек келтирган газалнинг сўнгити уч байтини ёддан ёзди. Кейин унинг услубида қисқа, лекин озроққина ўпкалаб давом эттириди.

“Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, овора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум сенга.

Жоми жом бирла хизр суйи насибамдур мудом,  
Соқиё то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум сенга.

Фусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум сенга.

Шунқорбек оға, Сиз ҳануз мени сабий болалиғимдасиз. Гарчи бул ўзингиз битигондек ўтмушдур, бот-бот ўшал ўтмушға қайтқим келур. Ёнимда Сиз киби ҳалоскорим турса, ўшал ҳовузгада юз бора шумғимоқға ҳозир эрдимки, Сиз мени ўлуримға қўймас эрдингиз. Недин сўнғи кезларда биздек ниёз аҳлини<sup>1</sup> дийдорингиз қувончидин бенасиб айлаб, доги совчиларни писанд<sup>2</sup> қўлтурсиз? Совчилик – урф сиз айтқон андишани синдирур. Менға қолса,

<sup>1</sup> Ниёз аҳли – ёлборувчи, мухтож.

<sup>2</sup> Писанд – таъна, маломат.

роҳи рост шулдурким, Сизлар-да бошқалар юриғон йўлдин борғойсиз. Қолғонини ўзингиз онглаб етурсиз умиди бирла Ҳулкар.

Вассалом”

Шу пайт даҳлиздан канизакнинг ингичка овози эшитилди:

— Меймонни аробаси келибдур, ойим, не жувоб айтурни буюргайсиз?

Гулойим бирор нарса дегунича бўлмай Улуғойимнинг товуши эшитилди:

— Озроқ гидирсун, тезда чиғурмен.

Ҳулкар мактубини шошилиб буклаб, кичкина фиштча шаклига келтирди. Иккинчи варақ билан устидан яна ўради. Ўрами очилиб кетмаслиги учун устки қоғознинг учларини яхшилаб бир-бирига кийиштириди ва сиқимида ушлаб, кутиб турди.

Даҳлиздан Гулойимнинг овози эшитилди: у меҳмонни кузатиб кўйиш учун ташқарига олиб чиқаётган эди. Ҳулкар чақириб қолишар деган умидда бир оз кутди. Лекин чақиришмади. Бундан борган сари хавотири ортиб, сониялар соатдек туюла бошлади. Ҳаёлига, чақиришни унтишса-я, деган ўй келиб чўчиди. Унда Шунқорбек оғаси қўлини ювиб, қўлтиғига артади. Унда Шунқорбек оғаси...

Арава ёнига келишаркан, Улуғойим мезбонига сездирмай ортига бир-икки марта кўз қирини ташлади. Ҳулкар кўринмади. Шунда ҳам Гулойимга бу тўғрида оғиз очмади. Арава ёнида тўхташгач:

— Ҳулкар бону била хайр-хўшлашмадик, эгачи,— деди хотиржам товушда. — Чақирсанғиз бўлурмикин?

Одатда чақиришса-чақиришмаса, уларга эргашиб чиқадиган қизининг бу гал эргашмаганидан Гулойим ҳам ажабланди. “Бугун бир бало бўлди бу қизга,— ўйлади ўзича. — Меҳмоннинг олдида икки бор уятга қўйди”. Дарҳол хатосини тўғрилаш учун:

— Ҳозир эргаштириб чиғурмен, — деди.

— Сиз овора бўлиб юрманғиз, — Улуғойим унга таскин беришга интилди. — Хуш қолинг, яхшиликларда кўришур насиб этсун.

Гулойим мәхмөннинг қизи билан танҳо гаплашиш нияти борлигини англади. Кўнглига: “Шуни уйда бажарса ҳам бўларди-ку”, деган фикр келди. Аммо одатдагидек илиқ хайрлашиб, ортига кета қолди. Салдаёқ уялганидан лоладай қизариб, ерга қараганича Ҳулкар келди. Улуғойим:

— Кўлунгни бер, болам,— деди аравадаги қалин кўрпачалар устида ўтирганича қўлини узатиб. — Оғойингта не жавоб айтурсен?

Ҳулкар мушт қилиб туғилган қўлини чўзди. Бадтар қизариб, ғижимланган мактубини астагина Улуғойимнинг кафтига қўйди.

— Шуни бериб кўюрсиз... Ўзлари билурлар! — деди-да шартта изига қайтди. — Яхши боринг, ойим!

— Сен-да яхши қол, Бону қизим! — Улуғойимнинг юзларига табассум ёйилиб аравакашга буюрди. — Ҳайда!

Унга йўлнинг ўнқир-чўнқирларида араванинг силкитиб ташлаётгани ҳам билинмай қолди. Улуғойимнинг баҳти кулган эди. У дунёдаги энг баҳти кулган аёл эди. Курраи заминда ундан баҳтиёрроқ она йўқ эди!

...Эртасига аzon пайти Абдуқаюм тўқсоба Сироҳидин парвоначиникига келиб, хушхабар билан қайтди.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

Хос хонасида бомдод намозини ўқиб бўлгач, Изиддин иноқ қиблага қараганича жойнамоз устида ўйланиб, бир оз ўтириб қолди. Ўйласа ўйлайдиган ташвишлари бор эди. Хусусан, амир дарборида мавқеи унчалик мустаҳкам эмаслигидан таҳликага тушади. Уни мустаҳкамлаш йўлларини тинимсиз ахтаради. Бундай йўл ҳадегандан топила қолмасди. Бирдан-бир илинжи Абдуқаюм тўқсобадан. У мансабига кўра ўзидан бир поғона қўйироқда турса-да, амир олдида эътибори баланд. Айниқса, Ҳазораспдаги мағлубиятдан кейин шундай бўлиб қолди.

Ўшанда амир Насрулло ўз қўшини билан Хева устига юриб, Ҳазораспни ўраб олди. Орада Хева қўшинлари

билан бир неча марта тўқнашувлар бўлди. Ҳарчанд уринса ҳам қамалдаги Ҳазораспни қўлга киритолмади. Бу орада озиқ-овқат етишмовчилигидан қийналган Бухоро чериклари қўшиндан қочиб кета бошлашди. Буни пайқаган Хева лашкарлари бир куни Бухоро қўшиниға ёпирилиб ҳужум бошлади. Насрулло ўз қўшинларининг тор-мор бўлаётганини алам билан кузатиб турганди. У ҳам, ёнидагилар ҳам бир тўда Хева суворийларининг ёнбошдан ўzlари томон от суриб келаётганини дафъатан пайқамай қолишиди. Буни ўз аламбардорлари билан сал нарироқда турган Абдуқаюм тўқсоба пайқади. Зудлик билан ён-атрофдаги суворийларни яқин келиб қолган хеваликларнинг йўлини тўсишга ташлаб, ўзи аламбардорлари қуршовида амир минган отнинг жиловидан маҳкам ушлаганича хавфсиз жойга олиб чиқиб кетди. Ўшанда Насруллонинг ҳимоясини ташкил қилиб, хавфсиз жойга олиб чиқмаганида, унинг ўлими нақд бўлиб қолганди. Буни амир ҳам, бошқалар ҳам аниқ билишиди.

Хева сарбозлари яқин келиб қолганини илгарироқ пайқаганида, амирни ҳимоя қилиб жонини гаровга тикишга Изиддин иноқнинг журъати етармиди? Йўқ, сира ҳам бундай қиломасди! Аксинча у ўшанда шиддат билан бостириб келаётган ҳарифларининг олдини тўсишга чиққан суворийларга ҳам, амирни кўргалаб қочаёттан аламбардорларга ҳам қўшилмади. Отини қамчилаб, чекинаёттан черикларга аралашди ва жони борича қочди. Кўрққанидан ортига қарашта ҳам ботинмади. Хайриятки, олаговурда буни ҳеч ким сезмади...

Бухорога қайтишгач, Насрулло Абдуқаюм тўқсобани боргоҳига чорлаб:

— Тила тилағонингники, сен қилғон кори хайр шунға муносибдур! — деди.

У амирдан ҳеч нарса тиламади. Айтгани шу бўлди:

— Сизға дўнғон хавфни англаса, черикингиздағи ҳар кимса мен қилғон юмушни бажарур эди, давлатпаноҳ! Чокарингиз сифатида мен зиммамдағи вожиб юмушни бажардим, холос.

Абдуқаюм тўқсоба қилган “вожиб юмуш” ҳамманинг кўлидан келавермаслигини амир яхши биларди. Фавқулодда ҳолатларда кўпчилик такбиридан адашиб, ўз жонини кутқариш пайига тушиб қолади. Шу сабабми, ҳеч нима сўрамаганига қарамай, Бухоро атрофидаги амлок ерлардан<sup>1</sup> унга яхшигина улуш ажратиб берди ва кейинги юришларида ўзидан узоқлатмай қўйди...

Изиддин иноқ билан Абдуқаюм тўқсоба бир қавм – хитой-қипчоқлар уруғидан. Вақтида бу қабила мангит ҳукмдорларига қарши неча марта бош кўтариб, неча марта қон қақшаган. Айниқса, Хитой аймоғи жанг-рироқ эди: “Билсанг, Хитойингман, билмасанг, Худойингман”, деб қайта-қайта бош кўтараверарди. Амир Ҳайдар даврида Миёнқолда кўзғолон кўтариб, у билан тўрт йил олишди. Шаҳрисабз кенагаслари, туркман, қирқ ва бошқа ўзбек уруғлари гоҳ яширин, гоҳ ошкора уларни қўллаб-қувватлаб туришди. Ниҳоят, амир Ҳайдар хитой-қипчоқлар билан келишишга мажбур бўлди: жони ва молига даҳл қилмасликка ёзма кафолат берди. Шундан кейингина бу жангари қабила курашни тўхтатиб, қалъаларини унга очиб берди. Амир Насруллонинг таҳтда муқим бўлиб қолишида хитой-қипчоқларнинг муҳим ҳиссаси бор. Аммо у таҳтни эгаллагач, ўzlари ҳам бош кўтаролмай қолишди. Бу қассоб раҳм-шафқат ҳиссидан узоқ – уларнинг бошига ҳам найманларнинг кунини солищдан тоймаслигини билишарди.

Абдуқаюм тўқсобанинг отаси амир Ҳайдар замонида, Изиддин иноқ эса Насрулло таҳтга ўтирган даврда Бухоронинг Дехинав маҳалласига кўчиб келиб ўрнашишган. Бу маҳалла қачонлардир шаҳардан четроқдаги бир қишлоқ эди. Бора-бора асосан хитой-қипчоқлар кўчиб келиб ўрнашиши натижасида оралиқ ҳовлилар билан тўлди ва шаҳарга қўшилиб кетди. Ҳар иккала бек Насрулло даврида юқори мартарага эришиб, шаҳарнинг таниқли кишиларига айланишди. Лекин бошқа мансабдорлар каби

<sup>1</sup> Амлок ерлар – давлатга қарашли ерлар.

шаҳар марказидан ҳовли-жой қилишмади. Изиддин иноқ тўрт ўғлини уйлантириб, уларни ҳам яқин-атрофига ўрнаштириди. Кенжасини уйлантиргач, ўзи билан олиб қолди. Яна ўн олти яшар битта қизи бор. Анчадан буён дурустроқ жой чиқса, қизини ҳам узатиб юборишни ўйлади.

Абдуқаюм тўқсабонинг ўғли Шунқорбек кўнглидаги йигит. Кўз олдида ўсди. Одоби ҳам рисоладагидек: камтар, камсуқум. Отасининг ягона меросхўри. Тўғри, Абдуқаюм тўқсоба сотиб олган қули – Бахшуллани ҳам фарзандим деб ҳисоблайди. Эр-хотин унга қаттиқ меҳр кўйишган. Бироқ, у барибир бироннинг боласи – насли кул. Шу сабабга кўра тўқсабанинг мол-давлати фақат Шунқорбекка тегишли: ётиб еганида етти авлодига етади. Қолаверса, валиаҳд Музaffer билан алоқаси дуруст деб эшигади. Бу – Шунқорбекнинг келажаги борлигидан нишона. Озроқ шартакилиги борлигини демаса, тўқсабанинг ўзи ҳам ёмон одам эмас. У билан яқинлашиб ололса, ҳар ҳолда, ўзига яна битта ишончли тиргак топган бўларди. Раҳмонберди Ниёз амир билан илгаригидай эмас. Насрулло аксар ҳолларда унинг гапини инобатга олмайди. Баъзан дайди итдай жеркиб ташлайди...

Бу ўй кўпдан Иноқнинг бошини қотириб келади-ю, бирор чорасини тополмайди. Нима қилса экан? Абдуқаюм тўқсобага учрашиб, кўнглини очсамикан? Диридагиларни қандай айтади ва у қандай қабул қиласи-ю, жавоби нима бўлади? Эшигнларига қараганда Шунқорбек ҳануз уйланишни бўйнига олмай келармиш. Демак, ота-оналари бирор жойга ип тақишимаган. Нима бўлганида иккаласи бир тана-ю, бир бутоқдан тарқалган уруғдош. Ўлдими, шунга риоя қиласаям йўқ демас...

Изиддин иноқ шу фикрда тўхтаб, секин ўрнидан турди. Жойнамозини таҳлаб, бир четта қўйди. Қалинроқ кийиниб, хизматкори киритган дастурхонга ҳам қарамай ташқарига чиқди. Юзига қорнинг майин совуғи уриб, фикрлари анча тиниқлашди. Шахдам юриб, Абдуқаюм тўқсабанинг уйига йўл олди.

— Бахташ таваккал! — деди тўқсобанинг ҳовлисига яқинлашганида. — Бурунғилар демишлар: “Кимсаға яқинлиқ қилмоқ истарсен, ё қиз берғил, ё қиз олғил...”

Хизматкордан Изиддин иноқнинг эшикда турганини эшигтан Абдуқаюм тўқсоба тезлаб, унинг истиқболига чиқди:

— Э-э, келсунлар, Иноқ жаноблари! — деди қўшқўллаб сўрашатуриб. — Хуш келибсиз, қани, ичкарига марҳамат қилсунлар!

Меҳмонхонада хонадон соҳиблари ҳақига дуо ўқилгач, хизматкор зудлик билан дастурхон тузатишга киришди. Бир зумлик осудалиқдан фойдаланиб, Изиддин иноқ тезгина хонага кўз югуртириб чиқди: вассажуфтли кенггина хона. Шипи оқقا бўялиб вассаларга монанд турли нақшлар берилган. Эшик ва деразаларга Кашмирнинг гулдор илак газламаларидан чиройли дарпардалар тутилган. Ерга хонани тўлдириб, нафис туркман гиламлари тўшалган. Хонтахта атрофларига қалин қилиб адрес кўрпачалар солинган. Тахмонларга йигилган кўрпа-ёстиқларни айтмаса, хонада ортиқча бирор нарса кўзга ташланмайди. Ҳаммаёқ кўзни қувонтирас даражада тоза ва орастга. Шунданоқ хонадон соҳибларининг диди қандайлигини билса бўлади.

Кўрганлари Изиддин иноқ учун янгилик эмасди. У бу уйда кўп бўлган. Деярли барча хоналарида ўтирган. Қайси хона қандай мақсадни мўлжаллаб курилганига қараб, барчаси ҳам дид билан жиҳозланганлигини билади. Шунинг учун меҳмонидан гап кутиб, жимгина ўтирган Абдуқаюм тўқсободан сўради:

— Ўғул кўринмайдур, тақсир?

— Мадрасада зарур юмушлари бор чоғи, вахли туриб кетди.

— Ҳмм... Юмушни битирурға шошилмоқ хўб ишдур...

Иккаласи ундан-бундан анча гурунглашишди, лекин гаплари унчалик қовушавермади. Абдуқаюм тўқсоба бу ташрифдан кўзланган мақсадни билолмай дикқат бўла бошлиди. Аркони давлатда бирор кутилмаган ўзгариш бўлганмикан, деб ўйлаганди. Бундайга ўхшамайди.

Шундай бўлганида дарбор югурдаклари аллақачон хабар берган бўлишарди. Демак, бошқа гапи бор. Чайналганига қараганда иғво бўлмаса. “Нима бўлса-да ўзи ёрилсин”. деган фикрда сабр билан кутди.

Амир мансабдорлари орасида қабиладошлиқ белгиларига кўра баъзан иғво, фиску фужур гаплар ҳам бўлиб турди. Абдуқаюм тўқсона бундай гапларга асло қулоқ тутмасди. Буни Изиддин иноқ билади.

— Ҳузурингизга келмоқдин муродимни сўрмадингиз, жаноби Тўқсона! — ниҳоят у “ёрилди”.

— Яхши каслар дўйстлар ҳузурига хушмуждалар била борурлар, тақсир, — Абдуқаюм тўқсона жилмайди.— Субҳдин бизни йўқлағонингиз бежиз эрмасдур?

— Ори рост... Ҳмм...

Совчи одатда қиз томондан эмас, йигитдан боради. Халқда: “Улдан борғон совчининг завқи бор, қиздан борғон совчининг хавфи бор”, деган мақол юради. Хилофи урф йўлидан бораётгани ҳануз Изиддин иноқнинг тилига тушов бўлиб турганди. Бироқ чекиниш фурсати ўтди: ўз қадрини ўзи ерга ураётганини билган ҳолда мақсадини айтиши шарт бўлиб қолди. Арқонни узунроқ ташлаб, гап бошлади:

— Билурсиз, жаноби Тўқсона, гарчи мавқеимиз кўп уруқлардин беҳроқдур, бироқ биз — хитой-қипчоқлар амир дарборида озчиликмиз. Бу ҳолат ўзимизи ўзимиз асрамак-суяшмак заруратин юзага қалқитур. Бурноғидин-да билиттифоқ бўлсақ, фойдаси ўзимизгадур. Шул тааммул<sup>1</sup> била юзни бўяб, пои остоңанғизга кулчилиқقا келдум. Бизда бўйи чўзулғон ожиза, сизда навжувон ўғул бор. Оларни тақдирларин вобаста қилсақ не дерсиз?

Изиддин иноқдан ҳар нарсани кутса ҳам, остоңасига бундай таклиф билан келиши мумкинлигини тўқсона сира кутмаганди. Дафъатан нима дейишини билмай ер чизиб қолди. Ўғлининг кўнглини билмаганида ҳам бир нави эди: у-бу деб гап аралаштиrsa бўларди. Эшлишича, Ҳулкар

<sup>1</sup> Тааммул — фикр, андиша, мулоҳаза.

бону ҳам Шунқорбекка бефарқ эмас. Шуларни аниқлагач, чўзиб юрмай, ишни Парвоначининг ўзи билан пишишиб кўиди. Ўғли уларга ҳам маъқул шекилли, йўқ дейишмади. Яқинда унаштириш маросимини ўтказиб, ўғлининг таҳсили тугаши билан тўйни бошлашга келишиб кўиди.

Бу томони қандай бўлди?

Масала анча жиддий. Уни тўғри ечмаса, дўстлик қўлини чўзиб келган одамни ашаддий душманга айлантириб жўнатади. Нима десаки, Изиддин иноқнинг ҳамиятига тегмаса? Турган гап: ундан деса ҳам — бундай деса ҳам у ранжийди, гапларига ўзича ранг беради.

Абдуқаюм тўқсоба ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди:

— Бизни маъзур тутқайсиз, тақсир! — деди хижолатомуз оҳангда.— Сизда бундоқ эъзозға муносиб ниятлар борлиғидин фафлатда қолибмиз. Шул боис бошқа бир ерга оғиз солиб кўюбмиз. Хижолатлик ери улдурким, унаштириш тадорикини-да бошлағонмиз...

Изиддин иноқнинг қисиқроқ кўзларида аламзадаликка ўхшаш бир ғазаб чақнади ва зумдаёқ ўрнини маккорона табассум эгаллади. Юзига қараб турганидан бу ўзгаришларни Абдуқаюм тўқсоба сезди ва йўқ ердан ўзига душман орттириб олганини пайқади. Илгари ҳам унчалик яқин бўлмасалар-да, уруғдошлик нуқтаи назаридан илиқроқ муносабатда эдилар. Қолаверса, бир кўча наридаги ҳаммаҳалласи...

Абдуқаюм тўқсоба унаштириш маросимини пайсалга соганидан ўқинди. Буни тезроқ элга маълум қилганида бундай хижолатпазликка ўрин қолмасди.

Унинг дилидан ўтганларни пайқагандек, Изиддин иноқнинг ўзи гапириб қолди:

— Бундин биз-да фафлатда эдук, билъакс останангизга келиб сизни-да, ўзимизни-да хижолатқа қўймас эдук. Келин бўлмиш кимлардин?

Буни Абдуқаюм тўқсобанинг ҳозирча бировга билдириш нияти йўқ эди. Аммо айтмасликнинг ҳам иложини тополмади. Шунинг учун:

— Сирохиддин парвоначини ожизасидур,—деди жўнгина қилиб.

— Ўҳ-хү-ў! — Изиддин иноқ ҳам ҳайрат, ҳам маъқуллаш оҳангида луқма қилди. — Хўб жойға боғланибсиз, муборак бўлғай. Хитой-қипчоқлар била мангитларни мундоқ аралашувлари, иншоолло, фойдадин холи бўлмас.

Мезбонга бу луқма ёқмади. Шунга қарамай, тўқсона изоҳ беришни лозим топди:

— Куллуқ... Ўзимизға қолса бундоқ ишлар фикри-мизда йўқ эди. Бироқ болалар...

— Лавхулмаҳфуз битигидин қочиб бўлмас. Энди бизға рухсат бергайсиз.

— Ўтирибмиз-да, тақсир, бир чиқибсиз.

— Насиб этса тўйларда, яхши кунларда ўтиришурмиз. Айтқондек... Бизни сўзлашқонларимиз заифанғиздин пинҳон қолса...

— Албатта, бек жаноблари, албатта.

Мехмон мулойимгина бўлиб чиқиб кетди-ю, Абдуқаюм тўқсобанинг дилида ноҳуш тугун қолди. Изиддин иноқнинг эса алами уйига келиб ҳам тарқамади. Хос хонасида қўр тўкиб ўтирганича тўқсона ҳақида ўйларди: у нимаси билан амирга ёқиб қолган? Ҳазораспдаги ҳимояси учунми? Ундан деса, авваллари ҳам амир Насруллонинг майлига терс бороладиган йона телба дарборда битта шу эди-ку. Қаттиқ ғазабланган кезларида ҳам амир унга ситам бермасди. Қандай хислати борки, Насрулладай золим унинг бандиси бўлиб қолган? Унга Сирожиддин парвоначи яхши кўрсатиб қўйганми? Ҳар ҳолда у — мангит. Амир Насрулло, ҳар ҳолда, ўз мангитларининг кенгашини қулогига олади ва уларга таянади...

Насрулло тахтга ўтирган кезларда, давлатнинг устунлари бўлишига қарамай, акалари билан тил бириктирувда айблаб, анчагина мангит бекларини ўлдиритириб юборди. Аммо ўз уруғига суюнмаса, ўзи ҳам қия бўлиб кетишини тезда тушунди. Амирликнинг қулфи-калити бўлган мансабларга зудлик билан ишончли қабиладошларини — мангит бекларини қайтадан қўя бошлади. Сирожиддин парвоначи билан Абдуқаюм тўқсона бошданоқ Насрулло тўдасига тушиб қолишганди. Шу

туфайли улар ўзлари маъқул кўрган мансабларни эгаллашди. Ортгани бошқа қабилалар вакилларига тегди.

Манғитлар, шубҳасиз, доруссалтанадаги қудратли уруғлардан: Бухоронинг ўзи ва атрофларида қирқ беш минг, Қаршида ўттиз-ўттиз беш минг, Хоразм хонлигидага ўн мингдан зиёд манғитлар яшайди. Қолганлари уч ўзбек хонлигининг турли жойларига тарқалиб кетишган. Бироқ улар қанчалик қудратли бўлишмасин, тўқсон икки (баъзи манбаларда тўқсон олти) ўзбек уруғининг биттагинаси, холос. Бошқа уруғ-қабилаларнинг мададисиз давлат жиловини қўлда ушлаб қололмасдилар: акалари асосан найманларга суюнган бўлса, Насрулло хитой-қипчоқларга суюнди. Айрим хитой-қипчоқ беклари баъзи найман беклари билан аввалдан ўзаро адватда эдилар. Насруллонинг қўли билан улар ҳам найман аслзодаларидан боплаб ўчларини олдилар. Салтанатни бошқариш осон бўлиши учун уруғ-қабилалараро адватларнинг аксар қисмини аслида Бухоро амирларининг ўзлари келтириб чиқаришини каллаварам беклар тушуниб етолмасди. Тушунгандари парво қилмасди. Негаки, ўзаро низолар уларнинг ҳам кичик “ҳокимлик”ларига ел бериб турарди...

Манғитлардан кейин йирик лавозимлардан бири – бош иноқ мансаби Раҳмонберди Ниёзнинг ёрдами билан Изиддин иноққа тегди. Бу уни ўз уруғининг йирик йўлбошчиларидан бирига айлантирди. Абдуқаюм тўқсона нисбатан қуйироқ мансабда турса-да, қатор ҳарбий юришларда ўзини кўрсатди ва нуфузи кўтарила бориб, додхоҳ даражасига етди. Амир дарборида мансабнинг йириклигидан кўра, нуфузнинг ортиқлиги эътиборда эди.

Аркони давлатда шундай ножӯя тартиб вужудга келганки, қуи амалдорлар юқоридагиларнинг қорасини оқ, разолатиниadolat деб туришга мажбур. Насрулло-ку инчунин: у давлатни ўз мулки ҳисоблайди – амирликдаги ҳамма нарсанинг, ҳатто одамлар ҳаётининг ҳам эгасиман, деб билади. Кимни қандай ўлдириш ё қолдириш – ўзининг иши, иродасига қарши чиқишига бирорнинг юраги бетламайди. Бу бадфеъл ва раҳмсиз

хўқмдорнинг ғазабидан қўрқмай, ўйлаброқ иш тутишга ундаи оладиган одам доруссалтанада йўқ. Энг яқин манфитлари ҳам бунга журъат қилолмайди. Бундай қалтис ишга, гарчи текислаброқ айтса-да, жонини гаровга қўйиб фақат Абдуқаюм тўқсоба журъат қиласди. Насрулло, барибир, ўз билганидан қолмайди, лекин тўқсобага зарар ҳам бермайди. Кўплар қатори Изиддин иноқни ҳайратга соладигани шу эди...

Егти-саккиз йилча илгари Бухорога элчилик ташрифи билан полковник Стоддарт деган кимса келди. Амир унга шаҳарга киргач, отдан тушиб, аркка пиёда келишни буюрди. У фармони олийни назар-писанд қилмади. Йўлларида Бухоронинг олий меҳмони сифатида иззат-хурматини жойига қўйиб таъзимда турган одамларни ҳиндларга ўхшатганми, жуда талтайиб, такаббурлиги ошиб кетди. Бухоро одоби, қоидлари ва удумларига тупуриб, арки олийга — амир ҳузурига отда кириб борди. Одатдагидек совға-салом топширишни ҳам лозим кўрмади. Бу Насруллони қаттиқ ғазаблантирса-да, ўша пайтда сездирмади, аммо учрашувни қисқа қилди — унга элчиларга билдириладиган иззат-хурмат кўрсатилмади, тантанали қабуллар уюштирилмади. Аксинча, элчилик ташрифи билан келганлигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилиб, жон еридан олишди. Бундай ҳужжат Стоддартнинг йўлхалтасида йўқ эди. Бу — икки кундан сўнг уни ҳибсга олиб, жосус сифатида қамоқقا тиқишиларига баҳона бўлди. Кейинроқ эса биратўласи зинданга ташлаши.

Полковник феъл-аъмолига яраша тўрт йил зинданда азоб чекиб ётди. Орада Хевадан Бухоро худуди орқали Кўқонга ўтаётган капитан Конолли кўлга олинди. У ҳам элчилик ташрифи билан юрганлигини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатолмагач, тўғри Стоддартнинг ёнига жўнатилди. Капитан озиб-тўзиб, ўлар ҳолатга етган полковник билан зинданда учрашиди ва кўп ўтмай ҳар иккаласи жосус сифатида ўлимга ҳукм қилинди. Инглизларнинг илтимосига кўра уларни кутқариш мақсадида турк сultonининг вакили келди — илтимоси инобатга

олинмади. Насруллонинг таклифига кўра Бухоронинг ер ости бойликларини қидиришга келган рус вакиллиги ҳам маҳкумларни ҳимоятига олишга уриниб кўрди. Амир уларнинг ҳам илтимосларини эътиборсиз қолдирди. Ўшанда Абдуқаюм түқсоба амирга ўз фикрини айтмай туролмади:

— Ижозатингиз бўлса икки оғиз арзим бор, олам-паноҳ! — деди ва рухсат теккач, давом этди. — Бул икки жосус, шубҳасиз, ўлимға муносибдур. Бироқ, бунго Инглизистон, Андалусия, Фаранг,<sup>1</sup> қолаверса, ўрис подшолари қандай қарар эканлар? Турк сultonичи? Шул тааммул била ҳукми олийни олдинғисиға жорий этуб, бунисиға авфу карам этокини ёпсанғизда, ҳозиринча қамоқда тутуб турсақ қандоқ бўлур?

Амирнинг жаҳли чиққани шундоққина кўриниб турарди: юзлари кўкаринқираб, кўзлари олайди. Тўқсобага жавоб айтишни ҳам лозим кўрмай, ишни бошлишга мунтазир турган жаллодларга ишора берди: “Ҳукмни бажаринг!”

Бу-ку майли, маслаҳат тариқасида гапирса гапирдида, деб ўйлагандир амир. Аммо Кўқондаги шартакилиги учун бошқа одам бўлганида ўша заҳотиёқ бошидан ажраларди.

Ўшанда бир канизак баҳона амир Насрулло Муҳаммад Алихонга қарши жиҳоди акбар эълон қилиб, бор қўшини билан Фарғона устига юриш ясади. Фатху нусрат билан хонлик пойтахтини эгаллагач, Муҳаммад Алихонга: “Отанғиз канизакка “уylanаман” деган бўлсалар-да, ўз нафслариға ақди шаръий қилмағонлар. Бинобарин, амиралмўминин (яъни Муҳаммад Алихон) мазкурани ўз ақди шаръийлариға олсалар жоиздур”, — дея фатво ёзиб берган муфтийлар — уламои киромларни ва бу шарир ишга бош қўшган мансабдорларнинг аксариятини туттириб, жаллод қўлига топширди. Оз қисмигина у ёқ-бу ёқقا қочиб кутулишиди. Хон ўрдасида катта машварат ўтказиб,

<sup>1</sup> Инглизистон, Андалусия, Фаранг — Буюк Британия, Испания, Франция демокчи.

хонликни Бухорога қўшиб олгани ва Қўқоннинг йирик мансабдорларидан икки юз эллик кишини оиласи билан доруламорага суришини эълон қилди. Кейин кишанбанд Муҳаммад Алихон, укаси, катта ўғли ҳамда онаси Моҳлар ойимни машварат ўтказилаётган хонанинг ўзига киргиздириб, ҳамманинг кўз олдида бошларини кесдира бошлади. Навбат Моҳлар ойимга етганида Абдуқаюм тўқсона чидаб туролмади, кўркув ва ҳайиқишини унутиб, даст ўрнидан турди ва икки букилиб:

— Қиблаи олам, худройлиққа<sup>1</sup> йўймасанғиз арзим бор!— деди.

— Гафур! — амир унга важоҳат билан тикилди.

— Бул заифа агарчанди журму исёндур<sup>2</sup>, донишу авомунносға<sup>3</sup> Нодираи даврон тахаллус била тануғлуқ шоирадур! Фазаб мухолифатиға ҳай бериб, иноят бирла они бир қошиқ қонини бағишиласанғиз. Бул жўмардлиқингиз муборак исми олийинғизни тарих зарвараклариға ҳатами жалолият<sup>4</sup> мақомида битилуриға кафолат бўлғай эрди.

Амир Насруллонинг ғазабдан афти буришиб кетди.

— Биз бул ароға залолат ва алилият<sup>5</sup> янглиғ корибадларға барҳам бермак, шариат аҳкомларин<sup>6</sup> устувор этмак матлабинда келдук. Сен афув тилағон бул заифани ёзуки шулдирким, ул муртадлар хайлининг<sup>7</sup> модаридурур, ашъорлари-да шунға монанддурур!— деди ҳайқириб ва жаллодларга буюрди:— Ҳукмни итмомига еткурунг!..

Ўшанда Абдуқаюм тўқсона амирнинг ғазабидан қандай омон қолганига Изиддин иноқнинг ақли бовар қилмади. Насруллонинг ғазаби қўзиганида қўзига ҳеч ким ва ҳеч нима қўринмасди: рўпарасида онаси турса ҳам иркилмай жаллодга топшириб юборарди. Орага

<sup>1</sup> Худройлик — ўзбошимчалик, ўзбилармонлик.

<sup>2</sup> Журму исён — қаттиқ айбдорлик.

<sup>3</sup> Авомуннос — саводсизлар, бу ерда оддий ҳалқ маъносида.

<sup>4</sup> Ҳатами жалолият — буюкликка ундовчи.

<sup>5</sup> Залолат ва алилият — адаштганлар ва иллати борлар.

<sup>6</sup> Аҳкомлар — йўл-йўриқлар.

<sup>7</sup> Муртадлар хайли — диндан қайтганлар тўдаси.

тушадиган мард топилса, оғзини очишга улгуролмай қоларди. Қандай каромати борки, Абдуқаюм тўқсоба ҳар гал амирнинг қаҳридан зиён-заҳматсиз кутулади?

Муҳаммад Алихонни қатл этишга буйруқ берилганидаёқ вазир Абдусамад ноиб амирга таъсир кўрсатишга уринди: чор қўшинлари қадам-бақадам бостириб келаётгани, бу юртларга ҳам босқин ясаш хавфи туғилаётганини айтиб, Насруллони хонга шафқат қилишга ундади. Муҳаммад Алихоннинг ўлдирилиши қўқонликларга ёмон таъсир қилиши, амир қўйган вассал ҳокимларга бўйсунмай исён бошлиши, бу ҳолат юрга жуда қимматга тушиши мумкинлигини у олдиндан кўра билди ва буни амирга сиполик билан айтди: “Хонни тавбаға элтиб ўрнида қолдирсанғиз, муздига бул юрт устимизга дўнмоқда бўлғон хавфқа қалқон бўлур”, — деди.

Оқилона маслаҳати учун жizzаки амир Абдусамад ноибнинг оғзига кафшнинг ултони<sup>1</sup> билан урдирди. Абдуқаюм тўқсобага эса индамади. Нега? Унинг ўзига ўта содиқлиги ва бошқа фазилатларини билгани учунми? Хизматини сидқидилдан ва бетаъма бажаради. Шу туфайли унга ўзига ишонгандай ишонади. Тантанали базмлар ва ҳайитларда олдига таом тортишни унга топширади. Балки шу сабабли айрим саркашликларини кўтарар. Нима бўлганида ҳам Абдуқаюм тўқсобадек тиксўз одамнинг Насрулло дарборида тирик юргани бир мўъжиза эди. Бунинг сабабларини излаб, ҳеч ким тагига етолмасди...

Изиддин иноқнинг дарди ичида. “Қизимни келин қил”, — деб тўқсобанинг эшигига боргани иситмасини чиқариб, аламини оширади. Шундай алам қиласарди, нарёғи йўқ. Таклифимни қабул қиласди, деб ўйлаб чучварани ҳом санаган экан. Абдуқаюм тўқсоба ким билан томирлашишни яхши билади. Сирожиддин парвоначининг олдида Иноқ ким бўлибди: у оёғи тойса суюйди, йиқилса, турғизиб қўяди. Изиддин иноқ қилоладими шу ишни. Ўғли Парвоначининг қизини ёқтириши, қиз

<sup>1</sup> Ултон — тагчарм, падош.

ҳам унга мойиллиги ҳақидағи чүпчак chalғитиш учун бичиб тұқылди. Шунқорбек қыз сайлаб юрадиган хилидан эмас. Бироқ, шумлиги отасиникидан қолишина керак. Аксинча, болалигидан күриб-билиб юргани-қарин-дошининг қизи қолиб, манғитнинг қизини тәнлармиди! Ҳаммасини отаси уюштирган, ҳаммаси Абдуқаюм тұқсобанинг иши! Иккаласи бирикиб, Парвоначи воситасида баланд поғоналарга интилишяпты.

Ота-болани ўзича айёрлик, шумлиқда айблаб туриб, күзи ярқ этиб очилғандай бўлди: “Насруллони ҳам Сирожиддин парвоначи орқали, ҳам айёрлиги воситасида ўзига мойил қилиб олмаганмикан, — деб ўйлади.— Амирга айрим масалаларда тик гапириб туриши шунчаки хўжакўрсинга, бошқаларга ўзини кўрсатиб кўйиш учун бўлса керак”. Аммо бундай “ўзини кўрсатиш”га ҳатто Сирожиддин парвоначи ҳам журъят қилолмаслигини ўйламади у.

Аркони давлатдаги бир-иккитани ҳисобга олмаганда барча мансабдорлар — вилоят ҳокимларидан тортиб шаҳарлар ва туманлардаги ҳокимларгача Сирожиддин парвоначи билан ҳисоблашади. Ҳукмдорнинг фармон ва ёрлиқларини уларга шу одам етказади ҳамда бажарилишини назорат қиласи. Изиддин иноқ ҳукмдорнинг ва ўзидан юқори амалдорларнинг буйруқларини оддий хизматчиларга еткизади ва бажарилишини ташкиллаштириди. Уларнинг кўплари ҳали давлат мансабини ҳам эталламаган, лекин ҳокимият хизматида юрганлар. Ўзи ҳам асосан Сирожиддин парвоначига бўйсунади. Шундай экан, Абдуқаюм тұқсона ва ўғли Парвоначига интилмай кимга интилсин. Бўлса бўлибди-да уруғдоши.

У ўзи билан ўзи бўлиб ўтирганида эшикдан салом бериб Абдубори кирди. Отаси саломига алик ҳам олмай сўради:

- Қайдайдунг?
- Алибек хаттотни кутубхонасида.
- Хўш?
- Нима “хўш”— ўқидук, жума ва аср намозларида қотишдук.

- Кимминан?
  - Билмасмусиз, Шунқорбекминан-да.
- Ўғлиниң озроқ тутун қайтариб жавоб берәётгани унга ёқмади.
- Шунқорминан киндигинг бирму?! — деди дағалроқ товушда.
  - Ўзингиз буюрғонсиз, унугтдинғизму?
  - Олардин яхшилиқ чиқмас, ошнолиқни йиғиштиранг-да бўлур.
  - Муболаға қилмоқдасиз, отасини билмасмен, бироқ Шунқорбек сиз айтқон иллатдин холи туур.
  - Буғон асосинг борму?
  - Асосим шул-ки, ул ўтирикни билмас, ростдин ўзгасин демас, сидқидил сўзлар.
  - Саган<sup>1</sup> бирор ҳангай<sup>2</sup> тегурму-ки, бул фариштанинг этакиға шунчалиқ осилурсен?
  - Ҳангай... Яхши маслаҳатларин айтур, валиаҳд боз чақи्रтурса бирикиб бориб, таништурмоқни ваъда қилур.

Бу янгилик Изиддин иноқни бир пофона пастга туширди. Аммо фикридан қайтмади:

— Валиаҳд воситасида суропингни ростламасун, эҳтиёtingни қилиб юр.

Абдуборининг кулгуси қистади-ю, кулишга ботинмади. Отасининг жазаваси қўзиб турганини пайқаб, индамай қўяқолди.

## БЕШИНЧИ БОБ

Изиддин иноқнинг ташрифидан кейин гапничуватмаслик мақсадида фотиҳа тўйини тезлаштириб, бир ҳафтанинг нари-берисида Ҳулкарни Шунқорбекка унаштириб қўйдилар. Шундан сўнг Шунқорбек бутун эътиборини таҳсилини эртароқ тутатишга қаратди. Вақтинча Алибек хаттотнинг кутубхонасига ҳам бормай қўйди. Ортиқча вақти бўлса, тайёргарликни уйила давом эттирди.

<sup>1</sup> Саган — сенга (шевада).

<sup>2</sup> Ҳанпо — ёрдам, кўмак, суюмоқ.

Энди Абдубори билан камдан-кам учрашади. У орқада қолиб кетгани сабабли бошқа гуруҳда таҳсил оларди. Шунқорбек охирги босқичда, сабоги тугаса, унинг бўшашини кутиб ўтирмай уйига жўнаб қолади. Абдубори камдан-кам ҳолларда олдин чиқиб, мадраса айвонида унинг қайтишини кутиб ўтиради. Шундай кунлардагина маҳаллаларига бирга келинади.

Кунларнинг бирида, кутилмаганда Абдубори гина қилиб қолди:

— Соз жўра эдук, не бўлдики мен била иш тутмай қўйдинғиз, ўзингизни олиб қочурсиз.

Шунқорбек Абдубори аҳволимни тушунар, деган фикрда эди.

— Ундей ўйламанг, Абдубори, ундей ўйламанг,— деда изоҳ беришга тутинди. — Бўлғони шулки, хатми кутубни жадаллатмоқ пайдамен. Наврўзгача итмомига еткурсам дуруст бўлур эди.

— Сўнгра не қилурсиз?

— Бир юмушни бошин тутурға кўшиш<sup>1</sup> қилурмен.

— Уйланиш-чи?

Шунқорбек кулди.

— Насиб этса, ул-да бўлур.

— Нўкарлиқقا чақиурни унумассиз.

— Ташибиш чекманг, сарнўкар ўзингиз бўлурсиз...

Сирожиддин парвоначининг кўчасига бурилиш жойида Шунқорбек отининг бошини пастки кўчага қайирганини кўриб, Абдубори кулиб қўйди. Сал айланышлиги бўлса-да, илгари доимо юқоридаги кўчадан юради. У эса беихтиёр эргашарди. Энди у кўчадан юрадиган бўлса, Парвоначигами, ўғиллари ё қариндошларидан бирортасига тасодифан рўпара келиб қолиши мумкин. Бу уларда бошқача фикр туғдиришидан ташқари, куёвнинг ўзини ҳам анча-мунча ноўнгай ҳолатга солиб қўяди. Манғитларда ҳам, хитой-қипчоқларда ҳам тушириб олгунларига қадар куёв келиннинг, келин эса куёвнинг яқинларидан “қочиб”

<sup>1</sup> Кўшиш — ҳаракат.

туриш одати бор. Бу одат жуда миридан-сиригача бўлмаса-да, Бухородек шаҳарда ҳам ҳали яшаб келарди.

Тўғри йўлга тушиб олишгач, Абдубори қизиқиб сўради:

- Яқин-ароларда келинни кўрдингизму?
- Йўғ-а,— Шунқорбек ҳайратланди. — Яъни қандоқ?!
  - Шундоқ... Күёвлаб борурсиз — вассалом. Наҳот бул удумдин бехабарсиз?

Шунқорбек, дарҳақиқат, бундай удумлардан бехабар эди. Гапничуватмаслик учун индамай қўя қолди. У индамагач, Абдубори ҳам тап қўшмади. Маҳаллаларига яқинлашгандагина у яна сўради:

- Бир нимарсани ваъда қилғон эдингиз, эсингиздами?
- Албатта, — у нимани назарда тутаётганини Шунқорбек дарҳол пайқади. — Валиаҳд ҳазратлари ҳали йўқлатмадилар. Тайёрланиб юрунг, йўқлаб қолурлар.
- Мен амиралмўминин Насрулло аъло ҳазратларининг жангномаларин битимоққа урунурмен...
- Муборак бўлғай! Муаррих бўлурға аҳди хайр қилибсиз-да. Бошладингизму?
- Шунчаки машқ, — камтарона жавоб қилди у.— Валиаҳд ҳазратларини назарларига ҳавола қилиб кўрсамми дермен.
- Машқ бўлса-да пишиқ ишланг, анов-манов битик ул ҳазратта маъқул келмас...

Абдубори интиқиб кутган кун сал кейинроқ келди — замҳарир қишининг охирларида, тонг чоғи Абдуқаюм тўқсобанинг дарвозасини кимдир тақиллатди. Хизматкор Валиаҳд аср намозидан кейинга Шунқорбекни боргоҳига чақириргани хабарини олиб келди. У дарҳол Абдуборига одам жўнатди.

— Тайинлаб айтинг, — деди унга. — Аср намозидин сўғун Валиаҳд ҳузуриға борурмиз. Тайёргарлигини пишиқ қилсун.

Хабар теккач, Абдубори питирлаб қолди. Кўнглининг бир четида, нимжонгина бўлса-да, хотиржамлик ҳам

бор эди. Қандай ёзилганидан қатъи назар, ўзи тўқиган “Жангномаи Насрулло” Музаффарга маъқул келадигандек туюлди. Мақтов кимга ёқмайди, ўлади у, “Жангнома” Валиаҳдга маъқул келса соз иш бўларди. Шунқорбекни бир четга суриб, Музаффар ўзи билан бўлиб кетса ажабмас. Тез-тез хузурига чақириб, уни ёзбуни ёз деб, йўл-йўриқ кўрсатиб турар. Шу баҳонада ишлари юришиб, отасидан дашном эшитиб юрмасди. Вақти келиб бу ишга, балки амирнинг ўзи ҳам қизиқиб қолар. Унда давраларнинг тўри, олқишлиарнинг қўри, зиёфатларнинг зўри уники.

Шундай хаёллар билан мадрасага бормади. “Жангнома”сининг у ер-бу ерига қалам теккизиб тузатган бўлди, Валиаҳд олдида тутилиб қолмаслик учун ёзганларини қайта-қайта ўқиди: бор тайёргарлиги шу бўлди. Пешиндан кейин мадрасага борди. Қовоқ солиброқ турган хожаи гуруҳининг кўнглини овлаш учун бошқаларга сездирмай, қўлига икки танга қистирди ва:

— Мазам бўлмай вақтида келолмадим, узр,—деди.

Гуруҳ раҳбарига нима, йўқ ердан рўзгорининг бир кунлик бозор-ўчарига етгулик пул тушди. Шуниси муҳим. Қанийди бойвачча талабалар тинимсиз кечикиб туришса. Янаям яхшиси бир-икки кун кўринмай кетишса.

Аср намозига аzon айтилгунига қадар Абдуборининг тоқатлари тоқ бўлди. Жиловини бирор тортиб тургандай вақт бирам имилладики. Миясига на мударриснинг ваъзлари кирди ва на китобдан ўқиганлари. Ўзини сабоқ тинглаётганга солиб, эзилиб ўтириди. Хаёлида “Жангнома”си: уни Музаффар хузурида қандай ўқишини ўйларди — қироат биланми ё оддий усулда. Кўнглига қироат билан ўқиш маъқул тушиб, хаёлан шундай қилиб кўрди. Ёмон эмасдай. Оддий усулда ўқиш тингловчи эътиборини унчалик тортолмаслиги мумкин. Назарида қироат матндаги нуқсларни текислаб қўядигандек туюлди.

Аср намозига аzon айтилди. Намоздан чиқибоқ Шунқорбек билан амирзоданинг боргоҳига отланишди. Отларини сайисларга топшириб, қаердандир пайдо бўлган сипоҳий кузатувида Валиаҳдининг эшигига

келишди. Эшикоға уларни кутиб ўтирган шекилли, дарҳол ичкарига ўтказиб юборди. Олдинма-кетин иссиққина хонага кириб, хонтахта ёнида савлат түкиб ўтирган Музаффарга эгилиб салом беришди. Хона иссиқ бўлишига қарамай зарбоф делагай,<sup>1</sup> симобий саллада ўтирган Валиаҳд аввал Шунқорбекка, кейин “у бу ерда нима қилиб юрибди”, дегандай Абдуборига қаради. Унинг ажабланганини пайқаб, Шунқорбек изоҳ беришга шошилди:

— Бул зот Изиддин иноқ жанобларининг ўғуллари Абдубори бўладилар. Амиралмўминин жаноби олийлари ҳақинда нимарса битифон эрканлар. Ижозатингиз бўлса, шуни назарингизга ҳавола қилмоқ ниятида эдилар...

Абдуборини Музаффарга танишитираётib, Шунқорбекнинг ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолди. Катта даргоҳларга чақирилмаган меҳмонни етаклаб кириш бундай кўнгилсизлик туғдиришини сира ўйламаган эди. Яхшиям, амирзода қўли билан хонтахтанинг икки тарафини кўрсатиб, уларни ўтиришга таклиф қилди ва Шунқорбекни нокулай вазиятдан бир қадар халос этди.

— Қани, меҳмон, битифонларингизни ўқинг-чи, — таклиф қилди одатдагидек сўрашиб бўлишгач. — Эшикуб кўрамиз.

Абдубори эшикдан кирган заҳотиёқ хонанинг шоҳона жиҳозларига бир қур назар ташлади. Хонтахта ёнига ўтиргач, ҳуркак назар билан Валиаҳднинг носқовоқнинг ярмига ўхшаб кетадиган бурни, қизариб кўринаётган юзлари ва мумдай қора ва ялтираброқ турган соқолмўйловларига кўз югуртирди. Кўзи унинг чақнаб турган кўзи билан тўқнашгач, озроқ шошли. Қўли титраб, кўйин чўнтагидан найча шаклида ўралган қофозларини чиқарди ва букламини ёзди. Унчалик текисланмаган қофозларни хонтахтага қўйиб, текис тутиш мақсадида икки четини қўлларининг бош ва ўртанчи бармоқлари билан босиб, ўқишига тутинди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳи-и-им!

<sup>1</sup> Делагай — ялангқават тўн.

У қироат билан бисмиллони бошлаганидаёқ Музаффар кулгидан ўзини зўрга тўхтатиб қолди. Буни бошқаларга сездирмаслик учун икки тирсагини хонтахтага қўйди ва “Жангнома”ни ҳафсала билан тинглаётгандай юзларини кафтлари орасига олди. Шунқорбек ичдан зил кетди. Абдубори буни пайқамай, ўқишида давом этди: аввал Аллоҳга сано, кейин ҳамд ва наът ўқиди. Хайриятки, булар қисқа-қисқа ёзилганди. Эплагани шу бўлганми ё тингловчини зериктирмаслик учун атайлаб шундай қилганми – буни Шунқорбек билолмади. Билгани шу бўлдики, тили ўта ғализ эди.

Ҳамду сано ва наътларни кўп ўқиганиданми, тили ғализ бўлса-да, бошланиши бир нави эди. Қизиги кейин чиқди: воқеалар аралаш-куралаш баён қилинар, бирини тугатмай, иккинчисига ўтиб кетилар, кейин яна олдинги воқеага қайтиб эзмаланаар, натижада тинглаётганлар баён қилинаётган воқеаларнинг бош-кетини аниқлай олмай лол бўлиб ўтиришарди. Шунқорбек ич-этини ерди: “Унга нега бунчалик ишондим, – дерди ўзига-ўзи. – Уйдами, жиллақурса, мадрасадами “битик”ни бир назардан ўтказсан бўлмасмиди!”

Энди афсусдан фойда йўқ, фурсат ўтганди. Валиаҳдининг олдида Абдуборига “Бас қил!” дейишнинг иложи йўқ. У борган сари авжига оларди. Кўз қирида бўлса-да, атрофига қараб олай, демасди. Шундай қилганида, балки аҳволни англармиди. Ярим соатлар чамаси бояги алфозда қимиirlамай ўтиришга Музаффарнинг тоқати етди. Кейин ўнг қўлини хонтахтага қўйиб секингина чертди. Ҳар қалай, Абдубори буни сезди. Қўлларини қофоздан айрмай амирзодага қаради. Унинг юзидан ҳеч нимани уқиб бўлмасди.

– Мадраса таҳсилин итмомига еткурғач не юмуш ишламак бўлурсиз? – осойишта сўради Валиаҳд.

– Буни ўйлагонимча йўқ, ҳазрати олий! – жавоб берди у ўтирган кўйи қуллук қилиб.

– Ўйламогингиз жоиз. Бир холис маслаҳат берсам олурмисиз?

– Марҳамат қилинг, аъло ҳазрат!

— Тўпчибошимизга хизматга ўтунг. Урушур-савашур илмларин дурустқина билур экансиз.

Абдуборининг кўзига қизил чопон кийиб, қизил салла ўраган, елкасига пилта миљтиқ, ёнига узун қилич осиб аркда турган ё ясол тортиб айланиб юрган сарбозлар кўриниб кетди шекилли, чўчиб тушди. Ўқиганлари Валиаҳдга мутлақо ёқмаганини энди сезди ва ўзини қаёққа уришини билмай питирлаб қолди. Буни Музаффар ҳам пайқади. Шунинг учун секингина:

— Сизга рухсат,— деди.

Абдубори қофозларини апил-тапил йиғиб чўнтағига солди. Таъзим қила-қила орқаси билан юриб, эшикдан чиқиб кетди.

Бу қувлаш эди. Амирзода шундай йўл тутдики, ўзига билдириб-билдирмай уни даргоҳидан қувлади. Шунқорбек ҳар учрашганида Музаффарнинг янги бир хислатини аниқларди. У отасининг акси эди: анча хушмуомала, жиддий, ўрни билан устомонлик ҳам қиласкан. Бақир-чақир, газаб-тааддига ҳуши йўқ. Буни Абдуборига қилган муомаласидан билса бўлади.

Назарида Валиаҳд ҳозирча шундай эди. Қачонлардир таҳтга ўтиrsa, ким билади қандай ўзгаради. Дарбор аъёнларининг диққатини тортиб туриш учун ўзини шундай тутиб юрган бўлиши мумкин. Ҳал қилувчи дамлар келганида фикри анча-мунча нарсаларни тузатиб ё бузиб юбориши мумкин. Бунга отасининг ўтмиши яққол мисол. Ҳалиям қаттиққўллик билан таҳтни ушлаб қололди...

Абдубори эшикни ёлгунига қадар Музаффар жимгина қараб турди. Кейин Шунқорбекка ўгирилиб ним кулги билан сўради:

— Бул довдурни қайси тўқайдин тутуб кетурдинғиз? Мол десам шохи йўқ, одам десам намаги...

— Ул довдур эрмас эрди, аъло ҳазрат, — деди Шунқорбек ўнғайсизланиб. — Билмадимки, недин бундоқ бўлди, сусингиз<sup>1</sup> босдиму... Озроққина менинг-да айбим бор — вақтим бўлмағонидин “битик”ифа кўз сололмағоним — айбим...

<sup>1</sup> Суси — ҳайбати.

- Вақтингиз шунчалиқ тиғизмүз?
- Шундоқ, айло ҳазрат, мадраса таҳсилиң әртароқ итмомиға еткүрмак пайидамен.
- Қачон тутатмоқни мұлжалал олурсиз?
- Тахминан эки ойлар орасыда.
- Сүнгра не юмушни бошин тутмоқ бўлурсиз?
- Ўзумга қолса мадрасалардин бирортасиға...
- Ҳай-ҳа-ай-й, асло ундоқ қилманғиз. Мадрасабол каслар бисёр топилур. Сизни алардин бир устулиқингиз бор: ҳисоб, ҳандаса, тарих киби илмларға-да етуксиз. Сиз дарбор учун яролғонсиз.
- Падари бузрукворим Амиралмўъминин хизматидалар. Давлатпаноҳ хизматларида биримизни юриғонимиз етмасму, ҳазрат?
- Етмас. Дарбори олийда ҳам содиқ, ҳам доно каслар қанчалиқ кўб бўлса, шунчалиқ хўб бўлур. Кунимиз боёғи довдурларға қолса не бўлурин билурмисиз? Шукрким қиблагоҳ қатида ҳақ сўзин ҳайиқмай тақрир<sup>1</sup> қилғувчи валинеъматингиз борлар. Ул ҳазратни довюраклиғи била садоқатлари барчамизға маълум ва манзурдир.
- Муболага қилмадингизму, ҳазрат?
- Асло. Суҳбатимиз аввалига қайтамиз: эшиттингизким, ошнонғиз “Амиралмўъминин Шаҳрисабз кенагасларин андоқ урди, Китоб бекларин мандоқ урди...” деб битибдур. Билимсизлиқи шунчалиқким, падари бузрукворимизни саҳобаларға, авлиёларға итлоқ<sup>2</sup> қилибдур. Бул раият наздида Қиблагоҳни кулгуга қўюр. Ҳаводис<sup>3</sup> шундоқки, сўнғи йигирма йил ичинда Шаҳрисабз устиға ўттуз эки бора юруш қилилди. Ул ҳануз дорулсалтана тасарруфидин четдадур. Шундоқ бўлғоч, йўқдин бор “Жангнома” ясамоқ чикора? Бул ақлсизликдин бўлак нимарса эмас.

Валиаҳд “Жангнома” мазмунини тўғри илғаган ва ҳақиқий баҳосини берган эди. Шу туфайли бу мавзуга қайтиб ўтиришмади. Аммо иккаласининг гурунги кечки тамаддидан кейин ҳам давом этди.

<sup>1</sup> Тақрир – сўзлаш.

<sup>2</sup> Итлоқ – менгзаш, қиёслаш, ўхшатиш.

<sup>3</sup> Ҳаводис – ҳодисалар.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Валиаҳд даргоҳидан қувилганини Абдубори отланиб, йўлга тушганидагина сезди. Буни англағач, ичбуруғдай эгарига буқчайиб қолди. Музаффарнинг боргоҳига келишни бунчалик ҳавас қилмаса. Ниманинг илинжида хомхаёлга берилиб, Шунқорбекнинг ваъдасига учди? Отасининг маслаҳатини қулогига олса бўларди. “Кўзунға қара!” – деб огоҳлантирганди у. Йўқ, унинг гапига зътибор бермай, Валиаҳднинг боргоҳига етгунча шошилди. Шунқорбекнинг ичиқоралигини наҳот шу пайтгacha лайқамаган? Ўзини ундан устомон ҳисобларди. Шуми устомонлиги? Аслида учига чиқдан гўл экан. Гўл эканки, у осонгина чалиб йиқитди...

Шундай хаёллар ичидан аламдан аъзои бадани титраб уйига келди. Отининг жиловини хизматкорга ушлатди ва у ёқ-бу ёққа қарамай тўғри отасининг ёнига кирди.

– Сиз ҳақ экансиз, ота! – деди овози титраб. – Шунқорбек менга панд берди! .

Изиддин иноқ ўтиришини бузмай, босиқ оҳангда сўради:

– Бафуржা айт, не бўлди?

Абдубори йўл-йўлакай Шунқорбекнинг гўрига фишт қалаб келган бўлса-да, ўзида ҳам айб борлигини биларди. Ёзганларини бирров унинг назаридан ўтказиб олса бўларди. Нега шундай қилмади? Ўзига бино қўйдими ё ундан кам жойи йўқлигини кўрсатиб қўйиш учунми? “Жангнома” битиш хаёлига қаердан келди ўзи? Шу йўл билан тезроқ обрў орттиromoқчи бўлдими? Ундан кўра Шунқорбек уқтирганидай бошқа жангномаларни кўздан кечириб, ишга жиддий ёндашганида бошқачароқ кўчармиди. Фоз бўламан деган чумчуқнинг бути йиртилгани – шу!

Барибир ҳақиқатга бўй бергиси келмади. Ўзи ҳайдалиб, Шунқорбек Валиаҳд ёнида қолди. Бу аламини бадтар ошириб, ичини ит тирнамоқда эди. Бу “ит”нинг тирноқларидан кўчаётган шатта заифгина қўзғалиб турган виждан овозини кўмиб юбормоқда эди. Рост гапирадиган бўлса, отасининг газабига йўлиқишини билади. Иложсизликдан бичиб-тўқиди:

— Шунқорбекни маслаҳати била “Жангномаи Насрулло” битифон эрдим, — деди хастпӯшлаб. — Валиаҳдқа ёқмади. Мени боргоҳидин чигориб, они ўзи била олиб қолди.

Изиддин иноқнинг турқи қўчқил тортиб кўкарди-ю, салдаёқ ўзига келиб, Абдуборига ўдағайлаб берди:

— Ахмок!! Насруллони жангномасин битимоқни сенға ким қўюбдур! Йўлунгни борлаб<sup>1</sup> юролмассен, доғи не юмушқа қўл уурсен. Бул гап амирни қулоқига етса не бўлурин ўйламадингму, эшшак! Эшутса ул-да қизикур, чорлаб ўқитур, ёқмаса Музаффардек эшикидин қувлаб ўлтурмас — бошингни сапчадек узур.

Изиддин иноқ ўғлиниң феълини билади: ўзига керак бўлса ёлғонни ҳам, қасамни ҳам сувдай ичиб юбораверади. Насрулло тарихини ёзиш фикри ўзидан чиққанлигини англади. Шунқорбек ҳеч қачон унга бундай маслаҳат бермаслигига имони комил. Лекин Абдуборини лақиллатиб Валиаҳд ҳузурига олиб боргани ва ҳайдаттириб юборганига ишонди. Илгарироқ амирзоданинг ҳузурига бормоқчи эканликларини Абдуборининг ўзи айтган эди. Ўшанда Шунқорбекдан эҳтиёт бўлиши лозимлигини уқтириди, аммо нима мақсадда бораётганликларини сўрамади. Абдуқаюм тўқсобанинг уйидан ўсол бўлиб қайтгани уни ўтдан олиб чўққа солиб юрганди. Устига бу қўшилиб, биратўласи гувиллаб ёнди. Абдуборини хонадан чиқариб юбориб, анчагача ўйланиб ўтириди: “Уларни нима қилса бўларкин?” Ўйлаб ўйининг тагига етолмади. Иши бўйича ё амир орқали фириб бериб бўлмайди. Суиқасд уюштирилса, фош бўлишлари мумкин. Захри қотилдан ҳам фойдаланиб бўлмайди. Яна қайси усул қолди, нима қилсанки, бартараф қилиниши амри маҳол бўлган бу иккала зўр тўсиқни бирваракайига йўлидан кўтариб ташласа.

Изиддин иноқнинг жизғанак бўлганича бор: сўнгги пайтларда амир дарборида нуфузи пасайгани озлик қилгандай, хитой-қипчоқ bekларининг аксарияти Абдуқаюм тўқсобага оғиб кетди. Тўғри, у ҳеч кимни ўзи

---

<sup>1</sup> Борлаб — ростлаб, тўғрилаб.

томонга чақириб олгани йўқ. Аммо дарбордаги таъсири бекларнинг, норасмий бўлса-да, ҳомий танлашларига кифоя қиласди. Улар кучлилар тарафига интилишади, шунга ўрганишган. Бу – Изиддин иноқ ўз қабиладошлари орасида ҳам назардан қолаётир деган гап. Бу унинг мансаб-мартаба минбарининг омонат бўлиб қолганидан нишона. Оёғи яна озгина тийғанса, минбардан биратўласи учеб кетади. Учса ўнгланиши душвор: бойлик, иззат-обрў – ҳаммаси бошқа кишининг – Абдуқаюм тўқсобанинг қўлида жамланади. У мансаб-мартабасини оширишга уринмайди. Балки ўзини шундай кўрсатар. Бироқ, юксак мансабларга ўғлини мўлжаллаб юргани тайин. Парвоначининг этагига ёпишиб олгани бежиз эмас. У кўёвини ташлаб қўймаслигини билади...

Ўйлайвериб мияси роса ғовлаган пайтда Ҳиндувон маҳалласида турувчи Баҳайдод соҳиб исмли ҳинҷ савдо-гарини эслаб қолди. У билан кўпдан таниш. Ўзининг айтишича, Ҳиндистонда кириб-чиқмаган каваги қолмаган. Кичик маблаг билан иш бошлаб катта бойлик орттиргач, Ҳиндистон бозорлари қаноатлантирмай қўйган. Инглизлар билан тил топишиб, Афғон, Эрон, Бухоро бозорларини забт этишга киришади. Бухоро ёқиб қолган шекилли, кейинги пайтларда шу ерда турғун яшаб, молларининг катта қисмини ишончли гумашталари орқали Хева, Самарқанд, Кўқон бозорларига жўнатиб туради. Балки инглиз ҳукумати томонидан унга бошқа “вазифалар” ҳам юклатилгандир. Бу билан Изиддин иноқнинг неча пуллик иши бор. Бусиз ҳам доруламорада турли ниқобдаги жосуслар изғиб юришибди. Бундан аксари давлат амалдорларининг ҳам хабари бор. Амир Насрулло қалондимоғлик қиласди, жосусларнинг қўлидан бирор иш келишига ишонмайди. Амалдорлар эса беларво...

Изиддин иноқ харидни доимо Баҳайдод соҳибдан қиласди. Кашмир ва Банораснинг асл матолари, асл чойлар, тоза бўёқлар фақат шу одамда бўлади. Иноққа керакли молларни ўзи танлаб беради, арzonроқقا сотади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор: Бухоронинг йирик мансабдорлари ҳеч қачон харид учун бозор оралаб

юрмайди. Улар учун керакли нарсаларни сотиб олувчи ва уйларига элтиб берувчилар кўп. Фақат Изиддин иноққина харидни ўзи қиласди. Шу сабабли Баҳайдод соҳиб у билан яқин бўлишга интилади. Бозор—турли тоифа ва турли феъл—авторли одамлар жамланадиган жой. Худо кўрсатмасин, бирор тўполон ё ишкал чиқиб қоладиган бўлса, савдо аҳли учун маҳаллий маъмурлардан таянч керак бўлади. Баҳайдод соҳиб таянч сифатида Иноқни танлаган—аркдаги кўзга кўринган амалдорлардан, қолаверса, бозор мутасаддилари ҳам маълум дараражада унга бўйсунишади. Бу, вақти келса, катта иш бериши мумкин.

У Бухорога дастлаб келганида бож ҳужжатларига тиркаш учун исми шарифини сўраганларида Бхай Датт деган эди. Бухороликлар бу номни ҳиндча талаффузда ёзишолмаганми ё ўзларининг исм қўйиш удумлари ва талаффузларига мослаштирибми, ҳужжатларга Баҳайдод<sup>1</sup> соҳиб деб дарж этдилар. Шу-шу у Баҳайдод соҳиб бўлиб қолди. Энди ўзи ҳам бошқаларга ўзини шу ном билан танишитиради.

Касбига кўра у сўзга чечан эди. Теша тегмаган латифалар, турли донишмандона ривоятларни кўп билади ва маромига етказиб айтади. Кўрган-билганлари, бошидан кечирганларини эртакдай тизиб сўзлайди. Изиддин иноқ билан дўконида бўлган бир гурунгда Ҳинди斯顿нинг Гоа оролида қандайдир португал савдогари билан танишганини гапириб, у сотадиган молни жуда сирли қилиб тасвирлаганди. Айтишича, ўша португал янги дунёдан<sup>2</sup> қандайдир “упаи дўзахий” деган заҳарни Гоага хуфёна келтириб, хуфёна сотиш билан шуғулланаркан. Ҳизматидан Ҳиндиҳитой, Араб мамлакатлари, Эрон каби қатор давлатлардан саноқли кишиларгина яширин равища фойдаланишаркан-у, лекин сир пардаси ҳеч қачон очилмас экан. Гап авзоидан Баҳайдод соҳибининг ўзи ҳам қачонлардир шу иш билан шуғулланганини Изиддин иноқ сезганди. Етарлича маблағ тўплагач,

<sup>1</sup> Баҳайдод — маъноси Кутлуғбердига тўғри келади.

<sup>2</sup> Янги дунё — Америка қитъаси назарда тутилмоқда.

охирини ўйлаб, бу хавфли ишни йиғиштирган-у, савдонинг бошқа турига ўтиб кетган бўлса керак...

Изиддин иноқ хизматкорларига дарҳол от тайёрлашни буюрди ва тезлаб кийинди. Бойлиги турадиган маҳсус сандигидан эллик тиллодан юз тилло солинган икки ҳамённи чўнтакларига жойлади-да, йўлга тушди. Етиб келганида Баҳайдод соҳиб лаш-лушларини расамади билан жойлаб, дўконини бекитишга ҳозирланаётган эди. Унга кўзи тушгач:

— Марҳабо, Иноқ соҳиб, марҳабо! — деди хурсандлик билан. — Шабистонда<sup>1</sup> йўқлабсиз, тинчлиғму?

У отини ушлаган ходимга жиловни тутқазгач, жавоб берди:

— Тинчлик-тинчлик, Сизминан бир гурунг қилғоли келдим. Вақтингиз қалай?

— Тижорат аҳлиниңг вақти шабистонда сероб бўлур. Ичкарига марҳамат қилунг.

Меҳмоннинг ўтириши учун жой ҳозирлаган ходимига Баҳайдод соҳиб тезлаб қаҳва тайёрлашни буюрди.

— Қаҳва бўлса ичурмиз, — Изиддин иноқ унга маънодор ишора қилди. — Тобсанғиз анов зормондадин бўлсун.

Меҳмоннинг нашъаси сустлигини Баҳайдод соҳиб пайқали. Ходимига ҳиндчалаб нимадир деди. У икки қўлини жуфтлаб пешанасига қўйганича ним эгилди ва чиқиб кетди. Ўрнига кирган ходимга ҳам нимадир деган эди, у бир четта қурилган печсимон ўчоққа ўт ёқиб гўшт қовура бошлади. Аввал чиқиб кеттан ходим тўртта иссиқ, нон билан бир сурохий<sup>2</sup> тоза шароб келтирди ва бир зумдаёқ дастурхонни тузатиб, сурохийни ўртага қўйди. Бу орада қаҳва ҳам тайёр бўлди. Изиддин иноқ ундан бир-бир ҳўплаб, гўшт пишгунича сабр билан кутди. Кейин:

— Хизматчиларингизга жавоб беринг, соҳиб,— деди секингина. — Гап бор.

Баҳайдод соҳиб унинг бекорга кечлатиб келмаган-лигини билиб, ходимларига жавоб берди. Улар кетишгач,

<sup>1</sup> Шабистон — кечқурун демоқчи.

<sup>2</sup> Сурохий — кўзасимон май идиши.

сурохийнинг оғзини очиб, икки қадаҳга тўлдириб шароб қўйди ва бирини мәҳмонига тутди.

— Тобингиз келишмайроқ турур, соҳиб, ба нияти шифо, олинг,— деди.

Изиддин иноқ индамай қадаҳни бўшаттгач, чинни тақсимчалардаги қалампир, мурч, туз ва яна алланималар аралаштирилган, турли ранг ва шаклларда тайёрланган таббостиларга ишора қилди:

— Нуқлиға<sup>1</sup> булардин тотининг.

Одатда Бухоро мусулмонлари ғайридинларнинг таомларидан тотиниш нари турсин, дастурхонлари агрофида ўтирмас ҳам эдилар. Дарбор аҳли авом кўзидан панада тез-тез шаробхўрлик қилиб турса-да, шароб ичиш қатъий тақиқланган. Иккинчи қадаҳдан кейин Изиддин иноқ буларнинг ҳаммасини унуди — дастурхонда нима бўлса, ҳаммасидан қаторасига олаверди. Учинчи қадаҳдан сўнг юзларига ранг кириб, анча ўзига келди ва Баҳайдод соҳибдан сўради:

— Менинг нечун келғонимни пайқадинғизми, соҳиб?

— Пайқамадум...

— Эсинғиздами, бултур кузакда... қандайдур “упай дўзахий” ҳақида сўзлағон эдинғиз.

— Эсладим... — Баҳайдод соҳиб олиб қочишига тушди. — Буни бирорға айтиб бўлмайдур. Билмадумки, сизға нега гапирдум. Ҳиндустондагиларғинамас, саноқлиққина касларни демаса, буни кетурулғон жойидағилар-да билмаслар.

— Ўшани уруғидин тобилурми?

— Билмадим. Суруштурмак лозим бўлур.

“Упай дўзахий”ни топишига Баҳайдод соҳибининг имони комил. Очиқ савдодаги тансиқ мол эмаски, харидорлари тиқилиб ётса. Албатта, бу “мол” ҳам кимларгайдир тансиқ. Аммо у қора бозорнинг моли. Излаган унча-бунча харидор тополмайди. Йилига ўн-ўн бештacha талабгор олармон ё бўлади, ё бўлмайди. Бу томонидан унинг кўнгли тўқ. Барibir, нархини оширмоқчи бўлдими ё нимадандир шубҳага бордими, узоқ чайналди.

<sup>1</sup> Нуқл — газак, таббости.

— Недин бундоқ хаёлға толдингиз, соҳиб? — тоқат-сизланиб сүради Изиддин иноқ. — Ё харжидин қочур, деб хаёл қилурмисиз?

— Харжи бисёр бўлур, они топиб-да берурсиз. Бироқ сўрогонингиз тобулурму, деб хижолатқа тушмоқдамен.

— Тиллоға-да топилмас зот бўлурми, агарчи кўхи бесукунда<sup>1</sup> мавжуддур. Бунда қолгон амволингизга<sup>2</sup> ўзум шофе<sup>3</sup> бўлуб согтиурмен, соҳиб. Сиз ортингизга бурилмай боринг ва айтқонимни кетуринг.

— Афғон йўлларин қор босғон, ўтуб бўлмас...

— Эрон йўлидин боринг.

— Унда сафар кўпға чўзилур.

— Қанчага?

— Тахминан беш ойға.

— Сиз жадалланг, соҳиб. Афғон қўҳистони<sup>4</sup> довонлари очилишин кутсак, бундинда кўбрак вақт йўқотурмиз...

Ўн тилла Баҳайдод соҳибининг Гоа оролига бориб қайтишига етиб ортади. Дўзах кукуни учун таниш португалга нари борса ўн тилла сарфлайди. Қолгани ўзининг улуши — заҳмат чекиб нёча ойларда топадиган фойдасига тенг нақдина. Бунинг учун таваккал қилса, жон куйдирса арзирди. Шу туфайли Изиддин иноқнинг таклифини рад қилолмади: икки ҳамён тилласини олди-ю, эртасига субҳи козибдаёт Бухородан чиқиб кетди. Сал илгарироқ Техронга жўнаган карвонга Марвда етиб қўшилди. Омон-эсон Техронга етса, ўёғи Ободон орқали Форс кўрфазига чиқади. Бу йўлларни у беш қўлидай билади.

## ЕТТИНЧИ БОБ

Ҳутнинг охирларида Шунқорбек хатми кутубни поёнига етказди. Энди ёдидан кўтарилаёзган айрим мавзуларни қайта мустаҳкамлаш мақсадида баъзи

<sup>1</sup> Кўхи бесукун — дунё, олам.

<sup>2</sup> Амвол — мол-мулк.

<sup>3</sup> Шофе — воситачи.

<sup>4</sup> Қўҳистон — тоғлик ўлка.

китобларни варақлаб чиқмоқда эди. Шундай кунларнинг бирида домласи четга олиб тайинлади:

— Ҳамалнинг биринчи жумасида, пешин намозидин сўғун Масжиди Калонда имтиҳон қилинурсиз. Ҳушёр бўлунг, одам бисёр бўлур: барча муфтийлар, шаҳар қозиси, раис жаноблари-да қотишурға майл билдирубурлар. Мумкин, дарбор аҳлидин-да бўлурлар.

Шунқорбек беихтиёр чўчиб тушди:

— Бундоқ бўлмас эди-ку, тақсир!—деди капалаги учиб. — Синовни мударрисларимизни ўзлари қилур эдилар. Бундоқ томошага зарурат йўқ эди-ку!

— Зарурат бор, Шунқорбек, сизға қизиқиш бўлакча. Албатта, айбжўларда<sup>1</sup> тобилур. Кўрқманг, имоним комилки, оларни билғонидин сизники устуворроқдур. Бул синов мадрасамиз обрўси учундур. Шул сабаб бори мударрисларимиз сиз тараф. Иншоолло, насиб этса, юзингиз ёруғ бўлтур...

Домласининг кейинги гаплари Шунқорбекка озроқ тасалли берди. Таҳсилни тугатгач, бир оз хотиржамликка берилиб қолган эди. Энди қаттиқроқ ҳаракат қилмаса бўлмаслигини англади. Балки домласи ҳам шу мақсадда огоҳлантираётгандир уни. Орада қолган ўн беш-ўн олти кун ичida кўп нарсаларга кўз югуртириб улгуриши керак. Шундагина ўзига ишонса бўлар.

Наврўз куни такрорланиши лозим бўлган барча мавзуларни бир сидра кўздан ўтказиб тутатди. Араб ва форс тилларини мактабданоқ пухта ўргангандиги туфайли бу томони сабоқлардагидан енгил кўчгандай бўлди: такрорлаши керак бўлган мавзуларнинг сарлавҳасига кўзи тушганидаёқ илгари ўқиб-ўргангандари хаёлида тикланаверди. Ўзига ортиқча ишониб юбормаслик учун айrim масалаларни қайта-қайта ўқиди. Сайил куни ҳам ҳеч қаёққа чиқмади. Имтиҳонга атиги икки кунгина қолгани уни шошилтирас, ҳушёrlикка ундарди...

Тушдан кейин Сирожиддин парвоначининг келинлари келишиди. Шунқорбек бу хабарни эшлитиб, негадир

<sup>1</sup> Айбжў — айб ахтарувчи, камчилик изловчи.

“Хулкар бону ҳам келмадимикан”, деган хаёлга борди. Кейин ўзининг думбул хаёлидан кулиб кўйди. У ҳали қабиладошларининг кўпгина урф-одатларини билмасда, келин узатилиб келгунига қадар куёвнинг остонасига қадам босмаслигини билади. Куёв ҳам шундай қилса керак деб ўйларди...

Шу куни Улуғойимнинг куни тугди: меҳмонларининг ҳар иккаласи ёш-ёш келинчаклар бўлишига қарамай, хизматларида Норой келини билан баравар турди. Дастурхонга қушнинг сути билан анқонинг тухумини топиб кўёлмади, холос. Оғзидан бол томди – икки гапининг бири “Айланай чироқларим-ўргилай қароқларим!” бўлди.

Бирор соатлардан кейин келинларнинг каттаси Улуғойимдан тортининқираб сўради:

– Шунқорбек оғам хатми кутуб қилибдурлар, деб эшилтуқ, муборакбод қилиб кетсан мумкинлиги бўлурми, Ойим?

– Во-о-о, чироққиналарим, сизларки сўрабдурсиз, биз йўқ дермизми? Озрок кидирасизлар<sup>1</sup>, айланайлар!

Улуғойим Норойни ташқарига олиб чиқиб, Шунқорбек ўтирган хонани дарҳол тартибга солишни ва у ерга ҳам дастурхон тузатишни буюрди. Ўзи ўғлининг ёнига кириб огоҳлантириди:

– Янгаларинг ҳузуринға кирмоқ талабидалар. Дурустроқ кийин-да, олар била тортинмай сўраш.

Шунқорбекка кийимларини алмаштиришнинг ҳожати йўқ эди. Эгнидагилар ҳам янги ва тоза эди. Фақат тўнини алмаштириди: малла тўн ўрнига одмигина қорасини кийиб олди. Бу орада Норой хонани тартибга солиб, дастурхон тузатишга киришди. Улуғойим пойгакда туриб, бу ишларнинг боришини ўзи кузатди. Кўнгли тўлди шекилли, дастурхон тайёр бўлгач, индамай меҳмонлари ёнига чиқиб кетди. Салдан кейин узун-қисқа бўлишиб, хонага янгалар киришди.

– Ассалом, домод! – деди олдин кирган каттаси табассум билан. – Кираберсак бўлурми?

<sup>1</sup> Кидирмоқ ёки гидирмоқ – кутмоқ, сабр қилмоқ.

— Воалайкум уссалом, албатта бўлур! — Шунқорбек тезлаб ўрнидан кўтарилиди. — Қани, янгажонлар, юқорига марҳамат қилғайсизлар!

Катта келин таклифни қабул қилмай, тегажоқлигини давом эттириди:

— Муомаланғиз мулланамо, Шунқорбек оға, уч йилғина бурун мени сингним<sup>1</sup> дер эдингиз. Мен сизни оға дейиш била, ўшандаям “домод” деб ҳазил қилур эдим. Унутибсиз... Бироқ мен тилағон бўлди!

Шунқорбек жавобан “биз сиздин-да олдинроқ ваъдани Парвоначи отамизнинг ўзларидин олғон эдук”, деб юбораёзди-ю, вақтида тилини тийди. Ҳа, уч йилгина илгари ҳам уларнига бориб турарди. Бу пайтда Сирожиддин парвоначининг хонадонидагилар “домод” демай қўйишган эса-да, шу қақажон янга айтарди. Туб бухороликлардан фарқли ўлароқ, хитой-қипчоқларда янгалар қайнилари билан анча эркин ҳазил қилишарди. Бу келин ҳам шу ургунинг мангитларга тушган қизи. Бир ёш-ярим ёш кичкиналигини айтмаса, эрининг ёши улуғ ҳамда ота томонидан яқин бўласи бўлганидан, гарчи уруғдоши ва ёши кичикроқ бўлса-да, у Шунқорбекка янга мақомида. Шунга қарамай, баъзи-баъзида унга ҳазил тариқасида “сингним” дерди. Шуларни эслаб:

— Ҳеч нимани унутқоним йўқ, Завра<sup>2</sup> сингним! — деди.

Учаласи ҳам беихтиёр кулишди. Шу билан орадаги ўнғайсизлик барҳам топди.

— Таҳсилни поёнига еткурибсиз, муборак бўлғай! — деди Зуҳра ойим овсинининг қўлидаги каттагина тугунчакка қўл чўзиб. — Наврўз шарофати била сизға деғон кичик совғотимиз бор эди. Эгнингиздағи тўнни ечғайсиз.

Шунқорбек индамай тўнини ечди. Зуҳра ойим тугунчагидаги банорас матосидан майда қавиб тикилган янги тўнни олиб унга кийдирди. Белига анвои кашталар билан нақшланган ипак белбоғ боғлаб, бошига бой муллаваччалар киядиган чиройли гилам дўппини кийдирди ва ҳар иккала янга олдинма-кетин:

<sup>1</sup> Сингним — синглим (шевада).

<sup>2</sup> Завра — Зуҳранинг шевадаги талаффузи.

— Муборак бўлсун! — дейишиди.

Шу пайт хонага кириб келган Улуғойим янги тўн, белбоғ ва дўппида: “Куллук! Куллук!” — дея талмовсираб турган ўелини койиб берди:

— Ўқуғон каслар Қизилқумдин чиқғон ғизолга менгзарму дермен, бойғўзисин<sup>1</sup> бермаймусен эгнингдағиларни, нодон!

— Бойғўзиси недур?!

Янгалар шунчаки кулишди. Улуғойим ўнғайсиз ҳолатини сездирмаслик учун ҳаспўшлади:

— Ҳай, болам-а-а, бойғўзини нелигин-да билмас ул. Бунға китоб бўлса бас — субҳдин шомғача бош кўтармай ҳарфхўрлик қилур.

У ўз чўнтағидан иккита тилла танга чиқариб, қаршиликларига қарамай, янгаларнинг қўлига ушлатди. Кейин уларни олиб чиқиб кетмоқчи эди, Зухра ойим қулгига олди:

— Сиз бораберингиз, Ойим, Мулла оғам била бизни юмушларимиз ҳали тугамади.

Улуғойим Шунқорбекнинг довдирашини тузатаман деб, ўзи ҳам хато қилганини сезди ва кулимсираганича индамай чиқиб кетди. Ахир улар тўн кийдириш учунгина келишмагандир. Ҳулкар бонудан ҳам совға-салом олиб келиштан бўлса, унинг олдида топширишлари нокулай бўлгандир. Балки, бошқа бирор гаплари ҳам бордир. Балки... Яна ким билади, куёвлаб боришга таклиф қилишмоқчиidlар. Аслида бу таклиф ўзларидан чиқиши керак эди. Улуғойим кўпдан шуни ўйларди-ю, юзи чидаб ўғлига айтольмасди. У эса буни хаёлигаям келтирмасди — аниқроғи, буни билмасди. Зухра ойим, ҳар ҳолда хитой-қипчоқларнинг қизи. Уларда қаллиқникуига куёвлаб бориш удуми манғитларга нисбатан мустаҳкамроқ яшаб келяпти. Буни Зухра ойим билиши керак. Билмаса учурук қилиб айтсамикан? Ярим ёшидаги келинларга юзи чидаб қандай айтади?

Улуғойим шундай хаёллар билан меҳмонхонасида дикқинафас бўлиб ўтирганида Зухра ойим ўз “иши”ни силлиқнина бажармоқда эди.

<sup>1</sup> Бойғўзи ёки бойқўзи — сарпога миннатдорлик юзасидан бериладиган пул (сарпо учун берилган “қўзи”).

— Мана бу дастрўмолни, — у ёнидан бир парча оқ шоҳига ўралган нарсани чиқарди. — Белингиздағи белбоғни Бонунинг ўzlари кашталағонлар. Атай сизға атаб тикканлар.

— Бонуға салом била миннатдорлиғимни еткурғай-сизлар, Завра қариндош, — деди Шунқорбек у узатған ўроғлик рўмолчани ола туриб. — Наврўз кунида йиборған совғотлари била каминани беҳад шод қилдилар. Афсус, бундоқ илвасинларни<sup>1</sup> биз-да қилсақ бўлур экан...

— Фам тортманғиз, хомсиқманғиз, Бек оға, кеча ойим бекамлар бир бўхча турли зотлардан широварлари била йиборғонлар.

— Шундоқму? Бундин бехабар эканмен.

— Сиз кўп нарсалардин бехабарсиз. Унда Бону сизни соғинаидур, йўлинғизға кўз тикадур. Нучук бир йўқлай демассиз?

— Ўпканғиз ўрунли, ойим. Бироқ шул вақтқачанғи бори ҳаракатларим Бонуни дийдорини ёвутмоқ<sup>2</sup> мақсуди била бўлди. Келгуси жума синовдин ўтсам, насиб этса, нариғи жумагача тўй-да бўлур. Валинеъматим шуни ташвишида юрурлар чоғи.

— Тўйғача бир ўтунг.

— Қачон?!?

— Айтолиқ, бугун элётарда.

— Қандоқ бўлур?

— Қантдоқ бўлур. Ўзум сиз тараф бўлуб кутуб олурмен. Қариндошмиз, Бек оға. Соатлиқ шакаргуфтторлиқдин сўғин қайтурсиз...

Зухра ойим Шунқорбекнинг китобдан бошқасига чалғимай ўсганлигини билади. Ундаги керагидан ортиқроқ соддалик, тортинчоқлик ҳам шунинг нуқси эканлигига ақли етади. Ҳар қалай, күёвнинг қаллиғини-кига күёвлаб бориб туриши машҳур удумларнинг битта рукни эканлигини унга тушунтира олди. Ҳулкар бону билан хонасида ёлғиз учрашувга ҳам кўндириди. Иккинчи янга хийли ёшроқ бўлганидан уялиб, қисиниб-қимтиниб

<sup>1</sup> Илвасин — олди-бердилар маъносида.

<sup>2</sup> Ёвутмоқ — яқинлаштироқ.

үтириди. Зухра ойим бу билан ҳам кифояланмай, кетиши олдидан Улуғойимга тайинлади:

— Бек оғам вақтида борсунлар, кутиб ўтиурмиз...

Ёлгиз қолгач, Шунқорбек ёнидаги рўмолча қатларини ёзди. Димоғига ёқимли ифор урилди. Бу ҳидни боя ҳам сезгандай бўлувди, янгалари олдида ортиқча эътибор беришга ийманди. Энди уни бурнига яқин келтириб тўйиб ҳидлади. Вужудини сархушликка ўхшаброқ кетадиган руҳафзо бир қувонч туйгуси қамраб олди. Шу ҳис таъсирида рўмолча юзасига тикилган суратларни томоша қила бошлади: тўрт бурчига тўртта очилиб келаётган қизил гул тасвири туширилган. Гулларнинг тиканли бутогига қўнолмай фифон қилаётган булбуллар сурати зарҳал билан тикилган. Рўмолчанинг ўртасида тўла очилган йириккина битта қизил гулнинг тикансиз бутогига қўниб турган булбул тубсиз осмонга қараб хушҳол сайрамоқда. Уларни ўраб, бир-биридан баравар олисликда яна тўртта очилмаган фунчаларнинг тасвири нақшланган.

Аввалига Шунқорбек бу суратларга шунчаки кўз югуртириди. Қизиқиб, синчиклаброқ тикилгач, улар билдираётган маъноларни ҳам илғади. Бурчаклардаги тасвирлар — унаштирилгандаридан буён ҳижрон азоблари ва висол умидида ўтган тўрт ойнинг мажози. Ўрталиқка эса Ҳулкар бону тотув оила ва фарзандлар ҳақидаги орзуларини дарж этган. Бунчалар фикри тиниқ ва тасаввури кенг бўлмаса! Шундай хилқат фаҳми тўмтоқ ўзидаи йигитга муносибмикан! Тўрт ой давомида ақалли бир йўқламади. Йўқлайман деса, йўли бор экан-ку. Ҳў-ӯ бирда Абдубори ҳам шундай учуриқ қилган эди. У биларкан-да. Ўзи эса турли андишаларни пеша қилиб юрибди.

Нафсиlamрини айтганда, Ҳулкарни эсламади деб бўлмасди. Уни кўргиси келиб, тез-тез эслади, жуда-жуда согинди. Аммо оралиқни доимо ўзи билган ва қўниккан урф-одатлар девор бўлиб тўсиб турди. Бу “девор”да ҳам нозик жойлар — тирқишлир борлигини билмас экан. Кейин-кейин дастлабки ҳафталардаги бетоқатлиги сўнаёзди — зўр бериб ўқиш билан бўлиб кетди. Энди Ҳулкарга нимани важ қилади, ақалли икки

энликкина хат юборолмаганига сабаб тополадими? Важ-корсонларига ишониб қүяқолармикан у! Шу муаммо камлик қилиб турувди ўзи...

Хаёл билан элётарга яқынлашиб қолганини сезмабди. Бир маҳал онаси кириб:

— Вақт бўлди, — деди. — Мана бу узук онамдин қолғон ёдгорлик, — у олмос кўзли битта тилла узукни Шунқорбекнинг кафтига қўйди. — Яхши ният била келинимни қўлиға ўзунг тақиб қўй. Мана буларни, — яна икки дона ёқут кўзли тилла узук чиқарди. — Икки янгасига берғил. Қайтурингда беш-тўрт танга бериб, уй канизаки била хизматкорларини-да рози қилғил.

У қалинроқ кийиниб ташқарига чиқди. Ҳамал кирганига қарамай, ташқари анчагина совуқ. Ой ёруғида пана-пасқамларда эrimай ётган қорлар ялтираб кўринади. Сайислар огоҳлантирилган шекилли, бири дарвоза ёнида гижинглаган йўрганинг жиловидан тутиб турарди. Шунқорбек унга секингина раҳмат айтиб, отга чаққонлик билан минди ва йўлга тушди. Ширин хаёллар оғушида анча юргач, олдини икки миршаб тўсиб чиқди.

— Тўхта, кимдурсен?! — деди бири дағдаға билан отнинг жиловидан олиб. — Туш пастға!

Шунқорбек дағъатан нима дейишни билмай каловланди-ю, тезда ўзини тутиб олди.

— Мени тўхтатиб, отимни жиловидин олишға қандоқ ҳаддинғиз сиғди, — у ҳам миршабнинг дағдағасига монанд жавоб берди. — Мен Шунқорбекмен.

— Ким бўлсанг-да биз била юурсен, — миршаб бўш келмади. — Қолгонини миршабхонада сўзлашурмиз.

— Менға мундоқ қилолмассиз, зарур давлат юмуши била Сирожиддин парвоначини манзилиға кетурмен.

Сирожиддин парвоначининг номини эшиттагч, дағдаға қилаётган миршаб бирдан юмшади. Лекин яна бир бемаъни савол беришдан ўзини тиёлмади:

— Қандоқ юмуш?

— Бунисин сизга айтиб бўлмас, мен била юрусангиз, Парвоначи ҳазратларини ўзларидан сўраб билурсиз.

— Узр, билмабмиз, баҳузур ўтаберингиз!

Миршаблар йўлни тезгина бўшатиб, ён кўчалардан бирига уриб кетишиди.

Элётардан бомдодгача давлат хизматчилари, табиблар ва доя хотинлардан бошқа бирортанинг шаҳар кўчаларида юриши тақиқланган. Шунинг учун Шунқорбек ўзини давлат иши билан юргандек кўрсатди ва бу ҳийласи иш берганидан жилмайиб қўйди. Ўзиям, умрида биринчи марта ҳйла қилган бўлса керак. Ирим-сиримларга ишонмаса-да, бу ҳодиса унга кейинги ишлари ҳам кўнгилдагидек кечишига ишорадек туюлди. Миршаблар олиб кетишган тақдирдаям бир тукини камайтиришолмасди: Абдуқаюм тўқсобанинг ўғли эканлигини аниқлашгач, узр сўраб қўйиб юборишарди. Лекин вақти беҳуда кетар, келишилган учрашувнинг чиппакка чиқиш хавфи туғиларди. Ўрнида бундайроқ одам бўлганидами, миршаб тушмагурлар бор-йўғини шилиб жўнатишарди...

Парвоначининг ҳовлисига яқинлашгани сари ҳадик ва ҳаяжонда юраги яна пўкиллаб ура бошлади. Тасодифан Ҳулкарнинг отаси ё онасига, ёки акаларидан бирортасига рўпара келиб қолишдан чўчирди. Кўрқмаса ҳам бўларкан, Зухра келин ишни пухта қилганга ўхшайди. Етиб келмасиданоқ дарвоза очилиб, ёнида кимдир кўринди. Отини тўхтатгани ҳамоно у чақон юриб келиб жиловидан ушлади ва паст овозда:

— Туша берингиз, Бек, — деди. — Сизни кутишмоқдалар.

Шунқорбек ҳам унга эши билар-эши билас раҳмат айтиб, ҳовли томон йўл олди. Ўғри мушукдай пусибгина келаётганини кўриб, ташқи эшик ёнида кутиб турган Зухра ойим кулиб қўйди ва у ҳам шивирлабгина сўради:

— Яхши келдингизми, Бек оға? Қани ичкарига марҳамат.

Шунқорбек кўрсатилган эшикни очиб, бир четига ёлғизгина шам ёқиб қўйилган чоғроққина даҳлизга кирди ва чарм кафшини ечиб, маҳсисимон этиги билан иккинчи эшикка юзланди. Зухра ойим унинг кафшини тўғрилаб қўйган бўлди-да, келин-куёвнинг илк учрашувига халал бермаслик учун ташқарига чиқиб кетди.

Бу уй одатда Сирожиддин парвоначи иш билан шошилинч келиб кетадиган меҳмонларни кутиб оладиган ва кузатадиган уй эди. Шунинг учун асосий уйлардан четроқقا, алоҳида қурилганди. Буни Шунқорбек биларди. Зухра ойим нега бу томонга бошлаганидан ҳайрон бўлди-ю, иккинчи эшикни очгач, ҳаммасини тушунди. Пойгакда суксурдай бир париваш унга йўл бўшатиб, таъзимга эгилди. Юзини кўролмаса-да, Ҳулкар бону эканлигини фаҳмлаб, Шунқорбекнинг аъзои бадани жимиirlаб кетди. Бир зум нима қилишини билмай эшикнинг қабзасидан ушлаганича туриб қолди. Бу орада Ҳулкар бону жуссасини чала тиклаб:

— Ассалом!.. — деди титроқ овозда. — Хуш келибсиз, ичкарига марҳамат қилинг, Бегим!

У яна таъзимга эгилди. Шунқорбек саломига алик олиб ичкарига кирди. Ортидан эшикни ёпгач, титраётган қўллари билан қизнинг елкасидан авайлаб ушлаб, астагина қоматини ростлади. Ҳона ўртасига осилган қандилда пориллаб ёнаётган шамлар ёруғида Ҳулкар бонунинг хуркак кўзларида ёш айланётганини кўриб, ростакамига кўрқиб кетди.

— Сиз йигламоқдасиз?! — сўради шоша-пиша. — Нечун, Бону?! Ёким мен сизга ёқмасменму?

Ҳулкар бону аста бош чайқади. Шу онда кўзларида сизғиб турган икки томчи ёш ҳаяжондан бўғриқиб турган юзларида узун из қолдириб пастга юмалади. Буни кўрсатмаслик учунми ё кўнглида дафъатан пайдо бўлган ҳадикни тарқатиш учунми, бошини астагина Шунқорбекнинг кўксига қўйди. Ҳулкар бонунинг вужудидаги ҳаяжонни ҳис қилгач, унинг томирларидағи қон пўртандек қайнай бошлади, юраги кўксини ёриб юборгудек уриб, аъзои бадани мумдек эриётганга ўхшади. Ўнг кўлининг кафти билан қизнинг елкалари, соchlарини беихтиёр силай бошлаганини пайқамасди.

Салдаёқ Шунқорбек ҳушини тўплади. Ҳануз бошини кўксига қўйганича ўзини йўқотиб турган Ҳулкар бонунинг елкасидан авайлабгина ушлаб орқароқقا сурди ва юз-кўзларига синчиклаб разм солди: ўша кенггина

манглай, ўша оралари салгина очиқ қуюқ қора қошлар, учи тепага қайрилған узун-узун мужгонлар, ўша чаңнаб турган тиник чарос күзлар, тұгмача бурун, ўша ғунчалек нозик лаблар, сутға чайилғандай оппоқ іозлар... Фақат озроққина тұлишиб, бир хуснига ўп хусн күшилибди. Унинг малоҳати Шунқорбекнинг ақлинин шошираёзди. Такбиридан адашған мулладек, аввалги саволини такрорлади:

- Нечун йигладингиз, Бону?!
- Ўзум...

У майин жилмайди. Шунқорбекнинг назарида юzlари, қош-күzlари-ю қатор оппоқ тишлиғатын — бутун рұхсорида табассум жилва қилғандай бўлди. Аммо жавоб қониқтиргади.

- Киши ўз-ўзидин йигларму экан? — сўради яна.
- Кувонғонимдин бўлур... Сизни энди кўролмасменми дегон кўрқинчда эдим!
- Келолмағонимғаму?
- Кейинги келолмағонингиз сабабларин билурмен. Аввалғисин айтурмен: совчилар ёғилди, сиздин садо чиқмади. Хайриятки мактуб битидингиз...
- Ўпканғиз ўрунли, Бону. Тортинчоқлигим панд берғонидин у кунлар ўзумға-да осон кечмади. Шукрки, охири баҳайр яқун топди.

Шунқорбекни дастурхонга таклиф қилиш ўrniga бўсағада гап сотиб туришгани Ҳулкар бонунинг эсига тушиб ўнғайсизланди. Дарҳол хатосини тузатишга уринди:

- Бул туришимиз дуруст бўлмас, юқориға ўтинг, Бегим!

Шунқорбек мийигида кулиб қўйди. Ҳулкар бонунинг ширали товушда “бегим” деб туриши унга мойдай ёқди. Кўрсатилған жойга индамай ўтиб, ўтиришдан олдин орқароқда келаётган Ҳулкар бонуга:

- Қўлинғизни беринг, Бону! — деди.

Хозиргина бошини кўксига қўйиб турган хурлиқо негадир чўчиб тушди. Ним кулги билан сабабини сўради. У айтмагач, алҳол талабига бўйсуниб, ўнг қўлини чўзди. Шунқорбек шамлар ёргида кўзи ярқираб турган тилла узукни номсиз бармогига тақиб:

- Муборак бўлсун! — деди.
- Қуллуқ, Бегим! — Ҳулкар бону ҳаяжонланиб ним эгилди. — Ўзунғизни келғонингиз менга бул тортиқдин беҳроқдур.
- Йиборғон дастрўмолингиз бурчларидағи тасвиrlар мени хижолатқа қўйди, ўртадағиси бошимни кўкка еткурди.
- Сизни соддароқсиз деб билур эдим, зийрак эркан-сиз...

Шу пайтгача Шунқорбек на мударрисларининг ва на бошқаларнинг мақтовига учган. Доимо ўз ишини билиб қиласверган. Негадир Ҳулкар бонунинг жўнгина мақтови унга ёқди. Балки, чин кўнгилдан айтилгани учундир...

Келаёттанида бу ерда узоги билан бир соатча ўтиарман деб ўйлаганди у. Гап гапга уланиб, тонгтacha қолиб кетди. Орада онаси бериб юборган бошқа узукларни ҳам эгаларига топширди. Чой-пой ташиб турган канизакнинг кўлиға битта тиила танга узатди. Кетар чоғида отини келтирган сайис билан дарвозабонга бир сиқимдан танга берди. Хўжайн-ларининг куёви бу қадар сахийлик қилганидан улар ҳайрон бўлишди: сиқимларидаги тангаларга бозордан биттадан яхши қўй сотиб олишлари мумкин эди-да.

## САККИЗИНЧИ БОБ

Орзиқиб кутилган баҳор келди. Даражтлар ҳали куртак чиқармаган эса-да, уйғонаёттанини билдириб, атрофга анвои ҳидлар таратса бошладилар. Жанубнинг майин еллари дашту далалардан ниш ура бошлаган ўт-ўланларнинг ифорини тўплаб, Бухоро устига сепмоқда эди. Одамлар қиши диққинафаслигидан тўлиқ кутулишмаган бўлишса-да, енгил нафас олиб қолишли. Дехқон билан боғбоннинг иши кўпайди. Йўллар қишдагига нисбатан гавжумлашиб қолди. Узоқларга тез-тез савдо карвонлари жўнатилади. У тарафлардан чиқсан карвонлар ҳам Бухоро сарҳадларига тобора яқинлашаётганлиги хабари келиб турарди...

Масжиди Калонда пешин намози ўқилиб бўлгач, масжиднинг имом хатиби намозхонларга янгиликни эълон қилди:

— Дақиқалардин сүғун Мир Арабда аъло хатми кутуб қилғон Шунқорбек ибн Абдуқаюм тұқсабани синов қиқиши бұлодур. Қизиқфонлар, илм аҳли ва илми толиблар марҳамат қилиб шунда қолсунлар. Юмушлари сероб намозхонларимизға рухсат, бемалол борсуулар ва юмушлари била машғұл бўлсунлар.

Эълондан сўнг масжиддагиларнинг ярмидан кўпроғи чиқиб кетди. Улар асосан деҳқонлар, фарз намозни адо қилишгагина кирган савдогарлар, узоқ-яқиндан келган бозорчи-харидорлар ва бошқалар эдилар. Ўрнига масжидга сифишимаганидан ташқарида намоз ўқиганлар, бошқа мадрасалардан келган талабалар киришди ва масжид яна қарийб тўлди.

Бир замонларда бу масжидда амир Ҳайдар ваъз ўқирди. У амир бўлибина қолмай диний мутахассис, етук ислом уламоларидан эди. Минбарга кўтарилганида нутқини беш юз-олти юз, баъзан ундан ҳам кўпроқ одам жон қулоги билан тингларди. Шунқорбек диний илмда, албатта, у қадар мавқе-эътибор қозонгани йўқ. Боз устига, бу йигин ваъз айтиш ёки амри маъруф учун ташкил қилинмаган. Шунчаки, Мир Арабнинг довругини доруссалтанага ёйиш учун ташкил қилинган. Ўша даврларда ҳам мадраса талабалари орасида ўқиши учун жон койитмай, анчайин кун ўтказиб юрадиганлари бўларди. Улар бу даргоҳларда пули, мол-дунёси ёки мансабдор қавм-қариндошлари орқали фалон мадрасада хатми кутуб қилди, деган ҳужжатни қўлга киритиш учунгина юришарди. Шунқорбекнинг имтиҳонини масжидда ўтказишдан кўзланган яна бир мақсад, уни шундай талабаларга намуна қилиб кўрсатиш эди. Шунга ҳам уч юз элликтача қизиқувчи топилди.

Шунқорбек имтиҳон олувчилар ҳайъати ўтирган жойга ўтаётіб, мударрислардан сал нарироқда валиаҳд Музаффарни ўрталикка олиб ўтирган отаси билан Сирожиддин парвоначига кўзи тушди. Уялганидан юзларига озроқ қизиллик югурди-ю, тезда ўзини тутиб олди: “Бунда ўтурғонлар отами, қайнотами — эл қатори тингловчилар”, — дея тасалли берди ўзига. Улардан орқароқда дарбор аҳлидан яна икки-уч киши кўринди.

Оралариди Изиддин иноқ ҳам бор эди. Бошқалар майлийди. Валиаҳднинг шу ерда қолгани Шунқорбекка ғалати туюлди: битта илми толибнинг синовдан қандай ўтишини кузатиб, дикқинафас бўлиб ўтириш зарурмикан унга?

Аввалига Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдан, фикр ва тафсирдан — илми ҳол ва илми қолдан аралашига бир соатча мударрисларнинг ўзлари имтиҳон қилишди. Шунқорбек саволларга тутилмай, аниқ ва лўнда жавоб бераверди. Кейин бош мударриснинг рухсати билан тингловчилардан саволлар ёғилди. Нималарни сўрашмади: баъзилари шундай илмоқли, синов мақсадига алоқаси бўлмаган саволлар эди-ки, у жавоб излаб, озроқ ўйланиб қоларди. Лекин керакли жавобни топиб айтди. Айрим саволларга бутунлай янги томондан ёндашиб. Қуръон ва Ҳадислардан иқтибослар келтириб фикрини шундай далиллардики, тингловчилар беихтиёр “Баракалло!” деб юборишарди. Қандайдир ноҳушроқ маълумотлар етказилганми, раис Раҳмонберди Ниёз ҳам тўрвасимон соқолини бармоқлари билан тароқлаб, шариат аҳкомларига доир икки-учта илмоқли савол ташлашдан ўзини тиёлмади. Билғанларидан ҳам аўлороқ жавоб олавергач, уни учди.

Бир талабани синаш учун нари борса йигирма дақиқа вақт сарфланарди. Шунқорбекни икки ярим соатдан ортикроқ имтиҳон қилишди. Бу вақт кекса мударрисни анча толиқтириб кўйди. Шунинг учун у ўз ҳукуқидан фойдаланиб, инқиллаброқ ўрнидан турди ва Шунқорбекни синовдан аъло ўтганлиги билан табриклаб, имтиҳон тутаганлигини билдириди. Бу ҳаммага маъқул келди. Чунки масжиднинг ичи исиб, димиқиб кетганидан кўплар безонталана бошлаган эдилар. Ҳамма гуриллаб ташқарига йўналди. Масжидда одам оз қолганиданми, нафас олиш озроқ енгиллашибди. Валиаҳд қимиrlамагани учун, арқдан келганлар ҳам туриб кетишолмади. Одамлар кетиб бўлгач, мударрислар ҳайъати Шунқорбекни ишга тавсия қилиш масаласини ҳам бир йўла ҳал қилмоқчи бўлди.

Одатда ёмон ўқиган ва ўртачаларнинг ҳужжатлари қўлларига берилиб, шундай жўнатиб юборилади. Узоқдан келган иқтидорли талабалар ўз юртларига кетишни маъқул

кўришади. Юқоридан ёки доруссалтана ҳудудидан талабномалар бўлса, ерлик иқтидорлар билим даражасига қараб ўша жойларга юборилади. Бу имтиҳон “бемаҳал” бўлганидан, ҳали талабнома тушмаган эди. Мадраса мальмурини, афтидан, уни ўзларида олиб қолишни мўлжаллашарди. Буни Музаффар пайқади. Шу сабабли секин, лекин синов ҳайъати эшитадиган даражада овоз берди:

— Магарам мумкинлиги бўлса, Шунқорбекни бизга ҳавола қилсалар, тақсирлар!

Валиаҳднинг илтимосини ким қайтара оларди: ҳайъат аъзолари маъқуллаб, уни баҳузур Музаффарнинг ихтиёрига “ҳавола” қилишди. Буни эшишиб Изиддин иноқнинг юzlари кўкаринқираਬ кетди-ю, ҳеч ким сезмади. Абдубори бу пайтда Шунқорбекнинг чиқишини пойлаб ташқарида ўтиради. Музаффарнинг боргоҳидаги воқеадан кейин ўзича Шунқорбек билан алоқасини узмоқчи эди. Бундай қилолмади: отаси аzonлаб ҳузурига чақириб, қисти-бастига олди.

— Шунқорминан алоқангни зинҳор-базинҳор узмагил, — тайинлади у. — Унга олдинғидин-да ёвушурға кўшиш қил. Ҳали олар била чала ҳисоб-китобларимиз бор, ёвуқ бўлсанг нафи тегур.

Абдубори отасининг асл мақсадини билолмаса-да, балки бир куни ростдан фойдаси тегар, деган хаёлда талабини қулоғига олди. Шу-шу, икки ошна озроқ ўпкагинадан кейин аввалтидай бўлиб кетишли.

\* \* \*

Валиаҳд масжиддан чиққач, тўғри отасининг боргоҳига йўл олди. Хосхонасида ёлғиз ўтирганини аниқлагач, эшикоғадан ёнига киришга изн бўлиш-бўлмаслигини сўраб беришни илтимос қилди. Рухсат теккач, ичкарига кириб салом берди ва одатдагидек уч марта эгилиб таъзим бажо келтирди. Қалин адрес кўрпаларда юмшоқ пар ёстиқларга суюниб ўтирган амир Насрулло гавдасини ярим кўтариб илтифот қилди:

— Кел, ўтур. — деди хонтахтанинг ёнини имлаб кўрсатиб. — Не юмушда келдунг?

— Пешиндин сўғун Масжиди Калонда бир илмй толибни синови бўлди, Қиблагоҳ, — деди Музаффар гапни узокроқдан бошлаб. — Уч юз эллиқдин ортуқ одам йигилди...

— Бир талабани синови шунчалиқум?

— Ул жўн талабалардин эмас, падари бузруквор. Ул ноёб истеъдоддур...

— Сўзла.

— Они бир кунжақقا юмушқа буюрмоқ ниятида эдилар, мен мултамас<sup>1</sup> қилдим-ки, сабр қилғойлар. Мақсадим сизни хабардор қилиб, фикри олийингизни билмоқ эди.

— Не каромати зоҳирким, сен бул толибқа шунчалиқ илтизом<sup>2</sup> қилғойсен?

— Каромати шулки, ҳозирни ўзида устозлариға диний илмларда босим келғай. Доғи ул билғон ҳисоб, ҳандаса, фалакиёт, жуғрофиё киби илмларни устозлари билмағай. Они тарбиятингизга олсанғиз салтанатни судигадур<sup>3</sup>, бир кунмас-бир кун донишмандлар жаргасини пеши<sup>4</sup> бўлур.

Амирнинг кайфияти яхши эди, Валиаҳд билан баҳузур сұхбатлаша бошлади. Аксинча, ҳамсуҳбати ким бўлишидан қатъи назар, гапни қисқа қилиб кўя қоларди. Ўғлининг кейинги луқмасидан сўнг озроқ ўйланиб қолди. Нафсилемарни айтганда, унга донишмандларнинг кераги йўқ эди. Мансабдорлари қанчалик оми бўлса, уларни измида тутиш шунчалик осон кечишини билади.

Илмли кишилар, назарида, ўжар ва саркашроқ бўлишади. Баъзилари ўлимдан ҳам ҳайиқмайди. Ҳусусан, Қўқонга қўшин тортганида Ҳозиқ шундай қилганди: у аввалбошданоқ бу босқинга қарши турди. Буни яширмай очиқ айтди. Зафар билан қайтганида бутун Бухоро уламоларию, аркони давлат пешвоз чиқиб, асъаса-дабдаба билан кутиб олди. Аммо Ҳозиқ чиқмади. Бу Насруллонинг ғазабини барзаб оловдаги қозондай қайнатиб юборди.

<sup>1</sup> Мултамас — сўров, илтимос.

<sup>2</sup> Илтизом — қойил қолиш, тан бериш.

<sup>3</sup> Суд — наф, фойда.

<sup>4</sup> Жарғасининг пеши — сафнинг олди, қаторнинг олди.

Шаҳар ақолисига Ҳозиқ тақягоҳ эди. У ҳам алломаи замон эшон, ҳам Бухоро шуаросининг пешвоси. Уни эл қўзича жазолаб бўлмаганидан, пайт пойлашни маъқул билди. Амирнинг ниятини пайқаб, дўстларининг маслаҳати билан Ҳозиқ Шаҳрисабзга қочди. Тириклайн терисини шилдиришни ўйлаб юрган Насрулло буни эшишиб тилини тишлади. Лекин ҳеч бўлмаса ўлдиртириб юборишга қасд қилди. Шу ниятда зиндандаги ашаддий жиноятчилар орасидан қотил ёллади: озодлик инъом қилди, қўлига сийму зар берди ва кўнглидагидай бўлмаса-да, ниятини амалга оширди. Музаффар тавсия қилаётган бўлғуси аллома ким экан? Мансабга миниб обрў орттиргач, қилифи чиқиб қолмасмикан?

Амир “кўл остимда битта-иккита илмли кишилар ҳам юрса чакки бўлмасмикан”, деб ўллади. Товонини ялашга тайёр турадиган ва шу йўл билан камчиликларини хаспўшлайдиган амалдорларнинг нуқсонларини улар меъёрга солиб турармиди...

Музаффар тавсия қилаётган одамнинг насл-насабини пичинг билан сўради:

- Айтқонинг алломаи замон кимлардин?
- Абдуқаюм тўқсобабанинг ўғли, исми Шунқорбек.
- Ҳа-а, чизи саркашлиқи бўлса-да, Тўқсона пок тийнат<sup>1</sup> зот. Бизга садоқати шубҳадин холи, ўз уруқидин кўра мангитларга ёвуқроқдур. Бироқ, сен нечун қайдағи мударрисларга мултамас қилурсен. Валиаҳд оларға ҳукм этмоғи машру<sup>2</sup> эрмасму?
- Раъйингизни билмасдин оларға ҳукм қилмоқ – сизни мавқеингизни суистеъмол қилмоқ бўлур, Қиблагоҳ. Мунингтек корих<sup>3</sup> ишларға ҳаргиз бормасмен. Давлатпаноҳни юмушлариға бош сукмоққа кимсанни ҳадди йўқ, деб билғаймен.

Жавоб амирга ёқди. Анча юмшаб сўради:

- Они қайға кўюрмиз?
- Эшмуҳаммад мушрифни ўрнига.

<sup>1</sup> Пок тийнат – асли, насли тоза.

<sup>2</sup> Машру – шаръий.

<sup>3</sup> Корих – жирканч, хунук, номақбул.

— Не деб суриб кетмоқдасен?! Эшмуҳаммад садоқати аён қондошингдур, они не деб мансабидин кеткүрмөк бўлурсен? Ўйлаброқ гафур!

— Они кеткүрмассиз, хурсандлиқ била қабул қиласурғон бошқа мансаб берурсиз, падари бузруквор. Бул мансабни қабул қилиб садоқати дубора<sup>1</sup> ошса ошурки, асло кам бўлмас.

— Ул мансабни қайдин олурмен?

— Яқинда “тушумларни нисфи<sup>2</sup> қилур”, дейиб Карки бекидин нолигон эдинғиз. Они ўрниға фармони олий била Эшмуҳаммад мушриф йиборилса бўлмасми, Қиблагоҳ?

— Жўяли фикр, бироқ кеча мадрасадин чиқғон илми толибға давлат мушрифи лавозимини бермоқ хайф эрмасму. Бунга қушбеги, доги девонбеги не дер?

— Сизни бир сўзлағонингиз оларни юз сўзин кесур, Давланпаноҳ. Лавозимдорни ёши, нуфузи эмас, билим ва омилкорлиқи эътиборда бўлмасму?

Амир Насрулло хаёлидан ниманидир ўтказиб, бир муддат сукут қилди. Кейин узил-кесил бир қарорга келди. Жойлашиброқ ёнбошлаб Музаффарнинг ўзига буюрди:

— Удайчи била ясовулбошиға айт, янағи пайшанбаға кичик бир машварат қилурмиз. Унғача Карки бекини еткуриб келсунлар. Дарбордаги асосий мансабдорларни шул кунға тўпласун. Сен айтқон масалани-да шунда кўурмиз. Лозим тобсанг Тўқсобанинг ўғлини-да чорла.

Бу унинг “сұхбат тугади, таклифинг қабул” дегани эди. Музаффар отаси билан илиқ хайрлашди ва таъзим қила-қила орқаси билан юриб эшиқдан чиқди...

Карки ноибининг доруссалтанага чақириб олиниши – ишнинг юришганлиги белгиси. Аммо бу бошланиши – якун қандай бўлишини худо билади. Амирлар бирор вилоятта янги ҳоким тайинлайдиган бўлишса, бирор ишқал чиқармасин дебми, кўпинча олдинги ҳокимни Бухорога чақириб олишарди. У амир ҳузурига қуруқ қўл билан келмайди. Шунга қарамай янги ноиб бориб иш

<sup>1</sup>Дубора – икки карра, икки марта.

<sup>2</sup>Нисфи – исроф қилмоқ, ярим қилмоқ.

бошлагунига қадар уни доруламорада ушлаб туришади. Кейин совфа-саломига қараб бундайроқ мансабни беришади ёки шундай кўйиб юбора қолишади. Чақиртирилган ҳокимлар амирнинг мақсадини пайқаб қолишса совфа-саломни катта қилиб, уни шаштидан тушириб кўйишлиари мумкин. Унда Валиаҳднинг Шунқорбекка бошқа иш топишига тўғри келарди. Шу сабабли у машваратда Шунқорбекнинг ўзи ҳам қатнашгани тузук деб ўлади. Кўз ўнгидага турса, амир ваъдасини унутмас...

Абдуқаюм тўқсона билан Сироҳиддин парвоначи ўзаро келишиб, тўйни пайшанба куни бошламоқчи эдилар. Машварат дарагини эшишишгач, ноилож бир кун ортга суришди. Киши билмас сўраб-суриштирувлар натижасида кўпчилик бир-икки кун оралигидаёқ бу йиғилишдан кўзланган мақсадни тахминан билиб олишди. Карки бегининг шошилинч чақирилиши – мансабидан мосуво бўлганидан дарак. Эшмуҳаммад мушриф номаълум тарафга йўл олиш тадоригини кўрмоқда. Демак, Каркига ноиб лавозимига тайинланган. Ўрнини ким эгаллади? Шуни аниқлашнинг иложи бўлмай, ҳар ким ҳар хил фикр айтарди. Кўпчилик бу ўринга қушбеги ёки девонбеги ўз одамини тиқишириса керак, деб ўлади. Чунки бош мушриф – девонбенининг олиқ-солиқлар, турли тушумлар – давлатнинг киримчиқимлари билан боғлиқ барча ишлар ҳисобини олиб борувчи ўнг кўл ёрдамчиси, ўринбосар ҳисобланади. Бу лавозимни манғитлар ҳеч қачон бегонага беришмаган.

Валиаҳд машваратда қатнашиши зарурлигини сир тутишни истаганми, Шунқорбекка хат орқали ўзи маълум қилди. Улар ҳам буни бирорвга айтишмади. Бундан ҳатто қушбенининг ҳам хабари йўқ эди. Маслаҳатга чақирмагани учун на у ва на девонбеги амир ҳузурига киролишди. Фақат Абдуқаюм тўқсобанинг юрагига товкала тушиб қолди. У ўғлининг бош мушриф лавозимига тайинланиши мумкинлигини сезди ва буни сирам истамади. Бу мансабда ҳалол ишлаш қийинлигини билади. Тўғри ишласа йўқ ердан дushman ортиради, аксинча, ҳисобкитобдаги суистеъмолларнинг тенг шерик иштирок-

чисига айланади. Оралиқ йўл йўқ. Хавотирини юрагига сифдиролмай, холи топиб, Сирожиддин парвоначига ёрилди. У эса ўғлиниң шу ёшда бундай юксак мартабага кўтарилишидан қувониш ўрнига, элбурутдан ваҳима солиб юриши тўғри эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Бордикি шундоқ бўлғон тақдирдаям нимасидин безовталанурсиз? — деди таскин бериб. — Аморатпаноҳда, девонбеги-да ўзимизга хеш одамлар. Басе, Шунқорбек амиралмўминин била валиаҳд ҳимоятида бўлур. Кимни ҳадди бўлғай-ки, оларни зиддига кори бад қилгай. Бул тариқа хавотирга тушмоқингиз ўрунсиздур.

Саройларда шундай фитналар бўлганки, ногоҳ айрим шоҳларнинг ўзи унинг қурбонига айланиб қолганини Абдуқаюм тўқсона биларди. Тўғри, амир Насрулло дарборида ҳозирча бунақаси бўлмади. Ўзи ва болачақаларнинг омонлигидан хавотирланиш ҳамда кўркув ҳисси ҳар қандай фитначини бу йўлдан қайтариб турибди. Бу ҳолатнинг давом этаверишига кафолат борми? Шунқорбекдай иқтидорли, аммо содда ёшларнинг бирданига баланд лавозимга кўтарилиб кетиши биронтанинг жигига тегмаслиги мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан қаралса, тўқсобанинг хавотирида жон бордек...

Машваратга бор-йўғи ўнта йирик мансабдор чақирилди. Бир четда Шунқорбекнинг ўтиргани баъзиларни ажаблантириди. Унинг бу ерга кириши ҳам осон бўлмади: ташқарида йўлини ясовуллар билан удайчи, кираверишда эшикоға тўсади. Музafferнинг хати кўрсатилгачгина ичкарига қўйишди. Хонага киритишган экан, бошқа бирор жиддий сабаб бўлмаса, мушриф лавозими унга мўлжаллангани маълум бўлиб қолди. Кимлардир “наҳотки шу мишиқи бош мушриф бўлса” деган фикрга ҳам борди. Бунга сира ишонгилари келмасди. Балки ўрта ёш, бадқовоқроқ, тўрвасоқол ва ғўлабир Эшмуҳаммадга ўрганиб қолганлари учун шундай туюлгандир. Шунқорбекнинг юзидан навқиронлик билан самимият ёғилиб турарди. Изиддин иноқ мушриф айнан Шунқорбек бўлишини аниқ билиб турарди. “Орага Валиаҳд билан Парвоначи тушган,— ўйлади у.— Абдуқаюм тўқсона шу томонларини

ўйламаса, қизини бекорга келин қилдими?!” Бирок, бошқалар қатори ҳеч нарса билмагандай бўлиб ўтиради.

Одатдагидай адрас тўн кийган буғдойранг, ғўлабир амир Насрулло кириб таҳтни, Валиаҳд ундан куйироқдаги ўриндиқни эгаллаштач, Карки бегини олиб киришиди. Шўрлик пойтахтга не хаёлларда келган экан, кўлидан совға-саломини олиб уй қамофига тиқишигач, ўзини анча олдириб қўйибди. “Ажалим шу қассобнинг кўлида экан”, деб ўйлаган бўлса керакки, бир кечадаёқ илдиз-пилдизи билан сугуриб, офтобга ёйилган майсадек сўлиб қолибди.

Амир рўпарасида бошини куйи солиб ўтирганларни бирма-бир назардан ўтказди. Кўзи Шунқорбекка тушгач, бир зум тўхталиб қолди. Кейин Ҳамробек девонбегига буюрди:

— Муни ҳисоб-китобин айт, қушбегийи поён! — деди Карки бегига ишора қилиб.

Ҳамробек аҳолисининг тахминий нуфуси ва ер шароити ҳисобга олинган ҳолда бу ҳудуддан давлат хазинасига йилига олтмиш минг сўмдан зиёдроқ маблағ тушиши лозим бўлгани ҳолда, ўттиз беш мингдан ортикроқ келиб тушганини айтди. Насруллонинг кўзларида фазаб чақнади. Бу яхшиликка олиб бормасди.

— Нисфини қайға йитурдунг?! — сўради у ранги ўчиб кетган собиқ ҳокимдан. — Сўзла, кўппак!

Кўрққанидан ҳокимнинг оёқларигача қалтираб кетди. Ғўлдираб ўлпону турли солиқларни керагича тўплай олмаганига сабаблар айтди. Баҳоналарига, албатта, ҳеч кимни ишонтиrolмади. Буни ўзи ҳам сезиб, таҳт пойига юзтубан ётиб олди ва амирдан шафқат тилади. Қолган маблағни қисқа муҳлат ичиди йиғиб топширишга вайда берди. Насрулло ишонавермаганди, худо номини шафе келтириб қасам ичди.

Шундан кейингина амир озроқ юмшади.

— Ўрнунга ноиб бўлуб Эшмуҳаммад борур! — деди жаҳл билан. — Сен онга мушриф бўлурсен. Қушбеги, айтқонларимға фармони олий тайёрлатдуринг. Мана бул кас бир ой аролиқида эллик минг жўнатмаса, уйига бола-чақаси била қамаб ўт қўй, Эшмуҳаммадбек. Қочарға

күшиш қылса, тутулғон еринда қозикқа ўтқуз. Мол-мұлкини хазинаға ўткуздир... Яна бир фармони олий тайёрлат-турулсунким, биз Шунқорбек Абдуқаюм түқсона лавозимдор қилдук!

Бу гапни эшлитиб Шунқорбек чүчіб тушди ва беихтиёр ўрнидан сапчиб турди. Фавқулодда қалтис ҳаракат қилиб қойганини ўзи сезиб, узр маъносида қайта-қайта әгилиб таъзим қилди.

— Қиблай олам! — деди овози титраб. — Кече мадрасадин чиқғон бир илми толибқа мундоқ эътибор ва меҳрибонлиқиңиздин бошим күқдадур. Бироқ, бундоқ улут ва масъулиятли лавозимға ўзумни тайёр ва муносибмен деб билмасмен. Мундокроқ кичик бир юмушқа лавозимдор қылсанғиз-да, хизматинғизда қойим туурмен, Давлатпаноҳ!

Үтирганлар ҳайратдан ёқа ушлашды: юксак мансабга тайинланғанидан норози бўлган бирор кимсанни кўриш нари турсин, ҳатто эшишишмаганди ҳам. Юксак лавозим бандалари неча вақт амирга ялтоқланиб, ҳамён-ҳамён сийму зар келтириб, зўрга розилигини олишади. Шунда ҳам амирнинг ишончини қозонган бўлса. Аксинча, сарфлаганига куйиб қолиши ҳам мумкин. Ким ҳам амирга “олган порангни қайтар”, деб айтоларди.

Шунқорбекнинг гаплари амирга ҳаддан ташқари ғалати туюлди. Бир зум “ўтичини инобатга олсам-микан”, деб ҳам ўйлади. Аммо ўжарлиги тутди: ким-киму, бироқ амир Насруллонинг айтгани ҳеч қачон икки бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Бу бошқаларгаям ибрат бўлсин учун кесиб гапирди:

— Толқашовлиқинг<sup>1</sup> ва мансабқа ружу қўймағонинг падаринга тортибдур. Биз бул юмушқа сени муносиб кўрдук ва сен шунда чолишурсен! Билмағонингни Ҳамробек ўргатур. Ишонамизким, яқин ароларда бул юмушни ваёбин<sup>2</sup> олурсен ва яхши хизматчиға айланурсен.

Музаффар хурсанд бўлганидан:

— Офарин, Қиблиагоҳ!! — деб юборди.

<sup>1</sup> Толқашов – ўжар (шевада).

<sup>2</sup> Ваёб – ишнинг йўл-йўриғи, ҳадиси.

Шуни кутиб тургандай бошқалар ҳам бараварига чуввос солишиди:

- Амиралмұйминин лутф-карам қилдилар!
- Жаноби олийни марҳаматлариға ҳад йүқ!
- Давлатпанохимиз ҳотамлиқда ягонаи оғоқдурлар<sup>1</sup>!

Овозини амирнинг қулогига алоҳида етказиш илинжида хонадагилар баравар шовқин солишиди. Фовур тингач, амир Эшмуҳаммадга:

— Бори ҳужжатларни тушунтириб, бугуноқ Шунқорбекқа тобшур. Эши тушибимизча, бир эки кун онинг-да вақти йүқ. Ўзунг фармони олийни олуб, эртаноқ йўлға туш. Мушрифингни-да олиб кет, — дея эшикоғага буюрди. — Лавозимдорларға тўн кетурулсун!

Эшикоға иккита заррин тўн келтириб Шунқорбек билан янги тайинланган Карки беги — Эшмуҳаммадбекнинг елкаларига ёлди. Билибми-билмай яна бир бундайроқ тўнни Карки вилоятининг янги мушрифига тақдим этди. Мақтовлардан ийиб тургани учунми ё хилоғи таомил қилгиси келмаганми, бунга Насрулло эътибор бермади. Собиқ ҳоким эса балодан осон қутулгани ва кичикроқ бўлса-да, яна мансабга илинганидан қувониб, лаб-лунжини йиғиб ололмасди. Байтулмолга топшириши керак бўлган эллик минг унчалик катта пул эмасди: кўп йиллардан буён йиққан-терганининг бир қисми кетарди, холос. Аслида ўз вилоятининг бир йиллик хирожини тўлаб юборганида ҳам қашшоқлашиб қолмасди. Эвазига жони омон қолди. Насиб бўлса қўлидан чиққанларни қайси йўл билан бўлмасин, яна қайтариб олиш имконияти бор. Ўлдиртириб, мол-мулкини мусодара қилдирганида қўлидан нима келарди...

Йиғилишни машварат дейишган эса-да, ҳеч ким бирор фикр айттолмади. Амир Насрулло ўзини донолар доноси ҳисоблаб, маслаҳат беришларини ёқтирасди. Ундейларни қаҳри келса ўлдиртириб ҳам юборарди. Шунинг учун ҳамма амирнинг қарорини шов-шув, олқишлиар билан маъқуллади, хојос. Абдуқаюм тўқсоба-

<sup>1</sup> Оғоқ — дунё, олам, жаҳон.

нинг тақдирга тан беришдан бошқа иложи қолмади. Насруллони фикридан қайтариб бўлмаслигига кўзи етди. Шунинг учун орага ортиқча гап қўшмай, амир бошчилигига бутун аркони давлатни эртаси кунга белгиланган тўйга таклиф қилиш билан кифояланди.

— Бугун кечға Сирожиддин парвоначиға кўнурмиз,— деди Насрулло осойишта товушда.— Сен эрта кечға тадорик кўр. Бир йўла валадингни<sup>1</sup> лавозимин-да ювурсен. Парвоначи экингизға уч кунға рухсат, арқа келиб юриманғиз.

Унинг “зиёфат қуюқ бўлаверсин, ортиқча одам бўлмасин”, деганини ҳамма тушунди...

Эшмуҳаммад билан Шунқорбек ишларини элётар пайтига борибина зўрга тугатиши. Эртаси куни вақтлари бўлмаганидан, энг зарур ҳужжатларнигина қўлдан-қўлга ўтказишга улгуриши — иккинчи даражали ҳужжатларни кўришга вақт сарфлаб ўтиришмади. Маҳкамада бундай ишлар билан шуғулланувчилар кўп. Тайёр ҳисоб-китобларни кўриб чиқиш ва сақлаш учун шулар тақдим этишади. Девондаги барча ишлар билан шу ходимларнинг ўзлари таништираверишлари мумкин...

“Жўралари била ўтушсин”, дея ҳурмат юзасидан Сирожиддин парвоначиникига Шунқорбекни ҳам айтиб кетиши. Хабар уйга берилганидан, бундан у бехабар қолди. Хабар қилишганида ҳам аркдаги ишларини қолдириб, базмга боролмасди. Буни Абдуқаюм тўқсоба яхши билганидан, хабарчининг ўзидан узрини айтиб юборди. Амир бор жойда ғовурни кўпайтирмаслик мақсадида ўғлининг жўраларини ҳам айтгиздирмади. Тўйдан кейин уларни алоҳида чақириб, кўнгилларини оларман деб ўлади.

Шунқорбек келганида кўни-қўшнилар, қариндошуруғлар эрталабдан бошланадиган меҳмондорчиликка қизгин тайёргарлик кўриш билан банд эдилар. Жўра-йўлдошлари ҳам шу ерда, хизматга шай бўлиб туришганини кўриб, кўнгли кўтарилди: кун бўйи тўй ташвиш-

<sup>1</sup> Валад — зурриёд, ўғил.

лари отамнинг ўзига қолди деган андишада сиқилиб юрганди. Дарвозага тез-тез кўз ташлаб турганидан, уни биринчи Абдубори кўрди ва юргилаб бориб отдан тушишига ёрдамлашган бўлди. Кучоклаб эришган лавозими ва тўй билан қутлади. Кейин бошқалар ўраб олишди. Қаерданdir пайдо бўлиб қолган Улуғойим уни ёш боладай қучиб, юзларидан чапиллатиб ўпа бошлади.

— Илоё етушғон мартабангдин дўст суюниб, ағёрлар<sup>1</sup> кўйсинлар! — деди кўзларига қувонч ёшлари қалқиб. — Аллоҳим сени ёмон кўзлардин асраб, қасдингдағиларни паст қилсун.

Улуғойимнинг дуоси Абдуборига бигиз санчгандай таъсир қилди. Бу хонадоннинг биринчи, эҳтимол якка-ю ягона душмани отаси эканлигини билади. Шунқорбек амирнинг кўзидағи одамга айланди. Абдуқаюм тўқсобанинг нуфузи аркда янайм ошади. Энди уларнинг зиддига иш қилиб бирор натижага эришиш гумон. Душманлик қилиб юриши бефойдалигини отаси ҳам тушунар. Аркдан қайтгач, бу ерда бекорга ўралашиб юрмагандир: хизматдагиларга Абдуқаюм тўқсобанинг хаёлидан кўтарилган баъзи юмушларни эслатиб, фармонбардорлик қилиб турди. Парвоначиникига жўнаш олдидангина рухсат сўраб, кийим алмаштириш учун уйига кетди...

Тўйнинг “бўлади-бўлади”си қийин, бошлангач бир кун-икки кунда ўтади, кетади. Абдуқаюм тўқсобонинг ҳовлисига бомдоддан кейиноқ гуруҳ-гуруҳ маҳалладошлиари, кейинроқ шаҳар ва атроф туманлардан таклиф қилингандар кела бошлашди. Деҳинавликлар бундай тўкин-сочин тўйни яқин орада кўришмаганди. Ёлғиз фарзандини уйлантириб, энг катта орзусига эришаётган Абдуқаюм тўқсоба ҳеч нарсасини аямади: элга дастурхон ёзиб қариндошу бегона, бой-камбағал, мансабдору оддий кишилар — ҳамманинг дуосини олишга интилди. Мир Арабда алоҳида қозон осдириб, илми толибларга ҳам ош берди. Мударисларини уйига чақириб, эгниларига тўн ёпди, рутбаларига яраша ҳар бирининг олдига тугунчак — сарполар қўйдирди. Фарзандининг

<sup>1</sup> Ағёр — душман, ёв.

илк устози Шаҳобиддин домла билан Алибек хаттотни ҳам унутмади. Бегидан ортда қолгиси келмадими ё холис нияти бор эканми, Улугойим ҳам ғарибу гураболарга баҳарнав садақалар улашди.

Абдуқаюм тўқсобани ҳайратга солган нарса шу бўлдики. Изиддин иноқ билан ўғиллари тўйнинг бошидан-охиригача тик оёқда хизмат қилишди. Тўёнаси ҳам каттагина – бозорда камида икки юз эллик танга турадиган семиз ҳўқиз етаклаб келишди. Абдубори Шунқорбекнинг бош куёвнўкари бўлиб, хизматда қойим турди. Абдуқаюм тўқсоба бу ниманинг аломати эканлигини ҳарчанд ўйлаб тополмади. Шу сабабли бошини огритиб ўтиrmай: “Яхшиликка бўлсун, илоҳим!” деб қўяқолди. Қизи масаласида уйига келиб кеттач, Изиддин иноқ билан муносабатларимиз ҳеч қачон рисоладагидай бўлмас, деб ўйлаганди. Хато ўйлаган шекилли, кейин ҳам унинг бирор марта ола қараганини сезмади. Тўйида уруғдош-қариндош, қолаверса, бир жойда ишлашаётган одам сифатида холис хизмат қилган бўлса ажабмас. Насиб бўлса, бу хизматларини яхшиликларида ортиғи билан қайтаради.

У Валиаҳд боргоҳидаги воқеадан бехабар эди. Шунқорбек бу ҳодисага ортиқча эътибор бермаганидан, отасига айтиб ўтиришни лозим топмаганди.

## ТЎҚКИЗИНЧИ БОБ

Жавзонинг бошларида иссиқ шундай забтига олдики, дашту далалардаги ранг ўзгариб, ям-яшил ўт-ўланлар сарғая бошлади. Шаҳар одамлари ҳам соя-салқин излаб қолишли. Болаларгина бу иссиқларни писанд қилишмайди: уззукун ариқ ва ҳовузларда чўмилишади, тупроққа беланиб офтобнинг тигида тобланишади. Шунқорбек иссиқни унчалик сезмаётганга ўхшарди: кундузлари девонда тинимсиз ишлайди, кечқурунларигина оила даврасида ором олади. Хатми кутубдан, айниқса, ўйланганидан кейин бошқа бир дунёга тушиб қолгандай сезади ўзини. Фақат ишидаги айрим чалкашликлар дилини озроқ хира қиласи.

камомадларга албатта у жавоб бермайди. Аммо бу ҳолат кейин ҳам давом этавериши мүмкін. Шуниси безовта қиласы уни.

У ишининг сир-асрорларини анча тез ўзлаштириди. Кейин кирим билан чиқимларни солиштириб, бирмабир қайтадан ўргана бошлади. Эшмуҳаммад қолдирған ҳужжатлардан кир қидириш учун эмас, хазинанинг ҳисоб-китобларни юритиш йўриқларини мукаммалроқ ўрганиш мақсадида шундай қилди. Солиштириб ўрганиш давомида кирим билан чиқим орасида анча ноаниқликлар борлигини аниқлади: баъзи чиқимлар негадир керагидан ортиқ кўрсатилган. Киримда ҳам камайтириб ҳисобга олиш ҳоллари содир бўлгандиру, бу ҳужжатларда кўрсатилмаганилиги сабабли аниқлаш қийин. Шунда у Эшмуҳаммаднинг кетиш олдидан: “Баъзан аморатпа-ноҳда, баъзан девонбеги ҳазратларининг ўзларида кутилмағон чиқимлар бўлиб турғай. Буни тезда билиб олурсиз. Ҳужжатларда чизи кемтиклар пайқасанғиз ҳайрон бўлиб турманғиз”, деганини эслади. У пайқаган кемтиклар шу “чиқимлар”нинг ўрни бўлиши керак. Аниқ миқдори номаълум. Буни келгуси йил ҳисоб-китобларидан билиб олса керак.

Хазинани ҳеч қачон амир тафтиш қилмайди. Бу ишни керакли пайтда ишониб қўйган одамлари – қушбеги билан девонбеги амалга оширишади. Амирга тайёр ҳисботлар киргизилади. У қаерга қанча пул кетаётганини тасаввур ҳам қилолмайди. Ҳаражатлар қопланниб турса яхши, аксинча, қандайдир янги солиқни ўйлаб топади ёки бу ишни яна боягиларга топширади. Улар эса нима қилишни яхши билишади. Гоҳ Хева ва Қўқон, гоҳ ички қўзғолонларга қарши тинимсиз юришлар катта маблағ талағ қиласы. Хазинага тушиши лозим бўлган маблағлардан мутаб турувчилар ҳам фақат юқоридагиларгина эмас. Бундайда солиқ юки халқни эзиб-янчаверади, аммо ҳеч қачон давлатнинг косаси оқармайди. Аҳоли гарданидаги солиқ юкини енгиллатиш, молияни инқироз ҳолатидан чиқариш учун нима қилиш керак?

Бу масалани ечиш йўлларини Шунқорбек узоқ ўйлади. Бироқ сира бир тўхтамга келолмади. Охири: “Давлат сиёсатида баъзи ўзгартириш – тартибга солиш ишларини амалга ошириш зарур чофи”, деган фикрга борди. Аммо бу амалга ошириб бўлмайдиган орзу эканлигини ўзи биларди: амир Насруллога “бемаъни урушларни тўхтатинг”, деб бўлмайди. Катта наҳанглар хазинани мутаб туришини қўймайди. Уларга қарши борсанг, ўзингни ютиб юборишади. Майдароқларини тийса бўлар, лекин улар ҳам жунбушга келса, атрофингдаги сувни шундай лойқалатиб юборишадики, кўз очолмай қолишинг мумкин. Аҳволини отаси ҳам сезиб юраркан шекилли, бир куни кечки тамаддидан кейин – ҳамма жой-жойига чиқиб кетгач, ундан ҳол сўради.

– Хазина ҳисоб-китоблари анча чалкаш, иш шундоқ кетса, раият хонавайрон бўлур, – Шунқорбек ўзи пайқаган камчиликларни бирма-бир айтди ва аҳволни тузатиш ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам яширмай, фикрини сўради.

Абдуқаюм тўқсоба анча ўйланиб:

– Мен не дердим, – деди оғир сўлиш олиб. – Отам замонинда шундоқ эди ва бундин сўғунда шундоқ қолур. Они сен тузата олмассен. Фикрларингни эшитувчи қулоқ топилмас. Ишни қўюрни хаёл қилсанг, Давлатпаноҳни разабига йўликурсен, сени нонтекиға чиғориб қўюрлар. Ишласанг, ғалвани уясинда юуруга чидарсен. Олсанг мендин маслаҳат: катта наҳангларға мункир<sup>1</sup> келма – еса есуналар, майдароқлариға қаттироқ турким, ҳадларидин ошмасунлар. Буни амир-да, қушбеги била девонбеги-да кувватлагай. Ўзунт ема, ҳисобда пухта бўлким, доғда қолмайсан. Худо хоҳласа, натижани йил адогида кўурмиз...

Отасининг фикрлари ўзиникига мос келганидан Шунқорбекнинг кўнгли кўтарилди. Алламаҳалда хайрлашиб, хобхонасига ўтди. Хонтахтадаги ёлғиз шамнинг нимдош ёруғида музтар бўлиб ўтирган Ҳулкар бонута кўзи тушди.

<sup>1</sup> Мункир – инкор этиш, қаршилик.

— Ҳаяллаб кетдинғиз, Бегим, — деди у одатдаги эрка товушда. — Тинчликмұ?

— Тинчлик, Бону, тинчлик, — бамайлихотир жавоб берди у хонтахта ёнiga ўтираётіб. — Ётавермабсиз-да. Отам била маслаҳатлашадурғон юмуш бор эди. Шунға ҳаялладим.

Ҳулкар бону чойнакпүш кийдирілган чойнақдан ҳовури күтарилиброк қолған бир пиёла чой узатиб яна сүради:

— Юмушингиз ўта оғирму?

Шунқорбек ичгиси келмаса ҳам узатилган чойни олатуриб сүради:

— Недин бундоқ ўйға борурсиз, Бону?

— Эрта кетиб кеч қайтурсыз, одна кунлари дөғи шундоқ кечур.

— Отанғиз ҳазратдин қиёс қилмасмусиз, жума кунлари уйда бўлурмилар?

— Масжидга чиққанлари бўлмаса, кўпинча уйда бўлурлар. Якан-якандагина<sup>1</sup> аркка борсалар-да, пешиндин сўғун уйға қайтурлар.

— Мени иш бошлағонимға эки ойдин чизи ошди. Ҳозирдин шундоқ қилсан...

— Уэр, Бегим, анчайин сүрадим, оғринманғиз. Баъзан кечка қадарли чидамим етмай, сизни соғиниб қолодурмен...

— Дарбор юмушидин кетайму?

— Нечун?!

— Хуфтондин субҳқача, дөғи субҳдин хуфтонғача бир-биrimизға тикилиб ўтиришурмиз.

Ҳазил таъсир қилиб Ҳулкар бону чиройли илжайди. Шунқорбекнинг назарида бу илжайиш шам хирагина ёритаётган хонани нурга тўлдириб юборғандай бўлди-ю, ораларидаги беозор ўпка-гинани ювиб юборди. Аммо у ўйланиб қолди: Ҳулкар бонуда қандайдир ўзгариш борлигини пайқади. Бунинг нимаданлигига сира ақли етмади. Ўзидан сўраш ноқулай, барибир, сүради:

— Кўнглунғиз дөғи не тилар, Бону? — деди ҳазиллашган бўлиб. — Айтингиз.

<sup>1</sup> Якан-якандада — баъзи-баъзида.

— Э-э, сўраманг, — Ҳулкар бону енгилгина қўл силкиди. — Кўнглум тилағон нимарса — ҳали йўқ нимарса.

— Ажаб!

— Айтайми?

— Айтинг, ахир.

— Кечадин бери ҳандалак егим келадур.

— Ҳандалак пишурига гартақ<sup>1</sup> бор, ўн-ўн беш кун сабр қилурға бўлурми?

— Унгача бул неъматни кўнглим кусамай-да қолур.

Ўтиб кетур, сиз ташвиш тортманғиз.

— Ажаб...

Ҳулкар бону Шунқорбекнинг ҳеч нимани пайқамаганини сезди. Бундан ўзича хурсанд бўлди. Уни ишдан чалғитиб, безовта қилишни истамади. Нима жин уриб кўнглидагини айтиб қўйганига ўзи ҳайрон бўлди. Очиқроқ айттанида балки тушунармиди. Бунга юзи чидамади...

Эрталаб Абдуқаюм тўқсоба зарур ишлари борлигини айтиб, чойга ҳам қарамай чиқиб кетди. Ҳулкар бону у-булардан чимчилаб, озроқ тотингандай бўлди ва у ҳам хонасига чиқиб кетди. Она-бola ёлғиз қолишгач, Улуғойим ўғлидан ўсмоқчилаб сўради:

— Келинда бирор ўзгариш сезмадингми?

— Йўғ-а! — Шунқорбек онасига ҳайратланиб тикилди. — Нимайди?

У сўроқни хотиржам давом эттирди:

— Бирор нимарса олиб беринг, демасми?

— Кўнгли ҳандалак кусабдур...

— Сен не дедунг?!

— Ўн беш кунча сабр қилинг дедим.

— Ол-ла-а, ўн беш кунмиш-а! Бугунни эртаға қолдирмағайсан! Суриштурсанг атроф туманлардин топилиб қолур. Келин жерик<sup>2</sup> бўлғонин айтса-да фаҳмламадингму, нодон!

Онасининг жиғибийрон бўлгани Шунқорбекни чўчитиб юборди.

<sup>1</sup> Гартак — озроқ, бир оз, салгина.

<sup>2</sup> Жерик — бошқоронги.

— Нé<sup>1</sup>, ул беморму?! — сўради талмовсираб.

Бу Улугойимга икки хил таъсир қилди: ҳам жаҳлини чиқарди, ҳам кулгисини қистатди. Ўзини босиб, тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Жериклик — эзгуликни боши. Келин юкли бўлубдур. Шундоқ дамда аёл кўнгли нимарса кусаб қолур. Ер тагидин бўлса-да они топиб едирмоқ лозим.

Шунқорбекни беш ёшидаёқ Шаҳобиддин домланинг мактабига беришганди. Шундан бўён ўқиш билан бўлиб, кўча “тарбия”сини олмади ҳисоб. Шу туфайли айрим масалаларда, онаси айтганидай, нодон бўлиб қолгани рост. Илмда мураккаб масалаларни ҳам ечолишига қарамай, турмушнинг айрим жузъий ҳодисалари уни довдиратиб, бошқалар назарида нодонга ўхшатиб қўярди. Аёл тилсимлари ҳақида-ку инчунин.

Улугойимнинг писандаси Шунқорбекни қувонтириди. Буни онасига сездирмаслик учун қўлидаги чойни апилтапил ичиб, пиёласини тўнтарди ва ўрнидан туриб, индамай чиқиб кетди. Бирров Ҳулкар бонунинг ёнига кириб, уни табриклади ва янгиликни тушунтириброк айтмагани учун беозор ўпкалади. Ишга боришдан олдин арк яқинидаги бозорга кириб, ҳандалак бор-йўқлигини суриштирмоқчилигини, агар йўқ бўлса, бошқа бирор чорасини топишини айтди...

Бозор мутасаддилари янги мушрифни хурсанд қилиш учун яrim соатдан мўлроқ зир югуриб куруқ қайтишгач, Шунқорбекнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бухоронинг бош бозорида бўлмаган меванинг бошқа бозорлардан топилиши гумон. Нима қилишини билмай кетаётганида амирнинг дастурхончисига йўлиқди. Кекса дастурхончи унинг нимадандир ташвишмандигини пайқади.

— Назаримда, нашъанғиз сустрок, тинчлиғму? — сўради саломлашиш учун узатган қўлларини қўйиб юбормай. — Не гап?

— Ҳандалак истаб бозорға кирғон эдим, топилмади. Шундин озроқ...

---

<sup>1</sup> Нé — “Нима?” маъносидаги сўроқ сўзи.

— Ул сизға шунчалиқ зарур әдиму?

— Келинингизға...

— Э-ха, баҳай, Худо хоҳласа излағонингиз топилур!

Шеробод беки амиралмұмъининға бу йилғи сархил мевалардин бир аробасин йибордин экан. Орасинда ҳандалак-да бор әди. Бир жуфтини бошқа мевалар била ҳозиргина Валиаҳд ҳазратлариға йибордин. Борсанғиз йүқ демаслар, биригин малолликсиз берурлар. Жадал борғойсизки, бошқаларға ўткузиб қўймасунлар.

Шунқорбек кутилмаган хабардан қувониб кетди. Кўнглида “аёллар муаммосин мендин бошқа барча биладур чоғи”, деб ўлади.

Шунқорбек валиаҳд Музafferга шошилинч учрашмаса бўлмаслигини айтиб, Ҳамробек девонбегидан пешингача рухсат сўради. Борар манзилини эшитгач, девонбегининг бир қоши тепага кўтарилса, иккинчиси пастроққа тушиб кетди.

— Ҳужжатлардин бирор чатоғлиқ чиғдиму? — сўради тўнгроқ овозда.

— Ҳужжатлар чатоғлиқин Валиаҳдқа эмас, сизға айтур әдим,— Шунқорбек уни ҳовуридан туширишга шошилди. — Ҳужжатлар жойида. Валиаҳд ҳазратлариға ўз юмушим била борурмен.

Турқидаги ўзгаришлар ва саволидан сезди-ки, Ҳамробек девонбеги Шунқорбекдан ҳадиксираб юаркан. Лавозимиға амирнинг ўзи тайинлагани боис тишини тишига босса керак. Ишга тушганидан буён ундан ҳали бир чақа ҳам сўрамади. Валиаҳд билан алоқалари яхшилигини билади. Ҳужжатлардаги қийтиқларни топса унга айтиб қўяди, деб чўчиса керак. Турган гапки, Музaffer билганини қайси йўл билан бўлса-да отасига еткизади. Шундай бўлса, мансабидан олиб ташламаганидаям, мартабасига путур етиши тайин...

Шунқорбекнинг жавоби қониқтиарли бўлса-да, Ҳамробек ажабланди: “Валиаҳдда қандай шошилинч иши бўлиши мумкин”, деган ўйга борди. Аммо пачакилаб ўтирмай жавоб берди:

— Борингиз, — деди юмшаб. — Пешингача деб ўлтирмай эрталаб ваҳлироқ келурсиз.

— Қуллуқ, жаноби олий, менға бул иноятингиз била катта яхшилиқ қылдингиз.

— Майли-майли, бундин сўғун-да зарур юмушингиз чиқса, айтиб бора берингиз.

— Қуллуқ, ҳазрат...

Девонбеги Шунқорбекнинг аввалги ҳисоб-китобларни қайта текшириб кўраётганини эшийтганди. Бирор ишкал чиқармасайди, деган хавотири йўқ эмасди. Билди-ки, у кирим-чиқимлардаги “тешик”ларни ё пайқамаган, ё шундай бўлиши керак, деган фикрга борган. Ҳар иккала ҳолда ҳам Ҳамробек учун хавф йўқ...

Шунқорбек Валиаҳд билан сўрашиб, жойига ўтирган пайтда дастурхончиси ювиб-тозаланган иккита ҳандалакни гулдор чинни лаган билан хонтахтага қўйди. Кейин бошқа лаганда олма, ўрик, гилос ва эртапишар узум каби тармевалардан киритди. Ёнидан пичоқ чиқариб қини билан хонтахтага қўйди ва чиқиб кетди. Ёлғиз қолишгач, Валиаҳд Шунқорбекка ҳазил тариқасида:

— Қайнонанғизни суюклик домоди экансиз,— деди. — Боргоҳимизга кетурулғон илк меваларни устидин чифдингиз.

— Шундай, аъло ҳазрат,— Шунқорбек беихтиёр кулимсиради. — Қайнонамиз хонадонидағиларни барчасига-да суюклимиз.

— Кўрунишингиз рисоладағига ўхшамас.

— Айтурға тилим бормайроқ туур, ҳазрат.

— Айтингиз, тортимманғиз.

— Дилингизга ранж солурменму, деғон андишада-мен, аъло ҳазрат. Айтмасқада иложим йўқ. Бозорни суруштурсам, ҳали тушмалту. Кўнглунғизга малол олсанғиз-да айтурмен: шул ҳандалакларинғиздин бирисин тилаб келдим...

— Сизға ҳандалак нечун зарур бўлди ё келинғаму?

— Топдингиз, ҳазрат!

— “Боши қоронғуга дунё қоронғу”, дерлар. Олинг, ҳар экисини-да олинг, — Музатфар валломатлик қилиб,

Кўлидаги пичоқни секингина лаганга кўйди. – Келинни хурсандлиқи била волидаи муҳтараманғиз ҳазратларини дуолари бизға ҳандалак тановулидин савоблироқдир.

Шунқорбек битта ҳандалакка кўз тикиб келганди. Музаффарнинг айтганларига бўйсиниб, иккаласини ҳам олиб кетиши ношукурликка ўхшаб туюлди. Шунга кўра, унинг саховатини қабул қилолмади.

Валиаҳд кўндиrolmasligini anglagach, boшқача йўл тутди.

– Сизни хижолатқа қўймаслик жўнидин бундоқ қилурмиз, – деди пичоқни қўлига олиб. – Бул янгиликдин биз-да тотинурмиз. Бошқа тихирлиқ қилмассиз. Келишдикму?

Шунқорбек бу гал индаёлмади. Музаффар ҳандалаклардан бирини учбурчак қилиб чеганлади<sup>1</sup> ва мағзини лаганга қирқиб олиб, пўчогини чеган ўрнига жойлаб кўйди. Кесилган мағизни иккига бўлиб, бирига пичоқ санчиб оғзига олиб борди. Иккincinnisinи лагани билан Шунқорбек томон суриб имлади: “Олинг!”

У таклиф қилинган бўлакни ноилож олди. Ўзи шундаймиди ё шундай туюлдими – ҳандалак мағзи жуда ҳам totли эди...

Валиаҳд гулдор ипак дастурхонга ўратиб берган ҳандалаклар ва турли тармеваларни кўриб, Улуғойим яшнаб кетди. Ўғлини Ҳулкар бонунинг ёнига киритиб юбориб, ўзи пичоқ ва лаган кўтариб ортидан кирди.

## ЎНИНЧИ БОБ

Баҳайдод соҳибнинг йўлини пойлаб Изиддин иноқнинг тоқатлари тоқ бўлди: ҳутнинг бошларида кетган одамдан саратондаям дарак бўлмади. Қайтишидан умиди узилаёзган пайтда—орадан беш ой ўтганида, у Эрондан қайтган карвон билан озиб-тўзиб, иссиқдан кўмирдай

<sup>1</sup> Чеган — полиз экинларини харид олдидан пишганпишмаганлиги, маза-таъмини билиш учун ёнидан учбурчак ёки тўртбурчак шаклида ўйиб олинадиган кичик бўлак.

қорайиб, жума куни Бухорога кириб келди. Юкларини жойлаб бўлмасиданоқ хизматкорларидан бирини Изиддин иноқнига югуртирди. Шундан у пайқадики, излаганини топган. Аммо кундузи Баҳайдод соҳибининг дўконига боролмади. Бу хавфли эди. Кўп кутганининг бири – қуёш ботгунича чидади. Бироқ томоғидан сув ҳам ўтмади. Зўр бериб, режаларини қандай амалга оширишни ўйлади. Атрофни тун зулмати қоплагачгина, бу масалани ҳинд савдогарининг ўзи билан маслаҳатлашиш учун отланиб йўлга тушди.

Баҳайдод соҳибининг мўлжалдан кечикишига сабаблар бор эди: Гоа оролида таниш савдогарни тополмади. Хизматкоридан олти ойча илгари Европага, ундан йўловчи кемада Лотин Америкасига “мол” излаб кетганини билиб олди. У кейинги ойнинг бошида келишини айтди. Савдо аҳли юм-юмaloқ бир ойни қўл қовуштириб ўтказолмайди: вақт – пул. У Ҳиндистонга ўтиб, белидаги тиллаларнинг бир қисмини инглиз валютаси ва ҳинд рупиясига алмаштириб олди. Бир ойдан мўлроқ шаҳарма-шаҳар юриб, Бухоро, Хева ва Қўқон ҳудудларида бозори чаққон моллардан йиғиб Гоага қайтди. Бу гал иши ўнгидан келди – собиқ ҳамкори уйига қайтган эди. Савдолашиб, аввалгидан сал қимматроққа оғзи сурғичлаб бекитилган икки шишача упаи дўзахийни олиб, ортига қайтди...

Изиддин иноқнинг шу куниёқ ташриф буюришини Баҳайдод соҳиб биларди. Келишига барча тайёргарликни кўриб кўйди. Қоронғилатиб келганидан, уникига кундузи одам юбориб эҳтиётсизлик қилганини сезди. Ҳиндлар ранг-рўйлари ва муомала усуслари билан Бухорода отнинг қашқасидай тануғлик. Қолаверса, урф-одатларига садоқат сақлаган ҳолда, шаҳар кўчалари ва бозорларда ҳам уйларидаги каби миллий кийимларда юришади.

Баҳайдод соҳиб эҳтиётсизлигим Иноқни ранжитдимкан, деб ўйлаганди. Аксинча, ясатилган дастурхонига кўзи тушиб, унинг юзларида мамнунлик аломати пайдо бўлди. Буни атрофидагиларга сездирмасликка уринсада, Баҳайдод соҳиб пайқади. Тулкиликтин меҳмонидан ўтказиб, буни такаллуф пардасига ўради:

— Хуш келибсиз! — деди очиқ чехра билан. — Даастурхонимизға марҳамат, соҳиб.

— Келғонингиз хабарин эшитиб, зиёратинғизға шошилдим, соҳиб, — деди у ва ўзигина тушунадиган қилиб давом этди. — Камёб “мол”лар сиздағина бўлур. Бизға кераклукин-да кетурғондурсиз.

— Албатта, соҳиб. Аввалан чанқовбости қилурмиз, сўғун кўрсатурмен.

— Маъқул, соҳиб, маъқул. Ошиқич юмушимиз йўқ.

Хизматкорларнинг бири қаҳва келтирди. Бир пиёладан ичилар-ичилмас овқат ҳам тайёр бўлди. Иккинчи хизматкор бир лаган сергўшт димламани сузидастурхонга тортгач, хўжайн уларга жавоб берди. Изиддин иноқнинг бу ерда анчагина ўтириб қолиши тайин эди. Турганида анча кеч бўлади. Ҳинд савдогарининг тунда Бухоро кўчаларида юриши хавфли, миршаблар тутиб олишса овора қилишади. Шу сабабдан хизматкорларига дўконда тунаб қолмоқчилигини уйидагиларга хабар қилишни тайинлади. Улар кетишгач, Баҳайдод соҳиб хонтахта тагига қўйилган суроҳийлардан бирини олиб очди ва каттагина қадаҳларга тўлатиб шароб қўйди. Илк қадаҳни меҳмонига ушлатгач қисқача кечикиши сабабини айтди:

— Таниш савдогар кемаға ўтуруб Янғи Дунёға кетғониға олти ой бўлғонида Гоадаги уйига етдум. Бо қайтурин кутудим. Қайтқач “упаи дўзахий”сидин бир ҳиссани олдим-да, ортқа қайтдим.

У “упаи дўзахий”дан икки ҳисса келтирганини негадир яширди. Гапини тугатар-тугатмас қўлидаги қадаҳни симириб бўшатди. Ўзига тикилиб турган Иноқقا эътибор ҳам бермади. Қадаҳини хонтахтага қўйиб, қўйнидан чарм халтacha чиқарди ва Изиддин иноққа узатди. У халтачанинг ўртасидан ушлаб, бош ва кўрсаткич бармоқлари билан эзib кўрди. Ушлагани тошдай қаттиқ туюлганидан ҳайрон бўлиб сўради:

— Ўта қаттиғ нимарсадурми бул?

Баҳайдод соҳиб жавоб ўрнида қадаҳга ишора қилди: “Аввал ичинг”. Иноқ ишорани тушунди. Бир сўз демай

қадаҳни бўшатиб қайтаргач, “гапир” деган маънода яна унга тикилди. Баҳайдод соҳиб тоқатини синамоқчи бўлғандай, қадаҳларни қайта тўлдирди. Ўзиникини индамай симириб, қадаҳини секингина хонтахтага қўйди. Бу гал таклиф ё ишора кутиб ўтирмай, Изиддин иноқ ҳам ўз улушини ичib юборди. Дастурхондаги у-булардан озроқ тотингач, Баҳайдод соҳиб тилга кирди:

— Ушлаб турғонингиз қаттиғ нимарса чарм халтачадаги кичик шишаҷадур. Сўрағонингиз “мол” шу идишда. Ул ўйлағонингиздай қаттиғ эрмас, унға ўхшаш упадур. Шул сабаб “упаи дўзахий” дерлар. Они Янғи Дунё ҳиндуларини айрим жодугарлариғина маҳсус ашёлардин маҳсус усувлар била ясаб билурлар. Бирорға асло бермаслар. Шул сабаб они топиб кетурмоқ ўта мушкулдур. Эски Дунё аҳлидин бу хавфлик касб била бир кишиғина—Гоадаги танишимгина шуғулланур. Ул ёшлиқдин ерли ҳиндулар орасида санқиб, жодугарларини-да ишончлариға киур. Сўғун сирларидин воқиф бўлуб, ондин фойда чиқарурни эплағон ягона овруполикдур.

— Эски Дунё, Янғи Дунё деғонингиз недур — ул дунё, бул дунё демоқму? — сўради Иноқ ҳайратланиб.

— Асло ундоқ эрмас, — Баҳайдод соҳиб шошилинч изоҳ берди. — Эски Дунё деғонлари ерни биз яшаб турғон қисмидур. Бундин тўрт юз йиллар муқаддам овруполик подшоҳларни кутқуси била бир гуруҳ сайёҳ ва дорғалар бойлик илинжида Ҳиндустонни ахтариб баҳри мұхитқа<sup>1</sup> равона бўлурлар. Сувда адашиб-улоқиб юриб, кунларни бирида улкан куруқлуққа чиқиб қолурлар. Они Ҳиндустон деб янглиш ўйларлар ва аҳолисини-да Ҳиндулар деб билурлар. Кейинги сайёҳлар аниқларким, ул куруқтуқ ҳиндустон эрмас, тамом ўзга бир қитъадур. Янғи Дунё номи шундин қолғон. Они эмди Амриқо қитъаси дерлар.

Изиддин иноқ “Амриқо” сўзини қачондир, қаердадир эшитган. Бу атаманинг нимани англатишига аҳамият бермаганди. Ўзича Оврупо шаҳарларидан бирининг номидир, деб ўйлаганди. Бухоролик йирик арбобнинг

---

<sup>1</sup> Баҳри мұхит — океан.

олам тұғрисидаги тұмтоқ тасаввури Баҳайдод соҳибни лол қолдирди. “Шундоқ думбул каслар қўлидағи юртнинг истиқболи қандоқ бўлур?” – ўйлади ўзича. Юзларида заҳарли бир киноя зоҳир бўлди-ю, буни енгил кулги пардасига ўради.

– Ошнонғиз ҳинду жодугарларин сирин билғон бўлса, вакт ва маблағ сарфлаб нечук<sup>1</sup> Амриқоға борур, Оврупони ўзинда ясаб сотса бўлмасму? Баъдаз, ўз молин не важҳдин Ҳиндустонга кетуруб сотур?

– Ҳинду жодугарлари сирларин қабиладошлариға-да билдурмаслар. Сир сақламаса, оларни жодугарлиқи қайға борур? Ошнам тилю сарфлаб, олардин тайёр молниғина олур. Оврупода “упаи дўзахий” савдосин йўлға қўймоқ Осиёдағычалиқ қулаги ва хавфсиз эрмас. Осиё – сирлар сандуқи. Бунда бир сирни билғон кас они ўзи била туфроққа олиб кетур. Оврупода ондоқи кам бўлғонлиқдин, фош бўлмоқ эҳтимоли ортуқдур. Баъдаз, Ҳиндустондай улкан минтақадин бул молға йилиға кўпи била тўрт ё бештағина харидор чиқур. Қолғонлари биз киби бошқа минтақалардин борурлар. Осиёда йилиға ўнлаб одамларни изсиз йўқолмоқи, дарёға тушғон томчиға қиёс.

Изиддин иноқ диққат билан қулоқ солаётганига қарамай, ҳамсуҳбатининг бир гапига тушунса, бирини умуман фаҳмлай олмади. Буни Баҳайдод соҳиб сезди ва лафзини зое кеткизгиси келмай, суроҳийда қолган шаробни қадаҳларга бўлиб қўйди. Қадаҳлар тўлинқирамагач, хонтахта тагидан иккинчи суроҳийни чиқарди.

– Айтқонларим тамом бефойда каломлардур, – деди тўлдирилган қадаҳлардан бирини ҳамсуҳбатига узатиб. – Қани, олдук, сўғун фойдалик юмушлардин сўзлашурмиз...

Одатда рўпарасида ликиллаб турадиган савдогар шаробнинг таъсирида тобора баландроқдан кела бошлади. Ҳали ялчитиб бирор нарса емаганидан, кейинги қадаҳдан сўнг шаробнинг кучи бижиллаб, Изиддин иноқнинг ҳам миясига урди. Шу сабаб Баҳайдод соҳибнинг муомласидаги такаллувфисизликка эътибор бермай газакка ёпишди ва димламанинг ҳил-ҳил пишган гўштидан

<sup>1</sup> Нечук – нега, нима учун?

кatta бир бўлагини олиб оғзига тиқди. Уни чайнаб ютарютмас юмшоқ нонга ёпишди. Газак, гўшт ва нондан навбати билан оғзига тиқиб, хорислик билан ютаёттанидан томоғида туриб қолдими, бирдан ҳиқичоқ тутди. Босиб қаҳвадан ичди-ю, ҳиқичоги босилмади. Шунда Баҳайдод соҳиб қадаҳларни яна тўлдириб, бирини унга узатди:

— Муни ичинг, ҳиқичоқни шул босур, — деди.

Изиддин иноқ қадаҳдаги шаробни индамай симирди. Охирги ютумларда энтикиб, майнинг бир қисми лабларининг четларидан тошиб чиқди ва соқолларини ювиб, кийимига оқиб тушди. Тумшуғи бўшроқ ушлаб сўйилаётган хўроздай икки-уч марта “қийқ-қийқ” деганга ўхшаш товуш чиқарди-ю, ҳар қалай, ҳиқичоги тўхтади. Қисинқироқ кўзларидан тирқираб чиқсан ёшни артаркан, энтикиб елкадан нафас олди. Унинг маст бўла бошлаганини пайқаган Баҳайдод соҳиб ижирғаниб қўйди: “Холинг шул эркан, бўш қурсоққа босиб ичиб нетардунг!” — деди ичиди. У бир қадар ҳушини тўплаб олди. Меҳмонига “кет” деб бўлмасди. Боз устига ўзи келтирган заҳри қотилни ишилатиш йўлларини ўргатганича йўқ. Буни тушунтириб жўнатмаса, эрта-индин яна келади. Унинг бу ерда пашшахурда бўлавериши бошқаларнинг диққатини тортиши шубҳасиз. Бу хавфнинг олдини олиш учун уни ортига қайтмайдиган қилиб жўнатиши керак. Нима қилишини билмай боз қотириб турганида Изиддин иноқ сал ўзини тутиб олгандай бўлди ва амр қилди:

— Қуюнг, соҳиб!

— Эмди маст бўлурсиз, ичмағонингиз хўброқ эрди.

— Мени маст бўлур деб ким айтди сен... сизға, қуюнг!

Айтилғон “мол”ни топқонингиз эсасига<sup>1</sup> бир гашт қилсақ не бўлибдур, соҳиб.

Баҳайдод соҳибнинг қадаҳларни яна тўлатишдан бошқа чораси қолмади. Тихирлик қилаверса, Иноқнинг ғазабига йўлиқиб қолищдан чўчиди. Маст одамнинг, устига устак, амалдорнинг ғазабидан алҳазар! Бу — яхшилик келтирмайди. “Не бўлса бўлди, — ўйлади

<sup>1</sup> Эсасига — эвазига демоқчи.

түлдирилган қадаҳни унга узатиб. – Менға деса түнгүз құпмасмы!”

Изиддин иноқ бу гал майни олдингилардек хорислик билан сипқормади. Құлига ушлаб, Баҳайдод соҳибга имо қылди: “Сиз ҳам олинг!” У энди ичмоқчи әмас эди, лекин рад этишга ботинмали. Мәхмөн бусиз ҳам ўзидан бир қадаҳ ортиқ ичди. У-бу деса шуни миннат қилиши мүмкін. Қадаҳини ноилож күтарди ва шаробни секин-секин оғзига түплай бошлади. Шериги ичиб бұлай деганида қадаҳини түлиқ күтарди. Оғзига сиғмаган шароб иякларини ювиб олдига түкилди. Бунга зытибор бермай шошилинч ўрнидан турди ва ташқарига югурди. Эшиқдан чиқибоқ оғзидагини фаввора қилиб ерга түкди. Гүё қусаётгандай икки-уч марта ўхчи迪. Нарироқда юрган бозор қоровули Шукурбай унга ажабланиб қаради. Аммо сездирмай терс ўғирилиб кетди. Аллақандай ҳинді савдогар билан неча пуллик иши бор. Ичиб мастиқдан қусаётган бұлса, тонгла қиёматда жавобини ўзи беради. Шукурбай қоровул уни суяб, кийимларини бетаҳорат қилиб олгани бўлмаса, қандай ёрдам қилоларди...

Баҳайдод соҳиб қайтиб кирганида Изиддин иноқ қип-қизариб, баҳузур овқат тановул қиласырди. Уни күргач, ўзини дадил күрсатиш учун кулди:

– Маз... занғиз йўқ, ссоҳиб, – деди киноя билан. – Ш... – шундоқ зўр ним... марсанни тўкуб рр... расво қилдинғиз.

– Йўл сўқкуси, соҳиб, – деди у ўзини сархушликка олиб. – Йўл сўқкуси мени бисёр толиқтурди. Бул ҳорғинлиқ ҳали-замон даф бўлурға ўхшамас.

– Айтқонча... Кетурғон ним... марсанғиз унға ўхшаса, нуч... чук они шиши... шагаға солурлар. Чарм ҳалтачани ўзи бўл... лмассму?

– Бўлмас, соҳиб. Бўлмағоники, йўл оғир, киши кўб терлайдур. Тер ҷармға сўрулуб упаға, ондин заҳари қайтуб, киши баданиға ўтмоқи бор. Бул – ҳалокат, они кетурмоқға кўшиш қилғонни ўзи қурбонға айланур.

– Ўҳ-хўй, ш... шунчалиғ ҳавфликму ул?

– Бекорға “упаи дўзахий” демаслар.

Изиддин иноқ бу заҳарнинг ҳалокатли таъсири борлигига негадир унчалик ишонмаганди. Қизиқ устида пул бериб уни Ҳиндистонга жўнатганидан озроқ афсусланган пайтлари ҳам бўлди. У кўпроқ берган тиллаларига ачинганди. Энди ишонди. Қизиқиши кучайиб, бир йўла ишлатиш йўлларини ҳам билиб олмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. Назарида бу заҳар тасаввур қилганига нисбатан ҳам хавфлидай туюлди. Баҳайдод соҳиб айтганларидан ниманидир унугиб, ўзи талафот кўриб қолишдан чўчили. Шу сабаб кетиш олдидан батафсил сўраб билмоқчи бўлди. Сўзларни чайнаб қолганига қарамай, ўзини ҳамон тетик ва ҳушёрман, деб ўйламоқда эди. Хонтахтадаги суроҳийга кўзи тушиб, яна ичгиси келди.

— Куқ...куонг! — деди чайналганича қўл силкиб.

Баҳайдод соҳиб ичдан фижинди, бироқ “лом” демай қадаҳлардан бирини тўлдирди ва Изиддин иноқча узатди. У ҳам бир сўз демай қадаҳни бўшатди. Шаробнинг кейинги қултумлари яна оғзининг икки четидан тошиб чиқиб, соқоли узра кийимига тўкилди. Бу роса маст бўлиб қолганидан дарак эди. Бир муддат Баҳайдод соҳибни ҳам унугиб, нималарнидир валдираб ўтиреди, ёнбошига “шилқ” этиб кулади ва уйқуга кетди. Энди уни уйига жўнатиш нари турсин, уйғотиб ҳам бўлмасди. Уйғотгани билан отда эплаб ўтиrolмасди. Бирор жойда қулаб қолса, товони Баҳайдод соҳибнинг бўйнига тушади. Шунинг учун устига енгилроқ бир кўрпани тортиб қўя қолди.

Изиддин иноқ тарракдай қотиб ухлади. Чарчаган ва ҳолдан тойганига қарамай, хурраги Баҳайдод соҳибга уйқу бермай, тун бўйи безори жон қылди. Бир томони шундан, бир томони бегоналар пайқамай кетиб олсин деб, уни субҳи козибдаёқ уйғотди. Боши симиллаб оғриётганига қарамай, Изиддин иноқ ўрнидан турди. Баҳайдод соҳиб чарм ҳалтачанинг оғзини очиб, ичидағи шишаҷани чиқарди. Оғзидаги сурғични пичноқнинг дастаси билан уриб кўчирди. Кейин тиқинини қандай очиш, ичида кўринаётган упани қандай сепиш ва

қурбон уни қанча вақт босиб туриши лозимлигини бирма-бир тушунтириди.

Баҳайдод соҳиб назарда тутаётган усул Бухоро шароитида, айниқса, аслзодаларнинг турмуш йўсинида иш бермай қолиши мумкин эди. Бу хонадонларда тўшанчи солинмаган тақир ерни ҳеч ким босмайди. Ҳатто болалар ҳам ташқарига камдан-кам ҳолларда оёқ яланг чиқади. Ёши каттароқларнинг ҳаммаси маҳсида юради. “Упаи дўзахий” бўсағага сепилиши керак эмиш. Хонадон эгалари уйларини доимо орастга тутишади. Остоналарида сарғиш-қизғиши рангли бегона гарднинг пайдо бўлиб қолганини сезганлари заҳотиёқ қиришлатиб, ўрнини супуртириб ташлатади. Бу қанча машаққат ва оворагарчиликлар эвазига келтирилган юз тиллолик “мол” кир ўрага ташланди дегани. Шуларни ўйлаб, Изиддин иноқнинг боши оғриётгани ҳам эсидан чиқди.

— Бул заҳри қотилдин фойдаланурни бошқа йўриқлари йўқму, соҳиб? — сўради у. — Масалан, ҳаммом ё ҳовуз бўйинданда.

— Ҳаммом — жамоат жойи, упани сездурмай бирорни оёқи остиға сепмоқ душвордор. — жавоб берди у. — Кўруб қолурлар. Боз бегуноҳ кимсаларни да заҳарлаб қўюр. Бо бирорга зарар еткурмай ювилиб кетмоқи да бор.

— Алалхусус, соҳиб, мўлжалдаги кас ишдин чиқмоқи учун упани неча муҳлат босиб турмоқи лозим бўлур.

— Яхши босса эки дақиқа кифоя, оёқиға илашғон гард ўн беш дақиқаларда қонига сингишур. Шул фурсат оралиқида оёқин ювиб кўймаса, эки соатлардин сўғун “ўлур”. Лаҳатдин чиқоришғонларида андоми шундоқ ўзгарурки, они ота-оналарида таниб билмаслар. Ақли умрбол заифлигича қолғай: хотираси тамом сўнуб, кечмишларин эслаёлмаслар, келажакларига беларво бўлгайлар. Ҳолосай калом, яхшигина ишчи ҳайвонга айланур.

— Эртароқ ювиб кўйса-чи?

— Ундоқда “ўлмоқи” чўзулуб, “тирилмоқи” тезлашур. Андомидаги ўзгаришлар камроқ бўлур. Ақли чекдин ортуқ заифлашмас — вақтлардин сўғун хотираси жойига тушуб, кечмишин эслаб қолмоқи да бор.

— Ундоқда гўридин чиғормай жаҳаннамға равона қилинғони беҳроқ экан.

— Бул фикринғиз абас<sup>1</sup>, соҳиб, қурбон тирилғач инграп, овоз берур. Они мозор шайхи ёким ўшал атрофларда юриғон кимса эшитур. Хонадонига хабар йиборуб, мозорин очурлар. Сўғун ков-ков бошланур. Сози шулким, упани босғоч, қурбонни сувға йўлатмай турмоқ ва зудтар мозорға қўйдуруб, они тундаёқ олиб кетмоқдур. Олиб кетмоқ ва узоқча элтиб, кул қавлида сотиб юбормоқ...

— Хотирингиз жам бўлсун, соҳиб, буни иложин ясармиз!..

Изиддин иноқ Баҳайдод соҳиб пешкаш қилган отига зўрга миниб йўлга тушаркан, зимдан атрофга кўз югуртириди. Жон зоти кўринмаганидан кўнгли тинчиб, отининг юришини тезлатди. Бироқ қоровулхонасида уйғоқ ётган бозор қоровули дарчадан қараб, уни аниқ кўрди. Шундай йирик амалдорнинг қандайдир бир ҳинди савдогарнинг дўконида ту nab қолганидан ҳайратланди. Баҳайдод соҳибнинг аввал оқшомда кусаёттанини эслаб, у билан шаробхўрлик қилиш мақсадида келган бўлса керак деб ўйлади. Бундан ҳайрати бадтар ошли. Бухорода қўлга тушган шаробхўрлар ками ўласи қилиб дарраланаар, зинданбанд қилинарди. Ёмонликка олса ўлдириб юборишлари ҳеч гап эмасди. Халқдан шариат йўриқларига амал қилишни талаб этадиган айрим давлат ва дин арбобларининг ўzlари на шариатга ва на тариқатга амал қилардилар — пана-панада кўнгилларига келган номашру ишларни амалга ошираверардилар. Халқдан нимани яшириб бўларди: “Яширин қочсанг, ошкора туғурсан” — деган кинояли мақол шуларга қаратса айтилган бўлса ажабмас.

\* \* \*

Режасини амалга ошириш йўлларини излаб, Изиддин иноқ обдон бош қотирди. Ниҳоят, топди ҳам. Ишнинг бошланишини Абдубори бажаради. Бунга уни пухта тайёрлаган. Сўнгги дақиқаларда қўрқоқлик қилиб, панд

<sup>1</sup>Абас — бефойда, хом, нотўғри.

бермаса бўлди. Жасадни қазиб олиш ва олиб кетиш учун эски танишлари – Болабой қароқчи билан шеригини топиб гаплашди. Вақтни чўзмаслик учун уйида йифилиб, қайтадан маслаҳатлашишди:

– Бул юмуш анча қалтис кўрунади, тақсир, – деди Болабой кутилмаганда. – Биз мол ҳайдадук. Якка-ярим юриғонлар кезлашса шип-шийдам қилиб таладик, четчеккалардағи уйларни босдик, бир-да ярим одам-да ўлтурдик. Локигин, бул сирадаги юмушга зинҳор бормадик...

– Бул юмуш сизға хамирдин қилни сугурғондай гап, доги хавфсиз, – Иноқ унинг гапини бўлди. – Жонингизни гаровға тикиб, ўнлаб уйни боссанғизда-да, ўнлаб ўловчини талағонингизда-да, мендин олғончалиқ накдина ололмассиз.

Жиноят оламида ҳам бозордагидек “савдо” борлитини Изиддин иноқ яхши билади. Шу туфайли Болабой тутун қайтариб, нархини оширмоқчи бўлаётир, деб ўйлади. Кўйин чўнтагидан эллик тилла жойланган ҳамён чиқариб олдига ташлагач овози ўчди. Аслида улар хавфсизроқ иш бўлса, ўн беш-йигирма тангага ҳам рози эдилар. Унда иш Изиддин иноқ ўйлаганидай бажарилмаслиги мумкин. Озгина пала-партишлик чоҳга қулаш хавфини түғдиради.

Бу қароқчилар бир замонлар жиноят устида Иноқнинг кўлига тушишган. Вазифаси ўғри-қароқчиларни тугиши бўлмаса-да, кўлига тушганиларни келтириб, тегишли жойга топшириши керак эди. У бундай қилмади: қачондир шуларнинг ҳам “хизмати” асқотиб қолар деган фикрда убуларини олиб, ўзларини муқаррар ўлимдан силлиққина кутқариб юборди. Буни қароқчилар унутишмади – кейинчалик бир-икки шубҳали ишларда қўллаб юборишиди. Баҳонада ўзлари ҳам бир нимали бўлиб қолишиди.

Овози ўчганидан билдики, Болабойни ҳамён чалғитди. Изиддин иноқ ўғлига ўтирилиб, унинг нима қилганини сўради:

– Шунқорбек эртаға мени уйларида кутадурғон бўлди, – деди у керилиброқ. – Они шунға кўндурудум.

– Юмушинга берк бўл, бола! – Отаси ишонқирамай яна тайинлади. – Ҳаёт-мамот олишувида иккиланиш-

ларсиз турилур. Бўшашмағил ва айтқонимни ўрнилариға еткур. Оларни қитмирилиқлари зинҳор эсингдин чиқмасун!

Иноқ тилга олган “қитмирилик” Абдуқаюм тўқсабо у қолиб Сирожиддин парвоначи билан қуда бўлгани ва Абдуборининг Музаффар ҳузуридан шармандаларча ҳайдалганигина эмасди. Шунқорбекнинг валиаҳд билан яқинлиги ва унинг воситасида амир дарборидан юқори мансабни эгаллаганига ҳам ҳасад қиласарди. Сўнгти биринки ой ичидәёқ илгари уни паноҳ тортиб юрган бекларнинг аксарияти Тўқсабо томонга оғиб кетганлиги ўтдан олиб чўқقا соларди. Буни Абдубори билади. Аммо ундандаи ҳасад отасиникидан асло кам эмасди.

— Бизга бугун хизмат йўқми? — сўради Болабой. — Йўқ бўлса кетурмиз, эрта кечлатиб келтурмиз.

— Сизлар, — ҳукм қилди Иноқ. — Шунда қолурсиз. Шомдин сўғун мозоратни кузатурға борурсиз — мозор шайхи не қилур, таомға уйифа кетурми ёхуд кетуриб берурларми — борини аниқларсиз. Тонгға яқин қайтиб, шунда қўнурсиз. Кечғача бирорға кўрунманғиз. Ебичурингизни хонага киритиб берурлар. Қолғон юмушларни сўғун келишурмиз...

Қароқчилар унинг мақсадини англашди ва ҳеч нима сўрашмади. Ота-бала чиқиб кетишгач, Болабой шеригининг аспак<sup>1</sup> сўргандай тароватсиз юзига тикилиб деди:

— Кўрдингми, Жангир, буларни ишлари пухта, туютсалар қўйругин кўрсатмасқа уринурлар.

— Бир мўғадакни<sup>2</sup> олар айтқонча қай-қаёнларға элтиб ўлтурмай, — тўнғиллади Жангир. — Қумда сўюб ташлаб, ортқа қайта берурмиз.

Болабой унинг яноқ суяклари туртиб чиққан юзлари ва маъносиз боқаётган қўзларига синчиклаброқ тикилди. Бесабр ва тезоблигини билади: “иши”ни тез битириб, дарҳол бошқасига қўл уриб кетишни маъкул кўради. Бу тарзда иш юритишнинг даромади кўпроқ бўлса-да, ғалваси ошиб тушиши мумкин. Бир ҳудудда қилингандан

<sup>1</sup> Аспак — дараҳт ширасини сўрувчи қалқондор ҳашарот.

<sup>2</sup> Мўғадак — қўл-оёқсиз киши, бу ерда яроқсиз, чиқинди маъносида.

жиноятнинг изи совумай иккинчисига қўл уриш – фош бўлиш эҳтимолини кўпайтиради. Буни шеригига тушунтиришга кўп уринган-у, фойдаси кам бўлган. Уни муроҳаза билан иш қилишга ундашнинг бошқа воситаларини ишга солмаса бўлмаслигини фаҳмлади.

– Мўғадакни суропини қандокдур заҳри мавхум била ростлаб қўюрлар, – деди босик гапириб. – Бироқ, Иноқ они ўлтурмоқ ниятида эмас, бул дунёда хор-зор бўлиб юрмоқини хоҳлайди чоги. Сен айтқон ишни қилсақ, шартни бузурмиз. Буни ул қай йўл била бўлса-да аниқлар ва пойимизға тушур. Изиддин иноқ – хавфлик одам, буни унутма. Ондин фойда истасақ Сирдин<sup>1</sup> ўткуриб тўқайдаму, чўлдаму бирорға пулламоқимиз лозим. Онингдек бакувват қуллар қиммат турур. Қайтқоч, Иноқни тиллоларига ярмоқ<sup>2</sup> қилуб, кўп йиллар еб ётмоқимизға кифоя қилур.

Болабойнинг гапи Жангирга маъқул бўлганидан индамади. Шомгача ухлаб олиш мақсадида қўйни ва қўнжаларидаги ханжару пичоқларини кўрпалари тагига бекитиб, ўтирган жойларига чўзилишди...

Эшик икки-уч марта секингина тақиллади. Қаттиқ ухлаётганига қарамай, қароқчилар сапчиб туриб пичоқларига ёпишишди. “Тарки одат – амри маҳол” деганларича бор, йўлтўсар ва қароқчилар қотиб ухлашса-да, кулоқлари “үйғоқ” бўлади. Вақт ўтгани сари бу кўникумка қон-қонларига сингиб, сал шитирлашдан сапчиб кетишади.

Ташқаридан Изиддин иноқнинг овози эшитилди:

– Вақт етди, тамадди қилиб олинглар.

Атрофни тун пардаси ўраб келарди. Кишини лоҳас қиласидиган кундузги иссиқнинг тафти озроқ пасайган. Ўйқудан турганлар тезгина ювениб, апил-тапил кечки таомга ўтиреди. Овқатдан сўнг ханжару пичоқларини қўйни ва маҳсоларининг қўнжаларига тиқиб, дастурхонга фотиҳа ҳам қилмай Изиддин иноқнинг топшириқларини бажаришга кетишди. Биронтаси кўриб қолишидан қочиб, йўлдан четроқдан юришди.

<sup>1</sup> Сир – Сирдаре.

<sup>2</sup> Ярмоқ – ем, бу ерда қўшимча маъносида.

Қабристон маҳалла сүнгидаги уйдан бир чақирилмалар нарида – шаҳар ташқарисида бўлиб, Тангриқул исмли бакувватгина бир киши шайхлик қиласи. Шомдан кейин уйига – бола-чақалари ёнига бир-икки соатга бориб келгани бўлмаса, вақтини мудом мозор хонақоҳида ўтказади. Кундузлари келган-кетгандарга қараб, яқинларининг қабрларига олиб боради. Ёшроқ бўлишса, қуръон тиловатини ўзи қиласи. Кўнгилларидан чиқариб берган бир-икки танга садақалари ва мозоротга қарашли икки танобча вақф ердаги тирикчилиги билан рўзгор тебратади. Кечалари қабрларни, айниқса янгиларини, дайди итлар ва бошқа йиртқичлардан қўриклияди.

Ўша куни Тангриқул итини қабристон дарвозасига боғлаб, уйига кетаётган эди. Уни Болабойлар узокроқдан кўришди ва ўзларини панага олишди. Ит юлқиниб ҳуравергач, Тангриқул ортига қайтди. Эгаси қайтгач, овози бир оз ўчди-ю, бутунлай тўхтамади. Бироқ олдингидай зарда билан юлқинмади. “Шу атрофда бирор ҳайвон юргандир” – ўйлади Тангриқул ва мозоротга кириб озроқ айланиб юрди. Нима бўлса чўчиб қочар, деган хаёлда ора-сира овоз берди: “Ҳайт, кишт-кишт! Тур йўқол!” Бирор шубҳали шарпа сезмади. Итнинг ҳам овози ўчгач, хотиржам уйига кетди.

Орадан хийлигина вақт ўтди. Ерга қапишиб ётавериш жонига тегиб:

- Энди не қилдук? – сўради Болабой томонидан Жангир деб номланган йигит.
- Итни тинчтурмиз, – у бамайлихотир жавоб берди. – Билакс эртаға-да ишни белиға тепур. Они шундоқ уҳдаламоқ лозимки, бирор ўлтурғонин кимса сезмасун.
- Буни ўзум маромиға еткуурмэн.

Жангир чап билагига қандайдир латта-путталарни яхшилаб ўрагач, анчайин йўловчилардек қабристон хонақоҳи томон юришди. Ит яна ҳура бошлади. Аввалига пастроқ ва осойишта овозда, келаётгандар йўлдан чиқиб қабристон дарвозасига бурилишгач, жон-жаҳди билан юлқиниб ҳура бошлади. Товуши маҳалладагиларга ҳам

эшитилиши мумкин бўлганидан, Жангир тезлаб бориб итнинг гирибонидан олди. Боғловдаги итни даф қилиш осон: юлқинганида или орқага тортиб, тик туради, душманига бўғзини ўзи тушиб беради. У ўнг қўли билан томогидан қаттиқ қисиб, қопмоқ учун оғзини очганида латта ўралган чап билагини зарб билан уриб танглайига ўткизив юборди. Итларнинг ўргадаги тишлари текис ва тўмтоқроқ бўлиб, узиб олишга эмас, чайнашга мослашган. Кучли қўл бўғзини омбурдай сиқиб турганидан нафас олиши қийинлашиб, оғзидаги латта ўралган билакни дуруст чайнай олмади. Бир оздан сўнг ҳолсизланиб, шалайим бўлиб йиқилди. Қанчалик типирчиламасин, томогини қаттиқ сиқиб турган бармоқлар бўшашай демасди.

Жангир чалажон итнинг қорнини тиззаси билан босиб-босиб юборди. Ҳар босганида ичидағи ҳаво тариллаб ташқарига чиқарди. Ит батамом ўлгачгина кекирдагини кўйиб, қўлинини авайлаб оғзидан чиқариб олди.

Итни шундай қолдиришса, одам ўлдиргани билиниб қоларди. Ишнинг қолганини Болабой ниҳоясига еткизди: олд оёқларидан бирини қайириб синдириди. Хонақоҳ олдида қолдирилган сув тўла обдастани келтириб оёқлари, бош ва елкаси, тумшуқларининг йиртқич тишлаши мумкин бўлган жойларини ҳўллаб чиқди. Шу жойларга ханжарининг учини ботириб, илиб-илиб юборди. Кулоқларининг икки-уч жойини тешди ва тигнинг ён томони билан йиртди. Барча иш поёнига етгач бир четга ўтиб, қўли ва ханжарини тозалаб ювди. Обдастани жойига элтиб бирор жонвор ағдариб юборгандай ўтқизив қўйгач, бу ердан жўнаб қолишиди...

Шом еб чиққан ой юқорига кўтарила бошлаган пайтда Тангриқул қайтиб келди. Итининг боғлаб кетган жойида ўлиб ётганини кўриб, тепасида бир зум гарангсиб турди. Қўли билан у ер-бу ерларини сийпалаб танасидаги намни ва жароҳат изларини сезди. “Нимадир талаб ўлдирган! – ўйлади ғазаби қўзиб. – Нима бўлдийкин? Унча-бунча йиртқичга бўй бермасди. Боғловдалиги панд бердимикан?”

Ипини ечиб мурдани бир четга олди. Қўлига инган сўлак юқини (намни сўлак деб ўйлади) ювиш учун

обдаста ёнига келганида, ағдарилиб ётганини күрди. Итни ўлдирган ҳайвон ағдарган, деган фикр билан ортиқча эътибор бермади. Қолган сув билан қўлини наридан-бери ювди ва узун, пишиқ сўйилини олиб, эҳтиёткорлик билан мозоротни айланди. Шубҳали бирор нима пайқамагач ҳужрасига қайтди. Кетмон ва белкурагини олиб бир четдан — қабристон атрофига ўралган иҳота ёнидан чуқур қазиди ва итнинг жасадини кўмиб кўйди. Назариди тириклигида одамларнинг қабрини садоқат билан кўриқлаган ҳайвонга иҳота ёнидан бўлсада, ҳар ҳолда ичкаридан, бир парчагина ерни ажратиш фарзи айндеқ туюлди...

Қароқчилар бекиниб ётган жойларидан Тангриқулнинг ҳар бир ҳаракатини ун чиқармай кузатишиди. Ётиш учун хонақоҳ ичкарисига кириб кетгач, Болабой ўзича сўзланди:

— Бул “Шайх ул-машойих” кўрқоқлардин эмас. Ундин зинҳор-базинҳор эҳтиёт бўлмоқ лозим.

Жангир бепарво тўнғиллади:

— Довюраклики бошига етиб, ажалин тезлатур. Ҳарба<sup>1</sup> қилса ўлтуриб, мўғадакни ўрнига уни кўмурмиз.

— Тадорикин кўрмасанг ўшал гўрга ўзунг тушурингни ҳисобдин чиформа, Жангирбой. Кўрмасмусен, ул ўта пишиқ-да бақувват. Сўйилин зарб била урса йўлбарснида аспаласопинга<sup>1</sup> жўнатур.

— Бундин бақувватларин-да тинчитқонмиз.

— Унда экидин бири бўлғон: ё биз қўллагон тадбир иш берғон, ё қурбонни кўрқоқлиқи...

Бирон нима безовта қилмаса, Тангриқулнинг бомдодгача ҳужрасидан чиқмаслиги аниқ. Чиққанида уларга на фойда ва на зарари бор. Бинобарин, бунда ер бағирлаб ётаверишларига ҳожат қолмаганди. Бекорга вакт ўтказгилари келмай, Изиддин иноқниги қайтиб кетишиди.

<sup>1</sup>Ҳарба — ҳужум.

<sup>1</sup>Аспаласопин — асфаласофилин демоқчи, дўзахнинг энг таги.

## ҮН БИРИНЧИ БОБ

Шунқорбек нонушта қилибоқ ишига шошиларди. Негадир отасидан ортда қолиб, бамайлихотир чой ҳұплаёттани онасини ҳам, Ҳулкар бонуни ҳам ажаблантирди.

— Нучук бемалолсен, — сүради Улуғойим ҳайрон бўлганини яширмай. — Юмушингға ошиқмассен?

— Уч кундурки Абдубори мултамас қилур, тариҳдин айрим нимарсаларни тушунтурсам, — жавоб берди у. — Шунға девонбеги ҳазратларидин рухсат олғон эрдим. Ҳализамон Абдубори кўрунуш бериб қолур.

Улуғойим ўғлига анчадан бўён бир гапни айттолмай юрарди. Ўйланиб туриб, мавруди келди деган фикрга борди ва дилидагини тўкиб солди:

— Абдуборини ошнолиқи барқарорлиқиға шубҳа қилурмен. Бироқ сен ўзунгни чандон беранг<sup>1</sup> қилурингға ҳайратдамен.

— Тўйимиздаги хизматларин унутдинғизму, — сўради у онасининг фикрини инкор қилиб. — Асоссиз айбжўли-қингиз қандоқ бўлди, эна? Рост, Абдуборида озроқ ич-қаролиқ бор. Бул они аёёр билурға тутқа<sup>2</sup> бўлмас. Беайб парвардигор, куни келурки бул нуқсидин қутулиб-да кетур.

— Ҳар не дерсен, айтқонинг рост келсун. Нединлиқин ўзум онгламасмен, бироқ они оёқ олиши дилимға ўтурушмас.

Абдуқаом тўқсоба Изиддин иноқнинг Шунқорбекни күёв қилиш ниятида уйларига келгани ва рад жавобини олиб кетганини Улуғойимга айтган эди. “Мен они минбаъд бизға терс бўлуб қолур, деб ўйлағон эдим. Шукрки, бундоқ бўлмади” — дея тўйларидаги хизматини алқаган эди. Эри уни алқаган эса-да, аёл эмасми, дилида чигал бир “тугун” қолганди. Балки: “Теги душман дўст бўлмас”, деган мақолни эслагандир. Шунданми, Абдубори уйларига келганида гап-сўзларига эътибор бериб, афтангоридаги ўзгаришларни зимдан кузатарди. Муомаласидан бирор айб топиб бўлмасди. Баъзи-баъзидагина

<sup>1</sup> Беранг — берилган, эътиқод қўйган.

<sup>2</sup> Тутқа — асос, важ, сабаб.

кўзларида самимиятдан йироқ, иркит бир ифода чақнаб кетишини сезганди. Шу кичик аломат ҳам Улуғойимнинг ичини музлатарди, аммо сабр қиласарди, буни чурқ этиб бирорвга айтмаганди.

У Абдуборининг кўлидан жиддий ёмонлик келади, деб ўйламасди. Пайти ва иложини тополса Шунқорбекнинг оёғидан чалиб юборадими, деб чўчириди, холос. Ўслининг содда ва кўнгилчанлигини билади. Шу феъли панд бериб қўймаса, деб хавотирланарди. Аммо кўзларида бир зумгина липиллаб қоладиган билинар-билинмас ёқимсиз аломат туфайлигина Абдуборини айблаб бўлмаслигини тушунади. Ким билади, баъзан ҳамсуҳбатига совуқ назар билан боқиши йўргагида теккан бемаъни одатдир. Балки, кўзларида бирор иллат бордир...

Шунқорбекни ажаблантиргани — кутилмаганда Абдуборининг тарихта яна қизиқиб қолгани. “Жангномаи Насрулло”дан кейин у тарих ҳақида оғиз очмай қўйган эди. Нима сабабдан яна бу ишга жазм этди? Шу йўл билан валиаҳдга яқинлашишни хаёл қилаётганимикан? Шундай нияти бўлса хом ўйлаган — Музаффар боргоҳининг эшиклари унга тамом бекилган. Ўшанда валиаҳд “Асомиддин тўпчибошига ўтунг”, деб уни калака қилди. Буни тушуниб туриб яна эътиборидан хомтама бўлиш — сипоҳийларнинг қизил либоси билан шоп-шалопларини ихтиёрий елкага илиш демак. Музаффар Шунқорбекнинг юзини қилибми, олдинги сафар шунчаки хонасидан чиқариб юбориш билан чекланди. Яна шундай ҳол юз берса, у пачакилаб ўтираси. Тўпчибошини чақиртириб: “Мана буни сарбозларинг қатига қўшиб ол”, — дейди қўяди. Ҳукмини амирдан бошқа ҳеч ким ўзгартиролмайди...

Дастурхон йигиб олингач, Шунқорбек ўз хонасига ўтди. Бир оздан сўнг ортидан Ҳулкар бону кирди:

— Сизга халал бермасменми, бегим? — сўради паст овозда.

- Менда юмушинғиз борми?
- Йўғ-а, ўзум шундоқ...

Шунқорбек разм солиб, “ўзи шундоқ” кирмаганлигини пайқади.

- Гапингиз бўлса тортинманғиз.
- Энамни айтқонлариға қандоқ қарапсиз, шуни билсан...
- Сиз қандоқ қарайсиз, ўшал айтилғонларда жон бор деб ўйлармусиз?

Ҳулкар бону бир зум тараддудланди:

- Айтсан кўнглунғизга ботурми?..
- Маълум бўлдики, Абдубори жўнинда сиз-да дуруст ўйда эмассиз. Сабабин билсан бўлурми?..
- Сабабин ўзум-да билолмасмен, наздимда кўнглида бир гидир<sup>1</sup> бордек. Муни сизға айттолмағон эдим. Яҳшики, энам пайқабдурлар.

— Машойихлар кимсадин важсиз гумонланмоқни дуруст айтмабдурлар. Гумон — имондин аюрур, дерлар.

- Тўғри, бироқ...
- Кишидин яхшилиқ изланг, бекам. Шундоқ қилсанғиз они топурсиз. Ёмонлиқ ахтарсанғиз, они-да топурсиз.
- Бағрингиз ўта кенг, бегим, шул покдомонлиқинғизға сизни-да Амир масъумдек<sup>2</sup> “мушрифи масъум” атағонлари жўяли бўлур эди.

Шунқорбек кулимсиради.

— Муболаганғиз чекидин ошди, Бону? Менда-да ўзум англамағон қусурлар бордур. Мендин фақат яхшилиқ излағонингиз боис, они сиз илғамассиз...

Хизматкор Абдуборининг келгани хабарини еткизди-ю, сухбатлари бўлинди. Ҳулкар бону чиқиб кетгач, хонага Абдубори кирди. Одатдагидек ҳол-аҳвол сўрашгач, Шунқорбек унга чой узатди. Кейин мақсадга ўтди:

- Сизни тарихни қайси даври, хусусан, кимни даври кўпроқ қизиқтирур?
- Темурбек даврини ўргансам...

Шунқорбек Амир Темурнинг бутун ҳаёт йўли, буюк салтанатни вужудга келтириш учун олиб борган тинимсиз курашлари ҳақида эринмай ҳикоя қилди. Айтган фикрларини далиллаш учун ибн Арабшоҳ, Али Яздий,

<sup>1</sup> Гидир — кир, ёмон ният.

<sup>2</sup> Амир масъум — бегуноҳ амир, Амир Шоҳмурод назарда тутилмоқда.

қолаверса, Темурнинг ўзи битган “Тузук”лардан иқтибослар келтирди. Абдубори гапларини берилиб тинглаётгандай туюлганди. Кейин...

Тушга бориб ҳаво жуда қизиди. Уйнинг ичи дим бўлиб кетди. Шунқорбек ҳикояларини Абдубори умуман эшиштмаётганини шундагина пайқади. Юзлари тундлашиб, кўзларида қандайдир саросималик борлигини сезиб ажабланди. Онаси билан Ҳулкар бонунинг гапларини эслади. “Буни ростдин менда гарази борму, — деган хаёлга борди. — Гарази бўлғонида қўлидин не келур — сунқасд қикурми? Бунга ботинмас — кўрқоқлиғи панд берур. Имкон тобса оёғимдин чалурму? Буни-да иложин қилолмас — дарборда Иноқ ва тарафкашларини эътиборлари суст — иғволариға бирорвни қулоқ осмоғи гумондур”.

Шунқорбекнинг синчковлик билан тикилаётганини кўриб, Абдубори кўзини олиб қочди.

— Сўзларимни тингламассиз, недин дилтант бўлурсиз? — сўради ундан.

— Иссикни тафти элиттиму<sup>1</sup>, миям қайнаб бородур, — баҳона қилди у. — Паришонлигим боиси шундиндур...

— Ҳа, иссиқ забтиға олди.

— Ҳовузларингизға шумғиб чиқсақ бўлмасму?

— Маъқул, иссиқ мени-да элитмоқда.

Бухоролик бойларнинг аксариятида, амалдорларнинг деярли ҳаммасида ҳовуз бор. Атрофи турли дарахт ва буталар, гуллар билан иҳоталанган бу ҳовузларни тиник ва салқин суви, ёз жазирамасида бола-бақраларининг чўмилиб туришлари учун ҳовли ёки томорқаларининг бир четидан атай қаздиришади. Катта ёшдагилар ҳаммом ё уйлари ёнидан маҳсус қурилган фуслхоналарда ювинишади. Оқавасини ариқларга туширмай ҳовлининг бир четига ёки ўрага оқизишиади. Ҳовузларда чўмиладиган ёш болалар ҳам сувга бурун қоқиш, тупуриш, совун ёки сувни ифлослантирадиган бошқа воситалардан фойдаланишни гуноҳи кабир деб билишади. Уларга муҳими — лоҳас қиласидиган иссиқларни енгиш учун сувга

<sup>1</sup> Элитмоқ — гангитмоқ, бўшаштирмоқ.

шўнғиш, бақир-чақир билан ҳовуз бўйлаб бир-бирини кувлаб сузиш, жазирама офтоб тифида ётиб тобланиш.

Абдубори Шунқорбекни чўмилишга кўндириш бу қадар осон бўлар деб ўйламаганди. Одатда уйли-жойли Эркаклар худонинг куппа-кундузида ҳовузга тушишдан истиҳола қиласардилар. Ҳовлида юрган аёл, бола-чақанинг кўзи тушиши мумкин. Унинг чўмилишга ҳеч бир монеликсиз рози бўлганидан Абдуборининг юзлари ёришиб, дилидаги кинни унугандай бўлди. Бундан Шунқорбекнинг дилида кўзғала бошлаган гумон саврнинг қоридек из қолдирмай йўқолди-кетди. Енгил кўзғалиб, шеригини ҳовузлари томон бошлади. Ҳурмат юзасидан ечиниш хонасига уни олдин киритиб, чиқишини пойлади. Кейин ўзи кириб ечинди ва илгақдаги шойи лунгилардан бирини боғлаб чиқди. У ечиниш хонасига кирган пайтда Абдубори лунгисининг липпасига қистириб, яширинча олиб чиққан “упаи дўзахий”ни ҳовуз бўйидаги ўриндиқлардан бирининг оёқ қўйиладиган жойини мўлжаллаб, шошилинч селди ва шишаҷани чарм қопчиғи билан бир четга – ўтлар орасига отиб юборди. Бу орада сувга шўнғиб чиқишига улгурди. Шунқорбекнинг чиққанини кўргач:

– Оҳ-ҳо-оҳ! – деди ўзини роҳат қилаётгандай кўрсатиб. – Шўмғунг сувға, мазза қиласиз!

Шунқорбек ҳовузнинг нариги тарафидан калла ташлаб, бу қирғоқса сузиб ўtdи. Абдубори сувдан чиқишига ёрдам бераётгандек қўлидан тортиб, ёнидаги ўриндиққа ўтқизиб қўйди ва зимдан оёқларига назар ташлади. Шошилинчда “упаи дўзахий”ни сал олдинроққа сепган экан, оёқларининг ярмичаси упани босиб турарди. Шунга қарамай Шунқорбек тездаёқ оёқларининг уч томонидан бошлаб, билинар-билинмас совуқ ва ёқимсиз бир ҳовур бижирлаб тепага кўтарила бошлаганини сезди. Ҳавотирланиб пастга қаради ва кўзи бўёққа ўхаш қандайдир сарғиш-қизғиши гардни илғади. Қадамини четроққа босиб, тезлаб ўрнидан турди-да, ҳаялламай ҳовузга калла ташлади. Нариги томонга ўтиб оёқларини ювди ва шошилинч ечиниш хонасига кириб кетди.

Абдубори унинг ғайритабиий ҳаракатларини жимгина кузатди. Нима бўлганини билиб ўтиради. Шу туфайли “нима бўлди?” деб сўраёлмади. Қилган иши шунчалик тез таъсир кўрсатганидан қўрқиб кетди. Шунқорбек хонага кириши билан ўтирган жойларига ҳовучлаб сув сепиб, “упай дўзахий”ни ювиб ташлади ва зудлик билан ҳовузнинг тепароғига – сув кираётган жойга шўнгигб олди. Шунқорбек кийиниб чиққанида ариқча ёқасида оёғини юваётган эди.

– Сиз-да оёқингизни ювмоқдасизми? – сўради Абдуборидан. – Нени сездинғиз?

– Шу... Оёқимни кафти ачишадур... – деди у мин-ғиллаб. – Бирор нимарса бўлғондоқ...

Жавобни эшитиб, Шунқорбек беихтиёр ўтирган жойларига қаради. Оёқ қўйган жойларига сув сепилганини кўриб ҳайрон бўлди ва Абдуборидан яна сўради:

– Жойларимизни ким ювди?

– Мен...

– Нечун?

– Эрга<sup>1</sup> недур ёмон нимарса тўкулғанму, бизни бул аҳволотға тушурди. Доғи бирор кимса босиб олмосун деган ўйға бордим...

– Дуруст қилғонсиз.

Отаси “упай дўзахий”ни ишлатиш йўлларини тушунтираётганида оқибатини ҳам айтганди. Неча йиллардан буён ич-этини кемириб келаётган кин ва ҳасад кучлилик қилиб, ўша пайтда бу оқибатни теран ўйламади. Қайтага ҳарифини бир ҳамладаёқ даф қилиш йўли топилганидан севинди. Шунқорбекнинг бирданига сўлинқи тортиб қолганини кўргачгина ваҳимага тушди. Тезгина кийиниб ортидан борди ва хонасига кирди. Вужуд-вужудини қақшатаётган дардга тоб беролмай тўлганиб ётганини кўриб чинакам даҳшатта тушди. Ранги ўчиб, овози қалтираб чиқди:

– Сизға не бўлди, Шунқорбек?

– Билмасмен! – у бошини зўрга кўтариб Абдуборига қаради. – Ўзингиз тузукмисиз?

– Уйға эртароқ етсамму дермен, мени-да тўла бўйим<sup>2</sup> оғриб келадур...

<sup>1</sup> Эрга – у ерга демоқчи.

<sup>2</sup> Тўла бўйим – бор вужудим демоқчи.

— Майлингиз, боринг!

Шунқорбек унинг чақчайиб турган кўзлари ва пахтадай оқарган юзларини кўриб, гапига ишонди. Шунга кўра, тезда жавоб берди. Эшикдан чиққунига қадар ўзини маҳкам ушлаб, чидаб турди. Кейин тўшакка ястаниб, тиришиб-буралиб ўн беш дақиқача ётди. Улуғойим билан Ҳулкар бону бошқа хонада нима биландир банд бўлиб ўтиришганидан, ҳолидан бехабар эдилар. Қоқ тушда иссиқдан қочиб, кулбаларига бекинган хизматкорлар ҳам унинг уйга қайтганини пайқамай қолишли. Бир маҳал қандайдир иш билан хонага Норой кириб қолди. Шунқорбекнинг тиришиб ётганини кўриб, ҳуши бошидан учди. Юргилаб ўтиб суюмоқчи бўлди ва сўради:

— Сизға не бўлди, бекзода?!

— Аъзойи баданим музлаб келадур. Зудтар энам била Ҳулкар бонуни чақиринг!

У Шунқорбекнинг бундай ҳолатда ётганини ҳеч қачон кўрмаганди. Довдираф иккинчи уй томонга чопди. Пешин намозини ўқимоқчи бўлаётган Улуғойимга кўзи тушибоқ бақириб юборди:

— Зудтар нариги уйға ўтингиз, Ойим! — деди нафаси тиқилиб. — Бекзодам ўта беҳуд ётурлар!

Одатда унча-мунчага парво қиласермайдиган оғир карвон Норойнинг таҳликали овозини эшитиб, Улуғойим ёш сизғиб турган кўзлари ва кув ўчган юзларига тикилиб қолди. Дафъатан “нима бўлибди?” дейишга ҳоли етмади. Ҳаёлидан ярқ этиб Абдубори ўтди: “Ул бир бадкорлиқ ясафон! — ўйлади ичи музлаб. — Бир нимарса қилғон!” Қиблага тўғрилаб ёзмоқчи бўлаётган жойнамози қўлидан сидирилиб, гиламга тушди. Кафшини кийишни внутиб, маҳсичан ўғли ётган уйга югурди. Ортидан Ҳулкар бону билан Норой эргашишли.

Шунқорбек гоҳ ғужанак бўлиб, гоҳ оёқ-қўлларини ёзиб юбориб, юмалаб ётарди. Улуғойим нима қилаётганини билиб-билмай ўзини ўғли устига ташлади. Чалқанча ётқизиб юз-кўзларига тикилди: қораҷиги бирмунча хира тортган, юзлари кунгурт тус ола бошлаганини илғаб, қўрқиб кетди.

— Во-о болам! — деди овозини баралла қўйиб. — Болам-а-а!! Сенға айтдим, ўшал касофат била ошночилик қилмағил деб. Сўзумға бовар қилмадинг. Мана оқибат — не бериб эдики, сен они едунг ё ичд чг?!

Шунқорбек ўзини қўлга олиб, қисилиб бораётган гишлари орасидан сизиб чиқаргандай товуш билан гапирди:

— Ундоқ деманг, эна, ул ҳеч нимарса бермади. Даствурхонни ўзим очиб, ўзим ёпдим. Чойни-да ўзим қўйдим... Менимча ҳовуз сувига бирор уфунат<sup>1</sup> аралашғон. Абдбори-да новқосланиб<sup>2</sup> кетди. Киши ўзин ўзи зарарларму

Шунқорбек Абдуборинг бегуноҳлигига, ўзи каби касалликка чалинганига қаттиқ ишонганидан гапни кўпайтирмади — ҳовуз бўйида қизғиши-сарғиши рангли унсимон нарсага кўзи тушганлигини айтмади. Буни кейин — тузалиб олгач, ўзи аниқламоқчи бўлди. У вужудини қамраб олаётган дарднинг ўткинчилигига ишониб ётарди. Идроки тобора сусайиб бораётганига қарамди, Абдубори босиб турган жойга назар ташламай хато қилганини англади. Афтидан, Шунқорбек босган нарсани у ҳам босган. Аксинча кўзлари олайи<sup>3</sup> ғанги пага бўлиб кетмас эди. Эҳтимол, у ҳам азобланиб ётгандир...

— Табибқа одам ҳўнатсакму, бегоим? — деди Норой.

Ўғлиниг дарди билан бўлиб, табиб чақиртириш Улуғойимнинг хаёлигдан кўтарилиганди. Тезда ўзини йигиб Норойга буюрди:

— Бахшулла уйидаму, дарҳол топиб Зиёбой табибқа жўнат. Боши бориб, оёқи қайтсун! Бирорни бек отаси била Парвоначи ҳазратлариға йўлла. Олар ё Масжиди Калонда ё Арқда бўлурлар.

Норой топшириқларни бажариб, уйда қолган хизматкорни эргаштириб кирганида Улуғойим билан Ҳулкар бону Шунқорбекнинг музлаётган оёқларини зўр бешиб уқалашмі қда эдилар. Эркак, ҳар ҳолда, эркак — у аёлларни қариб мажбурлаб ташқарига чиқариб юборди. Беморни ечинтириди ва юзтубан ётқизиб елкаси, бели, кўл-оёқларини куч билан уқалай бошлади. Бот-бот елка

<sup>1</sup> Уфунат — зарарли нарса, микроб.

<sup>2</sup> Новқослатмоқ — касалланмоқ.

ва бел терисини эти билан қўшуб тортиб узма<sup>1</sup> қилди. Бу муолажа сал наф бериб, пешана-чаккаларидан маржон-маржон тер чиқди ва бир оз тинчланиб қолди. Сўнгра уни енгил кийинтириб кўрпага ўради-да, аёлларни ичкарига чақирди.

Ўғлиниң манглайида йилтираётган терни кўриб Улуғойим қувонганди. Тер қўлига совукроқ теккач кўрпа тагидан қўл юбориб, баданини ушлаб кўрди. Шу иссиқда қалин кўрпага ўралиб ётганига қарамай танасининг исимаганини сезиб ингради:

— Аллоҳим! Сенға не ёзуқим бор эдик, бул кўргуликни бошимға солурсен!

Қайнонасининг товушидаги чуқур гуссани илғаб. Ҳулкар бонунинг кўзларида ғилтиллаб турган ёш қайнаб чиқиб, юзларидан оқа бошлади. Ёнидагилардан тортиниб, Улуғойим каби овоз чиқариб нола қилмаса-да, ич-ичидан қўйинарди. Ўлим отли мудҳиш ҳақиқат ҳали улардан ҳеч бирининг, ҳатто гарантисиб бораётган беморнинг ҳам хаёлига келгани йўқ. Уларнинг дарду дунёлари бемор тортаётган азобни ҳис қилаётганлиги туфайлигина қоронғилашмоқда эди...

Абдуқаюм тўқсоба билан Сирожиддин парвоначи келишганида Шунқорбек анча тинчланган бўлса-да, тобора мадори куриётган эди. Ораларида Изиддин иноқни кўриб, бехос илон ушлаб олгандай, Улуғойимнинг вужуди қалтираб кетди. Зўрга ўзини босди: “Бул шумқадам нима бўлғонин билғоли келди, — ўйлади алами ошиб. — Қилгулиғни илонбаччаси қилиб, бул гап англағоли келди!”

Абдуқаюм тўқсоба ўғлиниң ётишидан қўрқиб кетди. Воқеани йўл-йўлакай Изиддин иноқдан эшиттани сабабли (у билан йўлда учрашишган ва бу тарафга биргалашиб келган эди) Шунқорбекдан ҳеч нарса сўрамади. Пешанасини ушлаб кўргач кайфи учиб, Улуғойимдан сўради:

— Табибқа киши юборилдими?!

— Бахшулла кетғон эди, нечундур кечикмоқда,— жавоб берди у.

<sup>1</sup> Узма — муолажанинг бир тури.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

Зиёбай табиб Абдуқаюм тўқсобадан бошқа ҳаммани ташқарига чиқариб юбориб, беморнинг бутун танасини синчиклаб кўздан кечирди ва бош чайқаб:

— Бир коса қатиқ кетирсунлар, жаноби Тўқсоба! — деди.

Абдуқаюм тўқсоба ўғлининг аҳволи анча оғирлигини сезди ва ўрнидан чаққон туриб, эшик ёнида кутаётган аёлларга буюрди.

— Бир коса қатиқ кетуринг!

Норой зудлик билан қатиқ келтириб, Бахшулланинг кўлига тутди. У косани табибга бериб, Шунқорбекка ичиришга ёрдамлашди. Табиб қапишиб бораётган тишларини ёғоч қошиқ билан йириб, тўкиб-сочиб бўлса-да, озроқ ичирди. Сал кутиб, қопчиғидан оғзи маҳкам бекитилган кичик бир хўқача<sup>1</sup> чиқарди. Ундаги қандайдир суюқликни ҳам амал-тақал билан ичирди. Кейин Шунқорбекдан сўради:

— Бугун не еб-не ичғон эдинғиз? Оларда бирор бадҳазмлик, бадхўрликни сезмадингизму?

Шунқорбек тишлари орасидан зўрга овоз чиқарди:

— Норой чечам... сўранг...

Бахшулла нима демоқчи бўлаётганига дарҳол тушунди ва хотинини эргаштириб кирди. У табибнинг саволларига негадир кўрқиброқ жавоб берди:

— Даствурхонга қўюлғонларидин бўлак нимарса емағонлар. Мабодо мен билмай қолғон бўлмасам... Бор-йўқи бир чойнак чой киритиб бердим. Таомни ҳовуздин қайтқоч емоқчи эдилар...

— Бекзодалар чойни шу идишларда ичдиларму? — сўради табиб даствурхондаги чойнак-пиёлаларни кўрсатиб.

— Ҳа, оларни йиғиштурғали кирсам, бекзодам бу кепатада<sup>2</sup> ётиптулар. Шу била йиғиштиришни-да унутибмен.

Зиёбай табиб чойнак-пиёлаларни бирма-бир, диққат билан кўздан кечирди. Ҳар бирининг ичини кўрсаткич бармоғи билан суртиб олиб ялаб кўрди ва шубҳалана-

<sup>1</sup> Хўқача — кичик сопол кўза, кўзача.

<sup>2</sup> Кепата — ҳолат, кўришиш.

диган бирор белги-аломат тополмай яна бош чайқади.  
Шунқорбекка ўтирилиб сўради:

— Қийналсанғизда жавоб беринг, бекзода, мабодо иноқ жанобларининг ўгуллари ўзи била бирор тансиқ нимарса кетурмағонму? Балким, они биргалиқда тановул қилғондурсизлар?

Шунқорбек эшитганларини инкор қилиб, кескин бош чайқади:

— Йў...йў...йўўқ!..

Табиб Абдуқаюм тўқсобага юзланди:

— Ўғлинғизда мен билғон заҳарланиш аломатлари кўринмайдур, жаноби бек. Боланғизни дарди — ўзгача дард. Бизда мавжуд набототлардин, илон, чаён, қора-күртқа ўхшашларни заҳаридин ясалғон оғулар бул тариқа аломат бермас. Кўрдинғизким, ҳар эҳтимолга қарши бериғон зидди заҳар-да бесамар кетди — бемор қусиши лозим эрди, қусмади. Сизлардин бурун иноқ жаноблариникидин киши борғон эди. Они ўғли-да бехуд ётур, бироқ заҳарланиш аломатлари йўқ. Нединдир асаблари зўрукқон, танаси ва пешаналаридин иссиқ тер чиқмоқда. Сизни боланғиз музлар, тишлари қопишгон. Сабабларин фикр қилиб ҳарчанд урунурменки, муолажасин тобсам.

Ўғлига ўлим соя ташлаётганини сезиб, Абдуқаюм тўқсобанинг кўз олди кировкалана бошлади. Бошига осмон кулаб тушгандай бўлди. Зиёбой табибининг гагларидаги ғалати илмоқларга деярли эътибор бермади. Кўзларидан ғилтиллаб ёш тўқилаётганига қарамай, ўзини маҳкам тутиб сўради:

— Ўлумдин ўзгасига шифо топур эдинғиз, тақсир, наҳот боламни дардини аниқлолмассиз?!

— Ҳозиринча шундок, боз уруниб кўурмиз. Шифо — Аллоҳдин, биз — сабабмиз, воситачимиз, тақсир! Ажабмаски, уринишларимиз Аллоҳға хуш келиб, ишимизга ёри берса.

— Кўзумни оку қароси шул — болам, усиз тирикликни ўйимға кетуролмасмен, тақсир! — дея бўзлаб юборди у. — Не қилсанғиз-да, они шул дарддин фориғ қилинг, омонат жони омон қолсун!!

— Иншооллоҳ!...

Шунқорбекнинг вужудини зирқиратаетган оғриқлар секин пасая бориб, анча тинчланиб қолди. Лекин юзлари қорайиб бораради. Ақли ҳам хиралашаётганига қарамай, отаси билан табиб орасидаги гапларнинг маъносини гира-шира англади. “Наҳот ажалим етғон бўлса” – ўйлади гириҳ тишларини бир-биридан ажратишга уриниб. Буни эплолмади. Кўл ва оёқларини қимирлатмоқчи бўлди. Таёқдай қотиб, улар ҳам иродасига бўйсинганди. Нафас олиши сустлашиб, юраги секин, жуда секин ура бошлади. Шунда кўзларига ҳовуз бўйидаги ўриндиқ ва оёқлари тагида пайдо бўлиб қолган қизғиш-сарғиш гард кўриниб кетгандек бўлди. Гапириб турган пайтида онасига буни айтмаганидан ўқинди. Энди кеч, қанчалик тиришмасин, бир оғиз ҳам гапиролмайди. Афсус...афсус...

Бир соатга етиб-етмай у фикрлаш қобилиятини тамом йўқотди. Табибнинг дамламаю ҳапдориларининг нафи тегмади. Аъзойи баданидаги оғриқлар тўхтади ва кесиб ташланган дараҳтга ўхшади қолди. Энди у ҳеч нарсани сезмас, ҳатто эшиитмас ҳам эди.

Зиёбой табиб шошилиб, кескин ҳаракатлар қила бошлади: чўк тушиб бошини кўксига қўйганича Шунқорбекнинг юрагига кулоқ тутди, аммо юраги ураётгани сезилмади. Дарҳол қопчиғидан бир бўлак ойна чиқариб, юзини кийимига наридан-бери артди-да, оғзи-бурнига тутди. Қанча ҳаракат қилмасин, ойна губорланмади. Демак, нафас олиши тўхтаган. Қовоқларини йириб қарочиқларига тикилди – уларда жон асарини сезмади. Уқалаб қайта юмди ва караҳт бўлиб ўтирган Абдуқаюм тўқсобага ўгирилди. Унинг юз-кўзларида аксланаётган беадад андуҳни илғаб, сал бўлмаса кўнгил айтишни ҳам унугаётди. Нимаики бўлмасин, йўлини қилиб, қандай фалокат рўй берганини билдириши шарт эди.

– Бандалик-да, бек, сизға сабр берсун! – деди бир хил бўлиб. – Берғувчи – Ўзи, олғувчи – Ўзи, бизга сабрдин бошқа аъмол йўқ! Бунда мен қиладурғон юмуш қолмади, бек!..

У ашқол-дашқолини йигиштириб, эшик томон йўналди. Шундагина меровсиб ўтирган Абдуқаюм тўқсоба

эшиттганларини теран ҳис қилди. Юраги зирқираб, наштар урилгандай ачишиб оғриди.

— Вой бола-а-мм! — деб юборди наъра тортиб. — Кирчинида<sup>1</sup> қийилғон бола-а-мм!

Ташқаридагилар аччиқ товушни эшитиб, ичкарига селдай ёпирилишди. Эндигина эшик очған Зиёбой табибни сал бўлмаса уриб, ағдариб юбораёзишди. Ичкарида бир зумдаёқ қиёмат қойим бўлиб қолди: бир томондан Абдуқаюм тўқсона билан Улуғойим маййитнинг устига ўзларини ташлаб “Во болам!” дея ўкиришар, иккинчи томонда Ҳулкар бону билан Гулойим изиллашар, уларга Бахшулла билан Норойнинг гирыси қўшилиб, эшиттганларнинг юракларини зир титратарди. Сирожиддин парвоначи билан хизматкор Шунқорбекка ёпишиб фигон қилаётган Абдуқаюм тўқсобани зўрга ажратиб, ташқарига олиб чиқишишди.

— Оллони ҳукми, бўла, — деди Сирожиддин парвоначи ўпкаси тўлиб турганидан овози товланиб. — Яратғонни иродаси шундоқ бўлғач қўлимиздин не келур! Уйдагиларни кўз ёшлари мурдани юзиға томса дуруст бўлмас. Сиз шунда ўтура туриңг, мен оларнида ташқарига чиғорай.

У нима қилишини билмай ғамгин бош эгиб турган хизматкорга девор ёнидан жой ҳозирлаб, Тўқсобани ўтқазишини топширди ва шошилинч ичкарига кириб кетди. Аёлларни, айниқса, Улуғойим билан Ҳулкар бонуни маййитдан ажратиш қийин бўлди: бири жигарпорасини, бири севикли ёрини маҳкам қучоқлаб, девонавор “ув” тортишарди. Сирожиддин парвоначининг ёнига Бахшулла қўшилгачгина Улуғойимни мурдадан ажратишишди. Гулойим билан Норой ҳушини йўқотаёзган Ҳулкар бонуни етаклашди. Хонада бир ўзи қолган Изиддин иноқ пайтдан фойдаланиб, дарҳол ўликни у ёқ-бу ёққа куч билан силкилаб кўрди. Унда тириклик аломати сезилмади. У ер-бу ерларини қаттиқ ғижимлади: тана музлаб, росмана ўликникидек бўлиб қолганди. Гарчи силкилаш, ғижимлашларни сезмай

<sup>1</sup> Кирчин — стилғаи ниҳол, қирчиллама йигит.

таёқдай қотиб ётса-да, Шунқорбекнинг тирик эканлиги бир худога-ю, бир Изиддин иноқقا аён эди. Сувга олганида қимирлаб қолмасайди, деган ҳадикда ўтирганида Парвоначи билан Бахшулла қайтиб киришди. Аёлларнинг фарёдига дош беролмаганиданми, ҳар иккаласининг кўзларидан тинимсиз ёш оқарди.

Нияти амалга ошганига Изиддин иноқ ҳалиям унчалик ишонолмай турарди. Тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун баъзи ишларни ўзи бажариши лозим. Буни фақат Сирожиддин парвоначи воситасида амалга оширса бўлади. Шу туфайли уни аврашга тушди:

— Жой солиб, майитни рисоладагидай ётқизмоқ керакму эди, жаноби бек, бунга сиз не дерсиз?

У нима ҳам дерди — фикрини маъқуллади.

— Маҳрам сувифа олурмизми?

— Албатта.

— Қайната сифатинда бул юмушқа сизни қотишмоқингиз хўб эмас. Тўқсона жаноблари оташқа айланиб турубдурлар, они доги ўртаб бўлмас. Бул юмушни савоб талабинда ўзум ишласам, магарам қаршилик бўлмас...

— Бул луқманғиз қандоқ бўлди, тақсир? Сиз мархумға уругдошсиз, маҳалладошсиз, Тўқсона ҳазратлари бирла кўнгулсоз-да эрдингиз чоғи. Бул юмуш сизни ҳаққингиз. Қолаверса, ҳозиринча бунда сизу биздин бўлак тиш қоққан<sup>1</sup> бирон кас<sup>2</sup> йўқ. Юмушқа кириша берингиз.

— Ундоқ бўлса мултамас шулки, эшикдаги хизматкорлардин бирига буюрсалар — бир сатил<sup>3</sup> илиқ сув, тоғора ва бир овуч<sup>4</sup> тоза пахта кетурса. Бахшулла уччовимиз бул юмушни ўрнига еткуурмиз.

Бошқа жой ва бошқа шароит бўлганида у Сирожиддин парвоначига, гарчи илтимос тарзида бўлса ҳам, бундай “топшириқ” бериш нари турсин, ҳузурида овозини кўтариброк гапиришга ботинолмаган бўларди.

<sup>1</sup> Тиш қоққан — ёши улуғ, тажрибали.

<sup>2</sup> Кас — киши, одам.

<sup>3</sup> Сатил — челак.

<sup>4</sup> Овуч — ҳовуч демоқчи.

Керакли нарсаларни тайёрлаш учун ўзи чопқиллаб кетарди. Бу гал усталик билан вазиятдан фойдаланди: уни самимилигига ишонтиролганидан ташқари, иш буюриб, бир лаҳза лаззатланди. Абдуқаюм тўқсона тугишган бўласи, Шунқорбек – ҳам куёв, ҳам бўлабачча. Уни Парвоначи ўз болаларидек яхши кўрарди. Шу сабабдан тортаётган ғам-койиши Тўқсобаникидан унчалик кам эмасди. Изиддин иноқнинг жонкуярлик қилаёттанига ишонганидан, ораларидаги мансаб фарқларига аҳамият бермай ташқарига чиқиб кетди. Салдаёқ хизматкор айтилган нарсаларни таҳт қилиб кирди. Бу орада Бахшулла ҳам мурдани ётқизиш учун жой тайёрлаб бўлди...

Хизматкор косалаб сув тутиб турди. Изиддин иноқ бир бўлак пахтани косадаги сувга ботириб, у билан Шунқорбекнинг боши-ю, юз-кўзларини артиб чиқди. Уни тоғорага ташлаб, яна бир бўлак пахтани кўрсаткич бармоғига ўради. Навбатига сувга ботириб тишлари, бурун ва қулоқ тешикларини артиб чиқди. Кейин баданининг олд ва орқа тарафлари, қўллари, авротлари ҳамда оёқларини навбатига артиб, тоғорага ташлаб турди. Шу билан “ювиш” ҳам поёнига етди.

Бахшулла маййитни у ёқ-бу ёққа ағдариш, суяш ва қўтариш ишларида қарашиб турди. У мурда ювганларини бирор марта кўрмаганди. Шунга қарамай Иноқнинг баъзи ишларидан ажабланди: у маййитнинг айрим аъзоларини уч мартадан артган бўлса, айримларига ҳўл пахтани йўлига бир-икки теккизиш билан кифояланди. Айрим аъзоларни керагидан қаттикроқ ишқалагандай бўлдики, бу назарida, мурдани азоблашдай туюлди. Аммо мурдашўйликдан бехабар бўлгани туфайли оғзини очолмади. У ким бўлибдики, кўпни кўрган бекка тутун қайтарса. Маҳрам сувига олишнинг йўриги шундайдир деб ўйлади.

Бахшулла тўғри пайқаган эди – Изиддин иноқ маййитнинг айрим аъзоларини азоблаш даражасида эзғилаётганди. Айни маҳалда Шунқорбекнинг афтангорига зимдан тикилиб турарди. Бирор жойи қимирлаб, тириклик аломати сезилиб қолармикан деган ҳадикда эди. Аммо бундай бўлмади. Фақат оғзини

“юваёттанида” бармоқлари милкини жароҳатлаб, билинрабилинмас қон сизғиди. Ёнидагилар пайқаб қолмасликлари учун дархол ҳўл пахта билан артиб, хизматкор қўлидаги косани ўзи олди ва билинтирмай тогорага ювиб ташлади. Жасадда сезилган тириклик аломати шу эди. Буни тажрибасиз ёрдамчилар сезмай қолишиди...

Шунқорбекнинг маҳрам сувидан чиқарилган танасини Бахшулла тайёрлаган жойга ётқизишиди. Изиддин иноқ қўлларини ёнига тўғрилаб, оёқларини жуфтлади ва бош бармоқларини бирлаштириб, ипак тасма билан боғлаб қўйди. Оғзи очилиб қолмаслиги учун кичикроқ ва юпқа рўмол билан иягидан олиб бошига танғиди. Устига чойшаб тортиб, ёнида Бахшуллани қолдирди. Сирожиддин парвоначига кўз-кўзлаш ниятидами, челак билан косани хизматкорга бериб, ўзи ювиндилар ташланган тогорани кўтарганича ташқарига йўналди. Ҳовлида одам анча қўпайиб қолганди. У қўлидагини дуч келган бирорга топшириб қуёшга қаради: завол пайти бўлган, куннинг ботишига ҳали анча бор. Шунинг учун нарироқда ким биландир гаплашиб турган Парвоначини кўриб, у томонга юрди ва шивирлаброқ сўради:

— Майитни бугуноқ чиқарсақ бўлмасму, тақсир, ҳали фурсат етарлик экан?

Сирожиддин парвоначи шунгаям фаҳминг етмадими, дегандай ижирғаниброқ қаради. Лекин дилини оғритгиси келмади.

— Менимча Тўқсона ҳазратлари унамаслар, — деди фикрини айтиб. — Охирги кеча ўғлини уйида тунатсалар керак.

Изиддин иноқ гапи ёқмаганини пайқади. “Ётиб қолгунча отиб қол” — қабилида андавани узокроқдан тортди:

— Азизлар мурдани зудтар жойи ростонига элтмоқни хўб кўрубурлар. Буни Тўқсона ҳазратларини-да хотирига еткурмоқ жоизмукин деб ўйлафон эдим, тақсир.

Бу гал ўқи нишонга тегди — Сирожиддин парвоначи муроса оҳангода:

— Дуруст, айтиб кўурмиз... — деди.

Борлик ва йўқлик орасида эзилиб, бир ҳолатда ўтирган Абдуқаюм тўқсоба уларнинг кенгашига қулоқ солмади. Шундай бўлишини Сирожиддин парвоначи билганни неча йиллар бағрида пўпалаб ўстирган жигарпорасини уйда бир кечагина тунатмай қўмиб юборишларига ким ҳам рози бўларди. Одатда у қудасининг гапини сира ерда қолдирмасди. Буни Изиддин иноқ яхши биларди. Лекин бу гал унинг айтганига ҳам бовар қилмади.

Режасининг шу қисми амалга ошмай қолиши хавфи туғилгач, Изиддин иноқнинг пайтавасига курт тушиб қолди. Маййитни эртагача уйда қолдириб бўлмасди. Шундай қилинса уни пешиндан олдинроқми, бундан ҳам чатоги, кейинроқми чиқаришади. Бу пайтга бориб мурдада тириклик аломатлари лайдо бўлиб қолиши мумкин. Нима қилиб бўлса-да, бу хавфнинг олдини олиши зарур.

Изиддин иноқнинг турқи булутли осмондай кубулиб – қаровтиб кетди. Фазаби жўшганидан тунд бир қиёфада: “Қашқир! – деди ичидা. – Бир нимарсафа аҳду саъй қилса, ўлса-да сўзидин қайтмас!”

У энди нима қилиши кераклигини бафуржা ўйлаб олиши лозим эди. Шу сабабли афтига қайғу югуртириб, Тўқсоба билан Парвоначидан уйига кетиш учун рухсат сўради.

– Бизни бола-да беҳуд ётқон эди. Бундаги аҳволотни кўргач, ситилиб кетолмадим. Изн берилса, биррав уйға бориб қайтсам...

– Сизга раҳмат, тақсир, майли, бориб келинг, – деди Сирожиддин парвоначи.

У Изиддин иноқ кетгач ўйланиб қолди. Бу ердаги аҳволни кўргач, боласи ҳам шундай бўлиб ётганини билган одам шу пайтгача хотиржам қандай юролдийкин? Уйидан бирор хабар ҳам келмади. Шунқорбек билан бирга чўмилган бўлса у ҳам бирёқли бўлиб қолмаганмикан? Ё камроқ заҳарланганмикан? Бу томони жумбоқ бўлди-ку!

У ташқарида бўлгани учун табиб Абдуборининг “касали” ҳақида Абдуқаюм тўқсобага айтган гапларини эшифтаганди.

Фаму аламнинг кучлилигидан Абдуқаюм тўқсобанинг вужудидан тутун чиқаётганга ўхшарди. Қудаси билан Иноқ унга нима деб – нима қўйганлигини ҳам унчалик фаҳмлагани йўқ. Қулоғига киргани – боласини шу бугуноқ мозоротта элтиб кўммоқчи эканликлари бўлди. Бу гап дарду дунёсига ўт қўйган билан баравар бўлди. Шуни айтиб ўтирганларидан кўра ўзини кўмиб кела қолганлари минг марта яхши эди. Бу ситамгар дунёда ёлғиз фарзанди доғида куйиб умргузаронлик қилганига нисбатан, борадиган жойига боласидан илгари бориб тургани хилофиadolat бўлмасди...

Унинг диққати чалғиди: келган-кетғанларнинг кўнгил айтишларига эътиборини қаратолмай ағрайиб ўтиради. Ўғлининг ростакамига ўлганига негадир ишониб-ишонмай ҳўл ўтиндай тутарди. Ҳўл ўтиндай тутаб чирсилларди, чирсиллаб тутарди. Шу туфайли қаерда ва нима учун ўтирганини унугди. Одамлар рўпарасида чўққайиб юзларига фотиҳа тортаётгани сабабини идрок қилолмасди. Улар нега бундай қилишяпти?! Нега ҳаммасининг юзлари тунд?! Наҳотки...

Бир маҳал, ҳар қалай, ўғлининг бу фоний дунёда йўқлиги, ундан қиёматга қадар жудо бўлганини эслади. Юраги ҳилвираб, туз қўйилгандай ачишаётгани ва симиллаб оғриётганини ҳис қилди. Бўғзидан беихтиёр куйндига ўхашаш бир фарёд отилиб чиқди:

– Во-о-о, бола-а-мм!!!

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

Ёз фаслида Бухоро тонглари сокин ва оромбахш бўлиб отади. Буни аввало хўроздлар пайқашади: кўндоқларидан тушмай турибоқ бўйниларини чўзиб қичқиришади. Шунда сезишадики, қўндоқда “нағма” қилиш анча нокулай. Қанотларини ярим ёзib учиб тушишади ва керилиб янги тонгнинг отаётганидан оламга жар солишади. Биринкетин дарахт бутоқларида мудрашаётган турли күшлар уйғона бошлашади. Хўроздлар бошлаган куйни улар давом эттиришади: чирқ-чирқ, чев-чев, гук-гук-пишш... Салдан

кейин бу овозларни босиб эшаклар ҳанграйди, итлар хуради. Итларнинг хуришидан маълум бўладики, кўчаларда яккам-дуккам қатнов бошланган. Субҳидамнинг енгил ва салқин шабадаси ҳовлилардаги супа ва чорпояларда ухлаёттан ёши катталарга куч бериб уйғотади, болаларга ором бериб янада қаттироқ, чукурроқ ухлатади...

Ўша тонг бошқачароқ ёришди: осмонда булут бўлиб булатга, тутун бўлиб тутунга ўхшамайдиган қуюқнина бир губор сузиб юради. Одатдагидек шабада ҳам йўқ. Ҳаво кишини толиқтирадиган, юракни сиқадиган даражада дим ва рутубатли эди. Шунданми, Изиддин иноқ ўрнидан эринибгина турди. Наридан-бери таҳорат қилиб бомдодни ўқиган бўлди ва хизматкорларидан бирига Абдуборини чақиришни буюрди.

— Кечаги айтилғонлар ёдингдаму? — сўради ўғли рўпарасига чўк тушгач.

— Эсимда... — бўшашиброқ жавоб берди у.

— Қандоқ ғайратсиз йигитсенки, рақибингдин ўч олур фурсати етғонида қатиқдоқ ивигайсен!

Абдубори “қатиқдай ивимаётгани”ни кўрсатиш учун ўзини ўнглаб, отасига тик қаради. “Бул бошқа гап” — ўйлади Изиддин иноқ. Кечкурун уқтирганларини бир бошдан такрорлаб яна тайинлади:

— Заҳарни сепишда обойла<sup>1</sup> — у ер-бу ерингға тек-курмағил, билдуриб-да қўймағил. Не қилсанг қил — оёқини упа устиға бостириғил. Унда ўзгариш бўлса, сенда ўзунгни навқослонғонға ол. Колғон юмушларни сўғун сўзлашурмиз.

Изиддин иноқ ўрнидан турди. Чойга ҳам қарамай отланиб дарвозасидан чиққачгина қаёққа бормоқчилигини ўйлади. Бир кўнглида бозорга ўтиб, Баҳайдод соҳибга йўлиқмоқчи бўлди. Дўконга боришга юраги бетламади. Унда тайинли иши ҳам қолмаган — билиши керак бўлган нарсаларни билиб олган. Энди ўзини шубҳа остига қўйишига зарурат йўқ. Аркка ўтиб бирор топшириқ бўлган-бўлмаганини аниқласинми? Аркка ҳам

<sup>1</sup> Обойла — эҳтиёт бўл.

боргиси келмади. Кеча шаҳар депарасидаги заминдорлардан амирнинг отлари учун ем-хашак жамғариш топширигини олиб, бу вазифани кичик иноққа юклаган эди. Ҳойнаҳой, у қўл остидаги хизматчилари билан шу ишнинг пайига тушган бўлиши керак. Тушгача тўртбеш заминдорнига кириб, ишнинг боришини текширгани дурустроқдай кўринди. Баҳонада наҳорги тамаддини ўшалардан бириникида қилас...

У ўз мулозимлари билан чала тушгача экинзору пичанзорларни айланиб юрди. Тайёрлов ва жўнатиш ишлари кўнглидагидай кетаётганига қаноат ҳосил қилгач, уйига қайтди. Остоноадаёқ Абдуборининг тўшак тортиб ётганини кўриб капалаги учди. Ёнида муштдайгина бўлиб онаси билан хотини ўтиради. Дафъатан: “Нима бало, “упай дўзахий”ни босиб ё ушлаб олдими-кан”, – деган фикрга борди. Ранг-тусига қараб, шубҳаси ноўринлигини пайқади. Заҳарни ушлаган ё босган одамнинг териси сур торгиши керак. Унинг бет-олди қизарив, чўғланиб турибди. Ўғлининг табиатан кўрқоқлигини билади. Ваҳимада асаблари кўзгалгандир. Бу – вақтингчалик ҳолат, ўтиб кетади.

Изиддин иноқ аёлларни чиқариб юбориб, Абдуборини сўроққа тутди:

- Не бўлди?
- Айтқонингиздек қилдим, – жавоб берди у титраб.
- Упани неча вақт босиб ўтурди?
- Нам оёқи била беш ё олти дақиқача босиб ўтурди.
- Лаванд, яна пича тутуб туролмадингми?
- Ондоқ қилсан сезиб қўюрди. Бусиз-да безанглаб<sup>1</sup> оёқини тагига қаради. Сарғиши-қизғиши нимарсани кўруб ҳайратқа тушди. Жонидин ўтуб борур эди чоғи, фурсат ўткурмай сувға шумғиди. Сувдин чиққач, оёқларин тозалаб ювди-да, кийинурға кетди. Мен ҳовучлаб сув сепиб, ерда қолғон упа доғларин кеткурдим.
- Дуруст, идишларин не қилдинг?
- Ўтлар орасига иргитдим.
- Аҳмоқ! Топиб олишларин ўйламадингми?!

<sup>1</sup> Безанглаб – безовталаниб.

— Ўйлашға фурсат бўлмади. Зудтар кийиниб, Шунқорбекни ортидин хонасиға кирдим. Ошиб тушуб ётқонин кўриб, мен-да ўзимни беморлиққа олдим, рухсат тилаб уйға қайттим.

- Буниси соз бўлубдур. Они ҳолати нечук<sup>1</sup> эди?
- Назаримда, ўта забун. Туси қорориб бормоқда эди.
- Уйидағилар сени кўришдиму?
- Борғонимда кўрушди, қайтуримда кимса йўқ эди.

Назаримда, хизматкорлари-да билишмади.

— Муниси заб бўлубдур. Табибқа зуд киши юборурмен. Ўзунгни қаттиқ беморлиққа олки, табиб-да сезмасун. Тилингға берк бўл, алжираф турма! Бир-эки кун тўшакда ётиб туурсен, сўгун кўурмиз...

У Абдуборига ўзи зарур деб билган эҳтиёт чораларини тайинлагач, иккинчи уйга ўтиб, “меҳмон”ларига ҳам қоронғи тушгунича кўзга чалинмай туришларини тайинлади ва арк томонга йўл олди. Абдуқаюм тўқсоба билан Сирожиддин парвоначини амир дарборида кўрарман деб ўйлаганди. Йўлда духоб келгач воқеани тушунди: Шунқорбекнинг ҳоли чиндан танг бўлса керакки, ёнларида келаётган хизматкор шошилинч хабар еткизган. Ўсмоқчилаб у-буни сўраган бўлди ва Тўқсобага хурмат кўрсатаётгандай ортига — улар билан бирга қайтди. Майитни шу куниёқ чиқаришга Абдуқаюм тўқсоба тугул Сирожиддин парвоначи ҳам рўйхуш билдирмагач, рухсат сўраб уйига кетди.

Азахонадан “уйга бориб келаман” деб чиққан эсада, хаёлига айёrona бир фикр келиб, бошқа кўча билан арк томонга бурилиб кетди...

Баҳайдод соҳибнинг айтишича, “упаи дўзахий”ни ўн беш дақиқалар чамаси босиб турган ёки оёғига илаштириб юрган одамнинг икки соат ичидәёқ суропи тўғри бўлиши, икки кунсиз ўзига келмаслиги керак эди. Шунқорбек беш ё олти дақиқа босиб туриб сувга шўнғиган. Буниси етмагандай, оёғини тозалаб ювган. Ким билади, ўғлини ваҳима босиб, унга шунча вақт ўтгандай туюлгандир. Аслида у айтган дақиқалар бундан

<sup>1</sup> Нуучук — қандай.

ҳам камроқдир. Яна упани факат бир оёғи билан босган ёки бошқача ҳолатлар ҳам бўлгандиру Абдубори яшираётгандир. Шу туфайли Шунқорбекнинг “ўлиши” тўрт соатга чўзилиб кетгандир. Эртага пешинга етиб-етмай тириклик аломатларини билдириб қўйиши мумкин. Унда барча тоат-ибодатлари сувга кетади, сарфлаган тиллолари ҳавога учади, сирнинг очилиш ҳавфи ортади. Изиддин иноқни таҳлиқага солаётган нарса – шу.

Абдуқаюм тўқсобани Раҳмонберди Ниёз ҳам ёқтирамасди. Шу сабабдан Изиддин иноқ ўз режасини у билан пишишиб олишни ўйлади. Аммо фикридан қайтди. У билан ҳамкорлик қиласиган бўлса, бошиданоқ қилиши керак эди. Ишнинг асосий қисмини бажариб бўлди. Энди айтса, ваҳимага тушиб қолиши мумкин. Ҳозирча муносабатлари яқин ва илиқ бўлиб келаётганига қарамай, унга тўлиқ ишонолмасди. Сарой муҳитида бир кун эмас-бир куни манфаатлари тўқнаш келиб, ёвлашиб қолишлари ҳам мумкин. Унда ҳамма нарсани амирнинг атрофидагиларга муносабати ҳал қиласди. Бу муносабат жуда ўзгарувчан: бугун силаб-сийпалаганини эртага бир четга суриб юборади. Насруллонинг назаридан қолмаслик учун дарбор аҳли қандай ишларга қўл урмайди. Шу мақсадда кеча оғиз-бурун ўпишиб юрган ҳамкорининг бўйнига бугун иркилмай сиртмоқ иладиганлар бор. Шулардан бири айнан Раҳмонберди Ниёз эди. Ўзига муҳолиф найманларни, камроқ бўлса-да, ҳатто мангит бекларидан ҳам баъзиларини Насруллонинг қўли билан у гум қилганди. Ўшанда бўлажак амирнинг энг ишончли ва содиқ лаганбардори эди. У кунлар ўтди. Энди амирнинг унга куни қолиб турган жойи йўқ. Шунга кўра, Раҳмонберди Ниёз ҳам аввалгидек дадил иш қилолмайди, қалтис ва шубҳали ҳаракатлар қилишга ботинолмайди. Дарбор аҳлини даҳшатга соладиган кўркув ҳисси унинг ҳам вужудини ларзага солади. Шундай одамнинг нимасига ишониб сирини айтсин..

Арк дарвозасига яқин жойда келган-кетган мансабдорларга хизмат қилаётгандарнинг бирига отини топширди ва “тезда қайтаман” деб тўғри Зиёдулла қуш-

бегининг маҳкамасига йўл олди. Қабулхонада қандайдир қоғозларни титкилаб ўтирган муншийга рўпара келгач зарур иши борлигини айтиб:

— Жаноби олийларининг қабул қилиш-қилмасликларини билиб берсанг, — деди.

Күшбек амир боргоҳига чақиртирилган эди. Муншида «зарур иш» дарагини эшитгач, жойига қайта ўтириб, Изиддин иноқни қабул қилди. Тўрт-беш кундан буён кўришмаганидан, қўл учини тутиб сўрашган бўлди. Кейин «не юмушда келдунг» дегандек, юзларига ўткир тикилди. Кўзлари аъзойи баданини тешиб юборай деб турса-ді, Иноқ буни пайқамагандек, күшбенинг ҳаққига узунгина дуо қилди ва қиёфасига жиддий ифода бериб, ғелишдан мақсадини айтди:

— Ҳоиргина Абдуқаюм тўқсобани ўғли Шунқорбек қайтиш ғориб, аморатпаноҳ!

— Ним-ма-а?! Кечагина аркда кўрдум шекилли!

— Бугун пешиндаем саломат эди, ҳовузлариға бир шумғиб...

— Чўқи бдурму?!

— Йўқ, ғиморатпаноҳ, касалланибдур. Қисқа фурсатда жони дору ғана қетибдур.

— Бандалик... Шуни хабарлаш илинжида мени юмушдин ғолдуғиб қабул сўрадингизму? Бирордик айттуриб юбоссанғиз-да бўлурди!

— Орирост, ҳазрати олий, шундоқ қилсан-да бўлурди ва дарбордағилар бундин хабар топишурди. Бироқ, бунда бошқа гап бор...

— Хўш?

— Назаримда, Шунқорбек ўлатға учрағон. Билакс, бўнчалиқ тез жон таслим қилмас эди.

— Жасадин кўрдинғизму?

— Ҳа, жаноби олий, афт-ангори мум киби қорорғон. Бул, навзан биллаҳ, вабони белгисидур. Они эрта пешин, балким, пешиндин сўғун чиформоқчилар. Унғача майитни ўнлаб кишилар кўтур, ушларлар. Ўлат юзага тепчиб, оларға-да юқур. Ҳа дегунча Бухорони ярим мардумига қирилиш хавфи соя колур. Вабо — одам танламас.

У қүшбегини қўрқитмаслик учун Шунқорбекни маҳрам сувига ўзи олганини айтмади. Абдуборининг ҳовузда бирга чўмилганини ҳам яширди. Қүшбеги буларни билганида ўзидан ҳам ҳазар қилиб қоларди.

— Не қилсақ бул оғатни олди олинур? — сўради у.  
— Майитни зудтар кўммоқ лозим.  
— Вақт асрға бородур, Тўқсаба жанобларини кўндурууб бўлурму экан?

— Давлатпаноҳдин фармони олий бўлса, кўммоқдин ўзга чораси қолмас. Араблар ўлукларин тунда бўлса-да, чироқ ёқиб, тезлаб кўмур эканлар.

— Фалокат хабарин зуд кетуриб хўб қилғонсиз. Бироқ, бу хабарни Онҳазратқа айтиб бўлмас. Зудтар сарой табибларин Тўқсабо жанобларникига бошлаб борингки, майитни қайта текширсунлар. Натижага биноан иш қилсунлар.

— Маъзур тутқайсиз, аморатпаноҳ, бул жўнда андак хижолатпазлиқим бор.

— Қандоқ хижолатпазлиқ?

— Билурсиз, Тўқсаба жаноблари била анча яқинмиз. Табибларни мен элтсан, кўнгуллариға гап келурму. Шул важҳдин дарбори олийға бул совуқ хабарни мен кетурғонимни-да билмасалар деғон андишадамен.

— Ундоқ бўлса бораберингиз, бул хизмат бошқа бирорға юклатилур.

— Қуллуқ, олампаноҳ!..

Изиддин иноқ қүшбеги маҳкамасидан анча енгил тортиб чиқди. Уни таҳликага солаётган хатар шундай тез ва осон ҳал бўлди. Уйига келгач Абдуборининг олдига кириб вақт сарфламай, тўғри Болабой билан Жангир бекиниб ётган уйга кирди. Улар билан навбатдаги ишларни келишиб олгач, Жангирга тайинлади:

— Кунботар бўлди, бирпасда қоронгулик қўлур. Үнғача михлаб овқатлан. Сўғун мўғадакка кийдирула-дурғон лаш-лушларни олиб мозоротқа бор. Отингни четроққа боғла. Оғзини кулиб<sup>1</sup> қўйки, кишинаб атрофда киши борлиқин билдурмасун. “Ўлук”ни қайға ерлаш-

<sup>1</sup> Кулиб — чандиб боғлаш.

ларин<sup>1</sup> күр, мозор шайхидин бохабар бул. Бугун мозордин жасад ўрниға күйилғонидин сүғун кетур. Мозорда кимса қолмоғоч Болабой-да борур. Ишни итмомиға еткүриб, эки ойлардин сүғун уйимға келинг. Хизматларинға яраша сийлиқ-да берурмен.

Күшимча пул дарагини эшитиб, “меҳмонлар” сергак тортищди ва ўтирган күйларида таъзим қилишди. Изиддин иноқ билдики, топшириқлари кам-күстсиз бажарилади. Ўрнидан енгил қўзғалиб, ҳали қиласиган муҳим ишлари борлигини айтди ва хайрлашиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Изиддин иноқ азахонага қайтиб келганида қуёш ғарбга оғган эди. Ҳовлида туманот одам: қўни-қўшни ва маҳалла дошлардан ташқари, хабар топиб яқин-атрофлардан етиб келган қариндошлари, уламолар, мударрису талабалар ҳассакашлар сафини тўлдирган. Кимлардир у ер-бу ерни турткилаб, бусиз ҳам ораста ҳовлини тартибга келтираётгандай бўлиб юргани бўлмаса, кўпчилик четроқقا тўшалган кигиз ва олачаларда давра қуриб, бошларини солинтириб ўтирибди.

Абдуқаюм тўқсоба суюкчилар қаторининг бошида деворга сяниб, нест бўлиб ўтиради. Унинг учун ёруғ олам тугагандек – қаёққа қарамасин, зим-зиё қоронғиликдан бошқа нарсани кўзи илғамасди. Рўпарасидан тез-тез пилдираб у ёқ-бу ёққа ўтаётган соялар ҳам гунгу лол. Баъзи баъзида нафас олиш маромини бузиб, энтикиб кетади. Ютган ҳавоси гўё ичида куйиб, ора-сира оғзидан тутаб чиқаётгандай фифонли “оҳ”га айланади. Кўзларини яrim очганича, эровраб осмонга тикилади. Назари қаровтиб бораётган осмондан бирор нарсани илғамайди. У жуда-жуда узоқ кўринади. Жуда-жуда узоқ ва тубсиз. Бўйни толиқиб, симиллаб ачишади. Беихтиёр бошини ерга эгади. Унда ҳам ниманидир излагандек бўлади. Лекин заранг ерда кўзга илинадиган бирор нарсани кўролмайди. У жуда-жуда тароватсиз эди. Жуда-жуда тароватсиз ва қаттиқ, қаттиқ ва ёз чилласи бўлишига қарамай совуқ...

<sup>1</sup> Ерламоқ – кўммок.

Қуёш ботиб, атрофдан сездирмайгина қоронгилик ўраб кела бошлаганида Сирожиддин парвоначининг қўлида хизмат қиласиганлардан бири ҳовлига табибларни бошлаб кирди. Улар азадорнинг рўпарасидаги ўриндиқقا чўкиб, қисқа дуо ўқишиди ва юзларига фотиҳа тортди. Абдуқаюм тўқсобанинг меровсиб ўтирганини пайқаса ҳам кўнгил айтишиди:

— Ҳукми Олло-да, тақсир, бандалик!..

У сиз нима деяпсиз демади. Ҳозир ҳатто амирнинг ўзи келганидаям юзига қарайдиган ҳолатда эмасди. Табиблар шундан ҳам сезишдики, унга гап айтишнинг фойдаси йўқ. Секин туриб, нарироқда кимгадир иш буюраётган Сирожиддин парвоначининг ёнига бориб ҳамдардлик билдиришди. Парвоначи уларнинг күшбегининг топшириғига кўра келишганини эшитгач, ичдан зил кетди. Күшбегига бу шумхабарни ким еткиза қолган. Ўзлари арқдан чиқишида ҳеч кимга ҳеч нарса дейишмаганди. Нафсилембрини айтганда, юқеаларнинг бундай бўлиб кетишини хаёлларига келтиришмаганди: Шунқорбекни анчайин қаттикроқ тоби қочгандир деб ўйлашганди. Дарбордагилар уни вабога учраган деб ўйлашган шекилли энди буни Абдуқаюм тўқсобага етказиш керак. Қандай қилиб? У аҳволни тушуниб, гапларига кўна қолармикан?

Сирожиддин парвоначи қийин ҳолатда қолди. Аҳволининг қийинлиги яна шунда эдики, Шунқорбекнинг танаси ҳали тириклигига дейиб сур тортиб қорая бошлаганлигини эслади. Шунга биноан “У ростдан вабога йўлиқдимикан?” — дея ўйланиб қолди. Шундайми бундай эмасми, бари бир, күшбегининг топшириғи бажарилиши керак. Буни Абдуқаюм тўқсобага айтмасликнинг сира-сира иложи йўқ.

У ўрнидан оғир жилиб Абдуқаюм тўқсоба томонга юрди. Изиддин иноқ бир четда синчиклаб кузатаркан:

— Аморатланоҳ табиблар ҳайъатини юборибдур, — деди атрофидагиларга эшиттириб. — Майитни ўлатга учрағон деғон шакка борғон чоги.

Бу гап оғиздан-оғизга күчиб, салдаёқ күпчиликка маълум бўлди. Эшитганлар табиийки, нима қилишларини билмай каловланиб қолиши: кетай деса — кўшничилик, ҳаммаҳаллачилик риояси — эртага кўз кўзга тушади, кетмай деса юқумли касаллик — ўлат ваҳимаси. Сирожиддин парвоначи бундан бехабар, Абдуқаюм тўқсобанинг рўпарасига чўққайиб, пардалаброқ гап бошлади:

— Ҳозирғина сарой табиблари ташриф буюришди, жаноби Тўқсоба! — деди расмий оҳангда. Уларға жавобингиз не бўлур?

Абдуқаюм тўқсоба билиб-бilmай қўл силтади. Кўзларини қаровтган осмонга тикканича:

— Оллоҳим!! — дея оҳ урди. — Сенға не осийлиқум бор эдиким, бошимға бул кўргуликларни солурсен!!!

Сирожиддин парвоначи Қудасининг ҳар иккала қўлини кафтларига олиб, дардли кўзларига мунг билан тикилди. Шунда ўзини тутиб туролмай, у ҳам энтикиб-энтикиб йиглаб юборди.

— Табибларга жавобингиз не бўлур, бўла! — деди ҳар қандай расмиятни йифиштириб ҳасратли овозда. — Бул фоже воқеотни аморатпаноҳқа еткурғонлар юқумли дард дегонлар. Ҳар эҳтимолдин қайта ташхис қилдирмай маййитни эртароқ чиғорғонимиз жўнроқму?! Ҳукмингиз не бўлур!..

Ҳеч кутилмаганда Абдуқаюм тўқсоба хушини тўплади. Қудасининг ёш сизгиётган аламангиз, мунгли кўзларига бир дам ҳасрат билан тикилиб турди ва:

— Энди не бўлса бўлди, бўла! — дея ингради. — Энди қирқ кун уйда сақлағонимда болам тирилиб ёнимға кирмас. Ўзунгиз бош бўлуб лузумини қилинг, боламни сўнғи ихтиёрин сизга тобшурдим!

Суяқ эгасидан рухсат теккач, Сирожиддин парвоначи маййитни безовта қилмасликка табибларни кўндириб, анча енгил тортди. Лекин кафан бичилиб, жасадни сувга олиш масаласи қўтарилганида кўплар тайсаллаб қолишиди. Ўлат текканни ювишга кириб, ким ҳам жонидан тўйган. Шунда Сирожиддин парвоначининг жонига яна Изиддин иноқ ора кирди: у иркилмай маййитни ювишга

кириш истагини билдириди. Бу – муаммони осонгина ҳал қилди: Иноқдай йирик арбобки Тўқсобанинг кулфатига шерик булиб ўзини фидо қилиб турганида бошқаларнинг, айниқса, қариндош-уругларнинг, бурун жийириб четга қочишлари одамгарчиликданми!

Амирнинг фармонидан хабар топишганми ё кафан бичилиб, маййитни ювишга тайёргарлик кўриласттанини билганиданми, аёллар тўдасидан уввос кўтарилиди. Қачондан буён ер тепиб гиря қилаётган Улуғойим хушидан кетиб йиқилди. Ёлғиз боласининг куюги уни адую тамом қилган эди. Ёнидагилар сергаклик қилиб тутиб қолишмаганида ким билади нима бўларди. Ҳулкар бонунинг фифони еру кўкни титратиб, одамлар вужудига ларза соларди. Ёшгина жувон ўт бўлиб ёнар, ўтин бўлиб тутар, кўзларидан ёш ўрнига қон оқаётганга ўхшарди. Сўнгсиз алам йўғрилган ўтили ноласи йиғлаганнинг ҳам, йиғламаганнинг ҳам кўзларига ёш индириб, юракларини туз кўйгандай ачиштиради. Кутилмаганда рўй берган жудолик аламини ҳазм қилолмай бу лайливашнинг замонаси бир тутам бўлиб қолганга ўхшарди. Келинининг файритабиий фожеа билан муроса қилолмай тортаётган оҳ-зори салгина ҳушини тўплаган Абдуқаюм тўқсобани қайтадан ўзидан кеткизди. Тун зулмати ичра бу хонадонга яна қиёмат кўпди.

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Атрофни қоронғилик қоплаши билан Жангир йўлга тушди. Мозоротга яқинлашгач, отини Изиддин иноқ тайинлаганидек бир пасқамга боғлаб, оёғига кишан урди. Кишнамаслиги учун оғзини чилвир билан боғлади. Аслида бу ишларни унга тайинлаб ўтиришнинг кераги йўқ эди. Тунги юришлар, хуфия ишлардан ўзининг ҳам пихи қайрилиб кетганди.

У қабристонга яқинлаб келиб, қулай бир пана топди-да, ёнбошлаб Танғрикулнинг хонақоҳини кузата бошлади. Атрофда қабристон сукунати хукмрон. Хонақоҳ дарчасидан заифгина ёруғлик чиқиб турибди. Бу мозор шайхининг

ҳали кетмаганлигини билдиради. Кўп ўтмай ён томондан кимларнингdir fўнғир-fўнғир овози эшиштилди. Улар беш киши бўлиб, яқингина жойдан ўтиб кетишли. Юришларидан ишни жадаллаштириш топширигини олган гўр қазувчилар эканлиги билиниб турарди.

Гўрковлар мозор шайхи билан қисқагина гаплашишли. Оралиқ анчагина узоқ бўлганидан, Жангир уларнинг сўзларини эшитолмади, аммо гўр ковланадиган жой, кетмон ва белкуракларни сўраганини сезди. Тангриқул уларни қабр ковланадиган жойга олиб чиққанида яна бир отлиқ шошилиб келиб, қўлидаги идишни бериб кетди. Гўрковлар иш бошлашдан олдин иккита ходачага эски-туски латта-путталардан ўраб, устига бояги идишдан нимадир қуиши. Кейин ходаларни қабр ковланадиган жой атрофига тик ўрнатиб, машъял ёқиши. Шундагина кейин келган отлиқ идишда ёғ келтиргани маълум бўлди. Ёғ яхши шимдирилган машъяллар ёруғи Жангир ётган жойларга ҳам етиб келганидан, у ов пойлаётган тозидек ерга қалишиб олди...

Орадан анча ўтди. Гўрковлар ишларини тутатиб, тепага чиқиши. Енгил-бошларини қоқиб, Тангриқул келтирган сув билан бет-қўлларини ювиб олиши. Машъалаларга қайтадан ёғ қуиб алансини кўтаришгач, очиқ мозор ёнида давра қуриб ўтиши. Энди гўристон сукунатини одамларнинг гангир-гунгур товушлари, чигирткаларнинг чириллаши, чўл бақаларининг чўзиб қуриллашлари бузиб турарди. Кўп ўтмай Дехинав тарафдан ҳам машъялалар кўринди. Одамлар маййитни қўлма-қўл кўтариб келишарди. Абдуқаюм тўқсоба йўлга ярамаганидан орқароқда, Сирожиддин парвоначи ва маҳалла масжидининг имоми билан кўқон аравада келишмоқда эди...

Жасад жойига қўйилиб, лаҳаднинг оғзи гувала ва нам тупроқ билан яхшилаб бекитилди. Қабр қазишни бошлаган одам биринчи кетмон тупроқни ташлагач, маросим иштирокчилари навбатма-навбат кетмону белкуракларни ишга солиб, гўрни тездаёқ кўмиб бўлиши. Қабр тупроғини охирги текислаш-силликлаш ишлари бажарилаётганида кекса имом Куръони Каримдан узунроқ

бир супа қироатини бошлади. Кейин бошқа қорию муллолар қисқароқ суралардан ўқиб, тилюватни давом эттиришди. Абдуқаюм түқсона одамларга қўшилиб юзига беихтиёр фотиҳа тортиб ўтиради-ю, хаёли тамом бошқа ёқларда кезарди: гоҳ кўзига Шунқорбекнинг баҳмал ёпунчиқли бешикда ётган пайти кўриниб кетса, гоҳ тўрт оёқлаб эмаклаётгани, гоҳ йиқилиб-суриниб атак-чатак юрат-ётганини эслайди. Бундан юрак-багри қон бўлиб, чакиллаб ичига томаётганга ўхшарди. “Томчилар” эриган кўроғиндай тушган жойини куйдириб азоб берар, дилида исёнга ўхшаш бир мавхум ғалаён қўзғатарди: “Йигитқа ўлум йўқтур, магарким ўзин-ўзи тифқа урур, дерлар, — ўйлади ичи куйиб. — Боламни не ёзуки бор эрдики, жонини бул тариқа олурни раво кўрдунг, Ҳаллоқи олам! Они бирор била тафриқоға<sup>1</sup> борғонин эшутмағон-бilmagон эдимки, ушмундок қасос тифига урулғон десам. Яратғувчи — Ўзунгсен, олғувчи-да Ўзунг бўлулинг, ҳақиқати айндор. Парвардигори олам! Алалоқибат бул маъвога кетурулмоқ банибашар манглайиға Ўзунг битиган қисматдур. Шундок эрса, ноқис ақлимға отани бола кетурғони хўб кўринур. Нечун менга бундок аламангиз тақдирни раво кўрдунгки, ёшим бир ерга борғонида бул маъвога фиғон била навжувон фарзандимни кетурдим, Ҳаллоқи олам!!”

Изтиробнинг кучлилигидан, ўтирган жойидан орқага оғиб кетди. Ёнидагилар чалқанча тушишига йўл қўймай, суяб қолишиди. Шунда бирдан осийликка юз бураётганини пайқаб қолиб, истиғфор айтишга тушди. “Астағ-фируллоҳ! Мени — гуноҳкор бандангни Ўзунг кечурғил, Тангрим! Ўзунг лозим кўрғон қутлуғ соатларда шул болани — бир парча этни фоний дунёға бино қилдунг ва камолини кўргузуб, мендек гуноҳкор бандага неча йиллар маъсадуд дамларни ҳадя қилдунг, бор бўюмни қувончларга йўғурдунг. Вақтики етуб...”

Яна ножоиз хаёлларга чалғиб кетмаслик учун ўзини куч билан кўлга олди. Аммо паст товушда бўлса-да, дилида жўш ураётган ғалаён беихтиёр сиртга отилиб

<sup>1</sup> Тафриқа — зиддият.

чиқди: “О-о-оҳҳ!!!” Атрофика ўтирганлар ўгирилиб қараши. Сирожиддин парвоначи астагина туртди: “Ўзунгизни қўлга олинг, бўла!” Шу огоҳлантириш асар қилдими ё муллалар янам қисқа оятлардан ўқиб тиловатни тутатишгани сабаблими, у қайта чалғимади. Лекин қабристондан чиққач, аравага суюб чиқаришларига ҳам ярамади, икки йигит кўтариб чиқарди.

Мозоротдан энг кейин чиққанлар ҳам узоқлаб кетгач, Тангриқул чирогини ўчирди ва кечки тамадди учун уйига йўл олди. Тун қаърида қораси кўринмай кетгач, Жангир ўрнидан турди. Энди ҳеч нарсадан ҳадиксирамаса бўларди. Кеча қоронғисида бу атрофларда одам зоти юрмайди. У ёқ-бу ёғини қоқиб, бамайлихотир оти томон юрди. Оғиздаги чилвир ва кишанларини ечиб, эгардаги хуржунга жойлади. Юганлаб ўтирмаи нўхтасидан етаклаганича, мозоротга Шунқорбек кўмилган томондан яқинлаб келди ва тўсиқдаги бақувватроқ бир ходага боғлади. Кейин тўсиқдан ўликни қийналмай олиб ўтса бўладиган тирқиши қидирди. Отидан саккиз-ўн қадам узмаёқ шундай жойни топди — қоронғида қўли икки киши bemalol ёнма-ён ўтаверса бўладиган четан тўсиқни илғади. Тимирскилаб очилиб-ёпиладиган эшик вазифасини бажаришини пайқади. Саратонда одамлар нарироқдаги тепачанинг тупроғидан гувала ясашса керак. Зарур пайтларда ишлатиш учун қуриган гувалаларни шу “эшик”дан ичкарига — қабристон ўртасига қурилган айвончага ташишади. Бир четига боғланган ипни ечганди, четан эшик ўз-ўзидан очилиб кетди. Уни шу ҳолиша қолдириб, шеригини кута бошлади.

Болабой келгач, қабристонга биргалашиб киришди. Жангир Тангриқулнинг хонақоҳидан кетмон билан белкурак келтирди. Юмшоқ тупроқни у ёқ-бу ёққа суриб ташлаш қийин эмасди. Иккаласи жадал ишлаб, қабрини тездаёқ очиб қўйишиди. Нам тупроқ билан мустаҳкамлаб қаланган гувалалар лаҳад ичига қулаб тушмаслиги учун авайлаб, уларни ҳам бир-бир четга чиқариб ташлашди. Болабой лаҳад ичига кириб, жон асари бор-йўқлигини билиш мақсадида Шунқорбекнинг боши тарафидан —

кафанинг ечиб кетилган жойидан қўл юбориб, юзларини сийпалаб кўрди. Аммо ҳеч нимани пайқамади – у ҳамон ўлик ҳолатида ётарди.

Лаҳад оғзида турган Жангир бетоқат шивирлади:

- Тирилмабдурми?
- Йўқ, – деди Болабой ва жасаднинг бошини унга тўғрилади. – Кафанидан тутуб, обойлаб<sup>1</sup> торт...

Жасадни четан эшикчадан ташқарига чиқаришгач, Болабой анча ҳориганини ҳис қилди. Майитни ерга ётқизиб, озроқ нафас ростлашди. Бу ишга бош кўшганларидан буён Болабой илк марта жиддий ўйланиб қолди: кўпдан йўлтўсарлик, қароқчилик қилишади. Бундан на амир ва на унинг амалдорлари зарар кўришган. Талайдиганлари бемаҳал йўлга тушган йўловчилар бўларди. Асосан ўзига тўқроқларни талашган. Лекин улар ҳам аркони давлат наздида авомуннос саналади. Улар билан амир ва амалдорларнинг деярли сариқ чақалик иши бўлмасди. Шу сабабдан бирор марта жиддий таъқибга учрашмаган. Бу сафаргисининг оқибати қандай бўлади? Абдуқаюм тўқсоба амир Насруллонинг ишонган ва суюнган мансабдорларидан. Олдиларида чўзилиб ётган манови чала ўлик ҳам аркони давлатда каттагина ўрин эгаллаб келганини эшигтан. Тонг отгач қабрнинг очилгани ва майитнинг йўқолгани маълум бўлади. Шубҳасиз ков-ков бошланади. Изиддин иноқ бошлаган бу машмашадан ҳозирнинг ўзида, камида, учтўрт киши хабардор. Шунча одам билган сир – сир бўлиб қолармикан? Иноқ фош бўлмаган тақдирдаям ўзларининг ортларидан одам тушиши муқаррар – барча йўллар ва карвонсаройлар назоратга олиниши шубҳасиз. Шундоқ экан, буёғи қандай бўлади?

Жангир хуржунини келтириб, ундан эски-туски кийим-кечакларни чиқарди ва кафани очиб, Шунқорбекни кийинтира бошлади. Бош томонини озроқ кўтариб кўйлак кийдиргач, танасини билиб-билмай ерга ташлаб юборди. Шунда улар кутаётган мўъжиза рўй берди: қоронғида “ўлик”нинг афт-ангорини кўришолмади-ю, лекин заифгина инграганини элас-элас эшитишди.

<sup>1</sup> Обойлаб – авайлаб, эҳтиёт бўлиб.

— Обойла! — бояги ўйлар таъсиридан қутулолмай турган Болабой зарда қилди. — Ўлтириб қўймагил тогина<sup>1</sup>!

— Ўлса ўлар! — Жангир ҳам зарда қилди. — Ул биратўласи ўлса, мушкулимиз осон бўлур. Бул мўғадак энанғизга ўғулмики, мунчалиқ аёвларсиз!

Болабой бош чайқади: “ҳали ёш-да, — деган фикр ўтди хаёлидан. — Шул сабабдин оқибатни ўйламас”.

У шеригига ётиғи билан тушунтирмаса бўлмаслигини англади.

— Ўйлаб кўр, Жангир, — деди ҳовридан тушиб. — Бир кун келиб Иноқни сири очилса, бизни-да хун тўламоғимиз бор. Ботирхон<sup>2</sup> ишонған ва суянғон аъёнларни бири Абдуқаюм тўқсона бўлур. Ул бизни ер тагидин бўлса-да топишға жаҳд қилса, ер юзинда юруб қайдин паноҳ топурсен: Кўқондинму, Хоразмдинму ва ё Хуросондинму?! Ботирхон била Тўқсона талаб айласа, ондағи беклар муросаю мадора юзасидин бўлса-да, бошимизни мис тобоққа солиб Бухороға элтурлар. Шундоқ қора кунлар туғса, паноҳимиз шул мўғадак бўлур, магар тирик қолса. Айтқонларимни ачинғонлиқдин деб билмагил, ўз жонимизни ташвишин қилурмен...

Жангир индамади, аммо эшигтганларида жон борлигини англади. Кейинги ҳаракатларини авайлаб бажара бошлади: бошига эски каллапўш, бутига бўз иштон, оёғига уринганроқ мўки кийдирди. Болабой билан маслаҳатлашиб, уни ўзи мингаштириб оладиган бўлди. Кечалари очиқ далада ётиб қоладиган кезлари ярмини тагига тўшаб, ярмини устига ёлинадиган кенг-мўлгина пўстинини эгар аралаш отининг орқа томонига тўшади. Эгарга ўтиргач, шериги сувб турган Шунқорбекни кўтариб, ортига осонгина ўтқизиб қўйди. Болабой оёқларини тўғрилаб, қўлтиғидан чилвир ўtkазди ва учларини Жангирга берди. У Шунқорбекни йиқилмайдиган қилиб, ўзига танғиб боғлади. Бегона назарлардан пана қилиш мақсадида бошига яктак ёпишди...

<sup>1</sup> Тогина — яна, тағин.

<sup>2</sup> Ботирхон — амир Насруллонинг лақабларидан бири.

Катта йўлга етганларида шом еб чиққан ой кўтарила бошлаган эди. Ёруғи ҳали хирароқ бўлса-да, атрофдаги нарсаларни бир-биридан ажратиш мумкин бўлиб қолди. Болабой дафъатан тезлаб келаётган бирорвни кўрди.

— Йўлни чапға ол, Жангир! — буюрди у. — Рўпарадин киши келур.

Жангир ярим ўгирилиб Тангриқулни кўрди ва таниди.

— Бул шайх ул-машойихимиз экан, — деди тўнғиллаб ва шу лаҳзада кетмон билан белкуракни қабр тепасила қолдиришганини эслади.

Энди нима бўлса бўлган эди. Отларини шаҳар томон буриб ҳайдаганларида Тангриқул ҳам уларни кўрди, бироқ аҳамият бермади. Атроф қишлоқларнинг одамлари касалланиб қолган бирортасини табибга олиб келаётган бўлса керак деб ўйлади. Аксинча, бундай бемаҳалда шаҳарга киришга журъат этишолмасди.

Болабой Тангриқулни чалгитиш учун йўлни чаппа солдирганди. Нарироққа боргач, отларини ёнга буриб, мозоротни олисроқдан айланиб ўтишди ва яна йўлга чиқиб олишди. Шу юрганларича тонг ёриша бошлаганида Вобкентдан ўтишди. Ҳадемай қатнов бошланишини назарда тутиб, йўлдан чиқиши: Фиждувон билан Шофирконнинг ўрталиғини мўлжалга олиб, бу томонига одам деярли учрамайдиган жойлардан йўлсиз кетишиди. Пешинга яқин Зарафшоннинг Кармана томонлардан оқиб келадиган қуи тармоқларидан бирига яқинлашганларида, Шунқорбекка росмана жон эниб, қимирлаб инграй бошлади. Шу туфайли сувдан кечиб ўтишгач, серсоя бир дарахтнинг тагида отларидан тушишди.

Узоқ касал ётган ҳолсиз бемордек инграётган Шунқорбекни суяб, сояга ётқизишиди. Отларидан эгарларини олиб, оёқларига кишан уришди. Узоқлаб кетмаслиги учун орқа оёқларидан бирига чилвир солиб, кишанга тортинқираб боғлашди ва сув бўйидаги ўтлоққа қўйиб юборишиди. Ўзлари Шунқорбекка яқин ўтириб, олдиларига чоғроққина дастурхон ёзишиди. Устига хуржундан нон, пишириб қоқланган гўшт ва бошқа нарсаларни териб қўя бошлашди. Болабой тамаддига қўл уришдан

аввал Шунқорбекнинг юзларига синчиклаб назар солди: юзлари аспак сўрган ниҳолдай сўлғин ва қорайган, жон инган эса-да, кўзлари ўликникидек нурсиз. Ҳаёлига чанқаб, ичи куйиб ётгандир деган фикр келди. Олдидағи сопол кўздан бир пиёла сув қуйиб узатди. Қилов бўлган бузоқдек бақрайиб қараб ётавергач, бошини кўтариб ичкизмоқчи бўлди. У нимадандир кўрққандай, кўзлари олайиб кетди. Лабига теккан сув томчиларининг мазасини сезгачгина ёш боладай ютоқиб ича бошлади. Пиёла бўшагач тамшаниб, ёрилган ва қуруқшаб турган лабларини ялади. Маълум бўлдики, яна сув ичмоқчи. Қаттиқ чанқаган одамга бирданига кўп бериб бўлмаслигини билганидан, Болабой унга бошқа сув бермади. Қўлига кичикроқ бир гўфрам нон тутди. У гарангсиб, нонга тикилиб туравергач, қўлига ушлатиб, астагина ётқизиб қўйди. Ўзи ҳам очиққанди. Тутун чиқариб чой қайнатишдан ҳайиқишишгани туфайли Жангирга қўшилиб, сув билан тамадди қиласерди.

Сал нафси ором топгач, Болабой Шунқорбек тарафга қаради-ю, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. У қўлига берилган нонни тишлиб узиб, чала-чулпароқ бўлса ҳам чайнаб ютмоқда эди.

— Иий-я! — деб юборди беихтиёр. — Бул бекзодамиз ейиш-ичишни-да унутиб, қайта чақалоқقا айланғон чоги. Бизни еғонимизга таассуб<sup>1</sup> қилиб нон чайнамокда. Қўлиға ушлатғонимда не қилурин билмай агройғон эди.

Жангир унга бепарво бир қаради-ю, индамай ухлаш учун чўзилди.

Нонни еб бўлди. Охирги тишламни чалароқ чайнаб ютганидан, Шунқорбекнинг томоғига тиқилиб, ҳиқичоқ тутди. Болабой бир пиёла сув узатди. Унинг ётган жойидан қўл чўзганини кўриб илжайди: тўкилишини билмайди, деб ўйлади. Авайлаб суяб ўтқизди ва пиёлани қулига берди. Ҳар эҳтимолга қарши бир дам суяб турди. Бу гал у пиёлани асосан ўзи ушлаб ичгач, жойига қайта ётқизмай, ўтирган ҳолида секин қўйиб юборди. Гавдасини тутиб

<sup>1</sup> Таассуб — тақлид.

ўтираверганини кўриб қувониб кетди. Дастьурхондан бир тўғрам нон ва кичикроқ бир бўлак қоқ гўшт олиб қўлларига ушлатди. Сал очкўзлик билан бўлса-да, бу гал у қўлидагиларни навбати билан тишлаб, рисоладагидай чайнаб ея бошлади.

Болабой у билан астойдил қизиқиб қолди ва қўлидагиларни еб бўлгач, кўнглини билиш учун яна сўради:

— Не истарсен, кўнглинг не кусайди?

У индамай қараб туравергач, гап нимадалигини пайқади: дастьурхонда қолган нон, гўшт бўлаклари ва кўзани кўрсатиб, бирма-бир сўради:

— Не ерсен — нон, гўш, сув?..

— С... суу... увв... — деди Шунқорбек охирги сўзни такрорлаб ва кўзани кўрсатиб.

У дарҳол сув қуийб узатди. Пиёлани бўшатгач, бир бўлак гўшт берди. Шоша-пиша гўштни чайнаётганида юз-кўзларини яна синчиклаб назардан ўтказди. Бу гал уларга озроқ нур юргургандай. Кечагина ҳамма қатори умргузаронлик қилиб юрган амалдорнинг бугун хотирасидан айрилиб, чақалоқдай масъум ва ҳимояга муҳтоҷ мўғадакка айланиб қолганига Болабойнинг сира ақли бовар қилмасди. Изиддин иноқ уни нима қилган ўзи? Заҳарлаган бўлса кишини бундай аянч аҳволга тушириб қўядиган ўша машъум заҳар нимадан тайёрланган? Уни қандай ичиришган: ичиришганми, ҳидлатишганми ё бирор жойига суркашганми? Уни кимлар ва қаерда тайёрлашади? Йўқ деган нарсанинг ўзи йўқ шекилли бу қўтири дунёда! Бу мўғадак ота-оналарининг кимлигини, жилла қурса, ўз исмини эсида сақлаб қололганмикан?

Хаёлига шу фикр келиб, Шунқорбекни яна саволга тута бошлади:

— Отанг ким, йигит, билурмисен?

Шунқорбек афрайиб қараб тураверди.

— Онаи зорингни билурмисен, оти недур?

Жимлик.

— Ўзунг кимсен, отинг недур?

Яна жимлик. Бир оздан сўнг меровсираб, онгига ўрнашган дастлабки сўзни айтди ва кўзани кўрсатди:

— С... суу... вв...

Болабой саволларини икки-уч марта такрорлаб ҳам “сув” деган илтижодан бошқа сўзни эшитолмади. Атамаси ҳали хотирасига ўрнашмаган бўлса-да, у нон билан гўшт ейиладиган нарсалар эканлигини билди. Энг зарур эҳтиёж сувнинг номини эслаб қолишга мажбур этган шекилли. Эҳтиёж, зарурият аталмиш жаноби олийларининг қудрати шунчаликки, у инсон вужудида яшириниб қолган сўнгги кучни ҳам топиб, ҳаракатга солади. Шунқорбекнинг яқин кунларда ўзига энг керакли бошқа нарсаларнинг номларини ҳам билиб олишига Болабойнинг имони комил бўлди. Лекин сув бермади. Ўзининг эски яктагини бошига ёстиқ қилиб, ётқизиб қўя қолди. У кўп ўйнаб толиққан боладай салдаёқ пишиллаб ухлади қолди. Ўзи эса жуда чарчаганига қарамай анчагача мижжа қоқолмади: умрида биринчи марта дилида Шунқорбекка нисбатан ачиниш ҳиссини туйди. Нима қилиб бўлса-да уни Жангирнинг зуғумидан қўриқлаб, тезроқ дармонга киритишни истаб қолганидан ўзиям ҳайрон. Бу ниманинг аломати: қариётганинингми ё қўлга тушиб эҳтимолидан қўркувнингми? У эҳтиёткор эди, лекин қўрқоқ эмасди.

Ўзларига таҳдид сололмайдиган кишиларни ўлдиришдан Жангирни қайтарган пайтлари кўп бўлган. Лекин бу кимгадир ачинганидан эмасди. Шунчаки, беёзиқ бирорни ўлдиришни истамасди: пулини олдинг, молини олдинг — бўлди-да. Одам ўлдириб, бусиз ҳам ошибтошиб ётган гуноҳларини яна қўпайтиришларининг нима ҳожати бор. Ёвузликни қанча қўпайтирсанг, душманинг шунча кўпаяди. Одамзод қилмишларимни бирор билмайди, билса ҳам мендан кўрмайди деб ўйлади. Аммо, кунларнинг бирида барча қилмишлари қўпчиликка аёнлигини пайқаб қолади.

Абдуқаюм тўқсобани дарбор аҳли орасидаги энг довюрак, мард ва ҳалол одам деб эшиштан. Кўча-кўйда ўзини ҳам кўрган. Шунқорбекни эса сира кўрмаган. Ҳозирги туришида

хеч нимага ақли етмайдиган ночор ва нотавон, юзлари күмирдан берироқ қорайган ва сұлғин, күзлари нурсиз бир жонзот — сал дармонта кирса тайёр қул — ишчи ҳайвон. Заҳарлангунига қадар қандай одам бўлган? Бекорга хатми кутубдан кейиноқ бош мушрифлик мартабасига кўтарилмагандир. Узунқулоқ гапларга қараганда, ҳалол ишлаган, порахўр, юлғич, золим солиқчиларнинг танобини тортиб турган. Оз бўлса-да, раиятга қайишган. Унинг фожиаси шунда эмасмикан? Ҳалол одамларнинг бу чўлтоқ дунёда эмин яшашлари қийин: отам замонида шундай эди, болам замонида ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳамма даврларда улдабуронлар, олғирлар, гирромлар яшайди. Ҳалол бўламан деганларнинг оғзи қуртлаб, кети битлаб юраверади! Болабойнинг ақли илғаган ягона ҳақиқат шу эди.

Индаллосини айтганда қароқчининг йўли дарбор аҳлининг — катта-кичик барча поғонадаги амалдорларнинг йўллари билан тулаш: ҳар иккаласи бошқалар ҳисобига даврон суради — бойлик тўплайди. Фарқи — қароқчи қаро тунда, иложи борича озроқ қўр-кути борларни, яккаякка талайди. Амалдорлар эса ҳудонинг ёруғ қунида — куппа-кундузи, кўл учиди кун кўраётганларни, оммавий тарзда талайди. Бундан чиқадиган ягона холоса шуки — ҳар икки томон зулм устида яшайди. Зулм остида қолганлар — авомуннос аталмиш бутун бир раият. Уларнинг ҳимоячиси йўқ. Баъзи-баъзида ўзини ўзи ҳимоя қилмоқчи бўлиб, у ер - бу ерда галва кўтаришади, фойдаси йўқ — амирнинг черикларига бас келиб бўлармиди...

Абдуқаюм тўқсобада Изиддин иноқقا нисбатан ҳеч қандай хусумат бўлмагани кундай равшан. Аксинча, Шунқорбек Абдуборини уйларига чақирмасди. Иноқнинг улардан ололмаган қандай қасди бор эканки, бундай қаттол ишга кўл урган? Обрў, мансаб, бойлик талашишми? Ўз боласи етолмаган даражага Шунқорбекнинг еттанига ҳасад қилганми? Буниси Болабойга қоронги эди.

У ҳам озроқ мизғиб олиши керак эди. Кечаси йўлга кечроқ тушганларига қарамай, отларини шифаб, эллик чақирим атрофида йўл босишиди. Бу — арининг уясидан чиқдим, дегани эмас. Хавфдан батамом кутилиш учун

чўлма-чўл яна икки юз чақиридан мўлроқ юриб, қумга етиб олишлари керак. Шундагина уларни кўпсонли сипоҳ билан ҳам қўлга олишлари душвор.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Шу тунда Абдуқаюм тўқсабо мижжа қоқолмади ҳисоб. Энди уйқу элитган маҳали кўзига жунлари ўсиб, тивит бўлиб кетган иккита ит кўриниб, босинқираф уйғонади. Аламли ўйлар оғушида ётиб-ётиб, бир маҳал яна кўзи илинади. Бу сафар бояги итлар панжалари билан қандайдир янги қабрнинг тупроғини ҳаллослаб итқитаётган бўлади. Тикилиб қараб ўелининг қабрини танийди. Уларни ҳайҳайлаб қувламоқчи бўлиб, эровраб туриб кетади. Шундоққина ёнида ётган Бахшулла чаққон туриб ушлайди ва жойига авайлаб қайта ётқизади, таскин-тасалли беради. Аммо қулоғига гап кирмайди.”Ё тангрим! Бул не синоат?!“ – деганича ёстиққа юзини босади, унсиз кўзёш тўқади. Охири кўзларига ёш ҳам келмай қўйди. Энди сирқираф қалби йиғлайди. Буниси аввалгидан ўн карра, юз карра оғир ва аламлироқ, вужудида қолган озгина куч-мадорнинг ҳам оғатига айланди. Охири чидомлмади. Тонг бўзариб келаётган пайтда Бахшуллани уйғотди.

– Не бўлди, ота, тинчликми? – сўради у ойнинг дарчадан тушаётган хира ёруғида Абдуқаюм тўқсобанинг пага бўлиб кетган юзларига тикилиб.

– Тонг сизғиб қолди, аравани қўш, ўғлим, – деди у заиф товушда. – Устиға кўрпа-ёстуклардин-да ташла. Кўнглум алагда, укағинангни мозорин кўриб келмасак бўлмайди!

– Вахлироқ эмасми?

– Ҳадемай ҳовлини одам босур, вахлироқ бориб, ёруғ ошқунча қайтқонимиз хўброқ, ўғлим.

Бахшулла топшириқни бажаришга чиқиб кетди. Салдан кейин улов тайёрлигини хабар қилди. Судралиб қадам босаётган Тўқсобани суяб, аравага тўшалган кўрпачага ўтқизди. Ёнбошига қўйилган ёстиқлардан

бирини олдига олиб, күчоклаганича қўнишиб ўтирди. Бахшулла аравани қабристон томонга ҳайдади. Етгунларига қадар атроф ғира-шира ёришиб қолди. Шунқорбек кўмилган жойда кимнингдир қаққайиб турганини кўриб, юраги шувиллади. Ким бўлди у? Қўлида тутиб тургани оқ мато нима, кафанми? Каллаи саҳарлаб нега айнан шу қабр тепасида турибди?

Бу саволлар Бахшулланинг хаёлидан оний тезликда зипиллаб ўтди ва ялт этиб Абдуқаюм тўқсобага қаради. У уйидан чиққанидаги ўтиришини бузмаганди. Кўзлари юмуқ. Бундан кўнгли сал хотиржам тортиб, қабр тепасида турган кишига яна тикилиб қаради ва таниди. У мозор шайхи эди. Бу пайтда ким ҳам қўйиндининг ичидаги қаққайиб турарди. Нега бундай турибди? Тунда қабр тупроғини бирор жондор сочиб ташлагандир деса қўлидаги нимаси? Наҳот!..

У фикрини давом эттиролмади. Безовталаниб Абдуқаюм тўқсобага қаради. У ҳануз қўнишиб, ўзи билан ўзи бўлиб ўтиради. Афтидан мозорот тарафга қаравшга юраги бетламасди. Ким билади, ўғлининг қабри тарафга қаравш жонига дўзах азобини беришини билганидан шундай ўтиргандир. Бахшулла элбурутдан ваҳима солмаслик учун индамади. Аммо ҳадемай тутингган отасининг бошида қандай чақмоқлар чақиб, қандай жалалар ёфишини ўйлаб бағри қонга тўла бошлади. Бу балога чап бериш иложини тополмасди. Чор-ночор қабристоннинг кириш жойига келди. Бир четта қатор қоқилган бақувват қозиклардан бирига отини боғлади. Энди Абдуқаюм тўқсобани аравадан тушириб олмоқчи бўлаётганида мозоротдан Тангриқул чиқиб келди.

— Бекни тушурманғиз! — деди у Бахшуллага. — Бунда бир бўлмас иш бўлди!..

— Тинчликми, Шайхим?! — безовталаниб сўради Абдуқаюм тўқсоба. — Сўзингиз қулоққа совуқ эшитилур, не гап?

— Айтмасқа иложим йўқ, аъло ҳазрат, бир қошиқ қонимдин кечинг!..

— Айтинг, оҳи!!

— Маййит лаҳадда йўқ!

— Қайси маййит??!

Абдуқаюм тўқсобанинг оғзидан шу савол чиқди-ю, танасидаги қон гупуриб миясига ургандай бўлди. Кўз олди қаровтиб оқ, яшил, қизил ва сариқ юлдузчалар бир дақиқа чараклаб айланишди. Кейин ҳеч нарсани кўролмай қолди. Ҳаёлидан эса андухли фикрлар ўтарди: “Нури дийдамнинг жасадин ҳалиги кўпнаклар тортқилаб кетғон. Оларни аввал оқшомдаёқ кўриб эдим, нега дарҳол шул тарафга учмадим?! Келғонимда ўғлимни жасадин айириб олурдим! Мени не ғафлат босиб эдиким, ўрнимдин қўзғалмадим!! Бу қабристонга сабийлару болиглар бўлиб, йилига ўнлаб жасадлар қўйилади. Лекин шу пайтгача бирорвнинг жасадини итлар тортқилаб кетганини эшитмовди. Нега унинг боласига қолганда шундай бўлди? Гуноҳлари шунчалик кўпмиди унинг!! Ё Тангрим!!!”

Бахшулла ботинмайгина сўради:

— Инимни турбатига бирор жондор дорибдурми?!

— Йўқ, бул жондорни юмуши эмас. Бул юмушни одам қилғон. Аввал оқшомдаёқ — ой чиқмасидин бурун қазиб олғонлар.

— Сиз бирор нимарсани пайқадингизми?

— Шунда бўлғонимда билурдим. Издиҳом узоқлашғач, тамадди қилурға бирров уйға ўтуб келдим. Қайтуримда йўл устида икки отлиқни кўрдим. Бириси ортиға киши мингаштурғон. Олар-да мени кўрушди чоғи, озроқ тайсалланғондоқ бўлди. Шаҳар томон юриғонларин кўруб, “табибға бемор олиб кетурлар” хаёл қилибмен ва адашибмен. Назаримда, мингаштирулғон кас тақ-сиirimни фарзанди эди. Бошиға тўнму ёлилғон...

Буни эшитгач, Тўқсобанинг кўзлари ярқ этиб очилди: ўғли тирик, нури дийдаси ўлмаган! Ўликни қазиб олмайдилар, отга мингаштириб ҳам бўлмайди. Шунқорбеги тирик!

— Не важҳдин мундоқ тўхтамға борурсиз?! — сўради у қайнаб тошаётган ҳаяжонини имкон қадар босиб. — Бирор асосингиз бордурки, мундоқ сўзларсиз.

— Бул юмуш олдиндин режаға олинғон. Бундоқ ўйлағонимки, тақсир, кеча итимни ўлтурдилар. Боелиқ турғонлиқдин бирор жондор талаб ўлтурғон, деб хато фикрлабмен. Буқун бул иш юз берди. Мен йўқимда мозор айвонидин белкурак била кетмон олғонлар. Шошилғонлари шунчалиқким, оларни лаҳад устида қолдуриб кетғонлар. Жасад ўролғон каған тоза, бутун; нариғи тарафдағи четан эшик ёнида қолдурғонлар. Маййит йўқ, топмоққа ҳарчанд кўшиш қилдим топмадим. Қайта кийинтуриб, ўzlари била олиб кетғонлар, ҳазрат.

— Андоқ эса, бул — сүиқасд, жаноби шайх, пухта ўйланғон, режаға солингон сүиқасд. Айтингиз, жаноби шайх, отларини тусларин билолдинғизми?

— Ойдинда аниқ кўрдум, зулукдак қора отлар эди.

Кутилмаганда Абдуқаюм тўқсона ўрнидан озод кўтарилди. Араванинг орқа ёғочидан ушлаб, бирорвнинг ёрдамисиз ерга ўзи тушди. Бахшулла суюмоқчи бўлиб аравани айланиб ўтди-ю, улгуролмади. У жадал юриб Шунқорбекнинг жасади кўмилган жойга йўл олди. Тангриқул билан Бахшулла ортидан эргашди. Келибоқ қабрдан чиқариб ташланган тупроқ устида ётган кағани ёзиб кўрди: бус-бутун, нисбатан анча тоза. Бу Тангриқулнинг айтгандарини тасдиқларди — ўғлининг турбатини бузгандар — одамлар. Кўппаклар тортқилаган каған бу ҳолда бўлмайди — йиртилиб, тупроққа беланиб кетади. Негадир қабр ёнида қолдирилган кетмон билан белкуракни ҳам бир-бир ушлаб кўрди. Қабрга тушиб, ўнграйиб турган лаҳаднинг оғзидан ичкарига мўралади: лаҳад бўм-бўш, ютаман деб тургандай.

Тепага чиққандан сўнг Тангриқулдан яна сўради:

— Атрофни қарадингизму, жаноби шайх?

— Шундоқ, тақсир, ёруғ ошғач яна бир қур назардин кечуриб чиқурмен.

— Шундоқ қилинг. Янгилик чиқса бизға зудтар хабар беринг, тақсир.

— Бош устиға, ҳазрат!

— Ҳозиринча бул воқеотларни кимса билмасун. Мана ақча, тақсир, бирордин эчкиму, кўйму олиб сўйинг. Гўштини рўзғорингизға қолдуриб, териси била калла-почасин

мана бул кафанға ўранг-да, лаҳалға қўюнг ва зудгар кўмунг.  
“Бўш кўмулғон лаҳадни улусқа хосияти бўлмас” дерлар.

Абдуқаюм тўқсоба Бахшулла билан уйига жўнаб кетган дамда Тангриқул ўзида ажиди бир енгиллик туйди. Тўқсоба “мозоротга қарамас экансан” деб, олиб қоладими дея қўрққанди. Аксинча, қилган ишларидан ва айтган гапларидан кўнгли тўлиб кетди. Дилядан дуо қилди: “Илоҳим мақсадингизни берсун, ҳазрат Тўқсоба!” Сидқидилдан юзига фотиҳа тортди...

\* \* \*

Суякчилар ўтириши лозим бўлган жойда Сирожиддин парвоначининг ўтирганини кўриб, Абдуқаюм тўқсобанинг кўнгли кўтарилди: қудалиги, қариндошлигидан ташқари, эски қадрдони у. Ҳеч қачон: ғаму ташвишда ҳам, суюнчили кунларида ҳам ёлғизлатиб қўймайди. Бахшуллага аравани ечмай туришни тайинлаб, Парвоначини қўлтиқлаганича ичкарига кириб кетди. Ўтирас-ўтирмас унга мозор шайхидан эшитгандари-ю, ўзи кўрганларини батафсил тўкиб-солди.

— Ўғлум тирик, бўла! — деди ҳаяжони ғолиб келиб. — Күёвингиз ўлмағон! Ўлукни отға мингаштуриб бўлурми?.. Суиқасдчилар шаҳарда ё шаҳар атрофидадур. Боламға зиён бермасларидин ошиқич чораларни кўрмоқ лозимдур. Бул юмуш бугундин кечикса кеч бўлур, ёғийларни қўлдин чиқмоқ эҳтимоли кучаюр.

Сирожиддин парвоначи ўйланиб қолди: Шунқорбекнинг тириклигига ишонмай турарди. Абдуқаюм тўқсоба “сувга чўккан хастга ёпишар” қабилида иш тутаётган бўлса-чи? Аммо қудасидаги ишончга путур еткизгиси келмади. Кеча эс-хўшини йўқотиб, рамақижон бўлиб ўтирган одам бугун шу ишонч туфайли анча тетиклашган ва ҳаракатга кириб қолган. Агар унга рахна тушса, Тўқсоба биратўласи ўлиб қўя қолади. Ишонмай деса, эшитгандарида ғалати томонлар бор. Суиқасдчилар қайси йўл биландир ҳарифини даф қилди. Шу билан кифояланышса бўларди. Марҳумнинг турбатини бузиб, жасадини ортмоқлаб юриш ва ўзларини хатарга қўйишнинг нима

кераги бор уларга? Балки Шунқорбек ростдан тирикдир. Аввал уни ўлдига чиқариб, кейин танасини ўғирлашдан кўзлаган яна бир қабиҳ мақсадлари бордир. Бунда Шунқорбекнинг ўзидан фойдаланмоқчи бўлишгандир.

Ўйлаб кўрсаки, Тўқсобанинг фикрида жон бор: зуд майит ўғриларининг қочиш йўлларини тўсиш, бекинган жойларини аниқлаш, ўлиқми-тирикми – Шунқорбекни топиш керак. Бу ишга доруламорадаги барча кучларни, керак бўлса черикни ҳам жалб қилиб, бирваракайига ва ҳар тарафлама қидирудвни бошлиш керак. Шунда бирор натижага эришилса ажабмас.

Изиддин иноқ кечаки ўзини жуда фидо қилиб юборди. Тушдан кейин бирров йўқолиб кетгани бўлмаса тунда – майитни жойига қўйиб келганларидан кейингина уйита кетди. Шундаям ҳаммадан кейин. Мурдани маҳрам сувига олди, сўнгти поклашга киришга кўплар иркилиб турганида олдинга чиқди: “Ювишга мен кираман”, – деди тап тортмай. Тоғаси ёнида лаҳадга ҳам кирди. Сидқидилдан қилинган бўлса, бу хизматлари таҳсинга лойиқ, офарин унга! Аммо баъзи жиҳатлар кўнглида шубҳасимон саволларни ҳам туғдирмоқда: боласи оғир ётган одам ортига бурилмай, бироннинг таъзиясида шунчалик узоқ ўтиrolадими? Кечга яқин қаерга бориб келди – уйигами, жasad чиқарилмаслигини билгач, табибларни юбортиришни ўюшибиршиш мақсадида аркка борганми? Хабар таъсирлироқ одамдан бўлмаса күшбеги бундай қаттиқ йўл тутмасди. Буни Сирожиддин парвоначи аниқ билади. Иноқ қабристонда ҳам ўзини ғалати тутди: бир-икки марта зимдан қоронфилик қаърига тикилиб турганига кўзи тушди. Четдан нимани ёки кимни излади у? Ювишга киришдан бошқалар чўчиб турганида тап тортмай киргани ҳам ғалати – унинг табиатида ҳеч қачон бунаقا жўмардлик бўлмаган. Дарбор аҳлининг аксарияти буни жуда яхши билади. Бу – Шунқорбекнинг ўлатта учрамаганини яхши билгани туфайли эмасмикан? Күшбегини “Шунқорбек ўлат тегиб ўлди” дея ишонтиришган. Ўлатдан ўлганнинг жасадини ўғирлайдиганнинг боши нечта? Юраги-чи? Фожиа куёви билан

Абдуборининг бирга чўмилишидан бошланган. Бу ҳодисалар силсиласида қандайдир боғлиқлик бордай. Аммо уни тасдиқлайдиган далил йўқ. Бундай кўр тугунни ечишнинг ўзи бўлмайди...

Сирожиддин парвоначининг кўзи умид ва ҳадик билан тикилиб турган қудасининг кўзига тушиб, фикрларини жамлаёлмай қолди. Иложи борича босиқ, осойишта товушда унга тасалли беришга шошилди.

— Гапингизда жон бор, бўла, бул жўнда менда-да, бир хил гумонлар туғилди. Ҳозиринча оғзимизға берк бўлғонимиз беҳроқдур. Тезда ҳовлини таъзия билдири-фувчилар босурлар. Сиз шул хонадин чиқмай ётинг. Одамларни фотиҳасин олурға қариндошларингиздин бири била Изиддин иноқни қўюрмиз.

— Шул одамға...

— Андоқ ўй менда-да бор, бироқ далилсиз бирорға мин<sup>1</sup> таъқиб бўлмайдур. Озроқ сабр лозим — они шул юмуш била андармон<sup>2</sup> қилиб, бугунча чалғитиб туролсақ етарли. Унғоча фишт қолипидин кўчиб қолур. Айбор бўлса қўллари тепасинда кетур. Қочғон била қутула билмас.

— Доғи бир ўгинчим бор эди.

— Айтингиз.

— Бахшулла аробаси била эшикда кутуб турубдур. Мени маъзур тутунг, айтмасам бўлмас: Ҳулкар бону била Гулойимни уйинғизға жўнатинг. Бунда шўрлик келиним хунибийрон бўлиб кетди. Бундоқ ичикиш гумонасиға зарар бермаса дегон қўрқунчдамен. Соғсаломат ёшбўшанса<sup>3</sup>, ўғулдур-қиздур — шул тирноқ менға ёлғизимдин ёдгор бўлиб қолури-да бор!..

— Андоқ деманғиз, бўла, насиб этса Шунқоримизни саломат кўурмиз. Сиз қимирламай ётинг-да, бул томонин бизга қўюб берингиз.

Абдуқаюм тўқсобанинг кўzlаридан беихтиёр тирқираб ёш тўкилди. Сирожиддин парвоначи чидаб ўтиrol-

<sup>1</sup> Мин — айб, нуқсон.

<sup>2</sup> Андармон — машғул.

<sup>3</sup> Ёшбўшанмоқ — кўзи ёримоқ, туғмоқ.

мади. Томогини бүгіб келган хұрсинаңнан енгил йүтәл билан амаллаб босиб, секингина ташқарига чиқиб кетди.

Нарироқда ўзига тикилиб турған Бахшуллани ёнига чақырмоқчы эди, у ошхона томонға имлади. Бундай одати йүқ әди. Қандайдир жиддий гапи борлигини англаға.

— Мени маңзур тутғайсиз, ҳазрат! — деди Бахшулла ортидан ошхона эшигини зичлаб ёпа туриб. — Имлаб, сизде адабсизлик қылғондоқ бўлдим. Мозор воқеотин отамдин эшутғондурсиз. Ҳозирғина отбоқоримиз манов нимарсаларни кетуриб берди. Ўт ўратуриб, ҳовузга яқин ердин топибдур...

Парвоначи ошхона дарчасининг зихларидан ўтаётган ёруғликка тутиб, шишачани диққат билан кўздан кечирди: ичида қандайдир қизғиши-сарғиши куқуннинг гарди қолган. Тагида бўргтириб туширилган иккита белги — ҳарфлар бўлса керак. Чарм қиннинг бўйнида ҳам босинқи туширилган ўша белгилар. Бу — кўлидаги ашёларнинг хориждан келтирилганлигини билдиради. Уларни этнидаги кундал<sup>1</sup> яктагининг ички чўнтағига яшириб, Бахшуллага тайинлади:

— Отбақарға тайинлаким ўтни бошқа жойдин — этакроқдин ўрсин, топған нимарсалари жўнинда оғзиға берк бўлсин. Сўғун ҳозир бўлуб тур — чечанг<sup>2</sup> била Ҳулкарни бизникиға элтурсан.

— Бош устиға, ҳазрат!

Фожианинг яна бир далили топилганига амин бўлиб ошхонадан чиқаётганида, дарвозадан кириб келаётган Изиддин иноқча кўзи тушди. Сирожиддин парвоначи унга пешвоз борди ва қўш кўллаб кўришди.

— Боланғиз қалай? — сўради ҳамдардлик оҳангида.

— Ётипти... — чайналди у.

— Дардманларни шифосин ўзи бергай, — дея Парвоначи индаллосига кўчди. — Жаноби Иноқ, сиз бул хонадонға кўб яқин одамсиз. Шул жўндин бир хизматни гарданинғизга олсанғиз — Шунқорбекни тоғаси ёнинда келғон-кетғонлардин фотиҳа олиб турсанғиз. Тўқсоба

<sup>1</sup> Кундал — зар билан тўқилган қимматбаҳо матодан тикилган яктак, ялангқават камзул.

<sup>2</sup> Чечанг — янга.

ҳазратлари бул юмушға ярамайдурлар, ичкарида, анча беҳуд бўлиб ётибдурлар. Не дедингиз, жаноби Иноқ?

— Сизким бул хизматни каминаға муносиб кўрибсиз, бош устиға, аъло ҳазрат! Тўқсоба жанобларини хизматларидин асло буюн товламасмиз.

Бу масала Парвоначи кутганидан ҳам осон ҳал бўлди: уни бошқалар билан мулоқотдан, турли гап-сўзларга қулоқ тутиб юришдан ва аралashiшдан бутунлай ажратиб қўйди. Энди азадор тоға ёнида қимирламай ўтириб, юзига фотиҳа тортарди, холос. Бундан ўзи хурсанд: “Абдуқаюм тўқсобага яқинлигимни кўз-кўзлаб, Парвоначини лақиллатдим”, — деб ўлади. Ҳали-замон мозоротдан келадиган “хабар”ни интиқиб кутарди. Бу хабар Абдуқаюм тўқсоба ва яқинларига қандай таъсир қилишини кўрмоқчи эди. Аммо кутилган хабар кечикмокда. Бу, албатта, унга маъқул: жасад йўқолгани қанча кеч маълум бўлса, изла-изла шунча кеч бошла-нади, жасад ўғриларининг қутилиб кетиш имконияти кўпаяди.

Чошгоҳ пайти валиаҳд Музаффар билан Пирмуҳаммад кўкалдош ва Асомиддин тўпчибошилар келишди. Қисқароқ тиловатдан сўнг таъзия қабул қилаётган азадор қаторида Изиддин иноққа ҳам кўнгил айтишди. Сирожиддин парвоначи уларни алоҳида уйга киритиб эшикни ёпди. Одатдагидек қисқагина ҳол сўрашгач, рўй берган ҳодисаларни батафсил баён қилди. Тингловчилар ҳайратдан ёқа ушлашди — шу пайтгача бундай ҳодисани бирортаси эшитишмаганди. Шу сабабли эшитганларига ишонолмай ҳайратда эдилар.

Валиаҳд қизиқиб сўради:

— Назаримда, жиноятчиларни зуд тутмоқ лозим, токи изларин яшуриб кетолмасунлар. Бунга сиздин қандоқ маслаҳат бўлур?

— Буниси амиралмўъминин бирла ўзларинғизга ҳавола, — чўнтагидаги чарм қинни чиқариб Музаффарга узатди. — Муни кўрунг, жаноби олий, кўб ғаройиб ашё. Шунқорбек шумғифон ҳовуз яқинидин отбоқар топибдур.

Валиаҳд чарм қиндан шишачани чиқариб, дикқат билан кўздан кечирди. Тагидаги белгиларга эътибор бериб:

— Хорижда чиқорилғон, — деди комил ишонч билан ва ёнидагиларга узатди. — Оврупода ясолган чиқар.

Шиша билан қинни кўздан кечиргандарнинг барчаси валиаҳднинг фикрини тасдиқлади.

— Шиша ичида кўрунғон гард қандайдир заҳарни юқи деб фикр қилурмен,— изоҳ берди Парвоначи. — Мархумни шу била заҳарлаб ўлтурғонлар ва ё ўлук ҳолатига тушурғонлар. Биз они пайқамай кўмиб юборғонмиз. Суиқасдчилар муни билишғонлар.

— Андоқ эрса оларни туб мақсадлари не бўлур?

— Ким билсун, балки Шунқорбек воситасида хазинани ўмармоқ ниятидадурлар. Ҳуши ўзида бўлса, бул юмушга асло унамас. Яна ким билсун...

Сирожиддин парвоначининг гапи эшитғанларга таъсир қилди.

— Мақсадлари қандоқ бўлса-да, бир бегуноҳ касға қилғон зулми учун суиқасдчиларни зуд тутмоқ чорасин кўрмоқ лозим! — деди валиаҳд. — Оларни қўлдин чиқмоқи — дарбор аҳлини заифлигин кўрсатур. Заиф мансабдорлар масъул лавозимни банд қилиб ўтурмоқи салтанатқа ҳаён<sup>1</sup> бермас.

— Рухсати олий бўлса, бул жўндағи баъзи фикрларимни баён этсам.

— Айтингиз.

— Пирмуҳаммад кўкаaldoш ҳазратлари тадбир ила иш юритиб, бул сирадаги кўб жиноятларни очуб, онҳазрат эътибориға тушғанлар. Бул юмушни-да хайрли якун топмоқи, фикримча, кўб жиҳатдин шу кишини саъи-ҳаракатлариға боғлиқ кўринур. Тақсирим имкон қадар қўлидин иш чиқадурғон ходимларин тўплаб, бозорларға қўйсалар, олар кичик хизматчилар, қоровуллардин киши билмас гап олсалар. Майда хизматкорлар шумлик ва чалғитишни ўйламаслар, билғонларин очиқ айтурлар. Хорижий савдогарлар қайси юртлардин келурлар, не

<sup>1</sup> Ҳаён — фойда.

амвол<sup>1</sup> кетиурлар, йирик мансабдорларимиздин кимлар била мuloқотда бўлурлар – батафсил аниқласалар. Яна шаҳар ва ондин чиқадурғон барча йўллар назоратқа олунса... Суиқасдчиларни бизга маълум белгилари: қора отларға минғон эки йўловчи. Бирини ортиға киши мингашғон. Бошиға тўнму, бошқа нимарсаму ёпилғон. Шуниси Шунқорбекдур, дея хаёл қилурмен. Арк хизматчиларини барчаси они таниб билурлар. Бироқ ҳозирғи кўрунушида танимай-да қолмоқи бор: ранг-рўйи қарорғон, жисми қовжираб, кичрайиб қолғондоқ, кўзлари нурсиз... Айтқонларимда хом ўрунлар кўпдур – они меъёрға етурмоқ ўзларин-ғизға ҳавола, тақсиirlар...

Шаҳарнинг оддий фуқаролари бундай қабиҳ ишга қўл урмаслиги маълум. Аксинча, тутган йўли туфайли улар Шунқорбекни ҳимоя қилган бўлишарди. Қисқа фурсатдаёқ у кўтларнинг меҳрини қозониб улгурди. Душман аркони давлатда, кимлиги эса номаълум. Гумон билан иш тутилса нафақат Изиддин иноқ билан боласи, ҳатто қушбеги билан девонбегидан ҳам шубҳаланиш мумкин. Шунқорбек тутган йўл оқибатда шуларнинг манфаатларига зарба берарди. Парвоначи буни назардан қочирмади, аммо кимдан гумонсираёттанини очиқ айтмади: валиаҳдга ишониб, дилидагиларни қисман баён қилди, холос. У Шунқорбекни анчадан буён яқин олиб, қўллаб-куватлаб келади. Бу томонига ҳам лоқайд бўлмас. Бу масалада бирор жиддий иш бошланса, фақат Музаффарнинг кутқуси билан бошланиши ва охирига етказилиши мумкин.

– Ҳодисотлардин давлатпаноҳни хабардор қилмоқ лозим, – деди Парвоначи валиаҳд кетиш учун қўзғонида. – Шунқорбекни ўлатға учрағон деюоб, зоти олийни-да чалғитғондурлар. Буни онҳазрат биздин теранроқ тасаввур қилурлар ва ҳукми ҳумоюнин ўзлари айтурлар.

Валиаҳд бош иргаб, маъкул ишорасини билдириди. Вое бўлган суиқасдни Музаффар албатта отасига етқизади. Лекин қайси йўсинда? Агар Сирожиддин парвоначи

<sup>1</sup> Амвол – моллар.

ўйлаганидай еткизолса, Насруллонинг қони қайнаб кетиши шубҳасиз. У ҳамма нарсага лоқайд қараши мумкин. Аммо хазина билан салтанатта қилинадиган таҳдидга асло тоқат қилолмайди. Бу масалада амир ҳеч кимни аямайди.

## ҮН ОЛТИНЧИ БОБ

Вақт асрга яқинлашган. Шериклари ҳали ухлаб ётишарди. Болабой секин ўрнидан туриб, қаердаликларини аниқламоқчи бўлди. Вобкентдаликларида одамларга рўпара келишдан қочиб, Фиждувон билан Шофирконнинг ўртасини мўлжалга олган ва йўлсиз юришган эдилар. Дарҳақиқат, шу ерга етгунларига қадар бирор учрамади. Бу томонига ҳам йўлга тушиш хавфли. Ўликнинг йўқолгани аниқланса, Бухорода қидир-қидир бошланган. Тангириул уларни кўрди. Суриштирувчиларга кўрганларини айтади. Шунга кўра, таъқибчилар қидирувни шаҳарда ўтказишиди. Эҳтимол йўлларга ҳам черик юборишар. Ортларидан тушганлар эрталабгача Вобкентга, нари борса Фиждувон билан Шофирконга етишар. Бу орада улар анча узоклаб кетишиди. Айни дамда ҳам таъқибчилардан бир кундан мўлроқ олдинда кетишиягти. Яна бир кеча-кундуз кўзга ташланмай йўл босишига, кутилиб кетишиди.

У баландроқ бир жойга чиқиб, атрофни синчиклаб кузатди. Кўзи илғаган жойларда жон асари кўринмади. Фиждувонга нисбатан Шофирконга анча яқинлаб ўтишганини ҳам пайқади: камида ўн чақиримлар ўтиб кетишиганов. Одатда йўлсиз, тунда юрган киши ўнг тарафга оғади. Улар қандай қилиб чапга оғиб кетишиганига ҳайрон бўлди. Шунда Шунқорбекнинг боши Жангирнинг чап елкасига суюниб келганини эслади. У муттасил чапга оғавериб, йўлсиз кетаётган отнинг юришига таъсир кўрсатган. Шу туфайли мўлжалдан озроқ четлашишган. Аслида ўрталиқдан чиқиб бугун тонггача Кўкчага, ундан Оёқкудуқ орқали Устамуродга юриши мўлжаллашганди. Қумларни четлаб ўтишса бу йўл анча айланиш ва узок. Энди яна ҳам олисроқ бўлиб қолди. Ундан воз кечиб, тўғрига юраверишлари маъқул

күринди. Яна түрт кун, озрок қум кечишлари ҳисобга олинса, беш кундан кейин Мурунтов орқали Томдидбулоққа чиқышади.

Бу йұналишда илгарилари ҳам юришган, кундуз қүёшга, тунда ой билан юлдузларға қараб йүлни түгри олишган; яхши-ёмон, оғир-енгил томонларини билишади. Үzlари ва уловларига ем ва озуқа, ҳафта-үн кунга bemalol етадиган сувни шу ерда ғамлаб олишлари мүмкін. Құқон хони тасарруфидаги Сирдарёға етиб олишлари учун Қасаба орқали асосан барханлар орасыдан юришларига түгри келади. Йүлнинг эңг оғир қисми ҳам шу. Сувли мешлар ва оғирроқ юклар учун дурустроқ битта түя харид қилишларига түгри келади. Керагидан ортиқ юқ босилса отлари құмликлар орасыда хароб бўлади. Қолаверса, Шунқорбекка ҳам алоҳида улов керак.

Болабой шериклари ёнига қайтганида ҳали улар ухлашмокда эди. Иссикнинг тафти қайттани учун биринки марта йўтулиб, Жангирни уйғотди. У ўрнидан тезгина туриб отларига қаради. Яқин жойда bemalol ўтлаб юрганини кўргач, емтўрваларига ярим-ярим қилиб арпа солди ва чаққон бориб, бошларига илиб қайтди. Сойдан юзини ювив чиқиб, нонуштага ўтириди. Бунгача Болабой Шунқорбекни уйғотиб, бет-қўлини ювдириш учун сойга етаклаб тушмоқчи бўлди. Боши айланарди шекилли, энди юраёттан боладек атак-чатак қиласвергач ўтқизиб кўйиб, ўзи бир меш сув кўтариб чиқди ва юзларини ювив олишига ёрдамлашгач, етаклаб дастурхон ёнига ўтқизиб кўйди. Ўзини тутиб ўтирганини кўриб, тез кундаёқ рисоладагидай қадам босиб кетишига ишонди.

Шунқорбекни нима қилиб бўлса-да, тезроқ оёққа турғизиши зарур. Акс ҳолда, қумлар орасыда иссиққа қовурилиб, уни ортмоқлаб юриш Жангирнинг жонига тегиб, отидан итариб ташлаши ёки биратўласи ўлдириб кўйиши ҳам мүмкін. Ғазаби кўзиган пайтларда уни тийиш маҳол. Болабой доимо бирга юрса-да, баъзан уларни қаердадир қолдириб, ўзи озуқа ва ем қидириб, баъзан йўл излаб бир-икки соатта кетари бор. Бундай ишларни Жангирга юклаб бўлмасди: турқи ва муомаласи

совуқлигиданми, керакли нарсаларни тугал топиб келолмасди. Зийракроқ одамлар кимлигини пайқаб қолишлари ҳам мумкин. Шу сабабли бундай ишларни Болабойнинг ўзи бажаришга мажбур. Шунқорбек ўзини-ўзи эплаб кетолсагина хавфдан соқит бўлади. Қочиб юрганларида уни фақат қимиз ва қимрон билангина дармонга киритиш мумкин. Бу нарсаларни йўлларида учраб қоладиган ҳар бир овул ёки ўтовдан топса бўлади...

Болабой дастурхондаги егуликларни унга навбати билан кўрсатиб сўради:

— Кўнглинг не кусайди, не ерсен? Нон, гўш, сув.

Бу гал у кўнгли “не кусашини” ўзи айтди:

— Нон... гўй...шш... сувв...

Болабой дарҳол бир қўлига нон, иккинчисига бир бўлак қоқ гўшт ушлатиб, пиёладаги сувни олдига сурди: “Қани, ўзи кўтариб ичолармикан?” Шунқорбек бир зум анграйиб қараб турди. Шериклари егуликларни навбатига, шошилмай тишлаб еяётганини кўриб, унда ҳам завқи табиий уйғонди. Кўлидагиларни шошилмай тишлаб ея бошлади. Чайнаб ютаётганлари томоғида турироқ қоладиган бўлса, пиёлани кўтариб сув хўплайди. Ундаги шу кичик ўзгаришлар ҳам Болабойни қаноатлантириди. Пиёласи бўшаганини кўрсада “нима қиларкин” деган фикрда индамай ўтираверди. Бир маҳал Жангирга ўхшаб, пиёлани ўзи узатди:

— Сувв...

Сув қуйиб пиёлани олдига кўйди. У эса сўраб ўтирмай дастурхондаги нону гўштдан бир бўлакдан ўзи олиб, шошилмай ея бошлади. Шу пайтача унга деярли эътибор бермай ўтирган Жангир бу гал ҳайратини яшиrolмади:

— Иий-я! — деди тўнгроқ овозда. — Богона<sup>1</sup> қўлиға ушлатғон ошлиқни не қилурин билолмай турғон мӯғадак биз сиёқли<sup>2</sup> тановулға тушти. Бул тезда рисоладаги одамға айланиб, шўримизни қурутмаса, дермен!

— Хотиринг жам бўлсин, — жавоб берди Болабой. — Иноқ они ўнгланолмайдурғон қилиб заҳарлагон. Озиқ таъмаида тuya-да бўйнун янтоққа чўзур. Бул — одам

<sup>1</sup> Богона — боя, ҳали.

<sup>2</sup> Сиёқли — каби, сингари, ўхшаш.

боласи. Яшаш савқи<sup>1</sup> ошлиқ талаб қилур. Сұраб күр, ўз исму шарифин хотирига кетуролурми?

Жангир унинг рангсиз юзларига бир дам лоқайд тикилиб туриб, алҳол сұради:

— Отинг недур?

Шунқорбекнинг юз-кўзларида бирор ўзгариш сезилмади. Аввал қандай ўтирган бўлса, шу тарзда анқайиб ўтираверди. Бу Жангирни ажаблантириди-ю, лекин сўраб-суриштиришни тўхтатмади.

— Ота-энанг борми, отлари не?

Яна садо бермагач, бошқачароқ йўл тутди:

— Мен — Жангир, — дея ўзининг кўксига нуқиди ва шу бармоғи билан шеригини кўрсатди. — Бул — Болабой ака. Сен-чи, сенинг отинг недур?

Ўзидан нима талаб қилинаётганини илгамаса-да, Жангирга тақлидан Шунқорбек ҳам кўрсаткич бармоғини кўксига қўйиб гўлдиради:

— От...т...

Жавобни эшитиб ҳар иккаласи тиржайиши — исминики эслолмадими, қўрқишимаса бўлади. Жавобига монанд уни Отакул деб қайта номлашга келишишди. Шу исм кулогига сингдирилса, асли номини икки дунёда ҳам билмай ўтади. Ўз исмини эслолмаган одам ота-онасини, ота-онасини эслолмаган юрту ватанини билолмайди. Ўзлигини йўқотган, ота-онасини танимаган, зоту зурриёдига бефарқ, юрту ватанга лоқайд одам бегоналар қўлида қул бўлиб, шу ҳолича хор-зорликда ўлиб кетишга маҳкум. Бу — ойнадай равшан ҳақиқат. Шу туфайли Жангир шаштидан тушди. Буни пайқаб Болабой кўнглидаги гапларни айтди:

— Кумға еткунча анча-мунча нимарсалар ғамламоқимиз лозим. Уларни барини отларға юклаб бўлмас. Бинобарин, доти бир улов олмоқимиз лозим бўлур. Шул важҳдин Отакулни зуд дармонға эндиromoқ зарур. Дармонға кириб қолса, учунчи уловни ўзи бошқарур, бизга залвори тушмас.

---

<sup>1</sup> Савқ — ҳис, туйғу.

— Не усул била они дармонга эндумоқ бўлурсиз?  
— Учрагон ўтовлардин бир кўнак<sup>1</sup>-икки кўнак қимиз-қимрон ғамлармиз. Бул биёбонларда Отакулға шифо бўлғувчи ягона дорулар — шулар. Ўзимизга-да аскатур.

— Унға меҳринғиз шунчалиқ товланғанки, ортиқча харажатларни-да гарданимизга илмоқдасиз!

— Буни харажат демағил — бул зарурат. Молингни манзилиға хароб қилиб элтсанг, кимға пулламоқ бўлур-сен? Туя била отни қайда бўлса ўз нархига пулларсен, касалманд ва сулайғон қулни-чи? Ўйлаброқ гапир, борди-ку зарар қилғонингда, зар жонингдин беҳроқми?!

Шеригининг жаҳли чиққанини кўриб, Жангир индамай ўрнидан турди ва отлари томон кетди. Болабой дастурхонни йигиштириб хуржунига жойлади. Кўзадаги сувдан қуйиб, Отакул деб қайта номланган Шунқорбекка ичирди. Мешда қолган тиниқ сув билан кўзани тўлдириб, тагидаги лойқани бир четга ағдарди. Тўрт буқлаб, уни ҳам хуржунга жойлади. Шериги етаклаб келган отларга барча лаш-лушларини ортишгач, ўzlари ҳам кечаги тартибда миниб олдилар. Ҳар эҳтимолга қарши Шунқорбекни яна Жангирга чилвир билан танғидилар, аммо бошига ёпинчиқ ташлашмади...

Қуёш ботиб, атрофни қоронғилик босгунича йигирма чақиримга яқин масофани босиб қўйишли. Баҳор кезларидагина суви Қулжуқтоғ томонлардан оқиб келиб Зарафшонга қуиладиган, ҳозир эса қуриб-қақшаб ётган сой ўзанига тушиб олиши ва кун кўтарила бошлаган пайтда Оёқофитма овулининг рўпарасига етишли. “Тамадди қилиб олинглар”, дея Болабой шерикларини шу ерда қолдириб, ўзи у-бу топиб келиш мақсадида овл томон кетди. Кўп ўтмай излаганини топиб қайтди. Кейин кун қизигунча яна йўлнинг танобини тортишди...

Қимизнинг фойдаси тегди. Кейинги кунларда Шунқорбек анча ўзига келиб қолди. Янги исмига ҳам кўникли. Ўзи мустақил юроладиган, рисоладагидай еб-ичоладиган, баъзи майда-чуйда ишларни ҳам қилиб кетаверадиган

<sup>1</sup>Кўнак — қимиз-қимрон солиш учун ушоқ мол териси ёки қорнидан тайёрланадиган идиш.

бўлиб қолди. Бу кунлар ичиде пастак тоғ тизмалари, чўллар ва қисман қумликлардан ўтиб, Қасаба овулига етиб келишди. Уларни қидирувчилар, агар қидиришаётган бўлса, ҳеч қачон бу кунжакларга қадам босишмайди. Бу ерда бамайлихотир нафасларини ростлаб, учинчи куни иссиқнинг тафти қайтгач йўлга тушишди. Бу гал оғир юкларини Томдibuлоқдан олган икки ўркачли ҳарвона тяга юклаб, устига Шунқорбекни миндиришди. Саккизинчи куни қуёш қизариб ботаётган пайтда қум барханларидан чиқишиди. Унчалик узоқ бўлмаган жойда – сийраккина қумли чўл ортида булдираб қамишзор ва тўқайзорлар кўзга чалинди. Кунчиқардан кунботар томонга чўзилиб кетган қамишзорларнинг у ер-бу еридан ботаётган қуёш шуъласида ярқираб оқаётган Сирдарё кўриниб турарди. Бу ерлар расман Кўқон хонлигига қарашли. Энди улар таъқибдан бутунлай кутилишди. Аммо Болабой бундан кувонмади, дилига бошқа бир шубҳали хаёллар ин курмоқда эди.

Бухородаликлиарида жўн кўринган ишлар ўзлари ўйдаганчалик осон эмас экан. Шунқорбекни Оқмачит ёки Туркистон бозорларига киритишдан чўчиб қолди. Амир дарборида қисқа фурсат ишлаганига қарамай, кўпчиликка танилиб қолганини билади. Ранг-рўйи анча ўзгарганига қарамай, разм солиб қараган одам уни ҳалиям таниб олиши мумкин. Оқмачит, Туркистон, Чимкент бозорларига аксари бошқа юртлик савдо-гарлар бўлса-да, бухороликлар ҳам келиб туришади. Ораларида амирнинг хуфиялари аралашиб юради. Хонликлар орасидаги зиддиятлар кескинлашиб турган пайтларда бу табиий ҳол. Шулардан бирортаси Шунқорбекни таниб қолса борми, бегона хонлик ҳудудида ҳам уларнинг шўрига шўрва тўкишади – сирли равишда ўлдириб кетишади. Ким ўлдирган, нега ўлдирганилигини бирор сўрамайди ҳам, билмайди ҳам.

Жиноятта кўл уриб, Шунқорбекни ўлик ҳолатига туширган – Изиддин иноқ билан боласи. Уларнинг шалтоғига қўл уриб, ўзлари ҳам кечириб бўлмас жиноятни бўйниларига илди. Ҳозирча бамайлихотир юрганлари билан Иноқ фош бўлса, уларни ҳам фош қилишади. Яқинда

бўлмаса кейинроқ ажал сиртмоғига рўбарў бўлишлари муқаррар. Унга чап бериш учун нима қилишлари керак? Қандай йўл тутса бошларига дўнаётган ўлим хавфидан омон чиқишидади? Масаланинг бу томонлари Жангирнинг хаёлига келармикан? Йўқ. Болабойнинг имони комилки, бундай фикрлашга қодир эмас; ҳеч ўйламай эртасини бугунга қурбон қилиб юбораверадиганлар тоифасидан у. Ўзи-чи? Ўзи ҳам Иноқнинг ҳамёни тамаида ажал комига бошини беихтиёр тиқиб қўйди-ку!..

Йўл-йўлакай шуларни ўйлаб, хуфтонда Туркистондан қирқ чақиримлар қўйироқдан – Янгиқўргонга яқин жойдан, дарё ёқасидаги тўқайзорга етиб келишди. Кечув излашдан олдин шу ерда бир-икки кун нафас ростлашни маъқул қўришди: егуликлари бор, қимиз-қимронни атрофдаги қозоқ чорвадорларининг ўтовларидан истаганча топса бўлади, сув ёнгиналарида. Барханлар оша ҳафтадан зиёд тентираб юриш барчаларини ҳолдан тойдирган эди.

Шунқорбек, ҳолдан тойганига қарамай, ўтган икки ҳафта вақт давомида анча ўзига келиб қолди. Қимизнинг фойдасими, кундан-кун сўз бойлиги ошяпти, анчамунча ишларни қийналмай бажаряпти. Жангир бунга бирор муносабат билдирамаса-да, Болабой хурсанд. Шу кетишида бир йилнинг нари-берисида хотираси тикланиб – ўзининг кимлиги ва ўтмишини эслаб қолса ажабмас. Шундай бўлса, уни ота-онасига олиб бориб, ер ўтиб афв тилашса, Абдуқаюм тўқсоба кечиравмикан? Ўғлининг соғ-омон топилгани цукронасига кечиргудек бўлса, жаллод қиличидан қутилишгани – шу.

Хаёлига шу фикр келди-ю, Болабой жиддий ўйланиб қолди. Шунга ўхшаш фикр Шунқорбекни мозордан чиқаришганидаёқ келганди хаёлига. Лекин у кезда ҳаётларини қанчалик таҳликага қўйганликларини ўйига келтирмаганди. Орадан ўтган вақт ақлинни тиниқлаштириди, ҳаммасини бир бошдан тарози палласига қўймоқда. Паллани охирги тўхтами босиб кетаётган эса-да, бу масалани бир ўзи ҳал қилолмасди – унга Жангирни ҳам кўндиримоғи керак. Уни кўндирилса, Шунқорбекни қул сифатида сотишмайди, балки, бир йилдан кейин олиб кетиши шарти билан диёнатли бировга хизматга

бериб кетишади. Шу муддат орасида Иноқ фош қилинса, келиб уни олиб кетишади. Сир очилмаса, қайтиб бу юртларга қадам босишмайди. Битта қулнинг баҳридан ўтишади қўяди.

\* \* \*

Жангирни аҳдидан қайтариш осон бўлмаслигини Болабой билади. Шунга қарамай эртасига тушдан кейин, қимизга тўйиб боши ғовлаб турган пайтда уни гапга солди: кўнглидагиларни ётиғи билан, бирма-бир ва очиқ айтди. Қани унга гап уқдириб бўлса. Тобора жини қўзиб, тўнини тескари кийиб олди.

— Бул мўғадакни бирони назриға бермоқ бўлуб шунча кун қум чайнадикми, барханларда жизғинак бўлдуқми?! — деди Болабойга важоҳат билан тикилиб.— Бухоро атрофларидаёқ ўлтуриб кўмсак созроқ бўлмасмиди. Бекорға бунчалиқ абгор бўмасдик, ёрги<sup>1</sup> тортмасдик!

— Ҳе-ей, ғалча! — Болабойнинг ғазаби қўзиди. — Абгорлиқинг жонинг омонлиқига каффорат бўлғаниқин билурмисен. Абдуқаюм тўқсона билан Валиаҳд тирик турса бул жиноятни бости-бости қилурға йўл берур, деб билурмисен? Қолғонига Пирмуҳаммад кўкалдош бор. Ул жаҳд қылса, бул сир уч ойға-да етмай очилур, Иноқ қилмишиға ярашасин олур. Бизға-да сичқон ини минг танга бўлур. Нўхатинг<sup>2</sup> етушса, минг танга бериб-да ул инға бошингни суқа билмай қолурингни ўйла. Фикр қилки, берғон ёргинг бошинг барҳаётлиқига урвоқ бўлурми?!

Бу гап лойқа онгига етиб борди шекилли, Жангир индаёлмай қолди. Шу индамаганича секин ўрнидан туриб, дарё томонга бир-бир босиб кетди. Бу унинг таслим бўлганидан дарак берарди...

Бу ерда икки кун дам олишди. Кечалари чивинлар безорижон қилганини айтмаса, анча ҳордиқлари чиқди. Жангир ҳам аввалги шахтидан тушди, истар-истамас Болабойнинг талабига бўйсинди. Учинчи куни эрталабки нонуштадан кейин яна йўлга тушишди.

<sup>1</sup> Ёрги — жарима, чиқим.

<sup>2</sup> Нўхат — бу сўз ақл, фаросат маъносида қўлланмоқда.

Дарёдан ўтиш учун уларга кўприк ёки кечув излаб юришга ҳожат қолмади. “Омади чопган күёвнинг янгаси олдидан чиқибди” деганлариdek, қўноқларидан унча узоқламаёқ қайсиdir овулга тўйга кетаётган бир тўп отлиқларга рўпара келишди. Ўзини: “Кудойберген кўжа десенг журтting борлиfi танийди”, – деб таништирган ёшгина йигит салом-алиқдан кейин йўл сўради. Афтидан қозоқ бийларидан бирига ўхшарди: ёш бўлишига қарамай босиқ, салобатли, истараси иссиқцина.

– Биз Самарқанддинмиз, – Болабой атайлаб манзилини нотўғри кўрсатди. – Тижорат юмуши била Оқмачитқа кетурмиз.

– Бул жигит ким? – у Жангирни кўрсатди.

– Бул йигит – иним, бирга келурмиз.

Худойберган хўжа унга бир зум синчковлик билан назар ташлаб, кўнглидагини шартта айтди:

– Сиёғи саған уқсамай тур, ури-пури эмеспе?

Болабой унинг ҳазиллашаётганини ҳам, омади гапни айтганини ҳам ажратолмай қолди. Лекин зийраклигига қойил бўлди. Ҳаялламай жўяли жавоб топиб айтмаса бўлмай қолди. Учи-кетини топиш қийинроқ бўлган бир жавобни топиб айтди:

– Уста худо уни турқини шундоқ яратқон бўлса на иложимиз бор, тақсир.

Кўнглига олди деб ўйлаб, Худойберган хўжа туяда кўнишибгина ўтирган Шунқорбекни суриштириди:

– Бу бола ким?

– Қулим.

– Ўсинша жўлға қулди олип жургенинг не?

– Гап шундаки, мен тижорат кишиси – баққол эдим. Яқинда синдим. Ўзумни қайта тикламоқ умидида Самарқандда камёб бўлғон фаранг моллари савдоси била машгул бўлмоқни ўйладим. Шул ниятда Оқмачит, Туркистон, Чимкент ва Тошкент бозорларин айланиб кўрмоқ бўлурмен. Қул узоқ йўлда хизматимга ярап деб хато ўйлабмен. Ул бизга зиёда даҳмаза бўлуб келур.

Бу ҳудудлардаги туяларнинг деярли ҳаммаси якка ўркач бўлганидан Худойберган хўжага Болабойнинг

икки ўркачли ҳарвона түяси ёқиб қолган эди. Ўзида жуфт ўркачли биттагина нортая бор. Ҳарвонани қўлга киритолса соз бўларди – икки ўркачли туяларни кўпайтириш имкони туғиларди. Дафъатан “уни менга сот” деб айтолмай, яна гапни айлантириб турди.

- Қулингди оти не?
- Отакул.
- Журти қайдан, аке-шешеси борма?
- Қулни юрти бўлурми, тақсир, ота-энасинда билмас.
- Қўлинан не жумис келеди?

Болабой унинг ниятини фаҳмлади, лекин саволларига ҳеч нарса сезмагандай жавоб бераверди.

– Уй ва дўкон юмушларин қилиб юур. Бурунги хўжасида-да уй хизматида экан.

– Уни маған минип ўтирган туссимен сатпай-сингба?

- Йўқ, тақсир, таяни сотсам-да қулни сотмасмен.
- “Ортиқша жук бўлди” деп ўзинг айттинғўй.
- Шундоклиқи рост, бироқ Отакул уйимизни мучасидай<sup>1</sup> бўлуб қолғонлиқдин сотурға кўзим қиймас. Бир шарт била хизматинғизда қолдурмоқим мумкин.
- Айт сертингди.

– Йўлда кўп толиқди, шул важҳдин беш-үн кун аёвлаб турурсиз. Уй ва дўкон юмушларидан ўзгасиға даникмаонлиқин<sup>2</sup> ҳисобға олурсиз. Насиб этса, келаси йили шу маҳалларда қайтариб олиб қетурмен. Шунға розилиқ берурмусиз?

– Ирзамин, бироқ, келолмай қолсанг не истаймин? Сени сурап Самарқандга боролмайминғўй. Омонатти биревгे сенип, узоққа берип жиберудинг-де лажи жўқ. Келувинг аниқпа?

Болабой учрашганларидан буён унинг афт-ангoriga синчиллаб разм соларди: бирор қувлик, шумлик аломатини изларди. Аммо бундай аломатни тополмади. У нима деса чин дилдан айтгаётганди. Шундан пайқадики, Худойберган хўжа диёнатли одам. Шунқорбекни бемалол ишониб қолдирса бўлади. Шу сабабли кўнглидагини айтди:

<sup>1</sup> Муч – аъзо.

<sup>2</sup> Даникмоқ – ўрганмоқ, кўникмоқ.

— Келгуси қишғача келмасам — Отакүл боши очиқ сизни мулкинғиз. Мен эгалик ҳаққимдин кечурмен. Манзилинғизни айтингки, келғонимда қийналмай топай.

— Бул сертинг ўте дурис бўлдигўй, жаке<sup>1</sup>! Ўйланба, омонотинг уй қизматинде журеди. Муна судан ўтиб озроқ журсенг, Жангакўргонға жетесингт. Отимди айтиб кимнен сурасанг уйимди кўрсетеди. Оқмешит — Шимкент жўлидан ўншалиқ узоқ-та эмес. Эндеше, туенинг бағасин айт.

У туюнинг нархини жуда кўтариб айтди. Бири олиб, бири қўйиб, харидорнинг шериклари пастга туширишли. Болабой озроқ ён берди-ю, савдо пишди. Туя олингтан баҳосидан анча қимматга сотилди. Худойберган хўжа пулини шу ернинг ўзидаёқ узиб, шерикларидан бирига тайинлади:

— Бу кисилерди Жиенбайдинг ўтовина апар. Отакулмен туени биз қайтқанша бағиб турсин. Кўнақтар узоқтан келеди, бесбармақ жасап, дуристоп кутисин...

Бошлаб келган йигит Жиянбой деб номланган гирдиғум, пучуқ бурунли, соқол-мўйлови сийрак, ўрта ёшлардаги кишига тайинланган гагларни айтди-да изига қайтди. Мезбон жуда ҳимматли ва қувноқ одам экан, уларни кутилганидан зиёдароқ меҳмон қилди. Қайтишларида йўлга одатдагидай бирга тушиш кўникмаси ғолиб келиб, Шунқорбек ҳам ҳозирлигини кўра бошлади. Аммо шериклари унга парво қилмай отланишганини кўргач, нима қилишини билолмай довдираб қолди. Болабой унинг ҳолатини пайқаб, беихтиёр отининг бошини қайриб тўхтади.

— Сени худони паноҳига топширдик, чирофум! — деди кўнгли эриб. — Эмди омон бўлғил!

Шу қисқа фурсатдаёқ Шунқорбек уларга ўрганиб қолган эди. Айниқса, Болабойнинг меҳрибонликлари ийдириб, отасидай бағир босиб қолганди. Эшигтланларига деярли тушунмаган эса-да, гап нимадалигини ҳис қилди. Кўзларидан икки томчи қайноқ ёш ситилиб чиқиб, юзларидан юмалаб кетди. Болабой чидаб туролмади. Ўзининг ҳам кўзига қуйилиб ёш келди-ю, Жангирга кўрсатмаслик учун терс ўгирилиб отига қамчи урди ва бадар кетди. Унинг вужуди ўртанаарди, ичи куярди. Ичи

<sup>1</sup> Жаке — ака (қозоқча сўз).

куйиб вужуди ўртанаарди. Күзига ёруғ олам қоронғилаш-гандай бўлиб қолди. Умрида биринчи марта бўлса керак, ўз қилмишидан қаттиқ алам тортмоқда эди: “Бирорни якка-ёлғиз фарзандини не қилдинг, қайда қолдирдинг, номард!” — деган бир нидо қўксини тилкаламоқда эди. Кўнглига “уни ҳозироқ қайтариб олиб кетишим керак”, деган фикр келди. Аммо бунинг сира-сира иложи йўқлигини әслади. Ҳозир олиб борса, шунча ишни қилган Изиддин иноқ йўлини топиб, уларни ҳам даф қилиб юбориши мумкин. Ундан қутилган тақдирларида ҳам Абдуқаюм тўқсоба алам устидадир. Боласининг аҳволини кўргач, у ёқ-бу ёқни суриштирмай, жаллод қўлига топшириб юборса-чи? Қолаверса, Шунқорбекни сотмасликка Жангирни зўрга кўндирувди. Энди қайтариб олиб кетадиган бўлса, у ҳам билганини қиласи — қаердадир пайтини топиб, йўлдаёқ ўлдириб қўяди. Унга бир ҳамён олтин одамнинг жонидан қиммат туюлади. Ҳозирча ўзлари учун Шунқорбекнинг шу юртларда қолиб тургани маъқул. Худойберган хўжанинг қулга эҳтиёжи йўққа ўхшайди. Шунқорбекни миниб ўтирган туси ёқиб қолгани учунгина хизматига олди чоги. Текин хизматкорга ортиқча зулм қилас. Омонотта хиёнат қиласиганларга ўхшамайди у ...

Болабой бу масалани атрофлича ўйлаб кўришни ният қилиб, йўлида давом этаверди.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Амир Насрулло Музaffer ва Пирмуҳаммад кўкалдошдан рўй берган воқеалар тафсилоти ва яқин орада юз бериши эҳтимол тутилаётган жиноятлар ҳақидаги ахборотни тинглаб, ҳайратланди. Эшитганларининг мағзини англағач, чўчиб ҳам қолди. Албатта у кимлардир давлат хазинасини ўмариб кетишлари мумкинлигидан кўрқани йўқ. Хазинани қўриқлашга қанча куч керак бўлса шунчани қўяди. Тўрт-беш, борингки, йигирма-ўттиз талончининг кўлидан нима келарди. Фитначилар заҳарнинг қандайдир янги турини келтиришганидан чўчиди. Бу заҳарни кеча бош мушрифда синаб кўришди.

Эртага Насруллонинг ўзига қўллашлари мумкин. Улар кимни, қачон ва қаерда нишонга олишларини ким билади. Бинобарин, зудлик билан хавфнинг олди олиниши керак: сиқасдчилар тезда қўлга олиниб, йўқ қилиниши шарт. Шундагина хавфли заҳар оммага аввалгидек номаълумлигича қолади. Уни журъат қилиб яна Бухорога келтирувчилар бўлмайди.

— Кўкалдош! — деди у таҳдидли оҳангда. — Сен не қилсанг — қил, қандоқ тадбир қўлласанг — қўлла, бул фитнани очғайсен! Музаффар барчасини назорат қилсун ва ишни боришидин бизни бот-бот хабардор қилиб турсун. Сиқасдчи-фитначи ким бўлса-да аямангиз, дарҳол ҳибс қилиб, зинданбанд этингиз! Жазони ўзумиз тайин этурмиз.

Амирдан ваколат олингач, Музаффар билан Пирмуҳаммад кўкалдош ҳаялламай Зиёдулла күшбегига учрашди. Гумон ўзига ҳам тушаётганини сезиб, күшбегининг жони товонига тушиб кетаёзди. Амир Насрулло билан ҳазиллашиб бўлмасди.

— Мен олинған хабарни онҳазратқа еткурмоқим шарт эди, — деди у довдираб. — Агар кимдур дарбор аҳлини чалғитурға ниятланғон эса, ул касни Изиддин иноқ билур. Тўқсона жанобларини ўғуллари вабодан ўлганлиқи хабарин менға ул еткурди.

Валиаҳд Пирмуҳаммад кўкалдошга ажабсиниб қаради. У ҳам сергак тортди-ю, аммо ички ҳиссиётларини ташқарига чиқармади. Гарчи айбламаган бўлса-да, Сирожиддин парвоначи Иноқ ва ўғли ҳақида ғалатироқ гапларни айтганлигини эслади. Наҳотки бу чигал калава Изиддин иноқнинг қўлида бўлса? Бунга ишониш қийин, аммо калаванинг уни унга бориб тақаляпти. Демак, шубҳа қилишга асос бордек. Иши тақозосига кўра, у биронтанинг изига тушса, кўпинча шубҳа ва гумонларга таянишга мажбур эди, аммо уни ёпишиб олишдан қочарди. Шу туфайли Зиёдулла күшбегини тинчлантиришни лозим топди:

— Сиздин шубҳа қилмоқға ўрун йўқ, аморатланоҳ! — деди босиқ овозда. — Мақсад Шунқорбекни ўлими жўниндағи хабарни арки олийға ким кетурғонин аниқлаш. Иноқ жаноблари кетурғон бўлсалар мумкин,

улар-да бирордун эшитғондур. Аммо, айло ҳазрат, мултамас шулки, гап орамизда қолсин. Айниңса, Иноқ жаноблариға тиши ёрмағайсиз.

Мансабига күра күшбети күкалдошдан юқори турсада, Пирмуҳаммад күкалдош – доруссалтана хавфсизлигининг мутасаддиси. Шу туфайли вақти келганида Зиёдулла күшбети унга эгилишга мажбур бўлиб қолади. Айни пайтда ҳам илтимосига монелик билдиrolмади. Бунга зарурат ҳам йўқ эди. Шу туфайли:

– Матькул... – дея рози бўлди...

Кеч пешинларга бориб Кудратулла қоровулбети жўнатган суворийлар Фиждуон, Шофиркон, Янгибозор, Жондор, Қоровулбозор ва бошқа томонларга элтадиган йўлларга тарқалишиб кетди. Айниңса, Қоровулбозор йўлига ташланган куч бошқа йўллардагига нисбатан иккича баравар кўпроқ эди. Бухорога ҳануз бўй бермай келаётган Шаҳрисабз ва Китоб бекликларига қочганлар асосан шу йўналишдан фойдаланишади. Бундан сал илгарироқ Асомиддин тўпчибошининг сарбозлари шаҳарнинг ички йўлларини қамаб, йўловчиларни бирмабир кўздан кечира бошлишди. Бу тадбирлардан кўзланган мақсадни сир тутишга келишилган бўлса-да, орадан кўп ўтмай кўпчилик хабар топди. Пухта ва тезкор ишлаган груп Пирмуҳаммад кўкалдошнинг хуфиялари бўлди. Улар туш бўлмаёқ бозорлар, мадраса ва масжидлар, ҳатто ҳаммомларгача – барча жамоат жойларига аниқ топшириқлар билан шов-шувсиз тарқалиб кетишли.

Пирмуҳаммад кўкалдош бир кишини – энг тажрибали ходими – Кабир шайтоннигина маҳкамада олиб қолди. Доруламорада рўй берган ва ўзи билган воқеаларни унга айтиб, фикрини билмоқчи бўлди. У кўп чигал ишларни тез ва осон очган, шу омилкорлиги билан Кўкалдошнинг хурматини қозонган. Шаҳардаги ёки вилоятлардаги бирон-бир муҳим ҳодиса назаридан четда қолмайди. Воқеаларнинг бошқалар пайқамаган қирраларини ҳам “кўради”. Яна бир сифати – ўта киришимли, ҳар қандай одам билан тил тополади. Шароит тақозо қилса кийимлари ва ташқи кўриниши, ҳатто овозигача ҳайрон қолар-

ли даражада ўзгартыриб юборолади. Бундай пайтларда уни яқынлари ҳам таниб олиши осон бўлмайди. Ноаниқ тахминлардан кўра ишдаги аниқ унсурлар ва мантиққа таяниб хулоса чиқаради. Шунданми, айрим ҳодисаларни кимлар ва қаерда, қандай тайёрлаганини бошқалардан олдинроқ, аникроқ айтиб беролади.

Шунчалик зийрак ва зукколитига қарамай, Шунқорбек ҳодисасидан у ҳам деярли гафлатда қолганди. Воқеа тафсилотларини Пирмуҳаммад кўкалдошдан эшишиб, хаёлга толди. Кўкалдош берган ашёлар – шишача билан чарм халтачани, улардаги бўртма ва ўйма ҳарфларни қайта-қайта кўздан кечирди, эшигтани билан ўзи билган айрим нарсаларни муқояса қилди ва ниҳоят бир фикрга келиб деди:

– Фикримча бул ҳодисотда Иноқ била ўғлуни алоқаси бор. Они қай даражадалиқин тунға бориб билурмиз.

– Нечун тунға бориб, – безовталаниб сўради Кўкалдош. – Нуҷук ортқа сурмоқдасиз.

– Ўтган жумада Бухороға Эрондин каттағина карвон келди. Ораларида Арабистон, Ҳабашистон ва Ҳиндустондин-да тожирлар бор эди. Бу юртларни барчасинда, билурсиз, овруполиқларни ҳукмлари событдур. Ҳатифа қарафонда шиша билан қинин фаранглар<sup>1</sup> ясашғон. Бироқ, овруполиқлар бул турдағи заҳарни ясаб билмаслар. Они ё Ҳиндустон, ё бошқа бир заҳарли жондорлари бисёр иссиғ юртларда тайёрлағонлар...

– Сабаб?

– Сабабки, Оврупо ончалиқ иссиғ эмас, ҳавосин намхуш дерлар, ҳазрат. Иссиғ юртлардағи жондорларни заҳари чандон ўткур бўлур.

– Бул заҳри мажхулни қайдин ва кимлар кетурғонига гумонингиз-да йўқми?

– Гумон била иш битмас, далилларға таянурмиз.

– Сизда далил бўларлиқ нимарса борми?

– Бор, они пухталиқига кафолат йўқ.

– Ҳомаки далилингизни шарҳлангиз.

– Тўқсоба ҳазратлари била Иноқ ораларидағи зиддият қачон ва недин бошланғонлиқин билмасмен. Бироқ,

<sup>1</sup> Фаранглар – европаликлар назарда тутилмоқда.

қандоқдир зиддият бўлмоқи керак. Беш ой бурун кечлатиб, Изиддин иноқ бозордағи дўконига ҳинду тужжор – Баҳайдод соҳибни сўроқлаб борди. Экиси обдан шаробхўрлиқ қилғоч, Иноқ уйига қайтди. Эртасига азонлаб Баҳайдод соҳиб номаълум тарафқа ғойиб бўлди. Назаримда, Иноқдин қандоқдур буюртма олиб ўз юртиға – Ҳиндустонға йўл торгқон. Олдинги жумадаги карвон била қайтди. Оралиқдин чизи ўтмасдин билан ҳодиса рўй берди. Тўқсона била Иноқни ўғли бир ҳовузда чўмулушғон. Тўқсобани ўғли фалокатга йўлукти, униси омон. Ҳовуз яқинидин топилғон ашёлар воқеотқа Иноқни ўғли алоқадорлиқин билдурса мумкиндур. Фикри ожизимча, бул идишқа солингон заҳарни Баҳайдод соҳиб Ҳиндустондин кетурғон, суиқасдни Изиддин иноқ тайёрлағон, ўғли рўёбға чигорғон, Шунқорбекни турбатин бузғон бошқалар. Бизға номаълум сабаб ё мақсад била ўлукни, балки тириқдур, шулар олиб кетғонлар.

– Шунча нимарсани билиб-да ун чиформассиз?

– Деғонларимда айният била тахмин қоришиқлиқин англамадинғизми, ҳазрат. Худо ёри берса тунда тахминлардин қутилурмиз. Айбларин тобсақ, жиноятчиларни тонгдин олдинроқ хибсқа олмоқ имкони туғилур ва мақсадлари-да ойдинлашур.

Пирмуҳаммад кўкалдош Кабир шайтоннинг фикрларини ўринли деб топди ва зийраклитига яна бир бортан берди. Кетишга ижозат сўраганида “қаёққа борасан ва нима қиласан?” демади. Бошқалардек йўл-Йўриқ кўрсатиб ўтиришни лозим топмади. У нима қилишни ўзи билади...

У маҳкамадан чиқиб, тўғри уйига келди ва қиёфасини ўзгартиришга киришди. Кўринишда сариққа мойил, ярим кўса одам: мўйлови бору соқоли йўқ. Биринчи навбатда Пирмуҳаммад кўкалдош топтириб берган бўйи баробар фарангий кўзгу ёнида туриб, мўйловини ҳам қириб ташлади. Ўрнига ясама соқол-мўйлов ёпиштирди. Эгнита узоқ шаҳардан Бухорога чайқов мақсадида келган тужжор либосини кийди. Кечга яқин отланиб кўчага чиқди. Унга кўзи тушган қўни-қўшнилар одатдагидек бепарво кузатиб қолишли: “Бул тожирни Кабир шайтонда не

юмуши бор эканки, оникига келибдур” – деб ўйлашиби. Баъзи-баъзида уникидан кичикроқ бирор амалдорми, сарбозми, миршаб ё савдогарми, ҳатто ҳассасини дўқиллатиб чиқаётган кашкул осган қаландарними кўришади. Лекин булардан бирортасининг ҳовлига кирганини ҳеч ким кўрмаган. Кабир шайтоннинг ўзи ҳам, оиласидагилар ҳам қўшнилар билан деярли алоқа қилишмайди. Кирди-чиқди-ку умуман бўлмайди. Шу сабаб қаерда ва нима билан шугулланишини ҳеч ким билмайди. Ҳар икки-уч йилда тураржойини ўзгартиради.

Шаҳар кўчаларини айланиб, одамларнинг гап-сўзларига қулоқ тутди. Эшитганлари мавхум ва умумий олдиқочди миш-мishлар эди. Таниш айғоқчиларни ҳам учратди-ю, уни танишмади. Улар билан гап сўзиб ўтиришни ортиқча билиб, йўлида давом этаверди. Қуёш ботаётган пайтда бозорга келиб, отини уловлар туродиган жойда қолдирди.

Бозорда савдо-сотиқ тўхтаган, дўкондорлару ёймачилар молларини йигиштириб, ким шом намозини жамоат билан ўқиш учун масjidга, ким уйига ё ўзи қўнган карвонсаройга шошилмоқда. У Баҳайдод соҳибининг дўконига кирди. Куюққина сўрашгач, Жиззах музофотидан келганлиги ва камёб моллардан улгуржи савдо қилмоқлигини айтди. Ҳар қандай савдогар бундай харидорни кўлдан чиқармасликка интилади. Баҳайдод соҳиб уни ўтқизиб, қўлига бир пиёла чой тутди ва гапга солди:

– Қанной моллардин харид қилмоқ бўлурсиз, соҳиб?

– Газмол била чой, бўлса озроқ Сарандиб<sup>1</sup> чойидин.

– Бизга бул молларни ҳаммасидин бор, соҳиб. Кўруб, ўзингиз танланғиз.

Кабир шайтон “кўриш”ни Кашмир ва Банорас матоларидан бошлади.

– Дуруст! – деди завқланган қиёфада. – Бироқ бул молларингиз туруб қолмағонму?

– Мани хата қилопсиз, соҳиб, – эътиroz билдириди у. – Молларни кетурилғонига ҳафта бўлмағон. Ҳаммаси тоза моллар.

<sup>1</sup> Сарандиб – Цейлон, ҳозирги Шри Ланка.

Кабир шайтон индамади. Навбат чойларга келганида оғзи очиқ қопдан бир чимдимини олиб, шошилмай ҳидлади. Бир чимдим оғзига солиб, майдалаб чайнади ва бир оздан сұнг четта туфлаб ташлади. Бу дүкондор наздида унинг ўта шинавандалигига далолат эди. Аксар харидорлар чойни ҳидлаб күришади-ю, оғзига олишмайди, маза-таъми билан ишлари бўлмайди.

— Мижозларингиз авомунносму<sup>1</sup> ё дарбор аҳлидинда борму? — сўради Баҳайдод соҳибга тикилиб.

— Барчасидин бор, соҳиб.

— Аркони давлатдин, хусусан, кимлар?

Баҳайдод соҳиб “ялт” этиб унга қаради. На овозида ва на юз-кўзларида шубҳаланишга асос бўлгулик бирор аломат сезилмади. Савол илмоқлига ўхшаса-да, Баҳайдод соҳиб уни “юқори табақаларда обрўйим қандайлигини билмоқчи шекилли”, деган маънода тушунди. Яхши моли борларга асосан бой-баёнлар мижоз бўлишади. Узоқдан келган синчков тожирнинг бу билан қизиқишига ажабланмаса бўлади. Шунинг учун мақтанчоқлиги тутиб:

— Хусусан Изиддин иноқ жанобларини ўзлари ташриф буюриб, харидни фақат мендин қитурлар, — деди.

— Ҳа-а, ул ҳазратни билурмен, кўб шинаванда одам. Сара молни қадриға етурлар.

Кашмир ва Банорас матоларидан тўрт той, ҳинд чойидан икки қоп, Сарандиб чойидан бир қопини оладиган бўлиб, анча савдолашишди, талашиб-тортишишди. Нархини келишишгач, бир четга олдирди ва аzonда пулинини бериб, молини олиб кетадиган бўлди. Сўнгра Баҳайдод соҳибининг кўзини шамғалат қилиб, Шукурбой қоровулнинг ҳужрасига йўл олди. Бу “Жиззахлик чайқовчи” беш ой бурун — Баҳайдод соҳиб жўнаб кетган куни ўзи билан бақамти суҳбат қурган “богитурконлик деҳқон” эканлигини қоровул хаёлига ҳам келтирмади. Гап-сўзларидан уни ўта эҳтиёткор тужжорлардан бўлса керак, деб ўйлади. Олди-сотдида баъзан харидорга панд бериб қўядиганлар учрайди. Узоқдан келгани туфайли бу савдогар балки шунисидан

<sup>1</sup> Авомуннос — авомлар, оддий кишилар.

чүчиёттандир. Молни Баҳайдод соҳибдан олмоқчилигини билгач, у ҳақда сўраб-суришираётганидан ажабланмади.

— Эшитқонларимға қарағонда бул ҳунди анча машхур ва ҳалол тожир эмуш. Мижозлари-да эътиборли одамлар эмиш, — деди Кабир шайтон. — Хусусан, Изиддин иноқдай мартабали зот они мижози эмиш. Ростми шул?

— Рост... — Шукурбой қоровул бир зум ўйлангач, уни билмайсиз-да, дегандай жилмайиб қўиди.

Кабир шайтон бу жилмайишнинг маъносини англади: “билганларимни айтсамми-айтмасам” дея иккиланаёт-ганини сезиб, темирни қизифида босди:

— Мен узоқни кишисимен, тонг-ла юртимға қайтурман. Эшутғонларим ўзум била кетур. Шундоқ бўлғоч, ростни яшурманғизким, мен ҳунди соҳибни қандоқлиқин билай.

— Моли тоза, бор-йўқи кечаги жума тонгида кети-рулди. Иноқ ҳазратлари била яқиндурки, келиши била ул жанобқа киши йиборди. Бироқ Иноқ ҳазратлари кечлатиб келдилар.

Юмушлари кўп бўлғондур.

— Андоқ бўлмаса керак. Шаробхўрлиққа кечтин боптароқ фурсат бўлурми. Экиси андоқ ичтиларки, Баҳайдод соҳиб сархушланиб, қусиб-да олдилар. Иноқ жаноблари йўлға ярамағонликдин дўконда тунадилар, одамлар ўрмалашидин бурунроқ туруб кеттилар...

Заҳарни Баҳайдод соҳиб келтирганига энди Кабир шайтонда гумон қолмади. Иноқнинг бўкиб ичиб, ножоиз жойда тунаб қолгани ҳам шундан. Туллак тужкор Ҳиндистондек олис юртга бориб, заҳардан атиги бир шиша келтирмаган. Энди унинг харидори Бухорода ҳам топилишини билди. Хабар эрта текканига қарамай, Изиддин иноқнинг дўконга қоронғилатиб келишида ҳам сабаб бор — куппа-қундузи дўконга келишдан ҳайиқсан. Яна заҳарни ишлатиш йўлларини билиб олиши керак эди. Кундузи Баҳайдод соҳибда bemalolроқ вақт ҳам имконият ҳам бўлмайди.

Керакли маълумотларни аниқлагач, Кабир шайтоннинг бунда қиласиган иши қолмади. Олмаганига қўймай

“чойингиз ва яхши маслаҳатларингиз учун” дея Шукурбой қоровулнинг олдига битта кумуш танга ташлади ва хайрлашиб хужрадан чиқиб кетди.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Кабир шайтон берган маълумот бўйича Пирмуҳаммад кўкалдош шу кечанинг ўзидаёқ Ҳиндувон маҳалласидан Баҳайдод соҳибни, Дехинавдан Изиддин иноқ билан Абдуборини ҳибсга олдирди. Ҳибсхонага келтирилгани заҳотиёқ мирғазаблар “иш”ни бошлаб юборишиди. Ҳар қандай сўроқ ва қийноқларга қарамай Изиддин иноқ билан Баҳайдод соҳиб айбларига икror бўлишмади: “Бизга тұхмат қыммоқдалар” – дея туриб олишиди. Абдубори ҳам аввалига ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб турди-ю, уч-тўрт аччиқ қамчи егач, эпақага келди. Кўкалдош мирғазабларни шартта тўхтатиб, хонадан чиқариб юборди. Воқеа тафсилотларини ҳатто мирғазаблар ҳам билмаслиги керак эди...

Кабир шайтон иккаласи рўй берган воқеаларни Абдуборидан деярли тўлиқ билиб олишиди. Куёш чиқмасиданоқ Баҳайдод соҳибнинг уйи билан дўкони ва Изиддин иноқнинг уйида тинтуб ўтказиб бўлишиди. Барча олтин-кумуш пуллари, қимматбаҳо буомлар ва жонли-жонсиз молларини байтулмолга<sup>1</sup> ўтказишиди. Зўр бериб қидиришлар натижасида Баҳайдод соҳибнинг дўконидан яна битта оғзи очилмаган идиш – “упаи дўзахий” топилди. Шакли, тамғаси, халтаси ҳам аввалгининг айнан ўзи эди. Бу – Кабир шайтоннинг фикри тўғри бўлиб чиққанининг исботи эди.

Навбатдаги сўроқларни Кабир шайтоннинг маслаҳати билан сал бошқачароқ бошлишиди. Айборларни чақиришдан олдин олдиларидағи хонтахта устига янги топилган “упаи дўзахий” шишиаси билан чарм халтасини, ёнига Абдуқаом тўқсобанинг ҳовузи яқинидан топилғанларини териб қўйишиди. Кейин Баҳайдод соҳибни чақиришишиди. Эшикдан киргани заҳотиёқ хонтахтадаги ашёларга қўзи тушиб, у ҳаммасини тушунди. Энди тонишнинг иложи қолмаганлигини билиб, бошини чанталлаганича пойтакка мук тушди.

<sup>1</sup> Байтулмол – хазина ёки давлат фойдасига мусодара қилинган мол.

Бу гал ундан гап олиш қийин кечмади – бир бошидан ҳам-  
масини ўзи айтиб шафқат тилади. Даиллар олдида Изиддин  
иноқнинг ҳам таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади.

– Шунқорбекни Болабой била Жангиртек қароқ-  
чиларға тобшуриб, қайға йитурдинғиз, Иноқ?! – сўради  
Пирмуҳаммад кўкалдош таҳдидли овозда.

– “Оқмачитқа обор” деғонмен.

– Мақсадингиз недур?

– Ул тарафларға они сўроқлаб ким борур, бул дунё  
дўзахин кўрсун, қуллиқ азобинда ўлсун дедим!

– Бунчалиқ қаттолона ўч олмоқингизга арзирлук  
сабаб борми? – сўради Кабир шайтон.

– Бор, аввалан ул ўғлумни синдеруди – валиаҳдқа  
жек<sup>1</sup> кўрсатиб боргоҳидин қувдурди. Баъдаз отаси бизни  
ёмонотлиғ қилиб, ўз аймоқимиздин аюрди, яккалади.

– Буни қайдин билдинғиз?

– Ағёр қитмирилиқин билдириб ишларми?

– Сиз билдиридинғиз.

– Барчасига Абдуборининг ғўрлиқи сабаб. Болалиқ-  
дин талтув<sup>2</sup> бўлуб ўсанлиқидин мирғазабнинг зуғумига  
чидалагон.

– Бекорларни айтурсиз, бундин беш ой бурун ҳунди  
тужжорни дўконидағи шаробхўрлиқингиздин тортиб,  
яқинда шароб кайфи била они дўконида тунағонингизни-  
да билурмиз. Афсус, мақсудингиз Шунқорбекни син-  
дурмоқ бўлғонин вақтида пайқолмадук, магарам кўнг-  
линғизда бир гараз борлиқин англағон эдук.

Изиддин иноқнинг дами ичига тушиб, кўзини ерга  
олди ва бошини эгди. Сирнинг бунчалик тез очилишига  
Абдуборининг жони ширинлик қилгани ва аҳмоқлиги  
сабаб деб ўйлаганди. Уни бу ишга аралаштирганига  
пушаймон қилаётганди. Лекин бошқа бирор у қилган  
ишни қилолмас эди: Абдуқаом тўқсобанинг уйига  
эмгин-эркин кириб, Шунқорбекни ҳовузга етаклолмас  
эди. Афтидан, хато ўзларидан ўтган, бошиданоқ  
кузатувга олинишган шекилли. Лаънати Баҳайдод! У

<sup>1</sup> Жек кўрсатмоқ – ёмон кўрсатмоқ.

<sup>2</sup> Талтув – тегманозик.

буюрган ишни қилмай “упаи дўзахий”ни икки ҳисса келтиргани нимаси?! Оқибатда балойи нафси ўзининг оёқ-қўлига фул урдирди, камига уни ҳам хароб қилди!..

Чарсиллаб тап сўқаётган одамнинг бирданига бу тариқа ўзгариши – соб бўлганлиги аломати. Пирмуҳаммад кўкалдош билдики, Иноқни бойликка ружу, манманлик ва ҳasad шу кўйга солган. Сўроқни чўзиб ўтирамай, уни олиб кетишларини буюрди. Жиноятнинг барча икир-чикирлари аниқланиб бўлинган эди. Жиноятчилар қилмишларига иқрор, яна ковлаштираверишдан нафйўқ деган фикрга келишди. Хонтахтадаги шишаларни халтачаларига жойлаб чўнтағига солди. Тун бўйи уйқи бетини кўрмаган Кабир шайтонга дам олиши учун рухсат берди. Ўзи Музаффарнинг ҳузурига кириб, қилинган ишлар ва аниқланган далилларни баён қилгач, бошлишиб боргоҳи олийга йўл олишди.

– Бундоқ заҳар мавжудлиқидин доруламорада неча киши хабардор? – сўради амир тергов натижаларини диққат билан эшитгач. – Олар бисёрми?

– Муни ҳатто миргазабларни билуриға-да имкон бермадук, аъло ҳазрат, – жавоб берди Пирмуҳаммад кўкалдош. – Суиқасдчиларни ўзларидин бўлак Кабир шайтон била мен билурмиз. Кабир шайтон – оғзиға берк, ишончлик одам. Болабой била Жангир қароқчилар бундин қанчалиқ хабардорлиқин билмасмиз. Фикри ожизимча, бул сирни Иноқ оларға-да очмағондур.

– Бул эки қароқчи қайда бўлса топулиб, жойида ўлтурилсун. Ҳибсдағиларни уч қулоч ўра қазиб, кўмун-физким, иси чиқмасун.

– Сўзлашға ижозат беринг, қиблагоҳ! – Музаффар ўрнидан туриб таъзимга эгилди.

Очилмаган “упаи дўзахий” шишасини айлантириб кўриб ўтирган амир Насрулло унга ажабсиниб қаради, лекин гапиришига изн берди.

– Гуноҳкорларни тириклайн кўмдурсак, ўлмоқи осонлашур, қилмишларига муносиб азоб тортмаслар. Ижозати олий берилса, оларни бошқачароқ ўлтурсак қандоқ бўлур?

— Қандоқ?!

— Ҳиндуни сиз айтқондоқ күмсунлар. Абдубори қилмишиға мувофиқ жазоланса, яңиким, құлунғиздағи оғуни ўзига ишлатулса. Бу била заҳар Шунқорбекни не ҳолға солғонин билиб олурмиз, ҳам ул мағынан қилмишиға ярашасун олур. Тирилғоч, Иноққа дуhab қилинса, улда Тұқсона ҳазратлари тортқон аламдин тотинур. Сүғун тайинланғон жазо берилса, қиблагоҳ!

— Хұб дедунг, фикринг бизға маъқул. Буни-да, Құкалдош әкинғиз итмолиға еткүрунг.

Амирнинг қароқчиларни йўқотиш ҳақидаги фармо-йишиға биноан Пирмуҳаммад кўкалдош Кабир шайтонни қақиририб, Изиддин иноқни яна бир бор сўроқ қилишди. Бу гал Болабой билан Жангирнинг манзиллари, сийратлари, хулқ-автор ва кийинишлари, Бухорога қачон қайтишлари мумкинлигини сўрашди. Жавоблардан қароқчиларнинг қиёфаларини аниқлаб олишди. Манзилларини Иноқ ҳам билмади. Бухорога камида бир ярим ойдан сўнг Кармана йўлидан қайтишлари, Лабиҳовуз яқинидаги чойхоналардан бирига кўнишларини айтди. Буёғи маълум — кетишлирида қанчалик оғир бўлишиға қарамай қисқа ва кимсасиз жойлардан юришга — катта қумни кесиб ўтишга мажбур бўлишган. Қайтишлирида ўлсалар ҳам дўзах олови — қум барҳанларига киришмас. Айланиш бўлса-да, чўл ва даштлардан Нуротага ва ундан Кармана орқали Бухорога қайтишади. Шаҳарга яқинлашавергач, қаердадир Иноқнинг қўлга олиниб жазога тортилганини эшитиб қолишлари мумкин. Унда йўлни чап олишиб Бухорога узоқ вақтларгача, балки бутунлай келмай қўйишиди. Бу ҳолда уларни қўлга олиш қийин кечади, эҳтимол бутунлай иложи бўлмай қолар. Ер юзи кенг, туллак қашқирнинг қайси унгурда пусиб ётганини ким билади. Бунинг олдини ололса — Кабир шайтон олади. Шундайм Карманага борибина. Иноқнинг овозаси ундан нариларга ўтавермаса керак. Пирмуҳаммад кўкалдош керагича одам ва маблаг билан таъминлаб, бу ишни Кабир шайтонга юклашни кўнглига тугди.

Шу куни ёк “упаи дўзахий”ни бир киши зўрға ўтириб туроладиган тор бир хонага сепиб, Абдуборини оёқяланг қамаб қўйишиди. Истаса-истамаса тик туришга ёки булланиб заҳар устига ўтиришга мажбур. Ерга нима сепилганини билмасди. Оёқ остини умуман кўриб бўлмасди. Икки-уч дақиқалардаёқ оёғининг таги қичимсиб, томирларидан тепага қандайдир ҳовур кўтарила бошлаганини сезди. Назаридан оёғи остидаги ер музлаёттандай. Томирларидан кўтарилаётган ҳовур – совуқ оқим кўксига етгач, аъзойи бадани қақшаб оғришга тушди. У ёқ-бу ёққа юришининг имкони йўқ. Этилиб оёқлари тагига қаради. Қоронғида кўзлари бирор нарсани илғамади. Чидаб яна беш-олти дақиқа турди. Кейин аста-секин ингради. Оғриқ миясига чиқиб исканжага олавергач, бор овозида бўкира бошлади. Шундан кейин Пирмуҳаммад кўкалдош уни бошқа хонага олдиртириди. Икки соатлар тўлғаниб, инграб ётгач, хушини йўқотди. Эртасига хуфтондагина ўзига кела бошлади. Тонгга бориб тамом бошқа одамга, тўғрироғи, на одамга ва на маймунга ўхшамайдиган бир маҳлуққа айланиб “тирилди”: на саволга жавоб беролади ва на гапга тушунади. Ейиш-ичишни ҳам унугтан, ўтмишини ва ўзлигини мутлақо билмайди. Аввал амаллаб сув ичиришиди, овқатланишга ҳам шундай ўргатишди. Бир ҳафтадан кейингина “нон”, “сув” деб айтоладиган бўлди. Бироқ на ота-онаси ва на ўз исмини эслолди. Тўртинчи куни уни отасига кўрсатишиди...

Изиддин иноқни қўли орқасига боғланган ҳолда ҳайдаб келишиди. Нарироқданоқ ўғлига кўзи тушиб юраги шувиллади. Кийими Абдубориники, афт-ангори сира ўхшамасди: сариққа мойил юзлари қоровтган, кўзлари ўликникидек совуқ ва лоқайд боқади, жуссаси кичрайиб қолгандай. Ўзи билан ўзи бўлиб, меровсиб қоқ ерда ёлғиз, афтодаҳол ўтиради. У рўпарасига келиб тўхтаган отасини кўрса ҳам ўтиришини бузмади.

– Абдубори! – деди Иноқ гувраниб. – Нечун индамассен, сас чиформасеен, Абдубори?!

Абдубори умрида биринчи марта күраётгандай бакрайиб қараб отасини танимади. Гапиришни эса билмасди. Кийимидан тусмоллагани бўлмаса, отаси ҳам уни ўғлига ўхшатолмади. Нима бўлганини дафъатан пайқаб қолди ва кўзлари косасидан чиққудай чақчайиб кетди:

— О-Оҳ!! — деди наъра тортиб. — Лаънат сенга, Баҳайдод!!!

У ўзини тутолмай ёнбошлаброқ қулаб тушди. Боши заранг ерга қаттиқ урилиб ҳушини йўқотди. Баҳайдод соҳибни нега лаънатлаганини бирор билолмади. “Упаи дўзахий”ни топиб Бухорога келтиргани учунми? Уни бу ишга ёрги тортиб ўзи унданаган эди. Буюртирилганини келтиравермай, ёнига яна бирини қўшиб келгани учунми? Шунча йўлга заҳмат тортиб боргач, балойи нафс қўйсинми уни? Нима бўлганида қососли дунё бу! Қылмиши жуда тез ва ортиғи билан қайтди ўзига...

Эртасига соч-соқоллари қордай оқарган Изиддин иноқни тириклийн кўмишга ҳозирлик кўрилаётганида арк олдидағи майдонга ҳар тарафдан тўп-тўп бўлиб, хитой-қипчоқларнинг суворийлари кириб кела бошлишди. Арқдагилар буни исёнмикан, дея хавотирланиб қолишли. Юзлари тунд кўринаётганига қарамай, суворийларда қамчидан бошқа курол йўқдигини кўриб тинчланишди. Исён кўтаргандар бундай юришмайди. Изиддин иноқнинг қылмиши хитой-қипчоқларнинг ҳам ғазабини қайнатиб юборганди. Уруғ бекларининг маслаҳатига кўра, Иноқни ўзлари жазолаш мақсадида тўпланиб келишганди.

Олтмиш-етмиш суворий йифилгач, ораларидан уч киши отдан тушиб, амир Насруллонинг боргоҳига йўл олди. Амир уларни қабул қилиб, тўпланиб келишдан кўзланган мақсадларини сўради.

— Давланпаноҳ! — деди кексароқ бирори таъзимга эгилиб. — Боргоҳи олийға келмоқимиздин ғараз Иноқни жазолашни ўзимизга ҳавола қилмоқинизни тиламоқдур. Ул малъун қиблагоҳимизни қутлуғ назарлариға илинғон ёш бир уруғдошимизни хароб этиб, бизни юзимизга туфлағонтек бўлди. Сояи давлатингизда иззат топқан Абдуқаюм тўқсобани-да абгор қилди. Оларни биз

бошимизға күттарур әдүк. Шул важадин хитой-қипчоқ улусини акобирлари бизни ҳузури ҳумоюнға вакил этиб жүнатди. Ҳукминғизға мунтазирмиз, айлоҳазрат!

— Иноқни не усул била жазоламоқ бўлурсиз? — қизиқиб сўради амир.

— Они улоқ ўрнида чопурмизки, бул аъмолимиз ушмундоқ залил кори бадларни хаёл қилгувчиларга минбаъд ибрат бўлсун.

Амир Насрулло одам ўлдиришнинг барча усуллари-дан — осиш, чопиш, бўғишилардан ташқари, баланд миноралардан иргитиш, асов отларга судратиш, қопга солиб чукур сувларга чўқтириш каби турларидан шафқатсизлик билан фойдаланган. Аммо айборни улоқ ўрнида кўпкарига ташлаттирмаганди. Бу усулдаги “жазо” уни қизиқтириб қўйди: монеликсиз рухсатдан ташқари “кўпкари”нинг вақти ва ўрнини ҳам белгилаб берди. “Тамошо”га пешиндан сўнг шаҳарнинг кунчиқар тарафидаги майдонга аркони давлат билан ўзи ҳам чиқиш истагини билдириди. Жарчилар кўчаларда, бозор ва маҳаллаларда одамларни кўпкарига чорлаб жар сола бошлиди:

— Ҳалойик! Эшутмадим деманглар! Амиралмўми-нин хитой-қипчоқ акобирларининг талабига биноан кунчиқар майдонида кўбакри ўтказурға фармони олий бердилар. Улоқ ўрнида малъун Изиддин иноқнинг мурдор танасин чопурла-а-ар! Ҳо-о-о-йй, ҳалойик! Пешин намозидин сўғун кўбакариғо шошилу-у-унг!

\* \* \*

Кўпкари, аслида, Туркистон халқларининг оммавий ва севимли ўйинларидан бири сифатида майдонга келган. Хитой-қипчоқ бийлари билиб-билмай ғазаб устида уни шафқатсиз жазо турига айлантириб қўйдилар. Тўғри, илгарилари ҳам қайси бир чавандоз қилган гирромликлари учун ўртага олиниб, тақимга босилган пайтлар бўлган. Лекин асло ўлдириб юбориш, гайри-инсоний жазолаш мақсадида қўл уришмаган бунга. Шунчаки, ўша гирромнинг кўзини очиб қўйиш

учун шундай қилишган. Нима камёб бўлса, унинг ишқивози кўп бўлади. Шунданми, бу кўпкарига одам тумонат бўлиб кетди. Изиддин иноқقا тайнинланган жазо омонсиз эди, шафқатсиз ва кўрқинчли эди. Омонсиз, қўрқинчли ва қонли эди! Шунга қарамай “ўйин”да Абдуқаюм тўқсобанинг яқинлари катта куч ва ҳаракат сарфладилар. Улар ғазабда эдилар, аламда эдилар! Баъзиларгина тайсаллаб, ўзини олиб қочиброқ турди...

Кўпкари кўлга чўзилмади – ярим соатта етмаёқ Изиддин иноқнинг гавдаси отлар туёғи остида эзилиб-янчилиб, пўла бўлиб қолди. Кўзи, бурни, қулоқларининг қонга тўлган ўрни кўринарди, холос. Тишлари синиб, юзлари қонга бўялди. Энди у ер-бу ери пучайган боши, титилган-йиртилган кийимлар ичидаги айрон қуйилган мешдек бўлиб қолган иркит танасини ушлаб тортишга энг ғазабнок суворийлар ҳам жирканиб қолипиди. Буни амир ҳам сезгач, “ўйин”ни тўхтатишиди. Тунда Пирмуҳаммад кўкалдош юборган кишилар очиқ майдонда эгасиз қолган жасадни судраб бориб, бир чуқурга итнинг ўлигидай кўмишиди. Абдуборини Абдуқаюм тўқсобанинг илтимосига кўра тирик қолдиришиди. Арк майдонидаги фаррошларнинг бири супуриш-сидириш, сув сепиш каби ишларни ўргатди. Кейин келган-кетгандарга томоша бўлиб, шу майдонда қолди. Унинг ҳолига ачингандар ўз пуштикамаридан бўлган фарзандини номаъкул йўлга бошлаган Изиддин иноқни лаънатлардилар. Баҳолиқудрат беш-тўрт чақа садака бериб ҳам кетишарди...

Кўпкарининг эртасидан бошлаб маҳсус савдо карвони тузилиб, Оқмачит билан Туркистонга жўнатилди. Асосий вазифалари Шунқорбекни қидириш ва топиб Бухорога келтириш эди. Абдуқаюм тўқсоба ҳаммадан кўпроқ жон куйдиришини билганидан, улар сафига Шунқорбекнинг акасидай бўлиб қолган Бахшуллани кўшди. Карвон жўнаб кетгач, орадан бир ойга яқин Фурсатни ўтказиб, уч кишилик хуфиялар гуруҳи билан Кабир шайтон Карманага йўл олди. Бу ерда бир ҳафтадан ортиқ карвонсарой, бозор, чойхона ва масжидларни

кузатиб юришди. Қидираётган одамларидан дарак бўлмади. Иккинчи ҳафтанинг ўрталарида, кечқурун карвонсаройга иккита қора отли йўловчи кириб келди. Кабир шайтон бир қаращаёқ ўзлари кутаётган қароқчиларни таниди. Жойлашган ҳужраларини аниқлаб, шерикларини огоҳлантириди ва ухлашга ётишди. Уйқунинг энг ширин пайтида улардан бирини тинчтиб, иккинчисини тириклайн қўлга олмоқчи бўлишди. Ундан Шунқорбекни қаерда қолдирганликларини билиб олмоқчи эдилар.

Янги келганлар жуда ҳориган эдилар. Аzonлаб яна йўлга тушишлари лозим. Тезгина овқатланиб, улар ҳам ўринларига чўзишлишди ва уйқуга кетишди. Тонгга яқин Болабой безовталаниб уйғониб кетди. Қайта ухламоқчи бўлиб уринди-ю, сира ухлолмади. Ноилож ўрнидан туриб кийинди. Негадир кўрпаси қатига яширилган ҳамёнларни ҳам олди. Шарпасиз ташқарига чиқиб керишди ва шошилмай отлари томон борди. Уларни қашиб, сағрисига енгил-енгил шапатилади. Қоровулга учрашиб ем пули ва карвонсарой мутасаддисининг ҳақларини берган пайтда бўзарив тонг сиза бошлади. Қоровулга:

— Йўлға эртароқ тушурмиз, — деди ва ортига қайтиб отларини эгарлади.

Жангирни уйғотмоқчи бўлиб ҳужрага қайтаётганида эшик ёнида турган одам қорасига қўзи тушди. Жуссаси шеригиникига ўҳшамаслигини дарҳол пайқади ва ўзини орқароққа — панага олди. Худди шу дамда ичкаридан бирор эшикка яқин келиб:

— Бирисин тинчитдук, ҳамроҳи йўқ! — деди паст овозда.

— Сас чиформай ичкарида кутунг, — деди униси. — Ёзилғони чиқғондур, дам ўтмай келур. Они тириклайн тутунғиз!

Ташқарида турган киши Кабир шайтон эди. У шошганича ўз ҳужралари томон кетди. Болабой Изиддин иноқнинг фош қилингани-ю, ўзларининг изларига тушишганини пайқади. Шарпасиз ортига қайтиб, тезгина икки отни ҳам ечиб бир-бирига матади. Бирига чаққонлик билан миниб ҳовлидан чиққач, ҳар иккаласига устма-уст

қамчи чатди. Жангирга энди отнинг кераги йўқлиги унга маълум бўлган эди.

... Орадан уч ой ўтгач, Оқмачит билан Туркистонга юборилган карвон қайтди. Ораларида Шунқорбек йўқ эди. Уни излаб Бахшулла қылган барча ҳаракатлар самарасиз кетди. Буни эшишиб Абдуқаюм тўқсобанинг юраги қаттиқ ларзон еди-ю, лекин умидсизланмади. Қишик яқинлашиб қолган эди. Насиб қиласа, кунлар юришиши билан уни қидиришни дилига туғиб кўйди. Ўлмаган қулнинг бир кун бўлмаса-бир кун дараги чиқур. Бирор бўлмаса бирор унинг борлигидан хабар берур. Инишоолло шундай бўлур!

*2004 – 2005 йиллар,  
Учқун.*

СЕМЕЙСТВО

*Адабий-бадиий нашр*

## **СОЙИМ ИСҲОҚ**

**ҚАБРДАН ЧИҚҚАН ҚУЛ**

Тарихий-саргузашт роман

*Биринчи китоб*

*Муҳаррир Илҳом Зойир*

*Мусаввир Асимхон Васихонов*

*Бадиий муҳаррир Рустам Зуфаров*

*Техник муҳаррир Татъяна Смирнова*

*Мусаҳҳилар Фотима Ортиқова, Доно Тўйчиева*

*Компьютерда саҳифаловчи Зилола Маннолова*

Босишга 23.01.07 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 9,66 шартли босма тобоқ.  
11,0 нашр тобоғи. Жами 500 нусха. 36 рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100128. Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.